



# Ёшлар

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

ОЙЛИК  
АДАБИЙ-  
БАДИИЙ,  
ИЖТИМОЙ-  
СИЕСИЙ  
ЖУРНАЛ

Бош редактор:

Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:

Санд АҲМАД,

Эркин АЪЗАМОВ,

Баҳодир ЖАЛОЛОВ,

Гулчеҳра ЖУРАЕВА,

Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,

Олимжон ИСМОИЛОВ,

Фёдор КАМОЛОВ,

Муроджон МАНСУРОВ

(бош редактор ўринбосари),

Омон МАТЖОН,

Хайриддин СУЛТОНОВ

(масъул секретарь),

Худойберди ТУХТАБОЕВ,

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,

Улмамбет ХУЖАНАЗАРОВ,

Уризе ЭДЕМОВА,

Ўткир ҲОШИМОВ.



(18)  
1983  
ЙИЛ,  
ИЮНЬ

ТОШКЕНТ  
Ўзбекистон ЛКСМ  
Марказий Комитетининг  
«Ёш гвардия» нашриёти

# МУНДАРИЖА

## САРВАР АЗИМОВНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

Одил ЕҚУБОВ. Серқирра истеъдод.	4
Абдулла ОРИПОВ. Жозиба.	5
Сарвар АЗИМОВ. Ижодкор — граждон.	6

## НАСР

Учқун НАЗАРОВ. Соҳил. Кичик қисса.	9
Ашуралӣ ЖҲРАЕВ. Қўзмунчоқ. Ҳикоя.	21
Сухроб МУҲАМЕДОВ. Бўсаға. Кичик қисса.	36

## НАЗМ

Рауф ПАРФИ	25
Ойдин ҲОЖИЕВА	27
Тўра МИРЗО	34
Қадам САИДМУРОДОВ	61
Матлуба ҲАМРОЕВА	72

## ПУШКИНХОНЛИК

А. С. ПУШКИН. Янги таржималар	20
-------------------------------	----

## ҚАЛДИРҒОЧ

Олимжон БҲРИЕВ. Аёлға муҳаббат. Шеър	60
Ҳайрулла ҚОСИМОВ. Илтижо. Шеър.	60

## АДАБИЙ ДҲСТЛИК—АБАДИЙ ДҲСТЛИК

Аҳмад ҚҲРБОННАФАСОВ. Шеърлар.	49
-------------------------------	----

## БОЙЧЕЧАК

Ёқут АКРАМОВА. Ажиб оҳанглар. Ҳикоя.	50
Турсунбой АДАШБОВ. Адолатли қози. Эртақ.	53

## ПУБЛИЦИСТИКА

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ. Она юртинг омон бўлса	65
---	----

## ДҲСТЛИК ЧАМАНЗОРИ

Рафиқ ТҲРСУНОВ. Биз — Ўзбекистонданмиз.	73
---	----

## МУҲОКАМА, МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА

Иброҳим СОДИҚОВ. Яқдиллик йўқолганда	55
Нафиса ЗОҲИДОВА. Ешлар театри қандай бўлиши керак?	58

## ИЖОДИЙ ПОРТРЕТ

Матёқуб ҚҲШЖОНОВ. Эътиқод	62
---------------------------	----

## НАФОСАТ ЧАМАНИ

Н. ЗИГАНШИНА, М. СОДИҚОВ. Ижод ва бурч.	32
---	----

## ЕШЛИКНИНГ АҚЛ ТИШИ

Восит АҲМАД. Виждон енгилди. Ҳажвия	77
Абдуғани АБДУВАЛИЕВ. Классик бўлолмадим	78

## Ўзбекистон ССР Ёзувчилар

союзи правленийсинини

биринчи секретари,

атоқли адиб

Сарвар АЗИМОВ 60 ёшда

Умумиттифоқ совет адабиётининг аж-  
ралмас қисми бўлган ўзбек совет адабиё-  
ти янги жамият адабиётидир. Бутун фао-  
лияти халққа, меҳнаткашларнинг рево-  
люцион ғайратига чуқур ишонч билан  
тўлган. Коммунистик партия бошчилиги-  
да марксизм-ленинизм идеологияси билан  
қуролланган бу адабиётнинг коммуни-  
стик жамият қураётган совет халқи ман-  
фаатидан бошқа манфаати йўқ, бўлган  
ҳам эмас, бўлиши ҳам мумкин эмас.

С. Абдуллаев  
(Сарвар Азимов)

## МУҚОВАДА

Б. МИЗРОХИН. Бахтиёр болалик.  
А. КУДРЯШОВ. Тошкент. Студентлар  
шаҳарчаси.





Одил ЁҚУБОВ

# СЕРҚИРРА ИСТЕЪДОД

лари хотираларида тез-тез учраб турадиган ҳикоялардан бири:

«Тун ярмидан ошган. Маст уйқуда эканман. Тўсатдан телефон жиринглаб қолди. Эисам қотиб, ўрнимдан турдим. «Қайси тентак экан бу, сахармардонда кишининг ҳаловатини бузиб юрган!», деб трубкани олдим. Фадеевнинг сал бўғиқ, ҳаяжонли овози:

— Уйқунгни бузганим учун кечир, Слава. Аммо телефон қилмай иложим бўлмади.

— Тинчликми ўзи!

— Тинчлик. Ҳозиргина қўлёзмани ўқиб тугатдим, тугатдим қувончимни ичимга сиғдирибмай телефон қиялман. Яхши асар бўпти. Камчиликлари, майда-чуйда нуқсонлари ҳам бор-у, аммо асосан — маъқул. Адабиётимизда воқеа бўладиган асар ёзибсан. Табриклайман. Энди ухлайвер, дўстим, қолган гапни эртага гаплашамиз!..

Мен ташаккур айтишга ҳам улгурмай қолдим. Трубкада гув-гув овоз. Уйқу қаёқда! Қувончдан юрагим ўйнаб, тонг отгунча юриб чиқдим...»

Раҳбар учун, хусусан, ижодий ташкилот раҳбари учун зарур бўлган бу ноёб фазилатни мен Сарвар Олимжоновичда ҳам кўп кўраман:

«Сарвар Олимжонович ўқиб чиқдилар», «Раисимиз яхши маслаҳатлар бердилар», «Сарвар Олимжоновичнинг фикрини олиб, қайта ишляпман!» — бу гапларни ёзувчиларимиздан, айниқса, ёш ёзувчиларимиздан кўп эшитаман; у кишининг иш кабинетига ташвишли чеҳра билан кириб, кулиб чиққан одамларни кўп кўраман.

Сарвар Азимов союзимизга илк бор 1955 йили раҳбар бўлиб келган эдилар. Қаранг, энди ўйлаб қарасам, ўшанда бор-йўғи 32 яшар йигит эканлар! Лекин сочига ҳали оқ ораламаган бу ёш, хушқад, хушчеҳра, айни замонда, босиқ, вазмин одам союзимиз остонасини ҳатлаб ўтиши билан, ижодий ташкилотимиз ишида жуда катта жонланиш бошланди.

Ёдимда бор: 1959 йили Москвада Узбек адабиёти декадаси бўлиши керак эди. Сарвар Олимжонович союзимиз даргоҳига келиши биланоқ, декадага тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Ёзувчиларнинг ижодий режаларни аниқланди, шунга қараб, уларга Москва, Қрим, Тошкент ижод уйларига йўлланмалар олиб берилди, идораларда ишлайдиган адиблар 3—4 ойлик ижодий отпускаи билан таъминланди, кўпларга моддий ёрдам уюштирилди. Сал ўтмасданоқ, бу улкан ташкилий ва ижодий иш сахий мева туга бошлади. Эллигинчи йилларнинг охирида адабиётимизда пайдо бўлган кўп салмоқли асарлар ана шу савоб ишнинг бебаҳо ҳосилдир.

Энди Сарвар Азимовнинг ижоди ҳақида икки оғиз сўз.

Одатда, биз ёзувчи Сарвар Азимов деганимизда, негадир у кишининг илмий фаолияти, фан доктори экани, устоз шоиримиз Ҳамид Олимжон ҳақидаги энг тиниқ ва энг самимий китоб Сарвар Олимжонович қаламига мансуб экани, ёзувчилик истеъдоди билан йўғрилган ўнлаб мақола ва монография яратгани ёдимиздан чиқади. Ҳолбуки, азиз юбиларимизнинг бу соҳада қилган ишлари ҳақида бутун бир китоб ёзса арзийди. Лекин шахсан мен бу тўғрида ўйлаганимда атоқли ёзувчиларимиздан бирининг афоризмга айланган ушбу сўзлари ёдимга тушади: «Ёзувчи борки, адабиётга ёниб кириб, ёниб ижод қилади, ёзувчи борки, тутаб кириб, тутаб ўтиб кетади!»

«Қонли сароб» пьесаси мавзу жиҳатидангина эмас (унда ватанга хиёнат қилиб, хорижий элларда хор узор юрган ватанфурўшлар қисмати акс эттирилган), чуқур фожиавий оҳанги, драматик коллизиянинг шафқатсиз кескинлиги, ўткир публицистик руҳи билан ҳам адабиётимизда катта янгилик, катта воқеа бўлди.

Ёзувчи маҳорати шундаки, у ҳатто ватанфурўшлар қисматини қаламга олганида ҳам, ҳаётий ҳодисаларнинг диалектик бирлигини эсдан чиқармаган, турмуш зиддиятларини бутун мураккаблиги билан очиб беришни бош мақсад қилиб олган. Шў боисдан ҳам «Қонли сароб»да она

С

оюзимиз раҳбари, улкан адиб Сарвар Олимжонович Азимов тўғрисида, унинг серқирра ижоди, давлат арбоби сифатида қилган ва бажараётган ишлари ҳақида ўйлар эканман, ҳар гал Александр Фадеев ёдимга тушади.

Маълумки, Алексей Максимович Горькийнинг ёш сафдоши бўлган Александр Александрович Фадеев СССР Ёзувчилар союзига кўп йиллар раҳбарлик қилган. Ҳеч кимга сир эмас: ижод аҳли, умуман, истеъдодли кишиларнинг кўнгли нозик, ўзлари гоҳо инжиқ бўладилар. Демак, улар билан ишлаш, ижодга, улкан асарларга рағбатлантириш ҳам осон бўлмайди. Улкан истеъдодларнинг бошларини қовуштириб, уларни ижодий камолот сари чорлай олган Александр Фадеевнинг ташкилотчилик қобилияти, меҳрибонлиги, талабчанлиги, қилган яхшиликлари ҳақида кўп китоблар битилган, дўстлари ва сафдошларининг нур билан йўғрилган кўплаб эсдаликлари қолган. Бу эсдаликлар орасида бир ривоят мени айниқса кўп ҳаяжонга солади. Мана, унинг дўстлари ва сафдош-

юртига хиёнат қилган ашаддий сотқинлар билан бирга, адашганлар — душман ташвиқига учиб, мусофирлик фожиясини бошдан кечираётган инсофли одамлар қисмати ёнма-ён қўйилганки, бу нарса драмага жуда катта ҳаётийлик бағишлаган. Худди шу фикрни Сарвар Азимовнинг «Замон драмаси» асари тўғрисида ҳам, «Юлдузлар жамоли» пьесаси ва «Блокнотдан саҳифа» киносценарийси тўғрисида ҳам, ҳатто чуқур лирик ҳислар билан йўғрилган «Камалак», «Кўзлари чўлпон» ва «Оппозитонг қўшиғи» каби қиссалари ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Сарвар Азимов асарларининг — хоҳ унинг прозаси бўлсин, хоҳ драматургияси, хоҳ ўткир, оташанафас публицистикаси бўлсин, — ўзига хос томони шундаки, улар бошқа ҳеч бир ёзувчининг асарига ўхшамайди. Бу асарлар фақат Сарвар Азимов қаламига мансуб эканлиги биринчи жум-

ла, биринчи сатрларданоқ билиниб туради. Сарвар Азимов ўз мавзунини топиб, ўз тили ва ўз услубини ярата олган ёзувчиларданки, бу ҳам ҳар бир истеъдодли адиб орзу қиладиган ноёб фазилатдир.

Сарвар Азимов сал кам ўн беш йил партия ва давлатизмининг муҳим топшириғини бажариб, Ливан ва Покистон Ислон республикасида СССРнинг муҳтор элчиси бўлиб турганидан кейин, мана, яна Союзимиз даргоҳига қайтиб келди. Келиши билан, назаримда, эллигинчи йилларнинг ўртасидаги руҳ — ишчанлик, талабчанлик, адабиётимиз равақига қаратилган улкан жонқуярлик руҳи ҳукм сура бошлади.

Улкан адибимиз ва ғамхўр раҳбаримиз Сарвар Азимов олтимышга тўлган шу қутлуғ онларда биз унга бундан ҳам катта ижодий парвозлар, сиҳат-саломатлик, омад тилаймиз!

Абдулла ОРИПОВ

# ЖОЗИБА



Айтиш мумкинки, тарих биз каби ижодий авлод вакилларига гоҳат катта илтифот кўргазди. Бу илтифотнинг мазмунини, менинг назаримда, бундай ифодалаш мумкин:

Доимо йилт этиб, шуъладек пайдо бўлган кимки бор — ширин сўзга, меҳрибон, бағри кенг устозга муҳтож бўлиб келган. Бундай бахт насиб этмаганлар эса, баъзан ўз иқтидорларини англамасдан туриб, «офиллигича дунёдан ўтиб кетган. Баъзи иродаси занфлари эса тарих тақозосини тақдир дея тушуниб, ўз даражаларини унутганлари ҳолда, илоҳий жойларга бошларини урганча, ушбу сўзларни деганлар, яъни:

Раҳм қил, давлатли сунтоним, мурувват чоғидир.

Кўнгли ҳаммаша кенг халқимиз ўз инсоний анъаналарини унутмади. Ленинча замонамизда эса мураббий деган тушунча ҳам янгилаш тус олди. Бугунги авлод етакчи устоз адиблар борлигидан чексиз фахрланадилар. Чунки устозларимиз нафақат ижодда, балки ҳаёт жараёнларида ҳам ёшларга меҳр оқибат кўргазиб, ибрат бўлиб келмоқдалар. Улар бизга қадрдон адабиётимиз аҳолисини қалбдан тушунишни муттасил ўқитмоқдалар. Дарҳақиқат, эгасиз қолса, асрий кўрғонлар ҳам бузилади. Янги бир кўрғон барло этиш эса ҳазилакам иш эмаслигини тағин ўша устозлар айтмоқдалар. Мен шу ўринда, катта журъат билан, улкан адибимиз Сарвар Азимов ҳақида сўз юритмоқчиман.

Эсимда, бундан анча муқаддам Ўзбекистон ёзувчиларининг кейинги съезди пайти Сарвар ака делегат сифатида, кўпчилик қатори залда ўтирган эдилар. Биз эса ҳайъатда туриб, Сарвар акани, яъни каттақон ёзувчимиз, улў Совет мамлакатимизнинг донгдор дипломатини ғалати бир қизиқиш билан кузатиб турардик. Съездда биз бирин-кетин нутқлар сўзладик. Хуллас, хотима шу бўлдики, Сарвар Азимов Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи раҳбарлиги раислигига бир овоздан сайланди. Биз албатта, Сарвар акани яхши билардик: яъни Сарвар Азимов улў акаси Ҳамид Олимжондан анча кейин бўлса-да, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи раҳбарлик қилган. Биз Сарвар Азимовнинг раислик йилларида донгдор салафлари анъаналарини давом эттириб келган савобли ишлари ҳақида ҳам,

давлат арбоби сифатида республикамиз зиёлиларига кўрсатган ғамхўрликлари ҳақида ҳам кўндан-кўн яхши гапларнинг гувоҳи эдик. Бошимизни ҳаммаша силаб турган мураббийларимизнинг ҳурматини бир нафас ҳам унутман ҳолда, янги раҳбаримизни қувонч билан қарши олдик. Сарвар Азимов биз учун бу ўринда нафақат ташкилотчи раҳбар эди. Сарвар Азимов — улкан олим, адабиётимизнинг зукко билимдон, айниқса, шеърятни гоҳат теран тушуниб, дилдан ҳис қилувчи тадиқотчи сифатида ҳам катта шахс эди. Ҳамид Олимжон абадияти деган шоирона иборани бизнинг онгимизга сингдирган ҳам Сарвар ака эди. Алқисса, Сарвар Азимов поэтик услубни ўзбек прозаси ва драматургиясида гоҳат катта жасорат билан қўллаган катта санъаткор. Неча-неча қиссалар, бизнинг ўй ва хаёлларимизни йироқ-йироқларга етаклаган драмаларнинг муаллифи Сарвар Азимов эканлигини ким билмайди! Сарвар ака билан съезд залида учрашганимизда, у кишини союзимиз раҳбари сифатида қутлаганимизда, барчамизнинг хаёлимиздан шу янглиғ эзгу ўйлар кечган.

Сарвар аканинг адиб ва арбоб сифатидаги ўктам фазилатлари ўзбек ёзувчилари орасида азалдан маълум. Сир эмас, ёзувчи зотиға бир қадар ижиқлик хосдир. Уларнинг мана шундай азалий «фазилатларини» ҳисобга олиб, бошларини меҳр билан силаш, кези келганда кечиримлик билан тергаб туриш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун, менинг назаримда, энг аввало инсоний меҳр ва ижодий қудрат керак. Модомики, бугунги кунда Ёзувчилар союзи атрофида гуркираган ижодий меҳнат мавжуд экан, бу ўринда партияимиз иродасини зукноклик билан амалга ошираётган раҳбар ҳам адиб Сарвар Азимовнинг шахс ва ижодкор сифатидаги жозибаси муҳим роль ўйнайди. Мен бу жозибани Шароф Рашидов ва Георгий Марков каби катта адиблар мактабига хос деб биламан.

Биз қадрли Сарвар акани қутлуғ 60 йиллик тўйлари билан муборакбод этарканмиз, қўлимизни кўксимизга қўйиб деймиз: Муҳтарам Сарвар ака! Тарихнинг беқиёс йўлларидадан ошиб келаётган адабий авлодлар Сиз каби танти зотларга ҳаммаша муҳтож бўлганлар. Сиз каби зотлар кўпчилигининг бахтиға доимо омон бўлсинлар!



САРВАР  
АЗИМОВ

## ИЖОДКОР — ГРАЖДАН

*Санъаткор ўз даврининг илғор ғоялари билан қанчалик кучли боғланган бўлса, ҳаётни шунчалик теран тасвирлаш имкониятига эга бўлади, фақат илғор ғоя билан мукаммал шакл уйғун бўлгандагина, санъат асари юксак бадиий моҳият касб этади. Чунки фақат ҳаёт чашмасидан олинган ғоявийлик, ҳақиқий характер, конфликт ва фикрларгина ўқувчини мафтун қила олиши мумкин.*

\* \* \*

*Жамиятимиз ривожланишининг асосий тенденциялари совет адабиётининг нафосини белгилайди.*

\* \* \*

*Владимир Ильич Ленин ҳамisha адабиётга партия ва давлат томонидан раҳбарлик қилинишини шарт ва зарур деб ҳисобларди. Бироқ у ҳар қандай бюрократларча қўмондонликка қарши эди. Бунинг устига, ҳеч қачон адабиёт ва санъатга ўз шахсий дидини ўтказишга интилмасди.*

\* \* \*

*Бизнинг адабиётимиз ва шеърятимиз халқ ҳаётида доимо улкан ва тобора ортиб борувчи аҳамият касб этиб келган, ҳозир ҳам шундай, келажакда ҳам шундай бўлади. Бироқ бунинг учун ана шу вазифа юксаклигида туриш: эзгу шеърят, юксак гражданлик туйғуларига йўғрилган шеърят яратиш керак.*

\* \* \*

*Социалистик реализм асосида иш кўраётган умумиттифоқ совет адабиёти ва унинг узвий қисми бўлган ўзбек совет адабиётининг кучқудрати шундан иборатки, бу адабиёт халқнинг ўзи томонидан вужудга келтирилган чинакам халқ адабиётидир.*

\* \* \*

*Биз яхши биламизки, ҳар бир ёзувчи — совет адабиётининг мухтор вакили. Совет адиби олдида социалистик турмуш тарзини такомиллаштириш, янги инсоннинг шаклланишига тўсқинлик қилаётган ҳар бир ҳодисани таг-томири билан тугатиш борасида катта вазифалар турибди.*

\* \* \*

Одамни таниш — бениҳоя мушкул иш ва нодир хислат эмиш. Би-  
лишимча, шоир санъатининг «сири»ни англамоқ ва айниқса, санъаткор  
шоир илҳоми ҳақида ёзмоқ одам танишдан ҳам мушкул, гоятда қийин  
бурч.

\* \* \*

Менингча, ёзувчи учун муҳими — самимийлик, ҳар бир сатрда энг  
муқаддас нарса тўғрисида гапириш заруратидир... Энг муқаддас нарса  
эса ҳар бир қаламкаш юрагининг тубида бўлади, фақат уни ижодда  
намоён этаётиб, бошқа қандайдир ўй-хаёлларга чалғимаслик даркор.

\* \* \*

Ёзувчи-зоҳидни тасаввур эта олмайман. Бугунги кунда адабиётчи  
меҳнатининг ижтимоий аҳамияти мислсиздир, чунки у халққа ўз-ўзини  
англашида, маънавиятини асрашда яқиндан ёрдам кўрсатади.

\* \* \*

Энг муҳими, доимо ёдингизда бўлсинки: ёзувчилик гувоҳнома-  
си — маҳоратга ваколатнома эмас, балки сўз санъати сирларини эгал-  
лаш, ижодий камолот йўлидаги бир кичик пиллапоядир. Илгариламоқ  
керак, ўсиш, оламни ва инсонни теран англаш зарур, акс ҳолда, қўлга  
қалам олмаслик, ижоднинг сермашаққат, масъулиятли йўлига қадам  
босмаслик лозим.

\* \* \*

Қуёш нуруни эмган дарёдай уйғоқ ёш авлодимиз қанчалик соғлом,  
билимдон, заҳматкаш, асл имон бўлса, она тупроқ орзўси, халқ ва  
давлатимиз коммунистик келажаги, жаҳон тақдири, меҳнат ва ижод  
камолоти шунчалик равшан, ишончли ва мустаҳкам бўлади.

\* \* \*

Адабий танқидчилар, айниқса, ёшлар ижодига заргар кўзи билан  
қарашга тиришувлари, боғбон меҳри билан «гулқайчи»ларини ишга  
солишлари шарт. Чунки ёшларни авайлаб ўстирмаган адабиёт — ис-  
тиқболсиз адабиётдир.

\* \* \*

Бизнинг шаклан миллий, мазмунан социалистик, асосий йўналиши-  
га кўра, интернационалистик санъатимизнинг ҳаётий манфаатлари  
халқ маданий меросини марксизм-ленинизм таълимоти асосида ҳар  
томонлама теран ўрганиш ва ўзлаштиришни тақозо этади.

\* \* \*

Ўзбек халқи ўзининг узоқ тарихи давомида умуминсоният гўзал-  
лик хазиналарига муносиб ҳисса бўлиб қўшиладиган маънавий-мада-  
ний бойликлар бунёд этди.

\* \* \*

Шарқ — шоирлар диёри. Ўзбек адабиётининг минг йиллик тарихи  
ҳам, асосан ва хусусан, шеърят денгизидан (бу ҳолга адабиётнинг  
ёшлиги деб қараш хато) иборат.

\* \* \*

Бобур каби улкан санъаткорлар қолдирган рангин ва бой ижодий  
мерос — бугунги социалистик маданиятимизнинг тараққиётига хизмат  
қилади.

\* \* \*

Фақат аниқ мақсадгина аниқ ифодани яратиши мумкин. Аниқ  
мақсад бўлмаган ерда аниқ ифодага ўрин ҳам йўқ. Еки, аксинча, ифо-  
дадаги нўноқлик аниқ мақсаднинг парда остида қолиб кетишига са-



Сарвар Азимов ижоддор дўстлари даврасида.

бабчи бўлур. Бу икки нарса ўзвий муносабатда бўлгандагина ёзувчининг асари маҳорат касб этади, ёзувчининг асари ғоявий жиҳатдан ҳам, бадиий жиҳатдан ҳам юксак поғонага кўтарилади.

\* \* \*

Чин халқчил шоиргина юксак совет ватанпарварлиги ғоясини...  
ғўзал миллий шакл воситасида ифода эта олиши мумкин...

\* \* \*

...Чин реалист шоирнинг лирикасидаги «мен» — бу «биз» демакдир;  
унинг «мен»ининг заминида катта объектив ижтимоий муносабат ётади.

\* \* \*

Ёзувчи умумхалқ тилини қанчалик яхши билса, умумхалқ тилининг битмас-туганмас имкониятларидан қанчалик усталик билан фойдалана билса, унинг асари шунчалик ғўзал чиқади. Фақат умумхалқ тилини чуқур билиш билангина, ҳаёт тажрибаларини чуқур ўзлаштириш билангина ҳақиқий реалистик асар яратиш мумкин, ҳаётий ҳақиқатнинг реалистик картинасини фақат реалистик тил орқалигина кўрсатиш мумкин. Чунки реалистик тил учун кураш, бадиий асар тилининг соддалиги ва ғўзаллиги учун кураш — бу асар ғоявий мазмунининг реализми учун, бадиий асар мазмунининг соддалиги ва ғўзаллиги учун кураш демакдир.

\* \* \*

Фикрни чархлаш, тер тўкиб меҳнат қилиш, ишонч ва фидокорлик билан ҳаёт кечириш керак... Ўзбекистон ёзувчиларининг бундан кейин ҳам шу йўлдан бормоғига шак-шубҳа бўлмас деб ўйлайман.

\* \* \*

Адабиётимиз, ижодимиз янги уфқларни қучишига қодир.

Тўпловчи: Маҳмуд САЪДИЯ





УЧҚУН  
НАЗАРОВ

## СОҲИЛ



### КИЧИК ҚИССА

амхонам муолажа олгани чиқиб кетган. Бир ўзим шошилмай нарсаларимни йиғиштира бошладим. Олма, анор, апельсин, торт, яна шунга ўхшаш анча-мунча нарса ейилмай йиғилиб қолган эди, ҳамшираимиз опчиқиб кетар деб, алоҳида ажратиб қўйдим, жойимни ҳафсала билан тузатдим, аммо биламан — бунинг фойдаси йўқ, жўнашим билан санитар аёл келиб, ҳаммасини бузиб, янги ғилоф-чайшаб билан алмаштириб кетади. Чунки менинг ўрнимга дарҳол бошқа беморни ётқизишади. Бу касалхонада биронта ўрин бекор турмайди. Ҳаммасининг ҳисоби бор, аввалдан тақсимлаб қўйилади.

Мана, бугун йигирма тўрт кун бўлди бу ерга келганимга. Ҳозир тузукман. Уйқум ҳам, иштаҳам ҳам, умуман аҳволим дуруст, олдинги хунуб бўлиш, сиқилиш аломатлари деярли ариди.

Икки йил аввал ғалати бир дардга дучор бўлиб қолдим. Бундоқ олиб қараганда, соппа-соғман, аммо кечалари ухлай олмайман, сахарга боргандагина икки-уч соат мизғиган бўламан, бироқ буни соғлом уйқу деб бўлмайди. Шунчаки, азбаройи толиққанимдан кўзим илинса керак. Уйғонганимда ҳам чарчоғим аримайди, мудраб юраман, қўлим ишга бормайди. Ҳатто қизим Наргизанинг хархашаси ҳам кўнглимга сиғмайди. Яхшиям боқчаси, қолаверса, қайнонам бор — уни овутади, бошқа нарсаларга чалғитади. «Бошқоронғидирсиз, ўтиб кетади, — дейди қайнонам тасалли бериб. — Баъзи жувонлар шунча бўлади». Йўқ, унақа эмас, бу дард мактабимиздаги можаролар оқибати бўлса керак, деб ўйлайман. Эрим: «Ке, қўй, бўшайқол ишингдан, бошқа мактабдан жой топиб бераман», деди, бироқ мен кўнмадим. Шунча жанжалларга бардош бериб, унча-мунча муваффақиятга эришган бир пайтда бўшаб кетиш — чекиниш бўлмайди-ми? Рози бўлмадим. Аҳволим танг эканини мактабдагиларга ҳам сездирмадим. Қизиғи шундаки, қай ҳолатда бўлмайин, у ерга киришим билан барча дардим тарк этгандек мутлақо ўзгариб кетаман. Чунки ишимни, ўқувчиларимни яхши кўраман. Уларнинг шахс сифатида шаклланишида

Расми Г. РАҲМОНОВА чизган

менинг ҳам озми-кўпми ҳиссам бор, яхши-ёмонни фарқлашга ўргатдим, мақсад-муддаом уларнинг манфаатига қаратилганига ишонтира билдим...

Мактабимизда ўқарлиги ва мурасишлиги билан ажралиб турадиган, бировларнинг жиғига тегиб, бошқаларнинг эса ҳавасини келтирадиган математика ўқитувачиси бор — Саттор Оқилов. Педсоветларда албатта бирор масалага қарши чиқади, ўзининг мулоҳазаларини кўндаланг қилади. Фикрларини пухта ўйлаб олмайди чоғи, кўпинча гаплари аслида тўғри бўлса-да, удаллаб ўқтиролмаганидан ноҳуш таассурот уйғотиб, кўпларнинг асабига тегади, пироварди, директор уни жеркиб берганидан кейин қўл силтаб жойига ўтиради. Аммо ўзи бақувват, билимдон ўқитувчи. Унинг қўлида ўқиган ўқувчи институтга кирмай қолмайди. Шунини айтиш керакки, мактабимиз шаҳар марказида жойлашган, обрўли мактаблардан бири ҳисобланади. Чет эллардан келган меҳмонлар бизнинг мактабни кўрмай кетишмайди, байрам кунлари Ленин майдонидagi минбарга бизнинг пионерлар гулдаста олиб чиқадилар... Балки шунинг учундир, кўп ўқитувчилар — малака, тажрибаси етарлими, йўқми, қолаверса, педагогик билими, қобилияти мосми, мос эмасми — шу мактабга жойлашишга уринишади. Мактаб бўйича ўзлаштириш оқори бўлса-да, ўқувчиларнинг савияси тушиб кетаётганини Саттор бир нарсда — таниш-билишлар ёрдамида мактабга оқиб келаётган чаласавод, ношуд ўқитувчиларнинг маъжудлигида деб топди. Шу фикрни у умумий мажлисда дангал айтди; бу ҳам камдек, ўқув йили бошланишидан олдин ҳар бир ўқитувчининг қаттиқ синовдан ўтказиш лозимлигини, синовдан ўта олмаганларни (Сатторнинг фикрича, бунақалар кўпчиликини ташкил қилади) мактабдан четлатиш, уларнинг ўрнига таланти, тажрибали, ўз ишига дилдан меҳр қўйган ўқитувчиларни жалб этиш кераклигини таъкидлади.

— Бундай қарорга келишга мени мураббийлик вазифаси мажбур қилляпти, — деди у. — Келажак авлодимиз қай даражада онгли, саводли бўлиб етишади — бунинг масъулияти, жавобгарлиги бизнинг зиммамизда! Уртоқлар, аҳволимизга жиддий ва холис назар ташлайки. Ўқувчиларнинг савияси кун сайин пасайиб кетаяпти. Бу аччиқ ҳақиқатдан юз ўгириш — жиноят!

Мажлис аҳли чурқ этмади ўшанда. Аммо, бу сукут розилик аломати эмас эди. Сатторнинг «жиноят», «таниш-билиш», «синовдан ўта олмаганларни мактабдан четлатиш» деган сўзлари кўпчиликка сғир ботди, ҳатто ғазаб уйғотди.

Кейинчалик вазият шунақа тус олдики, «четлатиш» сўзи Сатторнинг ўзига нисбатан ишлатила бошланди. Умуман, ўша кезларда мактабимиз арининг уясини эслатарди. Саттор билан ҳеч ким саломлашмас, ўқитувчилар тўда-тўда бўлиб директор кабинетига киришар, ундан алланималарни талаб қилишар, қайтиб чиққанларида кўзлари мамнун чарақлар, ўқувчилар эса узук-юлуқ эшитган гапларига ўзларидан қўшимча қилиб вириллар эди.

Исканжада қолган директоримиз Сатторни мактабдан «вақтинча четлатиш» зарурлигини, ғала-ғовур бир оз тинчигунча уч-тўрт кун кўринмай туришини айтгандан кейин, унинг дарсларини бошқа ўқитувчилар олиб бора бошлади. Сатторга ўрганган, ундан мароқ билан таълим олиб келаётган ўқувчиларга бу ўзгариш малол келди. Бир кун киждир: «Иккита ўнинчи синф — «А» ва «Б» дарсга киришни истамаяпти, спортзалда йиғилишган, сизни сўрашляпти», деганида директорнинг қўлидаги кўзойнак столга тушиб кетди. «Намойиш!», деди у сапчиб туриб ва шоша-пиша кабинетдан чиқди.

Мен ўзим ўша пайтда залда бўлганим йўқ, эшитишимча, директор ўқувчилардан дарҳол ўз синфларига тарқалишни талаб қилибди. Гап кор қилмагандан кейин: «Кимнинг ёнини оляписизлар?! — дебди. — Сизлар ўн йил таълим олган муқаддас даргоҳ — мактабни ҳақоратлаган кимсанингми?! Ахир, у ноқўр нафақат мактаб маъмуриятини, аввало сизларни «чаласавод», «са-

вияси паст» деб ҳақоратлади-ку! Агар шу камситишга, ҳақоратга чидасанглар, майли, ҳамма нарса жой-жойида қолаверади... Уйлашиб кўрамиз».

Албатта, бу ҳодиса мактабимиз маъмуриятини ўйлантириб қўйган эди. Унинг устига мен ва яна учта ўқитувчи бир бўлиб директорнинг олдига кирдик. Директор бизга ҳам ўқувчиларга айтган сўзларини такрорлади:

— Кимни ёқлаяписизлар ўзи?! У ноқўр нафақат мактабни, аввало сизларни «чаласавод», «савияси паст», деб ҳақоратлади-ку! Наҳот шунга чидасангизлар!..

Тик турган тўрттала ўқитувчи бир-биримизга қараб олдик.

— Бўлмаса, мана, — дедим мен ва қўлимдаги тўртта аризани столга қўйдим. — Бизни ҳам бўшатишингизни сўраймиз...

Директоримизнинг қовоқлари осилиб кетди. У, ҳамма ўқитувчилар Сатторга қарши, деб ўйлаган бўлса керак, қийин аҳволда қолди. Негаки, бу аризаларнинг эгалари мактабнинг анг обрўли ўқитувчиларидан эди. Мен истисно, лекин учала ўқитувчининг иш стажини жамласа юз йилдан ошади. Муқаддас ола эса Ленин ордени билан ҳам тақдирланган. Бунақанги нуфузли муаллималарнинг фикрини ҳисобга олмай бўлмайди. Директоримиз буни яхши тушунарди, албатта. Бироқ, Саттор бевосита танқид қилган ўқитувчилар-чи? Ахир, улар оз эмас-ку! «Таниш-билиш» деб бежиз айтилмаган. Уларнинг ошиғи ҳеч пуққа тушмайди, қўллари ҳар ерга етади. Қолаверса, мактабда бўлган шов-шув шаҳар маориф бўлимига ҳам, министрликка ҳам муқаррар етиб боради. Битта маҳмадонга ўқитувчинини деб шунча маломат!..

— Бўлмаса... — деди директоримиз узоқ сукутдан сўнг, — сизлардан ҳам битта илтимос. — Унинг овозида мулоим тақаллүф пайдо бўлди. — Саттор Оқилов билан гаплашиб кўринглар. Менга қолса, розиман. Фақат, коллективдан узр сўрасин. Сўрамаса, ўзига жабр, мен бошқаларни кўндиролмайман.

— Айб иш қилган одам узр сўрайди, — деди Муқаддас ола совуққонлик билан. — Сатторжоннинг айби нимада? У ҳақ гапни гапирди, холос. Агар унинг мулоҳазалари амалга оширилса, ҳамма ютади: мактаб ҳам, ўқитувчилар ҳам, айниқса ўқувчилар. Ахир, мактабнинг вазифаси — саводли одамларни етказиб чиқариш-ку, шундай эмасми?

— Шундай-ку-я... — деди директоримиз ночор аҳволда қолиб. — Аммо масала анча муреккаб-да. Сизлар менинг ўрнида бўлганларингизда қандай иш тунтардиларинг — билмадим...

— «Хатога олиб борувчи йўл жуда кўп, ҳақиқатга эса биттагина йўл олиб боради», — дедим мен Жан Жак Руссонинг ҳикматли сўзларини эслатиб. — Ҳақиқатни кўзаласангиз — йўл битта. У ёғи ўзингизга ҳавола. Аризамиз стилингизда...

Биз чиқиб кетдик, директоримиз серрайганча қолаверди. Унинг аҳволи ҳақиқатдан ҳам сғир, қарама-қарши икки кучнинг ўртасида қолган, кескин чора кўришга эса ҳайқар эди...

\* \* \*

Эрим ҳар ерга қўли етадиган одам. Қурилиш министрилигида кетта бир лавозимда ишлайди. Аҳволим жиддийлашиб бораётганини кўриб, мени нуфузли шифохоналардан бирига ётқизди. Сал тузук бўлдим, лекин ҳеч қанча вақт ўтмай, яна безовта бўла бошладим. Бир кун эрим таниш докторини олиб келди. Кўрпа-ёстиқ қилиб ётган бемор эмасман, туриб чой қўйдим, дастурхон ёздим. Анчагача сўхбатлашиб ўтирганимиздан кейин доктор қайсидир шифохонада игналар билан даволайдиган бўлим борлигини айтди. Эрим эртасига ёқ мени мана шу — ҳозир чиқиб кетмоқчи бўлиб турган шифохонага келтириб қўйди. Докторлар «Асабингиз бир оз толиққан», дейишди; буни ўзим ҳам яхши биламан. Ҳар турли ванналар, уколлар, дорилар

тайинлашди, ҳаммасини қабул қилдим. Айниқса, Буларнинг «игна давоси» ҳақиқатда мўъжиза экан. Одамнинг танасида юзлаб нуқталар бўлиб, асаб толаларининг учи шу нуқталарга келиб туташар экан. Даволовчи врач нодир металлдан тайёрланган игначаларни одамнинг баданидаги тегишли нуқталарга санчиш билан ўша толаларнинг учини гўё «қитиқлар» ва шу йўсинда заифлашган асаб фаолиятини ишга солиб юборар экан. Дастлабки кезлар игна қабул қилгандан сўнг қалтираб лоҳас бўлдим, лекин бу ҳол узоқ давом этмади. Тахминан икки ҳафта ўтгач, қалтираш, ҳолсизлиш аломатлари йўқолди, ўзимни тетик сеза бошладим, вужудимга аллақандай ғайрат қўйилиб келаётганини ҳис қилдим. Уйқум ҳам маромига тушди, атроф кўзимга жозибали бўёқларда кўрина бошлади. Дарддан кутулиш туйғуси кайфиятимни янада кўтарди, кўзларимда нур, лабларимда табассум, дилимда қувонч, шу билан бирга алпанечук осойишталик қарор топгандек, аввалги дилгашликлардан зарра ҳам қолмагандек туюлди. «Туюлди» деб бежиз айтмадим. Тўғри, дилимда қувонч ва осойишталик ҳоқим, аммо орада шундай бир воқеа содир бўлдики, мен уни аниқ бир ном билан атай олмайман. Бу «дард» бир томондан дилимга шодлик олиб кирса, иккинчи томондан саросимага солади, чўчитади. Буткул ҳаёлимни қамраб олган, кутулишга чора йўқ, баъзан идрок устунлик қилиб ҳушимга қайтганимде, ўзимга ўзим ёмон кўринаман, ўзимни ўзим койгим келади. Калавам чувалиб кетган, учини топиш нақадар мушкул! Нуқул Нарғизани, эримни ўйлайман. Ҳаёлимга дадам келади...

Ҳозир май ойи. Роппа-роса саккиз йил... Институтнинг тўртинчи курсида ўқирдим, онам оғир касалга гирифтор бўлиб, ярим йил мобайнида кўрсатмаган докторимиз қолмади. Касалхонадан олиб касалхонага ётқиздик — наф чиқмади. Дадам шўрлик қариб кетди. Бир куни онам: «Тузалишимга кўзим етмаяпти, қизим,— деб қолди менга,— ягона фарзандимизсан, кўзим очиклигида тиниб-тинчиб кетганингни кўрсам...» У пайтлари йигирма бир ёшли қизман, измидан юрган йигит оз эмас, аммо биронтаси ҳам ҳаёлимни банд этмаган, бир елка эса онамнинг аҳволи борган сари чатоқлашяпти. Балки бу унинг сўнгги тилагидир, қандай рад қилиб бўлади? Лекин мен қиз боламан, ихтиёрим ўзимгагина боғлиқ эмас. «Мени ол, сенга тегмоқчиман», деб бировга айта оламанми? Тўғри, ягона фарзанд бўлганим учун ота-онам ҳамиша менинг кўнглимга қараган, эрка ўсганман. Дадам ўқимишли одам, ўқитувчи ёллаб менга музикани, инглиз тилини ўргатган. Умуман, оиламида эркин муносабатлар мавжуд эди. Масалан, ўғил болалар мени кино ё театрга таклиф қилиб келишса, бу ҳеч кимга эриш туюлмасди. Аксинча, хоҳ аям, хоҳ дадам бўлсин, мени йўқлаб келган болаларни яхши қарши олишар, дарров дастурхонга таклиф қилиб, бор-йўғини тўкиб ташлашар эди. Биз шаҳар марказида яшардик, «эркин мулоқат» фақат бизнинг оиламизгагина хос эмасди. Институтда ўқиб юрган кезларимда ҳам баъзи йигитлар очик кўнғил билан, баъзилари эса маълум мақсадни кўзлаб келишарди олар, ўзимни бефарқ тўғрироғи, ҳаммага бир хил тутар эдим. Ушандай йигитлардан биронтасига салгина майл кўрсатсам, эртасигаёқ одам кўйиши муқаррар эди, аммо бунга иззат-нафсим йўл бермасди. Бироқ, онам ўлим тўшагида ётибди, сўнгги тилагини бажо қилмаслик худбинлик, қабиҳлик бўлади. Ахир, онам бегона одамдан эмас, мендан, ўз фарзандидан жавоб кутяпти...

Бир куни дадам ишдан кеч келди, онамнинг каравоти ёнидаги стулга ўтириб, қўлини унинг пешонасига қўйди. Мен чойга қараш учун ошхонага чиқиб кетдим. Бир оздан кейин дадам чиқди, ғусса тўла кўзлари нам эди.

— Кир, аянгнинг гапи бор экан,— деди сигарет тутатиш баҳонасида кўзини яшириб.

Мен онамнинг олдига кирдим. Сарғиш, озгин юзи осуда, шифтга тикилган кўзлари сўник, нурсиз эди. Кирганимни пайқаб, мен томон бошини ўғирди ва аранг жилмайиб, кўзларимга синончан тикилди. Мен онамни

қучиб, юзимни юзига қўйдим. У қўлини зўрга қимирлатиб юзимни пайпаслади, бармоқлари кипригимда тўхтади.

— Йиллама, жон болам, кўнглимни бузма,— деди қовжираган лабларини чаккамга босиб.— Даданг яхши хабар олиб кепти.

Мен дарҳол кўз ёшимни артдим, жилмайишга уриндим.

— Эсингда борми, Камолон маҳалласида турганимизда даданг билан бирга ишлайдиган Жалол деган ўртоғи бўларди... Сенга нуқул ҳовлисидаги шотутдан олиб келарди. Сен шотутни яхши кўрардинг. Қўлларинг, шойи кўйлагинг қип-қизил шотут рангига бўяларди. Шотут доғини совун ҳам олмас эди...

— Эсимда бор, ая,— дедим қулиб.— Мен у кишини «Шотут амаки» дердим.

Онам кўлди. Кўзларига нур оралагандек бўлди.

— Ҳа-я... Эсимдан чиқибди. «Шотут амаки» дердинг. Яхши пайтлар эди. Ҳозир шотут бўлса, мен ҳам ердим...

Томоғимга ёнғоқдек нарса келиб, дамимни сизди, кўзим жижқа ёшга тўлди.

— Ҳозир йўқ-да шотут, энди тугаётган бўлса керак. Насиб қилса, пишганда ерман, зора... Шотут дори, юз дардга даво бўлади, дейишади.— Онам жимиб қолди. Айтмоқчи бўлган гапига қай йўсинда ўтишни ўйларди чоғи.— Қизим, сен шотутнинг гулини кўрганмисан? — деди тўсатдан тетиклашиб.

— Йўқ, ая, шотут гулламайди шекилли,— дедим мен ясама қувноқ оҳангда.

— Тўғри, гулиям, мевасиям битта бўлади. Шуни ҳеч ўйламаган эканман.— Онам жимиб қолди. Шотут ҳақида гапирса ҳам, чамаси, ичида бошқа нарсаларни ўйлар эди.— Улар ҳалиям ўша ҳовлида туришади... Шотут ҳозир бормикин ё кесиб ташлаганмикин?... Даданг ҳам билмаса керак. Агар кесиб ташлашмаган бўлса, насибам қўшилган бўлса, балки оғзим тегиб қолар... Менинг насибам қўшилмаган бўлса, сенинг оғзинг тегай. Бир тўйиб эвол. Дори. Аслида ҳамма тутлар дори. Ёшлигимизда балиқтутни юзимизга суртардик. Оқартиради, дейишарди. Эртага сўраб олиш эсимдан чиқмасин — ўша шотут ҳалиям бормикин?..

— Кимдан сўрайсиз, ая?

Онам менга бир қараб олди-да, ҳушига қайтгандек, ўйлаб қолди.


— Жон болам... Даданг бугун ўша Шотут амакинги учратиб қолибди,— деди кейин саросима аралаш жилмайиб.— Уғли бўларди. Эсингда борми? Оти нимаиди-я? — Онам ўйга толди, бироқ эслай олмади.— Уша инженер бўпти. Яхши ишда ишлармиш. Агар отанасига тортган бўлса, қадди-баста ҳам тузукдир. Сендан уч-тўрт ёш катта атиги... Уша Шотут амакинг сени эслабди, суриштирибди, салом айтворибди... Битта омонат гап айтворибди, айтишга даданг ўзи ботина олмаяпти. Шунга нима дейсан, қизим?

Юрагим тўлиб кетди. Онам охиригача айтмаса ҳам аллақачон гап нима ҳақида кетаётганини тушуниб ўтирибман. Шунинг учун «совчи қўйиш нияти бор экан» ёки «одам юборишса майлими, рози бўласанми, қизим, бизга қолса, розимиз» қабилидаги гапларни кутиб ўтирмадим, бу азобдан онамни қутқариш мақсадида:

— Майли, ая, сизлар шуни муносиб кўрибсизлар, мен розиман,— дедим.— Мен учун муҳими сизнинг кўнглинги, ая. Зора, дингиз ёришиб, дардларингиз нари кетса. Ишонаман, ая, сиз албатта тузалиб кетасиз. Қаердадир ўқиган эдим, агар одам ё қаттиқ кўркса, ё қаттиқ хурсанд бўлса, касали ўз-ўзидан тузалармиш. Бир одам туғма соқов экан, бир умр бирон калима гапирмаган экан. Нима бўптию катта бир ит қувибди. Шунда кўрққанидан овози чиқиб кетибди. «Войдо! Кутқаринглари!», деб юборибди. Кўрдингизми, қанақа мўъжизалар бўлади!

— Қани энди, болажоним, ўша мўъжизалардан менгаям буюргани бўлса...

Ошхонага кўзим қизариб, қовоғим шишиб чиқсам, дадам шўрлик жазосини кутаётган маҳбусдек кўзлари.



жавдираб, ночор бир тусда ўтирган экан, аста ўрнидан туриб, савол назари билан менга тикилиб қолди. Мен унга тасалли бериш учун жилмайиб қўйдим, аммо бари бир дадамнинг қиёфасидан ҳадик ва ёлворишга ўхшаш аллақандай забунлик аримади. У юзимдаги табассумни инжиқ ва арзанда қизнинг истеҳзоси деб таҳмин қилди чоғи, тили аранг калимага келиб:

— Мен аянгни ўйловдим, қизим, фақат аянгни,— деди ва заиф бир умид билан менга тикилди.

— Мен ҳам, дада,— дедим.— Мен ҳам аямни ўйладим. Розиман.

Дадам донг қотиб қолди. Чамаси, у менинг — замонавий руҳда тарбия кўрган эрка қизининг бундай дарров бўйсунқолишини кутмаган. Бу — фавқулодда тадбир, ночорлик оқибати, агар онамнинг аҳволи оғир бўлмаганда, биламан, дадам асло бунақа йўл тутмаган бўлар эди. «Мен аянгга севиб уйланганман,— деган у менга бир неча марта.— Аянг ҳам мени яхши кўрган. Айниқса, сен туғилганингда қувончимиз ичимизга сиймаган. Мен аянгдан бўлак ҳеч кимга кўнгил қўймаганман. Биз жуда бахтли бўлганмиз. Сен ҳам биздек бўлишингни истайман».

— Яқинроқ ке,— деди дадам ҳаяжондан энтикиб. Мен олдида бордим, дадам елкамдан қучди, кўксига бошимни қўйдим. Юраги дук-дук урарди.— Кечир, она қизим, мен бошимизга бунақа кунлар тушади деб ўйламовдим. Бўлак чора топа олмадим. Сен билан маслаҳат қилгани юрагим дов бермади. Ё агар... нима десамикин... кўнгил қўйган биронта...

Мен бош чайқадим. Дадам жимиб қолди, ютинди. Юраги ҳамон безовта гурсиллар эди. Чаккамга қайноқ томчи чек этиб тушди...

\* \* \*

Кўёвни ЗАГС идорасига борганимда кўрдим. Аслида дадам ҳам, онам ҳам «учрашинлар, танишинлар» деб бир-икки қисталанг қилишди, аммо мен унамадим. Бари бир муҳаббатсиз турмуш қурар эканман, қўриб нима қилдим — кўёв чиройлими-хунукими, соғми-тен-такми, нима фарқи бор? Қанақа бўлмасин, бошимдан шов этиб сув қўйиб юборгандек бўлади, у ёғига кўни-каман-кетаман. Турмушинг, ҳаётинг, ёстигинг, фарзандинг бир бўлгандан кейин қўниқмай қаёққа борасан? Ҳатто бора-бора яхши қўриб ҳам кетасан киши, авваллари ноз-фироқ қилганинг ўзингга кулгили бўлиб туюлади. Озмунчами бунақалар? Уч-тўрт йил ўтгандан кейин, «Ҳой қиз, севишмасдан эрга теккансан, қўй бу турмушингни», деганинг кўзини ўяди. Балки мен ҳам кези келиб шундай — турмушимга биронта одам раҳна солмоқчи бўлганда итдек таларман, тиш-тирноғим билан ҳимоя қиларман. Тўғри, шунақа дугоналаримиз ҳам борки, муҳаббат ўтида ёнмаган бўлса-да, бир оқимга тушиб қолган рўзгорини бузишни истамайди, бола-чақа, оила-юмуш деб ўтираверади, ҳатто шу турмушдан ҳам ўзига яраша қувонч топа билади. Яхшидир, ёмондир, эр номи бор-ку, бўлди-да. Кимнинг эри хотинини ардоқлаб бошига қўйиб юрибди? Қайси эр сафарга чиққанда, бир ҳафта ўтмай хотинига алангали мактублар ёзади? Бунақанги мактуб ёзилганда ҳам, эр у ёқда қолиб, хотиннинг ўзи ўсал бўлади. «Э, бачкана бўлмай кетинг», деб мактубни йиртиб ташлайди. Бир куни кўчада галати бир нарсанинг гувоҳи бўлдим. Эр-хотинлиги шундоқ сезилиб турибди. Ёшлари ўттиздан ё ошган, ё ошмаган. Эри ариқдан ҳатлаб, ёрдам бергани хотинига қўл чўзган эди, хотини эрининг қўлини шапатайлаб қайриб ташлади, ҳаёсиз иш қилгандек, ўзи қизариб кетди.

Ахир, кўп ҳолларда эътиборсиз муносабатни аёлларимизнинг ўзлари тугдириши ҳаммага аён-ку. Эрим бир қизиқ воқеани гапириб берган эди. Тоғ йўлида бир киши эшақда келаётган танишини учратиб қолибди, ўн қадамча орқада паҳмоқ рўмоқ ўраб олган аёл ҳам бор экан. «Йўл бўлсин ошна», деб сўраган экан, эшақ минган киши: «Хотиним касал бўлиб қолди, қишлоққа олиб

кетяпман», дебди. Мен ўйлайманки, агар эри эшақдан гушиб, бемор хотинини миндирмоқчи бўлганда ҳам хотини сира рози бўлмас эди. Ахир, қанақа гап: хотин эшақда, эр пиёда!

Шундай қилиб, бўлажак эримни ЗАГС идорасида кўрдим. Бу бахтми, омадми ёки тескарисими — билмайман, ҳар қалай, кўзим унга тушганда юрагим шув этиб кетди. Биноидек йигит, бўйи баланд, қошлари қуюқ, қўн билан қиртишланган ияги сип-силлиқ. Эгнида қора костюм, оқ кўйлак, бўйида қалампир гулли қизил галстук. Костюми энгидан биллур кўзли тўғноғич кўришиб турибди.

Ёр-биродарларимиз бизни таништиришди. Уятчан жилмайиб, қўлимни сиқди. Кафти нам, қўли андак қалтирар эди. «Хайрият,— деб ўйладим ичимда,— ҳаяжондан қалтираяпти. Ориятли йигит кўринади. Кўринишинг-ку дуруст, аммо ичингдан қанақа тухфа топаркинман...»

ЗАГСга ариза ташлаб, орқамизга қайтдик. Мухтор аканинг ўртоғи ресторанга таклиф қилди, мен унамадим. Мухтор ака ўртоғига «қистама» деган маънода ишора қилди. Кейин дугонам иккалаамизни уйимизга машиналарида келтириб қўйишди.

— Лутфияхон,— деди Мухтор ака мени четга тортиб.— Қачон учрашамиз энди?

— Тўйда,— дедим мен қиёфамни ўзгартирмай.— Агар, албатта, унга айтиб қолмасангиз.

— Йўғ-э, Лутфияхон, унақа деманг.— Мухтор ака бир зум довдираб турди.— Агар ўзингиз айтиб қолмасангиз...

— Уйлаб юрган тасаввурим бугун сизнинг фойдангизга ҳал бўлди,— дедим ўша оҳангда, лекин билинар-билинмас истеҳзо билан.— Мендан хавотир олманг.

— Ҳар қалай, биз ҳали деярли таниш эмасмиз, бир-биримизни яхши билмаймиз. Қолаверса, мен сизни кўришни истардим,— деди у бир оз дадилланиб.

— Тўйдан кейин тўйгунингизча кўраверасиз.

У гап тополмай қолди. Топишга-ку топарди-я, ноҳўя сўзлаб қўйишдан чўчибми, ўзини тийди, одоб саклади. Биламан, гапларим энди уни ўйлантириб қўяди, «Қанақа кўрс. бетгачопар киз экан ўзи? Биринчи учрашувда-ям шунақа тутадими ўзини? Мен унга уйланыпманми ё у менгами?» деган ўйлар миясини пармалайди. Яхши қилмадим, албатта. Бунга ўзим ҳам тушундим. Одатки курсин, нуқул шу феълим туфайли панд ейман. Оқибати нима бўлишига ақлим етиб турса-да, ўзимни тўтотмайман. Аттанг. Ғурурига тегиб кетдим. Тагин ҳам вазмин йигит экан, унинг ўрнида мен бўлганимда, шартта бурилиб кетворган бўлардим.

— Иштиёрингиз,— деди у бир оз маъюсланиб.— Агар иложингиз бўлмаса...

— Узр,— дедим хиёл юмшаб.— Хабарингиз бор, аям бетоб, бошқа нарсалар юрагимга сиймайди. Узр.

— Сиз мени кечиринг, Лутфияхон,— деди Мухтор ака самимий руҳланиб ва негадир қизариб кетди.— Мен ўзим бетамизлик қилиб қўйдим. Бу томонини эсдан чиқарибман, қаранг. Онангизга мендан соғлиқ тилаб, салом айтиб қўйинг.

— Раҳмат...

Ҳаш-паш дегунча тўй яқинлашди. Ҳаммаёқда шодӣна, ўйин-кулги, фақат менинг ичимга чироқ ёқса ёрмайди. Онамнинг аҳволи кун сайин оғирлашиб борарди. Ҳатто тўй куни ҳам «тез ёрдам» икки марта келиб, оғриқни босадиган укол қилиб кетди. Уйимиз қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар билан тўла, ҳамма юмушда. Стол ўрнатишяпти, дастурхон тузашяпти, идиш-товоқ ювишяпти, пастдаги тунука гараж ёнига ўрнатишган ўчоқ томондан жаз-буз товуши келади. Фақат мен онамнинг олдидан кўзгалмайман, шунга қарамай, гоҳ «У нарса қатта!», гоҳ «Бу нарса қатта!», деб киришадди, туришга мажбур бўламан, чунки хизматдаги одамлар нима қаерда эканини билишмайди. Дугоналаримдан бир-иккитаси шу ерда — онам ётган хонада чурқ этмай ўтиришибди, мени пардоз қилишни кутишяпти. Дард бир оз қўйиб юборса, онам инграшдан тўхтаб, аранг кўзларини очади, кулишга ҳаракат қилиб, «Тур,

болажоним, ўзинга яраша ишларинг бор, бажарвол, мени кўвер», дейди.

Шу алфозда кеч бўлди. Дугоналарим ёрдамида келинчақлик либосини кийдим, сочимни тарадим, упалик суртдим. Кимдир қора бўёқ узатган эди, олмадим. Нима кераги бор? Бари бир кўз ёшларим билан афтимга суркалиб кетади. Бари бир юзимдаги ҳарир ридони очмайман.

Хуллас, кувёниқига кетадиган пайт ҳам келди.

Онамни қучоқлаб ўпганимда у бояги уқол таъсирида осуда ухлаб ётарди. Мени арэнг ажратишди, хонада кимки бўлса, ҳаммалари тик турган ҳолда менга бахт тилаб фотиҳа ўқимлади. Дадамни маҳкам қучиб, бир неча кундан буён қиртишланмаган нам юзидан ўпдим. Дадам ўзини йиғидан зўрга тийиб, мени бағридан ажратмоқчи бўлади, мен баттар ёпишаман...

Тўй маросими ва умуман тўй билан боғлиқ барча тadbирлар менга ўта носамимий, сохта ва қўпол бўлиб туюларди. Айниқса, куёв келганда айтилган ашулалар жуда эриш туюлди, кани энди мумкин бўлсаю ҳаммасини ҳайдаб солсам... Кувёниқига етиб борганимизда микрофондан тараган «Тўйлар муборақ» менга ҳақоратдек бўлиб янгради. Тўй оқшоми, зиёфати қандай ўтганини билмайман. Аллакимлар келин-куёвнинг шаънига табрик сўзларини айтиб, қадаҳлар кўтаришяпти, қарсақлар чалиняпти, машоқлар қўшиқ айтишяпти, раққосалар ўйинга тушиб чирпирак бўлишяпти — қани энди биронта сўз ё қўшиқ қулоғимга кирса, биронта аскиядан жилмайсам! Бошимга оғриқ кирди. Буткул хаёлим шу тобда оғриқдан инграб ётган онамда, юзини тўсиб унсиз йиғлаётган дадамда. Ажабо, нега энди шунақа! Нега энди, йиғлагинг келганда қулишинг, истамаган нарсангини бажаришинг, ёмон кўргангини мақташинг керак? Бу масхаравозлик кимга керак? Онамгами? Онам бечора ҳеч нарсани сезмай, ҳушсиз ётибди. Дадамгами? Дадам онамнинг дардига чора тополмай қай бурчақда тўлганиб, мункайиб ўтирган экан? Ё менгами? Бу наъралардан бошим гувиллаб, кўзим нам, алам билан зўрга ўтирибман.

Ниҳоят, куёв билан мени ичкарига олиб кирдилар. Ёлғиз ўзимиз қолдик. Кўнглим беҳузур бўлиб, безалган каравот четига ўтирдим. Мухтор ака бошимдаги ҳарирни олиб, юзимга қаради. Кўзларимни юмиб олдим. Ўзимни қўлга олишим керак. Етар, бас, бўлар иш бўлди, куёвнинг ҳам таъбини хира қилдим. Лекин ҳув боя бошимга кирган оғриқ борган сайин зўраймоқда, икки чаккам лўқиллаб, пешонам тарс ёрилиб кетай дейди. Мухтор ака алланималар билан овора, нима билан — билмайман, чунки оғриқдан кўз очишга мадорим йўқ. Ташқаридан аёлларнинг овози, идиш-анжомларнинг жаранги, ҳали кетиб улгурмаган меҳмонларнинг маст-аласт валдирашлари қулоғимга чалинади. Эшик кулфининг қирс этгани эшитилди.

— Лутфия!

Аранг кўзимни очдим, юрагим шув этиб кетди: рўпарамда майкачан Мухтор ака турарди.

— Шунча ўтирдик, шунча кулги-ҳангамалар бўлди, бирон марта лоақал жилмайиб қўймадингиз-а! — деб писанда килди у. — Битта сизнинг онангиз бор экан-да дунёда...

Мана, мени тушунадиган, ардоқлайдиган бўлажак эримдан никоҳ кечасида чиққан дастлабки гаплар! Хўрлигим келди, юзимни кафтларим билан тўсиб, йиғлаб юбордим...

\* \* \*

Тўйдан кейин ҳафта ўтмай онам узилди.

Тўйнинг эртасигаёқ узр сўраб, ўз уйимизга — онамнинг олдига югурдим. Уйда бир-икки қериндошимиз қолиб, эшик-орани саранжомлаш билан банд эди. Онам хийла тетик, ёнида дадам мунғайиб ўтирган экан. Онам мени кўриб, кўз қирини ташлади. Энгашиб қучоқладим, ўпдим, яна ҳалқумимга тош қадалди, би-

роқ ўзимни тутдим. Онам нимадир демоқчи бўлди, аммо мадори етмади. Ёки аъзолари қота бошлаганми, хошига бўйсунмаяпти. Мени янги турмуш билан табрикламоқчи бўлди, чоғи. Дадам пешонадан ўпиб, кўзимга тикилди.

— Қизим, келиб чакки қипсан, — деди. — Кеча тушган хонадондан бугуноқ...

— Уэлари рухсат беришди.

Дарҳақиқат, келин бўлиб, тонглай туриб саломга чиқмадим, ҳовли супурмадим, қайнонамга чой тутмадим. Қоронғи тушганда кириб бораман, эрта билан яна уйимизга чопаман. Тагин ҳам қайнона-қайноталарим яхши одамлар экан, чурқ этишмади; қайнонам менга қўшилиб бир-икки марта келиб ҳам кетди. Мухтор ака кунора шу ерда, ишдан бўшади дегунча етиб келади, ҳамдард бўлади, дадам қистайверганидан кейин ўрни-миздан аранг қўзғаламиз. Мухтор ака дастлаб келганда мен «Кувёнгиз», деб таништирдим ва онамнинг имоси билан унинг мадорсиз қўлини кўтариб куёвнинг елкасига қўйдим. Шундай қилиб қайнона-куёв танишишди. Онам дадамга кўз ташлади, дадам дарҳол тушунди, дуога қўл очди, бизга бахт-саодат, онамга умр тилаб фотиҳа ўқиди.

— Ая, — дедим мен онамга энгашган кўйи ўзимни мамнун кўрсатиб. — Шотут ҳалиям бор экан. Яхши тугибди, меваси кўп. Ўзим кўрдим. Қудангиз айтдилар, шотут деган — шоҳ тут, яъни, тутларнинг шоҳи, деган маънони билдирар экан. Қуз бошида пишаркан. Ўзим териб опкеламан, иккаламиз маза қилиб еймиз, ая...

Тут пишганда онамнинг қабрида сабза урган майсалар аллақачон сарғайиб, хашека айланган эди... Биринчи шотут мевасини оғзимга солганимда, шотут эмас — тикон ютгандек бўлдим, дардим янгиланди; лиқобчадаги шотут ейилмай, бужмайиб қолди, ҳовлига опчиқиб қўйдим, қушлар чўқилаб кетишди.

Бир йил ўтар-ўтмай қайнотам ҳам дунёдан ўтди. Одамлар «Оллонинг каромати, бунақа осон ўлимни суйган бандасига беради», дейишди. Ҳали ҳам ёдимда: ишдан келсам, ҳовли тўла айюҳаннос, қий-чув, йиғи. «Адагиздан айрилиб қолдик, Лутфияxon!» дея қайнонам фарёд аралаш қўлларини тиззасига урди. Бориб уни қучоқладим, кўзимга ёш тўлди. «Қачон! Нега! Адам солпа-соғ эдиларку!», дейман нуқул. Қайнотам нонуштадан кейин бир оз хомтоқ қилибди, гулларга сув қўйибди. Шанба кўни одатда қизик кўрсатувлар бўлади, қайнотам даҳлиздаги телевизор олдига кресло қўйиб, томоша қила бошлабди. Қайнонам юмушларидан бўшаб, бир чойнак чой кўтариб кирибди. Қараса, эри иягини кўкрагига тираган кўйи ухлаб қолган. «Ичкари кириб ётақолинг, ҳой дадаси!» деб салгина турган экан, қўли қреслонинг суянчигидан сирғалиб, жасади қийшайиб қолибди... Мен келганимда ҳамма нарсаси тахт эди. Маҳалламиз жуда аҳил, бошга ташвиш тушганда қараб туришмайди, ҳар қанча иш бўлмасин, бажариб ташлашади. Албатта, барча юмуш ва тadbирлар маҳалла оқсоқолларининг маслаҳати билан амалга оширилади. Уларнинг маслаҳатига кўра, қайнотамнинг жасади шу бугуноқ ерга қўйиладиган бўлибди. «Бехабар уруғлари ҳали кўп, улар ўпкалашади», деган мулоҳазаларни ҳам эътиборга олишмабди. Бундоқ қараганда, маҳалла аҳлининг шошқалоқлигида ҳам жон бор. Негаки, кун иссиқ, жасадини кўп ушлаб бўлмайди, қолаверса, эрта саҳаргача яна аллақанча вақт бор, марҳум уйнинг ўртасида ётаверса, кечаси ҳам ҳеч ким кўз юммайди, йиғи тўхтамайди, одамлар керагидан кўп уринишади, азият чекишади. Тобут қанча тез кўтарилса, кўниқиб ҳам шунча тез рўй беради. Унинг устига, аза билан боғлиқ унча-мунча ташвишлар бор, одамлар юмуш билан чалғийди, алаҳсийди, кеч бўлади, тонг отади, шу алфозда вақт ўта бошлайди...

Бу хонадонга тушганимга уч йил бўлганда Наргиза туғилди. Ўзбек оиласида уч йил мобайнида фарзанд туғилмаса, уйдагилар ҳам, қўни-қўшни ҳам бошқача қарай бошлайди. Ўзим ҳам аллақандай ноқулайлик сезадиган бўлиб қолган эдим. Фақат эрим бу ҳақда бирон марта оғиз очмади. Бу, фарзанд пайдо бўлишига у

қарши ёки лоқайд эди, деган гап эмас, албатта. У ҳам фарзанд кутарди, мен бунга аминман, лекин мени аяр, ранжитиб қўйишдан қўчир эди. Бундай олиб қараганда, нимани ҳам писанда қилиши мумкин эди? Кўрни кўрсан деб айблаш — ўтакетган ҳақорат-ку. Аёл кишини туғмасликда айблаш — унинг энг нозик ва муқаддас туйғусини поймол қилиш билан баробар, қолаверса, бир умр фарзанд кўра олмай армонда ўтаётган аёллар ҳам учраб туради. Улар бошда йўл қўйган хатоларига, институтни тугатишми керак ёки эндигина ишга кирдим, дарров декретга чиқиб кетсам ноқулай, деган қабилда турли сабаблар ахтаришади, аммо бари бир уларни айблаш қанчалли тўғри — билмадим, чунки бусиз ҳам биринчи ҳомиладан кечибоқ ўзларини ўзлари жазолайдилар, ҳаётнинг энг улуғ лаззатидан, бахтидан махрум бўладилар. Очигини айтсам, Наргиза туғилмагунча мен ҳам бу бахтдан йироқ эдим, ўзимни она сифатида тасаввур қилолмасдим, фарзанд деганда — боланинг йиғиси, касали, харшаси, уйқусиз кечалар кўз ўнгимга келарди. Тўғри, бола буларсиз катта бўлмайди, албатта. Лекин, ёнингизда ухлаб ётган бир бегуноҳ инъом, унинг илк кулгиси, кўкрак эмаётли мунчоқдек кўзлари билан сизга тикилиши, сизни таний бошлаши, биринчи тетапоясини, қўлга тушган таргани оғзига олиб бориши, ишдан қайтганингизда қийқириб бегоҳат талпиниши, жажжи қўлчаси билан зирак аралаш қўлоғингизни чангаллаб тортқилаши, севинчдан қўққис айтиб юборган дастлабки сўзлари — буларнинг барини дунёда нима билан тенглаштириб бўлади!

Наргизага оғирроқ бўлганимда ҳаманинг назаридан мамнунлик аломатларини сездим. Қайнонам андишали, ориятли аёл, авваллари индамай юрди, ойлар кетидан ойлар ўтган сайин кўнглида ғулғула туғила бошлади чоғи, бир-икки марта гап очиб ҳам кўрди.

— Адангиз раҳматли неваро кўрармикинман, эркалатармикинман, деб орзусига етолмай ўтиб кетди шўрлик. Мен ҳам қариб қолдим, зора у кўрмагани мен кўрсам... — Укинч билан шу сўзларни айтarkan, қайнонам менга узоқ тикилди. Мен нима ҳам деб овутишим мумкин, чучвара туғишда давом этдим. — Танирсиз балки, Сокинахон деган жувон бор, мағзининг ёнида туришади. Шу жувонга суюнаман. Ун йил деганда бўйида бўлди. Узиям хўб қаратди, неча марта Масковпарга бориб келди. Эриям вазмин йигит экан, чидади, кутди. Бўлмаса, ўзи қанақа танти, бадавлат, топармон йигит, дўпписи тушиб кетса, пул бериб олдиради. Сабр қилди, мана, мунчоқдек ўйилчаси бор...

Наргизанинг дунёга келиши қанча-қанча қувончдан ташқари, саросималар тугёнида беҳаловат бўлиб келадиган қалбимга осойишталик, эрим иккаламининг муносабатимиздаги омонатликка бир қадар мустаҳкамлик ато этди, Мухтор ака кўзимга жозибали ва қадрдонроқ бўлиб кўрина бошлади. Умуман, эрим яхши одам. Мулоим, камтар, мулоҳазали, вазмин. Ичмайди, чекмайди, ноўрин рашқлар, бачкана қилиқлар, ноҳақ талаблар билан одамни қийнамайди. Хуллас, «орзу қилса арзийдиган» йигит. Аммо, шунга қарамай, бизнинг муносабатимизда чақмоқ ўтидек лов этган дамлар ҳам рўй бермади. Ҳаётимиз ими-жимиде, захоб сувидек жилдираб оқа бошлади. Бирин-кетин ишдан келамиз, овқатланамиз, бирпас телевизор томоша қиламиз, сўнг хонамизга кириб ётамиз, тонг отади, яна ишга жўнаймиз; баъзан шанба, якшанба кунлари ўртоқлариникига меҳмон бўлиб борамиз, уларнинг озги тўла тилла тиш хотинлари билан чақчақлашиб, яна уйга қайтамиз; кейин меҳмондорчилик одат бўйича бизникида бўлади, яна ўша неча марталаб эшитган эски гаплар, ҳангама, яна узундан-узоқ хайрлашиш... Бундан ташқари, баъзан бизникига дадам келади ё биз уларникига борамиз. Дадам табиатан самимий одам. Қизи куёви билан уйга кириб келганини кўриб ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетади, мени юмушга уринтирмай, ўзи ошхонада жиз-биз қилади, таомга ўннайди. Биламан, бошқача муҳитда ўсган эримга дадамнинг эркакларга хос бўлмаган бу «ошхона» ҳаракатлари ёқарвермайди, шунинг учун, «Кўёвингизнинг олдиға киринг,

ёлғиз қолди», деб дадамни ошхонадан чиқариб юбораман, юмушдан бўш пайтларим ўзим ҳам кириб ўтираман, уларнинг суҳбатига қулоқ соламан. Мухтор ака бизнинг уйга неча марта келган бўлса, бирон марта яйраб кулганини, овозини баландроқ кўтарганини билмайман. У дадам билан вазмин, мударрисларга ўхшаб гаплашади. Ушанда эрим қурилиш трестининг бошлиғи эди, балки унинг босиқ ва сермулоҳаза қиёфаси амалининг тамғасидир, шунинг учун ҳовлиқиш, маҳмадонагарчилик қилиш унга мутлақо ёт. У нафақат ўз сезгисини, ҳатто менинг ҳам баъзан гуркираб кетадиган ҳиссиётимни тийиб, сув пуркаб туради. Бир-икки марта онасининг олдида Наргизани суюб ўпганимни, бағримга босиб эркалатганимни кўриб менга танбех ҳам берган. Лекин, шунга қарамай, Наргиза турмушимизга бўлакча маъно, тотувлик олиб кирди, дилимизни хижил қилиб юрган ғуборни тарқатиб юборди.

Шу зайл вақт ўтаверди. Қайним Санжар икки йил деганда армия хизматини тугатиб, қайтиб келди. Қайнонам билан эрим уни уйлантириш тараддудига тушиб қолишди. Бу пайтга келиб Мухтор ака министрликка ишга тайинланган эди, тўй баҳонаси уй торлик қилади, деб биз Ленин хиёбониде қурилган кўп қаватли бинодан ажратилган тўрт хонали квартирага қўчиб ўтдик. Қайнонамнинг боди бор, қиш яқинлашганда у ҳам бизникига кўчиб келди. Наргиза бувисини яхши кўради, бувиси ҳам Наргизани на ерга, на кўкка ишонади. Бу томондан кўнглим тўқ. Лекин тобора ўзимни ёмонроқ сеза бошладим. Чилпарчин бўлиб уйга келаман, бошим оғрийди, қўлларим қалтирайди. Кўзимни очоламайман. Портфелим тўла ўқувчиларнинг даста-даста дафтарлари, текшириб баҳо қўйиш, ўқув плани, конспект тузиш керак. Хайриятки, қайнонам бор, кунимга шу бечора асқатади.

Мана, мактаб ишларидан узоқлашганимга бир ойча бўлиб қолди. Эрим Наргиза билан келиб мендан хабар олиб туришди. Бир гал келганида Мухтор ака: «Янги иш топиб қўйдим, — деди, — унчалик диққатвозлиғи йўқ, сенбоп иш». «Қанақа иш экан?» «Ўқитувчилар малакасини ошириш институтидан. Энди ўқувчиларни эмас, истасанг, ўқитувчиларни ўқитасан. Уйимизга яқин, яёв беш минутда етса бўлади. Маориф бўйича жорий қилинаётган янги ўқув методикаси билан ўқитувчиларни хабардор қилиб туришга ўхшаш ишлар экан. Ўйлаб кўр, ўзингга қулай бўлади...» Мен тайин бир жавоб айтмадим, «Ўйлаб кўрарман», дедим. Лекин энди, Маннон билан танишганимдан кейин, аниқ биламанки, эрим тавсия қилган институтга асло бормайман...

Палата эшиги тақиллаб, бошига оқ пешанабоғ ўраган ҳамшира қиз кўринди:

— Сизни телефонга чақиршияпти.

— Ҳозир.

Ягона телефон аппарати бўлим мудирининг хонасида, ўша ёққа ошиқдим. Хайрият, у ерда ҳеч ким йўқ экан, бўлим мудирини бемор кўргани чиқиб кетган шеклли. Жингалак симли телефон трубкаси столда ётибди.

— Алё, — дедим сезилмас ҳарсиллаб.

— Лутфия, салом, бу мен... — Мухтор аканинг овозини танидим. — Тайёрмисан?

— Умуман тайёрман.

— Нега тутилиб гапиряпсан? — деб сўради эрим безовталаниб. — Овозинг ғалати. Тузуқмисан ўзинг?

— Яхшиман, — дедим ўзимни қўлга олишга тиришиб. — Фақат, ҳали бюллетенни беришгани йўқ. Ҳозир тушиб кийимларимни алмаштириб чиқаман. Қачон келасиз?

— Ҳозир соат ўн бир, — деди Мухтор ака пича сукутдан кейин. — Соат ўн иккигача улгурсанг — борай, бўлмаса, шофёрни юбораман. Мени госпланга чақириб қолшиди.

— Ундоқ бўлса, ўзим такси олиб кетавераман, шофёрни юбормай қўяқолинг.

— Овора бўласан-да, такси тутиш қийин. Соат ўн икки яримда машина боради. Хайр. Уйда кўришамиз... Таваба, елкамдан аллақандай юк қулагандек бўлди.

Трубкини жойига қўйиб, палатамга қайтдим; нимадир ундагандек туюлди, балконга чиқдим. Кўзим Маннонга тушди. У балконида тагидан ўтган катта ариқ лабига қўйилган скамейкада ўтирар, мажнунтолнинг шода надалари орасидан ўқтин-ўқтин бу томонга қараб қўяр эди. У мени кўрмоқчи, бугун чиқиб кетишимни биледи, фавкулдада кўришмай-хайрлашмай қолишдан қўрққанми, муолажага ҳам бормаган...

Шифохонга келганимнинг биринчи ҳафтаси эди. Тушқи ҳордиқдан кейин боғ айлиниб юрган эдим, аллақандайдан таниш куй қулоғимга чалинди. Товуш келган томонни тахмин қилиб чапдаги хиёбонга бурилдим, куй энди аққолроқ эшитила бошлади. Ниҳоят, оғир, сербарг шохлари одам бўйи пастга эгилган дарахт остидаги майсазорга қўйилган бўм-бўш, аммо суянчиғига касалхонанинг кулранг ҳалати ташланган ҳаворанг скамейкага кўзим тушди. Уриндиқнинг бир четида орасига қоғоз кистирилган эски китоб ва куй таралаётган чарм филофли кичкина магнитофон турарди. Мен бу куйни дарров эсладим. Ленинградга борганимда у ерда аспиридада ўқиган дугонам билан бир неча марта филармонияга қатнаб, шу куйни тинглаганман. Бу — Моцартнинг «Реквием» деб аталадиган машҳур асарни. Мен уни ҳамisha мароқ билан тинглайман, таъриф қилиб бўлмас даражада завқ оламан. Моцарт бу асарни оғир касал пайтида аллақандай графнинг илтимосига биноан, унинг рафиқаси хотирасига бағишлаб ёзган. Венанинг сўлим боғида сайр қилиб юрган чоғида Моцарт кўзида ёш билан хотинига: «Мен «Реквием»ни ўз ажалимга ёзаяпман», деган экан. Дарҳақиқат, улуг композитор асарини тугатолмай вафот этган.

Издиробга тўла бу ҳазин куйни ким эшитяпти экан? Шубҳасиз, санъат соҳасида ишлайдиган, шу касбга бевосита алоқадор одам бўлиши керак. Йўқса, бунақа мураккаб асарни ким лантага ёзиб олиб эшитиб юради? Кимнинг қўлида магнитофон кўрманг, албатта ҳиндач, хоразмча ёки сийқаси чиқиб кетган бачкана ашулалар ёзилган бўлади.

Беихтиёр кўнглимда магнитофон эгасига нисбатан қизиқиш уйғонди, атрофга алангладим, бироқ нари-нарида айлиниб юрган беморлардан бўлак ҳеч ким кўринмади. Куйнинг сеҳрли жозибасига асир бўлиб, скамейканинг бир четида омонатгина ўтирдим, аламли тўлқинлар садосига фарқ бўлдим. Қандайдир шарпа диққатимни бўлди, беихтиёр бошимни кўтардим. Нарироқда ўрта бўйли, қотма, истараси иссиқ бир йигит дарахдан синдириб олган шохни кафтига уриб турар, бу ерга яқинлашишга истиҳоло қилаётгандек эди. Мен куй оҳангига маҳлиё бўлиб, унинг келганини сезмабман ҳам. Рухсатсиз ўтириб олганимга хижолат чекиб, узар оҳангиде жилмайиб ўрнимдан кўзгалган эдим, йигит шошиб:

— Утираверинг, бемалол,— дея келиб скамейка олдида тўхтади.— Қайтариб қўяйми ё эшитаверасизми?

Менинг музикага ҳавасимни сезгани ёки бу асарнинг тарихдан хабардорлигимни пайқадими, ҳар ҳолда, унинг саволида синаш оҳанги ҳам, хайрихоҳлик аломати ҳам бор эди. Гап шундаки, «Реквием»нинг охириги беш қисмини Моцартнинг ўзи ёзмаган. Ёзишга улгурмаган. Асарни унинг хомакилари асосида шоғирди Зюсмайерт ниҳоясига етказган. Шунинг учунми, Моцарт ёзмаган қисмлар у қадар таъсирчан чиқмаган, шоғирдининг маҳорати етишмаган чоғи. Ленинград филармониясида ўзим гувоҳ бўлганман, асарнинг еттинчи — «Лакримоза» қисми тугагач, кўпчилик залдан чиқиб кетган эди. Йигитнинг саволи — масаланинг шу томонига ишора.

— Ихтиёрингиз,— дедим уялинқираб.— Агар ўзингиз эшитишни хоҳламсангиз, майли, ўчириб қўяқолинг.

У магнитофонни ўчирмади, фақат овозини пасайтириб қўйди. Йигит кўзимга иссиқ кўрина бошлади. Умуман, шифохоналарда беморлар бир-бирларини кўравериб, беихтиёр таниш бўлиб қолишади, ўзаро дуч келиб қолганда ҳурмат йўлига салом-элик қилишади, ҳол-аҳвол сўрашади, баъзилар бу даргоҳдан ажралмас қадрдон бўлиб чиқиб кетишади. Шифохонанинг ҳаша-

матли клуби бор, артистлар келиб беморлар билан учрашувлар ўтказишади, хонандалар концерт бериб кетишади, бошқа кунлари у ерда кино кўрсатилади. Кинонинг тури ҳар хил. Тутуруқсиз, бачканалардан тортиб, дунёга донғи кетган фильмларгача намойиш қилинади. Назаримда, клуб маъмурияти қайси фильм шаҳар экранидан тушиб қолган бўлса, ўшани олиб келса керак. Акс ҳолда, кўпчилик беморларнинг талабига биноан ҳинд ёки араб фильмларидан бошқасини кўрмаган бўлардиқ. Қайси бир кун — келганимнинг дастлабки кезлари эди шекилли — «Новэль Фортюна» номли, назик дид билан ишланган ажойиб бир француз фильмининг олиб келишди. Оламга таниқли машҳур актёрлар қатнашган фильм, оғиз очиб томоша қиласан киши. Бироқ, фильмининг ярмига етмай, одамлар «Зерикарли экан, на ашуласи бор, на ўйини», деб чиқиб кета бошлади. Залда бештагина томошанин қолганини кўриб, механик фильм намойишини тўхтади, чироқ ёқилди. Шунда бир йигит жанжал кўтариб, «Бошқалар билан нима ишимиз бор, пул тўлаганимиз, охиригача кўрамиз!», деб туриб олди. Клуб мудири бўйсунушга мажбур бўлди, фильмин охиригача томоша қилдик. Ҳозир скамейканинг нариги четида ўтирган йигит ўша эди.

— Бу нарсени биринчи бор эшитишигизми? — деб сўради йигит ораимиздаги ноқулай жимликни бузиб.

— Йўқ, аввал ҳам эшитганман,— дедим самимий табассум билан.— Ленинград филармониясида.

— Музика билан шуғуллансангиз керак-да?

— Йўқ, соҳам мутлақо бошқа. Музикага шунчаки қизиқаман.

— Мен ҳам сиздақа ҳаваскорман,— деди йигит суҳбатга киришиб. Унинг серкиприк кўзлари озгин юзида айниқса йирик ва ўткир кўринар, узун бармоқларининг тирноқлари рангсиз, оқ оралаган қўнғиртоб сочи гарданига тушиб турар ва ўзига ярашар эди.

— Мен сизни дирижёр ё композитор бўлсангиз керак, деб ўйловдим.

— Қаёқда,— деди у бир оз мулзам бўлгандек.— Мактабда дарс бераман.

Ана холос! Мен дирижёр деб ўйласам, ўзим қатори оддий ўқитувчи экан. Ҳафсалам пир бўлиб кетди, беихтиёр илжайиб қўйдим.

— Нега куласиз? — деди йигит ранжигандек.— Тилла магазинда мудирман, десам, кулмаган бўлардингиз, албатта!

Кечирим сўрамоқчи эдим, аммо унинг тутатиб пичинг қилгани гашимни келтирдими, ўжарлигим тутди.

— Албатта-да! — дедим мен ҳам қолишмай.— Магазин мудирини одам деса арзийди! Бакуват дўстлари кўп, қаерга қўл чўзса, етади. Энг яхши курортларга ким боради? Ушалар! Уқитувчи ким бўпти?! Қўлидан нима келади? Кучи етса, ўқувчисига икки қўйиб, аламини олади. Ҳар кунни дасталаб дафтар қўлтиқлаб кетади, бошқалар театрга борганда, ўқитувчи кўр бўлиб диктант текширади! Иқтисодий томонини олинг. Трамвай абонементини ҳам ҳисоблаб юради. Мактабда ҳам, уйда ҳам дакки егани еган. Магазин мудирининг бир ўтиришда сарф қилган пулини ўқитувчи бир ойда ҳам тополмайди. Сиз тагин ўпкалайсиз!..

— Кечирасиз, ўзингиз нима иш қиласиз?

— Мен ҳам ўқитувчиман.

Йигит анграйиб қолди.

— Демак, мени калака қилибсиз-да,— дея ўқисида ва мийғида кулиб қўйди.— Мен бўлсам сизнинг олдингизда куйиб-пишиб ваъзхонлик қилиб ўтирибман!

— Бунинг нимаси ёмон? Билмаган одамга ўқиргандан кўра, тушунган маслақдош билан дардлашган афзал эмасми? Бизнинг дардимиз билан бировнинг нима иши бор?

— Маслақдош дейсиз,— деди йигит ўқинч билан.— Беш йилдан буён тортишиб келаман, «маслақдошларимни ҳам ҳоли-жонига қўймайман. Қани энди, самара берса! Кўпинча яққалениб қоламан. Биз ҳам сенга ўхшаган олов эдик, кўникиб кетдик, сен ҳам кўникиб ке-



тасан, ҳали эгарланмаган тойсан, жиловлаб олишади, дейишади...

— Жиловлаб олишдимми?

Иигит нохуш елка қисди.

— Қайдам...— деди ва шартта магнитофон тугмачасини босиб музика овозини ўчирди, кассетасини ўзгартириб бошқасини қўйди. Куй ёқмади чоғи, магнитофонни бутунлай ўчириб қўйди.

Орага ноқулай жимлик чўқди.

Бу йигит ўзини ё бошқалардан ўзгачароқ, олдига қўйган мақсади йўлида мурасасиз, ўжар бир шахс сифатида кўрсатмоқчи, ёки ҳақиқатан ўзи шунақа — дилида, онгида шакланган ақидаларни тиш-тирноғи билан ҳимоя қилади, ана шу ақидаларгина чинакам ҳаёт мезони эканига имони комил... Бунга ўхшаган «ҳаёт тақозоси»ни тан олмайдиган одамлар ҳамма соҳада ҳам учрайди. «Девоналар» дейишади бунақаларни. Қандай бўлмасин, бу йигит дастлабки учрашувимиздаёқ тўғрироғи, тўқнашувимиздаёқ менда аллақандай қизиқиш уйғота бошлади.

\* \* \*

...Маннон ҳамон скамейкада ўтирибди. Аҳён-аҳён балконга назар ташлайди; дераза ортида турганимни сезган. Мени чиқади, деб умид қилмоқда. Ким қандай, айтолмайман, аммо мен қайси бир одам билан мулоқатда бўлмай, беихтиёр Мухтор акага таққослайман. Эътироф этиш керак, кўп ҳолларда Мухтор ака устун чиқади. Бундай пайтларда дилим таскин топади, хайрият, дейман...

Бир куни ўқитувчилар хонасида — дарслар орасидаги бўш вақтдан фойдаланиб — дафтар текшириб ўтирган эдим, Саттор Оқилов нотаниш бир кишини бошлаб кириб қолди.

— Лутфияхон, бир четда ўтириб гаплашиб олсак, ҳалақит бермаймизми? — деди ёнидаги одамга ишора қилиб.

— Бемалол, — дедим мен. — Истасангиз, чиқиб туришим ҳам мумкин...

— Утираверинг, Лутфияхон, ҳалақит бермайсиз. Бу акамиз бир ўқувчимнинг дадаси эканлар...

Мен ишга ҳар қанча машғул бўлмайин, уларнинг суҳбати беихтиёр қўлоғимга чалинар, чалинибгина қолмай, ҳатто диққатимни тортар эди.

— Асқарингиз, — дея куя-пиша давом этди нотаниш киши, — ёшлиғидаям фәлатироқ эди. Шу денг, аквариумда балиқчалари бўларди, ҳозир ҳам бор. Тавба, соатлаб ўшаларга тикилиб ўтирарди. Нималардир деб гаплашарди ҳам. Айвонимизга қалдирғоч ин қўрган, шу денг, ҳашорат тутиб келиб, болаларини боқади, соатлаб улардан кўзини узолмайди, тентак. Устунга суяниб томоша қилгани қилган, қорни очганиниям билмайди. Чойшаби доғ бўладиган бўлиб қолди. Билсак, тошбақасини қўйнида олиб ётаркан! Ахир, тошбақаниям бирга олиб ётадимми? Мушук бўлсаям бир нави эди. Деворга нарвон қўйилган, чиқиб олиб узоқларга тикилгани тикилган, индамасангиз кечгача тушмайди. Нонини ушатиб, бир ўзи ейди, бир итига едиради. На ҳаромни, на ҳалолни билади. «Товоғингни ҳам итинг билан бирга қилиб қўзқалайлик, ўғлим», десам, хафаям бўлмайди. Типратиканни қўйнига солиб юраркан, санчиллавериб, қорни яра бўлиб кетибди, билдирмайди ҳам хумпар...

Мен беихтиёр кулимсирадим. Саттор ҳам. Гапни қизиқиш билан тинглаётганимни кўриб, Асқарнинг дадаси, нажот қидиргандек, менга қараб гапира бошлади:

— Энди бу ёғини эшитинглар... Кишининг кулгисиям, йиғлагисиям келади. Яқинда денг, янги қилиқ чиқарди: кечгача қаерлардадир санғиб юриб, қоронғи тушганда уйга келади, биз ўтирган хонага қадам босмайди, алламаҳалгача ҳайвонлари билан овора бўлиб, сездирмайгина кириб ўрнига ётиб олади, саҳар пайти яна шундай чиқиб кетади. Уша куни ҳам кеч келди, кўнларига сабзи бераётган экан, чақириб олдим. «Ҳози-

ир», дейди-ю, келавермайди. Ушқирдим, келишга мажбур бўлди. Қарасам денг, бурни қашқа, чап кўзи шишган. Ўзини опқочиб юргани шундан экан. «Қоқилиб тушдим», дейди. Ишонмадим, сўроққа тутдим. Охири айтишга мажбур бўлди: танаффус пайтида мактабнинг олдига ўйнаб юрган бўлса керак, ўзидан каттароқ уч-тўртта нотаниш бола ушлаб олиб, «Синфингдаги Сирож деган болани чақириб бер, чақириб бермасанг, ўзингни урамиз», дейишибди. Асқар чақириб бермабди, ўзини уришибди... Сирожнинг бундан хабари ҳам йўқ, Асқар қашқа бўлиб юрибди... Бу, домла, қанақаси бўлди, дейман? Ақалли мактабга келяптими ўзи? Биз уйда онаси билан хавотир бўляпмиз...

Мен Сатторнинг жавобини кутардим. У жилмайган кўйи бирпас Асқарнинг дадасига тикилиб турди-да:

— Биласизми, Карим ака, — деди, — агар менинг фарзандим шундай бўлса, фахрланардим. Асқарни мен ҳалигача билмас эканман...

Ушанда мен беихтиёр Сатторнинг ўрнига эримни қўйиб кўрдим...

Мана, ҳозир ҳам дераза орқали мажнунтол тагидаги скамейкага тикилар эканман, нуқул кўз ўнгимда эрим Мухтор ака гавдаланади, унинг фазилатларини эслагим, ана шу фазилатларни ўзимга қалқон қилгим келади. Тўғри, эрим орзу қилса арзигулик поқдомон одам. Балки шунинг учун ҳам баъзи бир камчиликлари айниқса аққол кўринар; чиркин доканинг доғи билинмайди. Ёки айб ўзимдамикан, ўта талабчанлигимдамикан? Балки шу хил талаб менга нисбатан қўйилса, синовдан ўтолмаслигим мумкин. Балки, ўзаро талабнинг сустлигини, қолаверса, лоқайдликни биз маданиятнинг ифодаси деб билармиз, уни «бир-бирига ишонч» ибораси билан алмаштиргандирмиз. Боя айтганимдек, эрим соф, ўта андишали одам. Нима иш қилмасин, ҳаммаси пухта ўйланган, ўлчанган, ҳаммаси меъёрида. Неча йил бирга яшаб келяпмиз, бирон марта қўлидан пилла тушиб кетиб синмаган, бирон марта қўлини кесиб олмаган, бирон марта соат ўн бирдан кеч ётмаган, етидан кеч турмаган. Ҳеч қачон қаттиқ қувнамаган, оғир изтироб чекмаган, бировдан жаҳли чиқмаган, тушида алаҳсираб бегона аёлнинг номини айтиб юбормаган. Ими-жимиди. Маъқули — илиқ сув, совуғиям, иссиғиям керак эмас; ҳеч қачон ангина бўлмаган. Балки бирон бир аёлни севиб қолса яхши бўлармиди? Севиб қолиши мумкин, албатта, лекин иложи борича буни четлаб ўтишга уринади, бундан қочади. Ахир севса, юрак бошқача ура бошлайди, мувозанат бузилади, хаёл қочади. Ларзанинг не ҳожати бор, умрни қисқартиради... Балки ҳамма иллат ана шундадир?

Бир куни ишдан кейин почта қутисини титкилаб, кундалик газеталарни олиб лифт эшигига яқинлашдим, қизил чироқ ёниб турган экан, вақтдан фойдаланиб газеталарни кўздан кечириш бошладим. Ногаҳон орасидан аллақандай конверт чиқиб қолди. Хат менинг номимга бўлиб, адреси машинкада босилган эди. Хат йўлловчининг на адреси, на фамилияси бор. Биз аслида ҳеч кимдан хат олмаймиз. Фақат байрам арафаларида беш-тўртта танишлардан табрикномалар келади, холос. Тааж-жубландим. Қизиқиш уйғонди. Бафуржа ўқирман, деб конвертни очмадим. Лифт келди, уйга кўтарилдим. Наргиза боғчада эди. Бир ўзим шошилмай ечиндим, кийимимни алмаштирдим, аммо нотаниш одамнинг хати ҳамон мени ҳайратга соларди.

Конверт ичидан тўрт букланган қоғоз чиқди. Ярим бетгина гап машинкада бежирим қилиб босилган, ҳеч қандай мурожаат йўқ эди, шунинг учун дарров расмий хат бўлса керак, деган фикр хаёлимга келди. Аммо...

«Сиз мени танимайсиз. Мен Сизни яхши танийман, тез-тез кўриб тураман. Авваллари, бир кўришда ошиқ бўлдим, деганларга ишонмас эдим, ўзим шу кунга тушиб қолдим. Маъюс, ўйчан кўзларингиз, сокин чеҳрангиз, неча ойдирки, менга тинчлик бермайди. Жинни бўлиб қолган, десангиз, балки ҳақ чиқарсиз. Биламан, Сиз оиласиз, битта қизингиз, мартабали эрингиз бор. Исмингиз Лутфия. Осмондаги юлдузларни ваъда қи-

лолмайман, ўзимни, истасангиз, жонимни ваъда қиламан. Олдиндан биламан, бу ишимнинг оқибати мен учун мағлубият билан тугайди, лекин мендек бир девона ишқингизда қон ютиб юрганини билиб қўйсангиз — кифоя. Мен сиздан ҳеч нарса талаб қилмайман. Зинҳор. Фақат ўтинаман — бир дақиқага бўлса ҳам, 17 сентябрь кuni соат иккида гул дўкони олдига чиқсангиз, ўзим Сизни топиб оламан.

Р. С.»

Бўшашиб кетдим, баданимдан тер чиқиб, юрагим қаттиқ ура бошлади, каравотга аранг етиб олдим. Анчагача музтар бўлиб ётдим. Бу қанақа гап? «Р. С.» Ким бўлди экан? Нима ҳаққи бор? Мени ким деб ўйлапти? Бошимда эрим туриб... Балки биронта оилабузар бўлса-чи? Унақангилар камми? Эримнинг амалини, тинч турмушини кўролмай юрган шумният ғанимлар қанча! Нима қилсам экан? «17 сентябрда», дебди. Соат иккида. Ҳали Мухтор ака келса, кўрсатаман бунини. Уша кунини бирга борамиз, эрим бир адабини бериб қўйсин! Бир изза бўлганини кўрай! Аммо... Мухтор ака нима деб ўйларкан? Ишонармикан ёки, «Узинг кўз сузгандирсан, бўлмаса, биров дабдурустан муҳаббат изҳор қилиб хат ёзишга ботина олармиди? Ахир, хат менинг қўлимга тушиб қолиши ҳам мумкинлигини ўйлаши керак-ку! Бу ерда бир сир бор. Менинг сергаклигимга лой чаплаб, ўзинг кейин айшингни суриб юравермоқчидирсан», деса, нима қиламан? Бунақа демаганда ҳам кўнглида ғубор қолади. Шубҳа билан яшай бошлайди. Шубҳалар ошқора рашкка айланади. Салга ўшани рўкач қилаверади. Дағаллигидан нолисам, «Мен бировлардек ширин гапир олмайман», деб писанда қилади. Унда ҳаёт бўлмайди, дўзахга айланади... Яхшиси, бу хатни унга кўрсатмаслик керак. Олам гулистон! Уринсиз шубҳа тугдириб нима қиламан?

Аммо, шу билан бирга, хат ёзган киши ҳақиқатан севги азобида юрган бўлса-чи? Туйғулари самимий бўлса-чи? Унда нима гуноҳ? Мени учратиб, дилида яшириниб ётган ҳиссиётлари жўшиб кетган, бостириб келган бу муҳаббат тўлқинидан ўзи эсанкираб қолиб, бошқа тадбир тополмай, шу хат йўсинида бир чора кўрмоқчи бўлган бўлса-чи? Бечора... Мен уни бир зумда шумниятга, оилабузарга чиқариб ўтирибман Ахир, севиш — айб эмас-ку! Сева билиш табиатнинг инъоми, бундай бахтга ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди. Ўзимни, Мухтор акани олай. Ахир, биз ишқ ўтида ёнмаганмиз-ку! Муҳаббатнинг юксак даражада оловланишини биз ҳатто ҳаёлимизга ҳам келтира олмаймиз. Шунинг учун биров, севдим, яхши кўриб қолдим, деса, худди уят нарса рўй бергандек, кўзимизни олиб қочамиз ёки ўзимизни маданиятсиз кўрсатмаслик учун мавҳумгина жилмайиб қўямиз, холос... Балки у ёшдир? Одатда ёшлар, биринчи ҳиссиёт хуруж қилганда эс-қушларини йўқотиб қўйишади, ягона муҳаббат шу, деб ўйлашади. Кўпинча ўзларидан ёши катта жувонларни яхши кўриб қолишади, кейинчалик бундан мулзам бўлиб, уялиб юришади... Е ўша кунини бораёйми? Тшунтираёйми? Биринчи ҳиссиёт бўронига таслим бўлманг, укам, кўпинча дастлабки туйғу алдоқчи бўлади, деймикан? Епишиб олса-чи? Унда нима қиламан? Кўчада шарманда бўламан-ку! Одамлар нима деб ўйлайди? Йўқ, яхшиси, бормаслик, кўзни кўр, қўлоқни қар қилиб, бу бўронни ўтказиб юбориш керак! Яна хат ёзса-чи? Ахир, бирда эмас, бирда эримнинг қўлига тушиб қолиши мумкин-ку! Унда нима бўлади? Ахир, биринчи мактуб эмаслиги мазмунидан аён бўлади-ку? Нима деб ваз келтираман? Узим ҳам чувалашиб қоламан, бу турган гап... Агар учрашувга бормасам, ана ундан кейин кетма-кет хат кела бошлайди. Ҳали ўн еттинчигача уч кун бор. Анча-мунча нарсани ўйлаб, маълум қарорга келиш мумкин... Шу хил мулоҳазаларни дилдан ўтказиб, бир оз тинчигандек бўлдим у яна хатни қўлга олдим. Кўз югуртириб чиқиб бир нарсани англадим, англадим кўнглимга яна ғўлғўла оралай бошлади. Хатнинг мазмунидан шундоққина кўриниб турибди — бу ёш йигитнинг хати эмас. Масала мен ўйлагандан кўра мурак-

каброқ. Идроки қўйилган одам муҳаббат изҳор қилган экани, демак, бундан олдин кўп ўйлаган.

Хатни яна ўқиб чиқдим. Негадир конвертда почта муҳри йўқ эди. Демак, «Р. С.» мени анчадан бери кузатиб юради, адресимни билиб олган, хатни почта қутисига ўзи ташлаб кетган, балки газета олаётган чоғимда ҳам бир четда қараб турган. Телефонимиз номерини ҳам билиши мумкин... Қани энди, телефон қилсал! Шартта-шартта гапириб, умидини узардим. Ўзим ҳам қулардим, уни ҳам пуч орзулардан озод қилган бўлардим.

Ниҳоят, уч кун ўтди. 17 сентябрь ҳам келди. Ойначамга қараб пардозимни тузатгач (ажабол!), секин мактабдан чиқдим. Йўлда келарканман, атрофга алаңлайман, «Р. С.» олдимдан чиқиб қоладигандек юрагим така-пука. Учраган йигитдан ҳадиқсирайман, кўчанинг нариги бетига ўтиб оламан. Хайрият, ҳеч ким мени тўхтатмади. Аммо, назаримда «Р. С.» шу атрофда бўлиши аниқ. Мен, қатъий бир қарорга келиб қўйган аёл, шунчалик саросимадаман, унинг аҳволи қандай экан?

Одамзоднинг табиати ғалати, соат бир ярим деганда уйга кириб бордим кўчага қараган деразага ошиқдим — гул дўкони Ленин хиёбонининг нариги томонидаги кўп қаватли бионинг тагига жойлашган, деразадан шундоқ кўриниб туради. У ерда гул дўконида ташқари дорихона, сартарошхона, почта, китоб мағазини ва яна аллақандай дўкончалар бор. Одам кўп, ҳамма ўз юмуши билан овора, улар орасида мен қидирган кимса ҳам бўлиши мумкин, лекин кутаётганга ўхшаш одам кўринмайди. Балки хали келмагандир, балки бирон пана жойда писиб тургандир. Албатта, мени кўрагач, келганимга ишончи комил бўлгачина чиқади. Ўзимни бепарводек тутиб, бамайлихотир кийимларимни алмаштирдим. Алмаштирмай нима қилардим, бари бир учрашувга чиқмайман-ку! Шундай бўлса ҳам, соатга қараб-қараб қўяман. Майли-да. Чоракам икки. Ун минути кам икки. Беш... Юрагим гуп-гуп уради, тиззаларим қалтирайди, асабим рубоб торидек таранг, узилиб кетиши ҳеч гап эмас. Бориб ўзимни каравотга ташладим, юзтубан ётган кўйи аллаҳалгача қимир этмадим. Назаримда бир дунё вақт ўтгандек бўлди. Таом! Энг оғир лаҳзалардан ўтиб олдим! Бу ёғи осойишталик. Бошимни кўтариб қарасам, соат энди уч бўлибди. Бирон юмуш билан овуниш керак. Уримдан ҳорғин туриб, қўшни хонага чиқдим. Қизиқ туюлди, дераза орқали гул дўкони томон қарадим. Уша-ўша, йўловчилар ўз ташвишлари билан банд, севгилисини интизор кутиб у ёқдан-бу ёққа асабий юрган, ошиққа ўхшаш бирон кимса йўқ! Аммо, айна шу чоқ бир оқ «Волга» келиб тўхтади. Машина кўзимга иссиқ кўринди, шу пайт дорихонадан Мухтор ака югуриб чиқди-да, шитоб билан бояги машинага келиб ўтирди; машина жойидан кескин қўзғалиб, кўздан ғойиб бўлди... Ана шунда тушундим: хатни муқаррар эрим ёзган. У соат бирда дераздан чиқшимни билади, шунинг учун учрашувни иккига белгилаган; иккидан сал олдин келиб, дорихонанинг ойнаванд деворидан ташқарини кузатиб, менинг келишимни пойлаган. Учрашувга чиқмаслигимга амин бўлганидан сўнг, телефон орқали машинасини чақирган... Демак, шубҳаси бор эканки, мени синамоқчи бўлган. Бироқ, покдомонлигини текшириш учун ўз хотинини бунақа йўсин тўқибди... Бунини нима деб аташ мумкин?! Мен, албатта, унинг бу, ўзига номуносиб қилишини ҳеч қачон ўзига солмайман, лекин ўз егимга ўзим қоврилиб қолмаман... Нега дераздан қарадим ўзи?! Қарамаганимда балки эримнинг шундай разил ишга қодир эканидан бехабар юраверармиким.. Бир пайт Наргизанинг овози қўлоғимга чалинди, кўзимни очсам, Мухтор ака кўча кийимларини жавонга илаётган экан. Наргизанинг овози эшитилади, ўзи кўринмайди — хонасига кириб кетган бўлса керак; уни ҳар кунини боққадан ишдан қайтишда эрим олиб келарди. Ухлаб қолганим учун эшик очилганини ҳам пайқабман. Қуёш гул дўкони жойлашган бионинг орқасига ўта бошлаган эди.

— Яна бошинг оғридими? — деб сўради Мухтор ака келиб каравот киррасига ўтираркан.

— Йўх, ўзим... Озгина чўзилай, дедим, кўзим илинибди.

Мухтор ака эгилиб, гиламда ётган конвертни олди (уни ўзим атай ташлаб кўйган эдим).

— Бу нима? — деди у сохта бир оҳангда.

— Хат.

— Кимдан?

— Уқиб кўринг.

— Расмий хатми?

— Аксинча...

— Нега унда, ўқинг, деяпсан?

— Сиздан яшириб нима қиламан?

Эрим конвертни очиб, хатни худди энди кўраётгандек ўқий бошлади, ўқиб бўлиб кулимсиради:

— Ҳмм. Табриклайман!

Мен бош қимирлатиб, жилмайдим.

— Танийсанми ўзини? Ким «Р. С.»?

— «Танимайсиз», деб ёзибди-ку...

— Бордингми?

— Боришим кераклигини сиздан сўрамабман. Ботинмадим.

— Афсус,— деди эрим киноя билан. — Қачон келувди хат?

— Уч кун бўлди.

— Уч кун ичида сўраб олиш мумкин эди-ку? Лоақал кўрсатмадинг ҳам.

— Едимдан кўтарилибди.

— Бунақа нарсанинг ёддан кўтарилиши... қизиқ...

— Ҳайрон бўладиган жойи йўқ. Бундай хатни фақат ақлдан озган кишигина ёзади. Агар жуда истасангиз, яна хат келса, ўйлаб кўраман.

— Уч кун мобайнида миқ этмай юрганиннга ҳайронман. Рашки келади, деб қўрқингани ё?

— Қўрқсам, бу хат ҳозир гиламда ётмаган бўларди.

— Ўрнингда мен бўлганимда, албатта борардим. Ҳар қалай, қизиқ-да.

— Сиз ҳам бормаган бўлардингиз, сиз унақа одам-массиз,— дедим ва шундай жавоб топа билганимдан

ўзим ҳам таажжубландим, чунки бу гап билан мен унинг иззат-нафсини ҳам, нақадар садоқатли эр эканини ҳам бир қадар эслатиб кўйган эдим.

— Раҳмат,— деди Мухтор ака ўрнидан туриб.

Кейинги гапимдан унинг мамнун экани сезилиб турарди...

\* \* \*

Маннон ҳамон деразамдан кўз узмайди. Нималарни ўйлаётган экан ҳозир? Эрим менга нисбатан қўллаган найрагани Маннон ҳам қилармикан? Қайдам. Бундай қилмаса керак. Тавба, нима учун сўнги пайтларда мен тез-тез Маннон ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолдим? Келишган йигит эканлиги учунми? Мухтор ака ҳам ундан қолишмайди. Ё ақллилиги учунми? Мухтор ака ҳам очик, эҳни ўткир одам. Маннон эса очик кўнги одамга ўхшамайди. Бўлмаса, унинг жозибаси нимада—сирлилик-дами? Умуман, Маннон сеҳрли бир китобга ўхшайди. Одатда бундай китобни очишга одам ҳайқайди, худди фолбин кафтингдаги чизиқлардан фол очиб, тақдирингни айтиб беришга чоғланганда бўладиган ҳадиксираш каби. Ҳам қизиқ, ҳам қўрқинчли бу китобнинг кўнгилисиз тафсилотлари бўлса-чи, деб ўйлайсан. Кейин бир умр унинг машъум юки босиб юради кишини. Албатта, бу китобни варақлаб, кўп ажойиб ҳодисалар, саргузаштлар оқимига кириб бориш мумкин. Лекин, бу оқимнинг хавфли тўлқинлари ҳам бўлиши, бу тўлқинлар одамни ўз домига тортиши, фарқ қилиши мумкин... Тўлқинларнинг жозибали гирдоби деб, соҳилни тарк этиш инсофданми? Ахир, соҳилда мўлтираб бегуноҳ бир жажжи ИНСОН турибди...

Яхшиси, ҳар қанча сеҳрли бўлмасин, бу китобни варақламаган маъқул!

Мажнунтол томонга қараб, ичимда «Хайр», дедиму палатадан чиқдим. Кийимларимни алмаштириб, кўчага ошиқдим. Ҳозир такси тўхтатиб, тўппа-тўғри болалар боқчасига бораман. У ердан Наргиза чопқиллаб чиқади, қизимни маҳкам қучиб, бағримга босаман, тўйиб-тўйиб ўпаман...



Навбатдаги сонда Шукур ХОЛМИРЗАЕВнинг «БОДОМ ҚИШДА ГУЛЛАДИ» номли ҳикоясини ўқийсиз.



А. С. ПУШКИН

## ЯНГИ ТАРЖИМАЛАР

## Пайғамбар

Ҳориб руҳий орзу-ҳавасдан,  
 Мудҳиш чўлда судралдим узоқ,  
 Ногоҳ олти қанотли малак  
 Пайдо бўлди айрилганда роҳ.  
 Тўшдай енгил бармоқларни сал  
 Кўзларимга текизган маҳал  
 Ярқ этдию каромат нури,  
 Кўз очгандай сесканиб бургут,  
 Қулоғимга теккандай бўлди —  
 Турфа оҳанг, садога тўлди,  
 Туйдим само титрогини ҳам  
 Учиб юрган ҳурлар шарпасин,  
 Денгиздаги жонзодлар сасин,  
 Тўнган водий гиёҳини ҳам.  
 У чанг солди оғзимга ногоҳ  
 Ва доғули, каззоб, гуноҳкор  
 Тилимни ҳам суғуриб олди.  
 Музлаб қолган оғзимга, қонли  
 Милкларимга доно илоннинг  
 Заҳриқотил тилини солди.  
 Шамширида бағримни сўйди,  
 Юлди титроқ юрагим тағин,  
 Сўнг юрагим ўрнига қўйди  
 Ут олган чўғ кўмир парчасин  
 Мурда каби ётардим чўлда,  
 Ваҳий келди самовий йўлдан:  
 «Тур, пайғамбар, кўргину эшит,  
 Иродамни, ҳақни баён қил.  
 Денгизларни, ерларни кезгин,  
 Юракларни сўз билан ёндир».

Шавкат РАҲМОН  
 таржимаси

## Ажнабий аёлга

Сен учун бегона ва мубҳам тилда  
 Битмоқдаман видо изтиробимни,  
 Бироқ тотли рўё ҳис этиб дилда  
 Утинаман яккаш илтифотингни:  
 Мунисам, бу ҳижрон ўтида рангим  
 Сарғариб, хазонга айлангунча то,  
 Илоҳий қўшиқлар кўйлаб ўтгаймен  
 Сен учун, мунисам, сен учун танҳо.  
 Рад айлаб арзимас лутфлар барин,  
 Сен менинг қалбимга ишонгин, эркам,  
 Аввал унга қандоқ ишонган бўлсанг,  
 Тўшунмасанг ҳамки эҳтиросларин.

\* \* \*

Сенга менинг исмиим эзгудир нечун!  
 У сўнар қирғоққа урилган беҳол —  
 Ҳазин тўлқинларнинг сурони мисол  
 Ё сингиб ўрмонга йўқолгандек ун.  
 Ёдгор саҳифада қолажак у ҳам  
 Жонсиз ҳарфлар ила унут зайлда.—  
 Қабр тоши узра бегона тилда  
 Битилган имлодек нурсиз ва мубҳам.  
 Унда не мужассам! Кечмиш шан-сурур  
 Навқирон ҳисларга кўмилгайдир бот:  
 У сенинг қалбингга бахш эта олур  
 На ўтли ҳаяжон, на зўр хотирот.  
 Аммо ғамли айём, андуҳ чеккан пайт  
 Сен уни зикр айла хаёлан юксак  
 Ва менинг ёдимни барҳаёт деб айт,  
 Бор деб айт дунёда мен яшар юрак...

Мирпўлат МИРЗАЕВ таржималари



АШУРАЛИ  
ЖЎРАЕВ

## Кўзmunчоқ



ҲИКОЯ

тутиб эшитди. Кейин унинг қорнини силаб, юмшоқ бармоқлари билан босиб-босиб кўрди. Қассоб кўрагидан сал пастда санчиқ сезди. Қуйи лабини аста тишлади.

— Оғрияптими?— деб сўради врач.

— Ҳа,— деди қассоб қимтиниб.

— Амаки, сизни ётқизамиз. Текшириб кўрамиз,— деди врач ўрнидан тураркан.

Отамурод қассобнинг нафаси ичига тушди. Дўхтир чиқиб кетгач, ўғлига илтижоли тикилди:

— Энди нимасини ҳам текширади,— деди у қўлини кўрагига нуқиб, норози оҳангда.— Икки йилдан буён мана бу ерда нима бўлаётганини дўхтиринг қаёқдан билади? Дардим ўзимга аён, ўғлим.

— Ота, сиз сира парво қилмай, даволанинг. Утган ишларни хаёлингизга келтирманг. Ҳозир фақат соғлигингизни ўйланг. Дўхтирлар билан гаплашаман, ҳали кўрмагандек бўлиб кетасиз,— деди ўғли унинг кўнглини кўтариб.

Бу гаплар билан қассобнинг кўнгли «кўтарилмади».

\* \* \*

Отамурод қассобнинг тўнғичи қиз эди. Бундан у жуда-жуда суюнди. Ота-онадан эрта етим қолган сингилларини ўзи кўтариб, қараб катта қилгани учунми, ишқилиб, ёшлигидан қиз болага меҳри бўлакча эди. Мана, хотини ҳам билгандек, қиз туғиб берди. Қассоб ўзида йўқ хурсанд эди. Аммо қувончи узоққа бормади: қизалоқнинг умри қисқа экан, чилласи чиқмай... Бирин-кетин туғилган икки ўғил қассобнинг дил ярасига

Расми Т. САЪДУЛЛАЕВ чизган

малҳам бўлди. Бироқ қассоб уйда қизалоқ йиғиси янграйдиган кунни орзиқиб кутарди. Ниҳоят, бу истаги ҳам рўёбга чиқди: кенжаси қиз бўлди. Қассоб яна суянди. Бахтимизга шугина омон қолсин, деб чақалоққа Турсуной деб ном қўйдирди. Гиждувонга бориб, атай бешик ясаптириб олиб келди. Кўз тегмасин, ҳаммиша ёмон кўзлардан асрасин, деб Нуротадан бир шода ола-була кўзmunчоқ келтириб, бешикнинг қасноғига остириб қўйди.

Хотини бешикни аста табратиб, кўзmunчоқнинг охишта шиқиллашига монанд овозда алла айтарди:

Онасининг қизи бу, алла-ё алла.  
Отасининг қизи бу, алла-ё алла  
Мунчоқларнинг кўзи бу, алла-ё алла.  
Осмоннинг юлдузи бу, алла-ё алла.  
Ал-ла-ё, ал-ла-...

Турсуной ёшига етганида элга катта дастурхон ёзиб, ёш тўйи қилиб берди. Қизчаси юрадиган бўлиб, «Дадажон», «Онажон», деб тил чиқариб ширин гапирганида, бешикдаги кўзmunчоқни билакларию бўйинчасига тақиб қўйишди. Бирам ярашди, бирам ярашдики! Қассобнинг кўзлари қувонди. «Илоҳим, қизганимни ҳаммиша ёмон кўзлардан асрасин», деб аста «туф-туф» лаб қўйди.

У фарзандларининг ҳаммасини эсли-хушли, меҳнаткаш қилиб тарбиялади. Оталик меҳри чексиз эди уларга. Ана шу меҳрдан қизига катта улуш тегди. Шу сабабдан ҳам Турсунойнинг яхши-ёмон кунларига унинг ўзи балоғардон бўлди.

Турсуной тўрт ёшида сариқ касалга чалинди. Хотинига ишонмай, қизини касалхонада ўзи олиб ётди. Илгари бундай жойларда ётмагани учун, роса зерикди. Аммо қиз обдон тузалгунча чидади...

Турсуной тўққизинчи синфда ўқиётганида, пахта теримида қаттиқ чанқаб сув ичиб қўйди — терлама бўлиб қолди. Қассобнинг бosh урмаган касалхонаси, сўраб-суриштирамаган табибию кучночи қолмади. Ана кетди мана кетди, бўлиб ётган боласини елиб-югуриб оёққа тургазди. Икки ой ичида Турсуной ҳеч нарса кўрмагандек тузалиб кетди.

Мақтабни тугатадиган йили Турсунойнинг дугоналари ўқишга боришга тараддуд кўра бошладилар.

— Дадажон, мен ҳам ўқишга борай, — деди қизи бир кун ийманиб.

— Нима ўқишга, она қизим?

— Дўхтирликка.

— Майли, асал қизим. Дугоналардан ҳам борми, ўқишга борадигани? Ҳа, унда яхши. Қани, мақтабни битираверинг-чи, кўрармиз, — деди қассоб.

Мақтаб тугади. Қассоб Турсуной билан қўшнилари билан бирининг қизини етаклаб, эски сумкасини кўтариб катта шаҳарга йўл олди. Негадир оёғи тортмади. Лекин ёлғиз қизининг нияти кўнглида армон бўлиб қолмасин, кейин отасидан ранжиб юрмасин, деб кетаверди.

Қизлар медицина билим юртига ҳужжат топшириб, ётоқхонага жойлашдилар. Қассоб иккисини бир хонага қўйиб қишлоққа қайтди. Ун кунлардан сўнг хабар олгани борди. Борса, қизларнинг хонасида сочлари кўнғироқ, кўзлари кичкина-кичкина, маллагина бир бола ўтирибди. Қассоб ҳайрон қолди.

— Саломалейкум, — дея бола дик этиб ўрнидан туриб, қассобга жой бўшати.

Қассоб бошини аста қимирлатиб алик олди. У кўрсатган жойга ўтирмади. Кимсан, қаердан келдинг, деб сўрамади ҳам. Таъбиға ёқмайдиган иш бўлса, индамай қўя қоларди.

— Мени танимадингиз-а, амаки? Мен Обгузарлик Норбой деганининг ўғли бўламан, — деди бола.

Қассоб унинг отасини дарров таниди. Танидию баттар қовоғини солиб олди.

— Мен ҳам шу ерда, политехника институтида ўқийман. Ҳозир ёзги меҳнат семестрини ўтказяпмиз. Шу билим юртига қўшимча бино қуряпмиз. Кеча қарасам, ўзимиз томоннинг қизлари юрибди, — дея сай-

рай бошлади бола, кейин қассобнинг хўмрайиб олганини кўриб, қисқа қилди: — Химиядан савол-жавоб қилиб ўтирибмиз. Қизларнингиз чекки эмас, амаки.

Қассоб қовоғини очмади. Буни бола сезди шекилли, «Бизнинг ётоқхонага ҳам боринглар», деб ўрнидан кўзгалди.

— Бунақанги болаларни киритманглар. Яна битта-яримтаси кўриб, гапириб юрмасин. Узларинг ўқисаларинг тушунмайсизларми? — деди қассоб салгина қизишиб.

— У бола химиядан жуда яхши билар экан, дада, — деди Турсуной содда, самимий кўзлари порлаб.

Қассоб қизини бошлаб уришмоқчи бўлди-ю, шаштидан қайтди. Жаҳли чиққанини сездирмади. Уйдан, қишлоқдан гапириб, қизларнинг кўнглини кутарди.

Бир-икки кун туриб уйга жўнади.

Омад Турсунойга кулиб боқди: дугонаси конкурсдан қайтди, у ўтди. Қизига қўшилиб Отамурод қассоб ҳам хурсанд бўлди. Фақат қўшини қизининг йиқилгани унга маъқул тушмади. Уқишга кирганида иккови гангур-гунгур юрармиди, бир-бирига кўз-қулоқ бўлиб...

— Қизинг келганида айтгин, кўзmunчоқни тақиб юрсин, тақмасаям, ёнида олиб юрсин. Бегона шаҳар, библи бўладими? — деб хотинига астойдил тайинлади.

Турсуной кўзmunчоқни олиб кетди. Қассобнинг кўнгли бир оз тинчиди...

Икки йил ҳам оқар суздай ўтди-кетди. Икки йил ҳар шанбада қассобнинг кўзи тўрт бўлиб йўл пойлади. Қизи ҳаяллаб қолган кезларда ўзи бориб хабар олиб турди. Ора-сира акаларини юборди. Бир гал қизини автостанцияга чиқариб кузатаётганида, ўша кўнғироқ соч боланинг ҳам автобусга минганини кўриб қолди. У автобуснинг орқа томондаги ўриндиқларига ўтиб кетди. Қизи олдинда эди. Қассобнинг кўнгли хижил бўлди. Лекин ўзга иложи ҳам йўқ эди...

Икки йилни омон-эсон ўтказиб, Турсуной ўқини тугатиб келди. Совхоз поликлиникасига ишга кириши билан ортидан совчилар ҳам кириб келишди. Кимдан денг? Норбой аравакашнинг ўғлидан. Қассобнинг бароқ қсшли қовоғи яна осилди. Таъби хира бўлди. Қизидан, сўраб-негиб ўтирмай совчиларнинг жавобини бериб юборди. Совчилар бошқа сафар келганида «Норбойнинг ўғлига берадиган қизим йўқ», деб дарвозаданок қайтарди. Қайтардию Норбой аравакашникида бўлган воқеа беихтиёр ёдига тушди...

Ушанда аравакаш шалақ аравасини шалдиратиб келиб қолди. Аравадан тушмасдан, дарвозада кўринган қассоб билан савдони бичди:

— Қассоб бобо, боқиб юрган қисир сигиримиз бор. Шуни ҳалоллаб берсангиз, — деди-да, жўнаб кетди.

Қассоб белгиланган кун бориб жониворни ҳалоллади, жойида пуллаб ҳам берди. Ҳаммасини саронжомлагач, пичоғини ювиб-артиб қизига тикди. Дастанги гужум болтасини, эски қайроқтошу латта-лутталарини сумкасига солиб, хуржунининг кўзига ташлади.

У далага чиқиб, қайтиб келаётса, аравакаш чўкка тушиб хуржунни титкиляпти. Қассоб буни кўрди-ю, ўзини кўрмаганга олди. Аравакашнинг қилигидан лолу ҳайрон қолган эди. Нимани ахтаряпти ўзи? Еки бирор нарчасини йўқотдимикан?... Қассоб бирдан англади, қаттиқ, жуда қаттиқ ўсал тортиб кетди. Аравакашнинг «Овқат тайёр, қассоб бобо, киринг», деганига ҳам қулоқ осмай, хуржунни йўрғанинг устига ташлаб, жаҳл аралаш ниқтади. Уйга келиб, аравакаш берган бир парча «пичоқ учини» қўшниникига чиқартириб юборди. Дили баттар ғаш бўлди. Ахир аравакаш уни ким деб ўйлади? Нахотки уни имонини бир бўлак гўшга алмаштирадиган кимса деб билса?! Кўнглинг қора экан, нима қилардинг Отамурод қассобни чақириб?! Умри бино бўлиб бировнинг ҳаққига хиёнат қилмаган одам, келиб-келиб...

Шу-шу бўлдию у қайтиб Норбой аравакашнинг моллини сўймади, қайтиб остонасига қадам босмади.

Узиндан чиққан балага, қайга борурсан давога, деганларидек, суякли қизи, ўғилларидан кўра кўпроқ оталик меҳрини бахшида этган жигаргўшаси Турсуной



қассобнинг қаддини эгиб, эл-юрт олдида шарманда қилди: юзини ерга қаратиб бир кечада Норбой аравақашнинг ўғли билан қочиб кетди!

Бу шум хабар қулоғига чалинган Отамурод қассоб қутурди, томиридаги қон кўпириб-тошди, қариган чоғида гуноҳга ботиб, беғуноҳ хотинини қалтаклади. Қўлидаги тутшоҳ синиб кетгунча, бечора аёлни ўласи қилиб урди. Ажратишга келган ўғлининг ҳам юзини терсаки билан ёндирди. «Хаммангни сўяман, шармандалар, бетикаролар!», деб шашт билан личогини қинидан сугурди. Шовқинни эшитиб тўпланган қўни-қўшни базўр тутиб қолди.

Тилаб олган қизи туфайли бадани моматалоқ, оғзи қон эди шўрлик онанинг... Тилаб олган қизи туфайли юраги қон эди бечора отанинг...

Қассоб гандирақлаб уйига кирди. Хонанинг қибла томонига чўккалаганча ер муштлаб қизини қарғади, бор овози билан бақириб, «оқ» қилди. Бурчакдаги эски устунда осиглиқ турган бир шода кўзmunчоққа (Турсуной уни кейинги пайтларда тақмай қўйган эди) кўзи тушдию шартта юлиб олиб ҳовлига улоқтирди. Ипи ҳилвираб қолган эканми, доналари сочилиб, тақир супа билан битта бўлди. Қассоб кафтида қолган бир дона мунчоқни маҳкам қисиб пешонасига муштлади...

Бир ҳафтадан сўнг Турсунойнинг тўйи бўлди. У, отам мени яхши кўради, қилмишимни кечирар, тўйимга келар, деб ўйлаган эди. Отаси тугул қариндошларидан бирортаси қорасини кўрсатмади Тўйга айтиб келган хабарчиларни қассоб итга талатди. «Қизим ўлган, эртага жаноза ўқиттираман!» деб ўкириб йиғлади...

Қассоб касалхонада узоқ ётмади. Аҳволи оғирлашгач, «кетаман»га тушди. Уйига қайтган кўни қариндошлари, ошналари йўқлаб келишди. Қўни-қўшни аҳвол сўрагани чиқди. Қассобнинг дилгир кўнгли хиёл равшан тортди.

— Бу дарднинг ҳаммаси ўйловдан бўлган. Ҳадеб сиқилиб бошингни қотирма, жўра. Бу замоннинг боласи шунақа. Ут тушганидан кейин ҳўл қуруқ баробар ёнади. Ҳеч нарсани ўйламай, ўғилларнинг соясида маза қилиб юрсанг-чи,— деди ошнаси Содиқ бурма гап орасида.

Унинг ҳам нияти шундай эди. Бўлмади. Баттол қизи «маза қилиб юришни» унга раво кўрмади. Кўргилик экан.

Эртаси оқшом ёнига ўғли кирди. Отасининг кўнглини кўтариш учун ундан-бундан гурунглашди. Кейин отасининг чеҳраси бир оз ёришгач, астагина гап бошлади:

— Ота, энди хафа бўлмайсиз-да. Сизга воситачи бўлишимнинг ўзи уят. Бечора, кечаям келувди. Бугун ҳам хуфтондан буён шу ерда. Қон-қон йиғлаб ўтирибди. Гуноҳини кечмасангиз ҳам майли, кириб сизни бир кўрсин, тозаям хор бўлди шўрпешона.

— Йўқ-йўқ!— Қассобнинг юзидан қон қочди, безгак тутаётгандек қўллари қалтиради.— Кетсин! Кўзимга кўринмасин. Улсам ўлигимга келмасин!!

Уша кеча у қизининг дераза ортидан ўқисиб-ўқисиб йиғлаб кетганини эшитди. Унинг ҳам дили вайрон бўлди. Нимагадир қизига раҳми келиб, ўзидан кўра унга кўпроқ ачинди. Ахир, бир пайтлар шу шўрпешона қизини жонидан яхши кўрмасиди, унинг фатила-фатила сочларидан силаб эркаламасиди? Қизалоғи оғриганида, шугина тирик қолсин, деб кечалари илтижо қилмаганмиди?..

Қизи эртасига ҳам, индинига ҳам келди. У ҳар галгидай юракларни эзиб, аста-аста нола қилиб, аста-аста фарёд чекиб кетарди. Қизнинг бу фарёдлари қассобнинг кундан-кун сўниб бораётган қалбини чақмоқ янглиғ тилиб, ўртаб борарди. У ҳам қизига қўшилиб ун-сизгина йиғлар эди...

Бу тонг қассоб анча эрта уйғонди. Руҳи тетик. Таҳорат олиб, намоз ўқиди. Уғлини уйғотиб уста Комилга жўнатди. Кўнглига яқин қариндошларини, ошналарини сўраттирди. Айвонга чиқиб бурчакдаги сумкада турган қассоблик асбобларини бир-бир олиб кўрди...

Чошгоҳда уста келиб сочини олди, соқолини тарашлади. Кечгача сўраб келганлар билан ўтириб гурунғ қилди. Ҳарбийдаги ўғлига «Отанг сола-соғ», деб хат ёздирди.

Келиб-кетувчиларнинг оёғи узилгач, кўпдан буён дурустроқ ўтириб гаплашмаган хотинини чақиртирди. Хотини муштдай чойнақда чой кўтариб келди. Қассоб зил-замбил гавдасини кўрпачадан узиб, суюқлари бўртиб чиққан оёқларини чордона қилди. Хотинини биринчи бор кўраётгандек хира кўзларини катта-катта очиб, унга қараб қолди. Хотини чой куйиб узатди. Шунда уларнинг кўзлари беихтиёр тўқнашди. Тўқнашдик яна ер чизиб қолди. Қассобнинг ҳоли маълум. Хотини ҳам ундан қолишмайди. Жуда тез қарибди. Уни ҳам ғам адо қилди. Қизининг ғами. Узи аслида индамас эди, энди биров қулоғининг остига келиб гапирмаса, эшитмайди шўрлик.

Орадаги оғир сукунатни бузиб, қассоб тилга кирди. — Мендан хафа бўлмагин. Ушанда сани уриб бекор қилдим. Пешонамиз шўр экан, хотин.

— Мен сизнинг гуноҳингиздан ўша вақтда кечганман. Мендан кўнглингиз тўқ бўлсин, Ориф (хотини эрини катта ўғлининг исми билан атарди). Лекин сиз Турсуноининг гуноҳидан ўтинг. Орқангиздан кўзи тўрт бўлиб қолмасин бахтиқаронинг, — деди пиқиллаб. Сўнг аста чиқиб кетди. Ҳар гал кизининг отини эшитиши билан жазаваси тутиб «Йўқ!», дейдиган одам, бу сафар индамади. Бошини эгган кўйи жимгина ўтираверди. Эшик очилди. Қизи қалтироқ товушда салом бериб кирганида ҳам, узун тўшалган бахмал кўрпача четига омонатгина чўкканида ҳам қассобдан садо чиқмади. Кўзини шифтдан узмади. Бир пайт аллақандай финшиган товуш эшитилди.

— Ма, ушла бунини, — деди Турсуной томоғига бир нарса қадалгандай хириллаб.

Қассоб секин кўз қирини ташлаб, қизининг тиззасида ўтиргиз боқани кўрди. У қизини гўё тушида, қизи эса отасини хаёлида кўраётгандек... Тушда, Турсуной ширин қизалоқ. Хаёлда, қассоб меҳрибон ота эди...

Сукунат. Оғир, аламли сукунат. Қани, ким юрак ютиб ана шу сукунатни бузади? Ким?!

Қанчалар оғир ва азоб бўлмасин, қассоб хиёл бошини кўтарди. Хушрўйгина, сочлари кўнғирокдай набираси бўйнидаги кўзmunчоқни тортиб, худди узиб олмоқчидай юлқиб ўйнар эди. Қассобнинг унга кўзи тушдию қалқиб сесканиб кетди. Кўзларини олиб қочди. Гўё кўзmunчоқ унинг бўйнидаю маҳкам бўғаётганга ўхшарди. «Отажон, кечиринг!» деган эаиф, қалтироқ товушни эшитмагандек, қўли билан «Чиқиб кет!» деган каби ишора қилди.

Турсуной увас солиб чиқиб кетди.

Бир пасдан кейин хотини кирди. Кирди-ю, ўтирмади: эшик олдида музтар бўлиб тураверди. У йиғлар, йиғлаб эрига ёлворар эди:

— Отаси, бунақа бағритош бўлманг. Одамлар бегонанинг гуноҳидан ўтади. Ахир, бу фарзандингиз-ку. Қонингиз-ку! Кечириб қўяқолингизда энди!

Хотинининг минғир-минғири қассобга оғир ботди. Аслида унинг ҳам қалбида шунга ўхшаш аллақандай бир истак уйғонган, бу гапларсиз ҳам кўнгли тўлиб турган эди. «Одамлар бегонанинг гуноҳидан ўтади.» Утади!.. Қизи... Фарзанди...

Бирдан қассобнинг хўрлиги келди. Бояги истак янги пайдо бўлган меҳр кучи билан йўғрилиб, юзага қалқиб чиқди, бироқ у гапиролмас, тили айланмас эди.

Хотини уйдан чиқиб кетдими, туйқус ғойиб бўлди-ми, бунини қассоб ҳатто сезмай қолди...

Мўмин  
АБДУРАСУЛ

## Рубоийлар

Ҳар қандай нилнинг ҳам бордир тўрт фасли,  
Узгача завқ берар ҳар бирин васли.  
Кексалар шўхликни ёқтирмас, аммо  
Узлари ёшлиқда шўх бўлган асли.



Рост гапни ўрнида ишлатса киши,  
Унга ёғилади элнинг олқиши.  
Олдинда хўшомад қилиб, мақтаб, сўнг —  
Орқадан ёмонлаш номардининг иши.



Рубоий — тўртлик бу, тўртгина сатр,  
Қора гулдай ноёб хушбахра атр.  
Узи ихчамгина бағри кенг жаҳон,  
Бир парча патиру оламга татир.



Халқ дер: «Дўст ачитиб, кулдиран душман»,  
Кулдириб едирар охир пушаймон.  
Сохта ширин сўзга учган бор, мен-чи  
Дўстнинг аччиқ гапи билан дилхушман.





РАУФ  
ПАРФИ

## Ватан

Умр деганлари ўтмакда шошқин,  
Тилла баргларини элаб йўлимга.  
Сенинг мангулигинг берадир таскин  
Эрта ўзилгувчи менинг умримга.

Ватаним, овоз бер, куйлайин ёниб,  
Дунё журъатини бердинг қўлимга.  
Сени англадиму билдим дунёни,  
Мана мен тайёрман энди ўлимга...

Эй менинг заҳматкаш, эй ўзбек халқим,  
Бергил, фақат куйиб куйламак ҳаққин.  
Ортиқ масъул этар топилган бу Бахт.

«Ишқ сўзидан куйди булбул максани»<sup>1</sup>,  
Тил билан куйланмас она-Ватаним,  
Мен сени куйламак истайман фақат.

## Шухрат Абдурашид мозорида

Улган ўлди. Кетди.  
Дўстларингга хиёнат қилганмидинг дўстим!  
Билмадим.

Улган ўлди. Кетди.  
Сен хотинингга хиёнат қилганмидинг!  
Билмадим.

<sup>1</sup> Алишер Навоийдан.

Улган ўлди. Кетди.  
Ватанингга хиёнат қилганмидинг сен ахир!!  
Билмадим.

Ҳаммасини қилмоққа қодир  
Улмаганлар.  
Улган ўлди. Кетди.



## Ойлар ўтди ва йиллар ўтди

Лекин сендан бўлмади хабар.  
Ёлғиз сени, мен сени кутдим,  
Кута бериб хун бўлди жигар.

Мана ахир сен-да намоён,  
Муҳаббатим, кўзим, исматим.  
Унгми, тушми ё ширин армон!  
Бирдан ярақлади қисматим.

Сен ўша-ку хаёлда кўрган,  
Уша нигоҳ, ошна табассум.  
Уша оҳу кўзлар тиг ўрган  
Ва юракка бошлаган ҳужум.

Сенга жуда ғалат туюлар  
Балки севгинг билан ёнганим,  
Менга оғу каби қуюлар  
Шундай буюк ишқдан тонганинг...

Ойлар ўтди ва йиллар ўтди,  
Юрак эса ишонч ва ғашда.  
Қанчадирки, ўтган вақт, кутдим,  
Сени кутдим ёниб оташда.



Уртада ному нишон,  
Оқ, қародир ўртада.  
Хулласи, икки жаҳон —  
Ҳар балодир ўртада.

Уртада жабдуқ-юган  
Уртада якраг палос.  
Уртада севги деган  
Бир бало йўқдир холос.



## Насиҳатни чуқур тушуниш

Ҳазил

Устознинг муборак ўғити текин,  
Доим қилар эди у бир насихат.  
Дерди, айтганимни қилгину лекин,  
Яна, қилганимни қилмагин фақат.

Қаттиқ тутиб олдим устоз этагин,  
Насиҳатни камтарликка йўйдим мен.  
Барча айтганини қилдим-у, лекин,  
Эвоҳ, қилганин ҳам қилиб қўйдим мен.

## Уртада

Ҳазил

Уртада қозон-товоқ,  
Уртада оту эшак.  
Уртада қошу қовоқ,  
Уртада ёстиқ-тўшак.

## Ичингдаги ғамингни бер менга, йўловчи

Тарозуга қўяйлик иккимиз,  
Ниҳоят, бир фикрга келайлик охир.



## Мақтов

Мақтов кимга ёқмас, кўнглинг тўлдирад,  
Мақтов — ширин оғу, ширин ўлдирад.



Журналимизнинг келгуси сонида **ГУЛЧЕҲРА НУРУЛЛАЕВ**нинг  
янги шеърий туркумини эътиборингизга ҳавола этамиз.

# БОЛАЛИК ДОСТОНИ

Болалик дафтаримни  
Варақласам ногаҳон  
Шодлик ва дардларимнинг  
Қуюнида қолар жон.  
Қоя каби чин дўстлар  
Пайдо бўлар ёнимда.  
Ёна бошлар юлдузлар  
Хотира осмонимда...

## 1. Сангинжон қиссаси

Ирмоқларнинг кулгуси  
Уйғотганда тупроқни,  
Кўк ялпиз, чигит иси  
Тутди Бўстон қишлоқни.  
Болалар қий-чув қилиб  
Жўнадик бирга-бирга,  
Кўкарчиндай сочилиб  
Кетдик кўм-кўк адирга:  
«Лайлак келади тоққа,  
Қулоқларида ҳалқа,  
Ҳалқаси тушиб қолди,  
Утирди йиғламоққа!»  
Кўлдан учта оқ варрак  
Кузда учиб кетарди.  
Кўкламда яна лайлак —  
Қайтарди, шод этарди.  
Болалик бир ажиб туш,  
Болалик бир елдирим.  
Учиб кетса мисли қуш  
Тополмас қайта ҳеч ким!

\* \* \*

Қорлар эриб, кун қизиб,  
Бозор бўлар заранглик.  
Чиллик урар ким ўзиб,  
Ким «зувиллар» жаранглик.  
— Уйиннинг ҳалол шарти,  
Дугоналик ҳиммати:  
Сангинойни бир «туғдим»,  
Сангинойнинг навбати!  
Кийик кўзли, тортинчоқ  
Навдадай қиз куларди.  
У жилмайса вақти чоғ,  
Кўнглимиз хуш бўларди.  
Бир навбат, икки навбат,  
Сангинойга пешма-пеш,  
У бетоб ётгани пайт  
Давра қолар эди бўш...  
Ким зоғора, ким туршак,



ОЙДИН  
ҲОЖИЕВА

Ким келтирар тутмайиз,  
Баҳам кўрардик бирдак  
Қиёматлик етти дўст:  
Сангиной, мен, Ҳаловат,  
Омоной ва Латофат,  
Марямою Мухаббат.  
Уруш йиллар фарзанди  
Отасиз сағир эдик.  
Онамиз бахти бандли,  
Ох, доғлик бағир эди.  
Қорнимиз оч бўлса ҳам,  
Кўзларимиз тўқ эди.  
Ҳар қадамда чинакам  
Меҳр ҳиссин уқидик.

\* \* \*

Узоқ тунлар ўлтириб  
Онам ямоқ қиларди.  
Ел уйғонмасдан туриб,  
Хамирга ун эларди.  
Сўрар эдим дамба-дам:  
«Нега бетоб Сангиной!»  
«Сўраб нетасан, болам!  
Уйинга тўлсин бугдой!  
...Кароматой қаламқош  
Бир қиз эди суйгулик,  
Қиё боқса бермай дош  
Қирқта йиғит куйгулик!  
Боққа зийнат бергани  
Тархи тоза гул эди.  
Чимилдиққа киргани  
Қирқ биринчи йил эди!  
Элбеккина тўйдан  
Ёлғизгина нишона  
Келинчакнинг бўйида  
Қолган эди гумона...

Жангга кетди Элбекжон  
 Биринчилар қатори  
 ...Ўт уфурган саратон.  
 Бош қайирган жўхори.  
 Уғир тўйиб Каромат  
 Минг ўйловда ёнарди:  
 «Езмасми бир энлик хат  
 Суянгани жўмарди!»  
 «Отам! Отам» дея хат  
 Тутганича ҳарсиллаб  
 Чолиб чиқди Сангинжон!  
 Тубига болта тушган  
 Оқ теракдай гурсиллаб  
 Йиқилганда Каромат,  
 Ҳайрат, даҳшат аралаш  
 Бир зум қотди Сангиной,  
 Онасининг устига  
 Узин отди Сангиной...  
 Бир ёқда она беҳуш,  
 Бир томонда — қизалоқ.  
 Хабар тарқалди нохуш,  
 Йиғилди бутун қишлоқ.  
 Бургутдай келди раис.  
 Ияги қалт-қалт титраб,  
 Эш синчига устма-уст  
 Қамчи чолди дарғазаб.  
 Чўнтакда кўлсиз ени  
 Оқ қанотдай ҳилпирар...  
 — Сенга ер билан тенгми  
 Жон иситган умидлар!  
 Одамзоднинг дардини  
 Мазаҳ қилган газанда,  
 Эл-юртнинг қора кун  
 Сенга байрам экан-да!  
 Уша кун  
 Эш синчи  
 Кўкрагида адоват,  
 Отангдан, деб, суюнчи,  
 Тутқазибди қорахат.  
 Уша-ўша дилхаста  
 Сангиной ўнганмади,  
 Сарғайди аста-аста,  
 Гуркираб кўкламади...»

\* \* \*

Дилларга тушди гумон,  
 Тоғларни туман тутди.  
 Боғ кўчадан тонг-азон  
 Лопиллаб тобут ўтди.  
 Бизни қайғу уйғотди.  
 Кавушчалар пойма-пой,  
 Борар эдик совқотиб,  
 Кўлмак кечиб, кечиб пой.  
 Учиб борарди кўкда  
 Чирқираган бир қўшиқ,  
 Сел бўлиб йиғлаб, йўқлаб,  
 Хирқираган бир қўшиқ:  
 «Тол хивичдан отлар қилай.  
 Тол баргидан хатлар қилай!  
 Сайлу тамошо кунлари  
 Йиғлаб сани ёдлар қилай!..  
 Қора ерга жойланди



Шафақнинг бир парчаси.  
 «Ерилтош»га айланди  
 Сангинойнинг дарчаси...

\* \* \*

Бўйма-бўй дугоналар  
 Тизилардик икки саф,  
 Сангинойни баравар  
 Чорламоқ эди шараф:  
 — Оқ теракми, кўк терак!  
 Биздан Сизга ким керак!  
 — Сулув Сангиной керак!  
 — Хушрўй Сангиной керак!  
 Эшитса ахир бизни,  
 Келмасмиди Сангиной!  
 Соғинчу меҳримизин  
 Билмасмиди Сангиной!!

\* \* \*

Мен эртақ тинглаган кез  
 Мижжа қоқмай ўлтириб,  
 Кийикка айланган қиз  
 Боқар эди мўлтираб.  
 У тоғларда сув ичиб  
 Уйнаб юрган ўхшайди.  
 Бир кун тилсимин ечиб,  
 Келадурган ўхшайди!

\* \* \*

Улғайдим. Катта жаҳон  
 Кўзларимга бўлди жо.  
 Дўстларимга ҳар қачон  
 Жон бўлсин, дедим, фидо!  
 Оқжамолни шезрида  
 Қорақум саҳросини,  
 Марямхоннинг жирида  
 Қўбизнинг навосини,  
 Гулрўхсор илҳомида  
 Варзоб тўлқинларини,  
 Римманинг каломида  
 Волга салқинларини,  
 Турсунхон ўланида  
 Олатовнинг виқорин  
 Тўйдим. Шезр гулханида  
 Юксалди кенг диёрим.  
 Дўсту ёримга бердим  
 Қалбим, уйим тўрини,  
 Нетай, доим бўш кўрдим  
 Сангинойнинг ўрнини!  
 Мармар тошларда сездим  
 Шаҳидларнинг шомини,  
 Рўйхатга қўшиб ёздим  
 Мен Сангиной номини!

## 2. Гулсум хола

### СОҒИНЧИ

Томорқалар эшиги  
 Қулфу занжир бўлганда,  
 Қалдирғочлар бешиги

Қайта таъмир бўлганда,  
 Гулсум холага ҳар қиш  
 Бизлар овунчоқ кўмак  
 Сочлари кумуш-кумуш  
 Холамиз тўқир эртақ:  
 — Кабутарга — кабутар,  
 Ғозлар эса ғоз билан.  
 Аброржон деса, қизлар  
 Соч тарарди ноз билан.  
 Тоғларни талқон қилар  
 Йигит эди Аброрим.  
 Чўққиларда ин қураб  
 Бургут эди Аброрим!

\* \* \*

Естигининг тагида  
 Уқ тешган эски суврат.  
 [Уқ унинг юрагида  
 Эканини ўша пайт  
 Билмасдик!].  
 Уни қишлоқ  
 Чеваримиз, дер эди.  
 Биз холани таянч тоғ,  
 Севаримиз дер эдик!  
 Ойна ҳалта, енг кашта,  
 Келинсалом рўмоли,  
 Сўзаналар бир бошқа,  
 Баҳяларга хаёли,  
 Соғинчлари қоришиб,  
 Тўй-тўйчиқлар фаслида  
 Иш билан тонг ёришиб  
 Қоларди кулбасида.  
 — Аброржондан агар ким  
 Келтирса хат, хушхабар,  
 Бўй баробар сочардим  
 Ширинликлар, тангалар!  
 Келса эшикдан кириб,  
 «Онажон» деб Аброржон,  
 Мен ҳам оёққа туриб  
 Кетар эдим шу замон!..  
 Бўларди икки хуфтон,  
 Пилиги куяр чироқ.  
 Ухлай олмасдим ҳамон,  
 Учмасди битта сўроқ:  
 — Келармикан боғига  
 Орден тақиб Аброржон!  
 Топарми дил доғига  
 Гулсум холамиз дармон!..  
 Тун ўзоқ...  
 Катта йўлда  
 Кўринди аскар ўғлон.  
 Кигиз шинел энгилда.  
 Елкасида зар погон.  
 Унга қараб чопдик биз  
 Йиқилиб-ей, сурилиб.  
 Салом бердик изма-из  
 Турналардай терилиб.  
 — Салом,— деди бош ирғаб.  
 Чувиллашиб эргашдик.  
 Ҳаяжон ичра зўрға:  
 — Аброрсиз!— деб сўрашдик.



Кулимсаб, тасдиқ қилди.  
 Бизларга шу кифоя!  
 Ким мункиб, ким йиқилди...  
 Шод эдик бениҳоя...  
 Тушим экан-уйғонсам...  
 Холамизга югурдик  
 Дугоналар бўлиб жам,  
 Тушимизни айтгани:  
 Аброр акани кўрдик,  
 Рост бўлар деб қайтгани.

\* \* \*

Холамиз жим. Нечун у  
 Қувонмайди, шошмайди.  
 Ахир бизлар келдик-ку!  
 Нега сочқи сочмайди!  
 Уйғонмади холамиз  
 Эртаси ҳам, индин ҳам!  
 Бўм-бўш ҳовлида маюс  
 Ҳуштак чалар эди ғам...

\* \* \*

Кўп йиллар ўтиб йўлим  
 Тушди ўша чорбоққа.  
 Ҳайкал кўрдим чўнг, сўлим  
 Ярашибди қишлоққа.  
 Кўзу қоши чанг келган  
 Уғлонини қучоқлаб,  
 Оча турар ўнг келган  
 Армонини қучоқлаб!

\* \* \*

Москвада, Одессада  
 Севастополда кўрдим,  
 Оққўрғонда Мотамзада  
 Она йиғлар. Жим. Жим. Жим.  
 Улуғ съезд! кунлари  
 Қўйдик биз ҳам гулчамбар.  
 Балки Аброр сингари  
 Ёшдир Номълум Аскар!  
 Онажони уни ҳам  
 Кўзлари тўрт кутгандир!  
 Кута-кута дилда ғам,  
 Армон билан ўтгандир!  
 Чақмоқ чақиб фикримда  
 Гулдиради акс-садо,  
 Мангу Оташ зимнида  
 Учқун сочди бир нидо:  
 «Қизил гулни тақиб олдим билакка,  
 Аброржоннинг доғи тушди юракка.  
 Қизил гулни сувга солсам сўлимас,  
 Мард йигитлар туғилганлар шон  
 учун,  
 Тирикликнинг булоқлари қуримас!»

СССР Ёзувчиларининг VII съезди.

### 3. «Зум-зум» шаҳар

Ажриқзор чим ўтлоқда  
Сигирларни қантариб,  
Шаҳар қурдик қирғоқда,  
Йўлни ағдар-тўнтариб.  
Кўйлаги қизил читдан  
Қўғирчоқлар ясадик.  
«Палак» илиб бир четда  
Меҳмонхона безадик.  
Офтоб ясаб каттакон  
Тахта кулдириб қўйдик.  
Сойларин оби раван  
Билан тўлдириб қўйдик.  
Сайроқ қумрилар тиздик  
«Гул шохи»га маҳлиё.  
Дарвозасига ёздик  
«Шаҳримизга марҳабо!»  
Катта-кичик жилмайиб,  
«Ҳорманглар!» — деб ўтарди.  
Ҳар кун ўсиб-улғайиб  
Шаҳарчамиз битарди.  
«Зум-зум» шаҳар номладик.  
Момолардай йўриқлаб.  
Ой қоларди шомлари  
Шаҳримизни қўриқлаб.  
«Зум-зум» шаҳрига бордим,  
Зум бордим у зум келдим!  
Боғига баҳор келдим!  
Дарёсига сув келдим!  
Дарвозани оч ўртоқ,  
Меҳмон бўлиб-у-ув... келдим!  
Бир кун... борсак «шаҳримиз»  
Вайрон бўлиб ётарди.  
— Уша... Синчи меҳрсиз  
Пода ҳайдаб ўтарди... —  
Таскин-тасалли бериб,  
Онам овутиди узоқ:  
— Кимдир иморат қуриб,  
Ким қилар хоки тупроқ.  
Кўчат экар ким биров,  
Боғ этар ким саҳрони.  
Биров қилар кундаков,  
Ким қурибтай дарёни.  
Она маконинг бўлар  
Яшнаб турган шу дунё.  
Сен севган ер, шу шаҳар  
Бузилмасин, илоё!



Йиллар ўтди, Меҳнатим  
Сингди ерга нур бўлиб.  
Ватан севдим қисматим,  
Қалб, шуурим бир бўлиб.  
Кўрдим. Қрим қирларида  
Сабунтоғда ҳар баҳор  
Шаҳидларнинг қонларидан —  
Вулқон каби лолазор.

Ҳар қадамда бир тонналик  
Ажал ўқи ёғилган,  
Ҳар гиштида мардоналик  
Едномаси ўқилган.  
Волгоград шаҳрин замон  
Тавоб қилгай тоабод.  
Метин Брест, Мамай Қўрғон, —  
Номи дедим: Жасорат!  
Бўлоқларнинг ғамгин кўзи,  
Дуд чирмаган дов-дарахт,  
Қарғар экан уруш сўзин,  
Жонни ўртар бир ҳасрат.

\* \* \*

Юракларим тутай бошлар,  
Том битар қулоқларим,  
Марсия айта бошлар  
Хатинь кўнғироқлари.  
Елборади мулки Лубнон  
Чодирларда мосуво,  
Фаластинда қувгин, гирён  
Кўзлар қилар илтижо!

\* \* \*

Оналарнинг оқ сути  
Қизил қонга қоришиб,  
Гўдакларнинг умиди  
Қора қонга қоришиб,  
Эфир бўйлаб сизаркан  
Жаҳондаги изтироб,  
Ер юзида кезаркан  
Очлик, қирғин, ўқ, азоб,  
Ёнмасин қайта янги  
Совуқ уруш ўчоғи,  
Сўнмасин деб Ердаги  
Беш миллиард жон чироғи,  
Коммунистик сафларда  
Собитдир эътиқодим,  
Бугун шу уйғоқ дардда  
Ўтсин нотинч ҳаётим!

### 4. Хирмон қўшиғи

Бугдой ўрим кунлари.  
«Қўриқчи»лар жилишди.  
Хирмонбошида тунлар  
«Ухламоққа» келишди.  
Хирмон шопирар ҳўпчи,  
Шамол чиқарар ҳўпчи.  
Елда учган сомонлар  
Юлдузга айланарди.  
Хирмон қучган шамоллар  
Ҳофизга айланарди.  
«Тўқ бошоқ, бугдой бошоқ,  
Ҳар дони ғирч мой бошоқ,  
Битта-битталаб терай,  
Омбор тўлгудай, бошоқ».

Биз унда ажратмасдик  
 Яхши билан ёмонни,  
 Одамларнинг ҳам асли  
 Бўлар экан сомони.  
 Ҳўпга улов талашиб  
 Эш синчи ой тўлган кеч  
 Чошхирмонга сув очиб  
 Юборибди ўчма-ўч.  
 Жон кўриниб кўзига  
 Синчи қочиб борарди.  
 Кетмон хезлаб, изидан  
 Мардон учиб борарди:  
 «Тиш берганга берар ризқ,  
 Нон топилар бир тугур.  
 Нон кўр қилур ялмоғуз,  
 Хор бўласан, қараб тур!»  
 Илк бор норасида  
 Онгимда ёнди ҳақ сўз:  
 «Одамлар орасида  
 Яшаркан-да ялмоғуз!»  
 Қишлоқ тўй-ҳашамига  
 Айтмай уни унутди.  
 Чидолмай аламига  
 «Ялмоғуз» кўчиб кетди!  
 Ёргучоқ тортар эдим  
 Зўрға эплаб ўқини.  
 Қалбимда тошар лим-лим  
 Хаёлларнинг тўлқини.  
 Тебраниб тол баргидай  
 Онам бошлар хиргойи,  
 Тош-мас, қўшиқ сеҳридан  
 Ун бўларди бугдойи:  
 «Севар ёрдан айрилганлар,  
 Тирик туриб, ўлар-о!  
 Она элдан айрилганлар,  
 Ранги сомон бўлар-о!»

\* \* \*

Одамзод ҳам тўпроқда  
 Илдиз ёзиб, ўсаркан!  
 Ердан узилган чоқда  
 Каврак мисол тўзаркан...

## 5. Тўй машъали

Тўйлар фасли.  
 Фиркўкми бу  
 Келаётир ярақлаб!  
 Биз кўчага отилдик-ку  
 Улоқчадай ўйноқлаб:  
 Рўмолчам, қанд унар-да  
 Келин бўлса ҳотамтой.  
 Ғоз ўлтирар зар эгарда  
 Кайвони ва Барчиной.  
 Йўл боғладик иков-учов  
 Ҳар муюлиш, кўприкда,  
 Рўмолчалар бериб лов-лов  
 Келин ўтар кўриқдан.  
 Рўмолчанинг нозиклари



Қизил маржон, оқ маржон,  
 Тўйхонага мисли пари  
 Келин кирар ал-омон!  
 «Қора-қора кўзилар  
 Қўй бўлибдир, ҳай ёр-ёр!  
 Қалам қошли қизгина  
 Тўй бўлибдир, ҳай ёр-ёр!»  
 Куёв навкарлар кирар  
 Машъал ёқиб гурро-гур.  
 Қизлар — гавҳарлар кирар  
 Тўйхонага сочиб нур.

\* \* \*

Тонггача базми хандон,  
 Мис манқаллар ўртада.  
 Чилдирма зарби ларзон  
 Юрак торин чертади.  
 Мен тўй кўни бевалар  
 Кипригида ёш кўрдим.  
 Дил тубида занг, қадар,  
 Чўкиб ётган тош кўрдим.  
 «Чироқ ёнар ёғ билан,  
 Бағрим тўла доғ билан.  
 Уйнамадим, кулмадим-о,  
 Юракдаги ёр билан».  
 Кўрдим: машъала гув-гув  
 Ёна-ёна оқ тонгда  
 Муҳрланиб қолди у  
 Офтоб бўлиб осмонда!..

\* \* \*

Авжга кирган ҳамал эди,  
 Боғлар — чаман аланга.  
 Кўкат, ғўра, беда ҳиди  
 Гуркираган гул масканга —  
 Қишлоғимга мафтун боқдим,  
 Топдим таскин-ҳаловат.  
 Далаларга топиндим жим,  
 Болаликка битиб хат.  
 Фикрим бўлди бир тўп бола:  
 — Қайга! —

— Ленин боғига!

Борардилар нозбўй, лапа  
 Қўймоқ учун доҳийга.  
 Қалбан кўрдим: полонлар  
 Гул кўяр, сақлар сукут.  
 Бу завқимга ғалаёнлар  
 Томчилади бир бўлут:  
 Ҳар ҳовлида беш-ўн жужуқ  
 Пир-бадавлат халқим бор!  
 Гўдаклари — элга қутлуғ,  
 Йўрғак бўлсин гул, баҳор!  
 Келажакка етсин улар  
 Бутун қалб, бут нон билан!  
 Шу гўзал Ер, тиниқ сувлар,  
 Мусаффо осмон билан!  
 Меҳварида Ерни бугун  
 Маҳкам ушланг, қўлларим!  
 Юрагимдан ўтар ҳар тун  
 Болаликнинг йўллари!



НЕЛЛИ  
ЗИГАНШИНА,  
МАРАТ  
СОДИҚОВ

# Ижод ва бурч

*Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти  
лауреати, графикачи rassom*

*Марат Содиқов  
замонамизнинг энг долзарб  
мавзуларини тасвирга олади.*

*Қуйида санъатшунос Нелли Зиганшина  
rassom билан олиб борган суҳбатни  
эътиборингизга ҳавола этаётимиз.*

**Н. ЗИГАНШИНА.** — Ижодингизни кузатиб бораётган мухлис борки, асарларингиздаги икки асосий хусусиятни — майин лиризмни ва публицистик руҳ билан сугорилган граждандлик пафосини пайқамаслиги мумкин эмас. Бу иккала хусусият қай тариқа бир-бири билан сийғшади! Умуман, rassom ва замон масаласидаги қарашларингизни журналхонларимиз билан ўртоқлашсангиз!

**М. СОДИҚОВ.** — Аввал бошдан ижодий ниятим ҳам томошабинга ҳаловатли, ҳаётбахш сукунатни, одамзодни абадий ҳаяжонга солувчи замин гўзалликларини кўрсатиш, уни шу оламга олиб кириш эди. Бироқ ҳаёт — мураккаб, қарама-қаршиликларга бой, сайёрамиз турфа воқеалар гирдобига қолган. Ҳозирда одамзод тутаётган йўлни фақат яхшиликка олиб боради, деб бўлмайди. Бу ҳол кўплар қатори мени ҳам доимо ўйлантириб, безовта қилиб келар, лекин кўнглимнинг туб-тубида пинҳон эди. Узимни қийнаб келаётган бу туйғуларни ифодалашга ижодий кўрбим, маҳорат етишмасди. Улуғ Ватан уруши даҳшатларига алоқадор барча ҳодисалар болаликдан юрагимда ўчмас из қолдирган. Аммо қалбда қуруқ факт ё ҳодисани қайд этиш эмас, унинг моҳиятини очиб беришга бўлган иштиёқ кучли эди. «Фашизм» деб аталган триптихнинг [1979 йил] яратиш ғояси ана шундай ўй-хаёллар изтиробига пишиб етилган. Триптихнинг биринчи қисми — «1943 йил»да юзтубан ётган фашист образи орқали Улуғ Ватан урушида ясалган буюк бурилиш даврини акс эттирмоқчи бўлганман. Совет Армиясининг Курск ёнида қозонган ғалабаси фашизмнинг муқаррар таназзулини бошлаб берган эди. Кейинги қисм — «1945 йил» эса, уруш ниҳояси, фашизмнинг сўнгги кунларини кўрсатишга бағишланган. Асар ғояси бунда ҳам солдат образи орқали ифодаланади, бу сафар у Рейхстаг харобалари пойида фаромуш ўтирибди. Триптихнинг «1975 йил» деб номланган сўнгги қисми буюк ғалабанинг 30 йиллигига бағишланган. Шу билан бирга, у фикримча, инсониятни сергакликка ундаши, қайта тўғилаётган фашизмдан огоҳ этиши керак. Чопиб бораётган солдат тасвири фашизмнинг янгидан дунёга келаётганини кўрсатувчи рамзий ифодадир. Қайта тўғилаётган ва борган сари инсониятни фалокат гирдобига тортаётган фашизмдан, жаҳон уруши хатаридан одамзодни огоҳлантириш, бугунги кунда ҳар бир ижодкорнинг виждоний бурчидир.

Менимча, чинакам санъаткор, тараққийпарвар курашчи сифатида, имконидаги барча воситаларни зулмга, зўравонликка қарши қаратмоғи керак.

**Н. ЗИГАНШИНА.** — Rassom ва замон масаласида сўзлаётиб, Сиз ҳозирча фақат фашизмга қарши қаратилган асарларингиз хусусидагина тўхталдингиз. Ваҳоланки, «Ер — коинот» туркуми каби яна бир қатор асарлар ҳам яратгансизки, уларда замонамизнинг бошқа муаммоларига мурожаат қиласиз, шундай эмасми!

**М. СОДИҚОВ.** — Rassom давр таназзули каби, унинг тараққиётига нисбатан ҳам эътиборсиз бўлиши мумкин эмас. Кашфиётлар, инсон тафаккурининг юксак парвозлари унинг диққат марказидан четда қолмайди. Коинотнинг забт этилиши каби буюк илмий революциялар инсон ақлининг чексиз имкониятларидан далолатдир. Бу кишида ҳайратгина эмас, балки заминда урушсиз, зўравонликсиз ҳам ҳаёт мавжудлигига ишонч туйғуларини уйғотади. Сиз тилга олган «Ер — коинот» туркумида бу масала фазога парвозда ўз ифодасини топган инсон ақли ҳамда руҳиятига баъзан ердаги тубан қилмишлари — табиатан одамзотга зид бўлмиш зўравонли, жабр-зулмни рўй-рост қарама-қарши қўйиш орқали ҳал этилган.

Афсуски, бу мавзудаги асарларни кўргазмаларда кам учратасиз. Чет элларда бўлиб, турли мамлакат халқларининг ҳаётини кўрдим. Уларнинг эркинлиги, ҳақиқат, шахсий ҳуқуққа эришиш йўлидаги курашларининг гувоҳи бўлдим. Айниқса, француз коммунистларининг газетаси — «Юманите» тантаналари менда катта таассурот қолдирди. Бун-



ай сай ҳаракатларни кўриб, бугунги кунимиз учун публицистик, граждандлик мавзунинг нақадар зарур эканлигини яна бир қарра имон келтирдим.

**Н. ЗИГАНШИНА.**— Маълум бўлдики, даврга фаол муносабат, урушга, зўравонликка қарши норозилик, ядро ҳалокати хавфидан инсониятни доимий равишда огоҳлантириб туриш, шунинг баробарида, инсоният тафаккурининг юксак парвозларидан фахрланиш, замон тараққиётидан ғурурланиш ижодининг бош мавзуларидан экан.

Аммо Сиз севган яна бир мавзу борки, у ҳам асарларингизда бор бўйи билан кўринади. Бу — «Инсон ва табиат» мавзудир. Бир томондан — Вақт, иккинчи томондан — техник тараққиёт барча нарсани — табиатни ва инсонни ҳам ўзгартириб юбормоқда. Бу ҳол, менимча, асарларингизда яққол акс этган.

**М. СОДИҚОВ.**— «Ўзбекистон саноати» мавзусида ишланган илк картиналаримдан бири «Тоғда» деб аталарди. Сюжет жимжимадорликдан холи — олдинги планда қувурлар панжараси, олисларда тоғ тасвири. Мана шу биринчи асаримдаёқ, ҳатто эл-юрт бахт-саодати йўлида яратилаётган янгиликларнинг ҳам пировард натижасини инсон олдиндан кўра билиши керак, деган фикрми айтмоқчи бўлганим эсимда. Инсон фаолияти она Ерни, табиатни топташ, унга зиён етказиш эмас, асраб-авайлашга қаратилган бўлиши лозим. Янги-янги шаҳарлар, завод-фабрикалар бунёд этаётиб, йўллар қураётиб, дарёларни тўсаётиб, одам аввало ерми, унинг ибтидоий гўзаллигини ёдда тутмоғи, инсоннинг табиатга аралашувида меъёр сақланмоғи керак. Литографияда чизилган «Чўлда», «Шаҳар қурилади» каби бир қанча асарларим худди шу мавзуга бағишланган. Дарвоқе, «Шаҳар қурилади»да масала ҳар қачонгидан ҳам кескин, кўндаланг қўйилган. Бўлажак шаҳардан далолат берувчи оғир, кўкка буй чўзган темир-бетон устунларнинг тасвири, менинг ўйимча, баъзан инсоннинг табиат қўйнига ўйлаб-нетмай, кўр-кўрона бостириб киришидан хавфсирашимни акс эттиради.

Асарга янги элементлар киритаётиб, доим табиатнинг илк гўзаллигини ҳам таъкидлагим келади. Улар ўртасида мутаносиблик яратилса-ку, яхши — кўнгилда ғурур ва фахр туйғуларини уйғотувчи янги образ дунёга келади. «Янги оҳанглар» асарим шу каби туйғулар самарасидир.

**Н. ЗИГАНШИНА.**— Сиз асарларингизга доим ранг бера-сиз, ҳатто оқ-қора литографияларингизда ҳам бир чимдим ранг бўлади. Шундай экан, уларни энди оқ-қорада ишланган, деб ҳам бўлмайди. Манзара асарларингиз эса кўпинча бир-икки рангнинг мураккаб қўшилмасидан туғил-тадиган маънодор колоритни ташкил этади. Кўринадики, маълум бир ранглар уйғунлигини ёқтирасиз, бунинг боиси нимада!

**М. СОДИҚОВ.**— Менимча, колорит деганимиз, ўзига хос маънавий рамз демакдир. Асарнинг ғояси фақатгина тасвир принциплари, яъни сюжет, фикрий занжир орқали эмас, балки ифодалилики, пластиклик орқали ҳам кўрсати-лаверади. Мен чизадиган манзара асарлар ўз фонида кўпинча яқрайдир. Бу албатта, менинг Ўзбекистон табиати гуллаб-яшнаган боғми, тупроқни ҳам ёндирадиган табиатга ёз ёки қаҳратон қишми тарзида ҳиссий қабул қилишимга боғлиқ. Табиатнинг кескин қарама-қарши ҳолатлари мени ҳам қизиқтиради, ҳайратга солади. Бироқ барибир, унинг ҳаловатга, сокинликка, маҳобатга тўлиқ ҳолати юрагимга яқин ва қимматлироқдир. Жумладан, «Ховуз бўйида», «Оқшом» деб номланган картиналаримда вақт ҳамда инсон иштироки билан руҳан сўғорилган, ўзгача бир манзарали жойлар аксини топган. Қалъа деворларининг тасвирланиши узоқ ўтмишга ишора. Бу эрда айни пайтдаги ҳаёт ташвишлари йўқ, у асар колоритида ҳам бўлмаслиги керак. Чунки мен ҳаётда ўз изини қолдирган Вақтни акс эттирувчи манзара яратмоқчи бўлганман. Ранглар уйғунлигидаги бир хиллик шундан — ҳаловат ва мангуликини ифодаловчи сокин жимжитлик...

**Н. ЗИГАНШИНА.**— Демакки, ана шу «жимжитлик» билан Сиз тенгдошларингизни жим турмасликка, тинч ҳаёт меъасини кўриб, уни барбод этувчиларга қарши фаол курашга чақирасиз!

**М. СОДИҚОВ.**— Худди шундай. Бу биз — ижодкорларнинг юксак инсоний бурчимиздир.



«Бу йўллар кўп қадим йўللاردир...»

У. АҲМЕДОВА фототэюди.

## Калтаминор

Калтаминор узун ўй сурар,  
Ҳайрат аро тош қотган вужуд.  
У билади, у яхши билар —  
Фақат ҳаёл билмагай ҳудуд.  
...Ва сайёҳнинг кўзин ўйнатиб,  
Рақсга туша бошлайди ранглар.  
Меъмор айтган чала қўшиқнинг  
Давомидай ғиштлар жаранглар.

Шокир БЕК.



ТЎРА  
МИРЗО

## ВАТАН СЎЗИН ЎҚИГИМ КЕЛАР...

\* \* \*

Чинорларнинг пешонасига  
«Ватан» сўзи ўйиб ёзилган.  
Дарахтларнинг ҳар бутогига  
Япроқ эмас, Ватан осилган.

Тош вужудли тоғларга айтсанг,  
Ватан сўзи борар улғайиб.  
Ойнинг хира нурларида ҳам  
Еруғ Ватан яшар тўлғаниб.

Қай нуқтада кўз очса булоқ,  
«Ватан» дея чиқади тили.  
«Ватан» дея жон берар гуллар,  
Топтаса гар тикан манзилни.

Мўйсафидлар ҳорғин сасида  
Қирчиллама Ватан ҳаётдир.  
Мақомларнинг ҳофизасида  
Ватан номли бир оғриқ ёддир.

Ватан сўзи тирқираб қонар  
Марсияда, нола-йиғида.  
Ватан сўзин ўқигим келар  
Гўдакларнинг қорачиғида.

\* \* \*

Девор ошиб қочар ҳовлиси томон  
Болакай ишқомдан ўғирлаб узум.  
Бироқ оёғидан сирғалар дармон,  
Унинг қўл-оёғин боғлайди кўзим.

Далда берган бўлиб кўзим, шу нафас,  
Болага қучоғин очар беозор.  
Болакай узумни олиб кетолмас,  
Шу бир бош узумда тоғнинг вазни бор...



## Урушнинг сўнгги куни

Болага ёпирилар туннинг аёзи,  
У совуқ тингига қилмайди парво.  
Тун бўйи аёзда юрмоққа рози,  
Ўйнинг остонасин ҳатламас аммо.

Унга хуш ёқади совуқнинг кафти,  
Зулумот занжирлар уни бешафқат.  
Тўрт томонда туннинг бадбуруш афти,  
У томон боқишни истамас фақат.

Ирода қўлида кишандадир ёш,  
Кўзни мудроқ босди вақт ўтган сари.  
Ёстиқ бўлди унга кекса харсанг тош,  
Тўшак — олис юлдуз совуқ нурлари.

Бола туш кўрарди: отаси тирик!  
Уни даст кўтариб олди қўлига.  
Урушдан қайтибди, соппа-соғ, тетик,  
Иссиқ кийим олиб кепти ўғлига.

Чўчиб уйғонади бола дафъатан,  
Тушидаги аскар бошида турар.  
Соғинч ёмғирлари оқар кўзлардан,  
Ота бола билан уй томон юрар.

«Кирмайлик» деб бола аврарди уни,  
Уйга чопиб кирар отаси бирдан.  
Шу тўрт йил соғиниб келса, хотини  
Ётарди колхознинг раиси билан.

Оҳ, нечун ўлмади урушда у ҳам,  
Ажал айирмади муҳаббатидан!!  
Жангларда ўқларга чап берган одам,  
Қўлади хотиннинг хиёнатидан...

Қишлоқ қайтди уни тупроққа қўйиб...  
Қувончи кўмилган болага қийин.  
Қабристонга қатнар эгнига кийиб  
Марҳум отасининг узун шинелин.

\* \* \*

Қаро сочларингни суртиб юзимга,  
Ҳар бир толасига бир байт битардим.  
Қоронғи кўринса дунё кўзимга,  
Қоронғи сочингга кириб кетардим.

Нафасимдан титрар сочинг толаси,  
Қирқ ўрим соч посбон турар бошимда.  
Тим қора сочларинг юмшоқ ноласи  
Беҳадик чўмилар менинг ёшимда.

Узун сочлар юмшоқ силар юзимни,  
Узун сочларингни силар нафасим.  
Сочларингга ҳаё этсам ўзимни,  
Товонингни ўпиб қилади таъзим.

Қаро сочларингни силашдан ортмай,  
Ўтказардим шодмон ҳар тун, ҳар  
кунни.  
Бир кун сен кетибсан мени уйғотмай  
Сочларинг ўрнида қолдириб тўнни.

Фафлатдаги шамга зулмат мўносиб,  
Тунд тўннинг қўлида тутқундир дардим.  
Яна бир кўришмоқ этсайди насиб.  
Бўйнимга сочингни боғлаб қўярдим.

\* \* \*

Икков бирга бўлдик роса икки кун,  
Икки кун жойланди икки кўкракка.  
Кўзлар қамашгудай икки оппоқ тун,  
Бизлар асир эдик эрка-эртакка.

Йигирма беш йиллик сажро кўксимга  
Кўкат сепар юзингдаги табассум.  
Булутлар ин қурмас энди юзимга,  
Икки кун бор меҳрин сочади кўзим.

Хайр энди, бир ўфққа ботди икки кун,  
Энди тушда икки кун-ла сирлашиб.  
Яшаймиз, ҳамроҳдир неча йиллик тун,  
Қорачиқларимиз кетди бирлашиб.



## Ҳайкал

Ҳайкалтарош Вучетичга

Давр тош нафаси ўяр суратлар  
XX аср тош юрагига.  
Ҳар шаҳидга ҳайкал қўйилса агар,  
Шамол ҳам тегмасди ер кўрагига.

Оловга ўзини отади ҳайкал,  
Мажруҳ муҳаббатни қутқармоқ учун.  
Ҳайкал яраланиб йиқилган маҳал,  
Ут занжирин узар умид бус-бутун.

Жасоратни ажал домига ютиб,  
Тош бўлиб ётипти ҳайкаллар барн.  
Бир ҳайкал бўй тиклаб, оловдан ўтиб,  
Борар ўтда қолган келажак сарн.

Мурғак немис қизин елкада тутиб,  
Ўтдан чиқиб келар совет аскарн.

\* \* \*

Владимир Висоцкий хотирасига

Қўшиқни қон билан ёзар шоирлар,  
Инсонга улашар юмшоқ нафасин.  
Ўзи кўрагига азобни ютар,  
Юрагига тўплар оғриқ ҳамласин.

Шоир ҳаё этар фақат табассум,  
Қалбида қолади қайғуси яна.  
Шоирнинг орзуси кишанда, тутқун,  
Қўшиғи от суриб, қилар тантана.

Шоир ёш тўкмагай зулмат қошида,  
Бутун ҳаяжонин кундузга йиғлар.  
Қўшиқ посбон бўлса элнинг бошида,  
Юрагини қувонч оғриғи тиглар.

Шоир фармон берар: «Ўқ отиш эмас,  
Фақат қўшиқларни машқ қилсин аскар!»  
Шу кунни қад тиклар дунёда нафас,  
Ватанда тўғилар фақат шоирлар.




СУҲРОБ  
МУҲАМЕДОВ

## Бўсаға

### КИЧИК ҚИССА

Русчадан  
Тоҳир МАЛИК  
таржимаси

Расми Г. ҲОШИМОВА чизган



ишлоқ ором қўйнида. Осудаликни итларнинг лоқайд ҳуриб қўйишигина бузади. Худди мудраётган каби, ой ҳам тор кўчани базўр ёритади. Саноат моллари дўконининг пешайвонига икки қават кўрпача тўшалган, устида Шокир ота ёнбошлаган. Дўконнинг ичкарасидаги чироқлар ёниқ. Шокир отанинг ён томонида жўмраги чегаланган чойнак билан пиёла турибди. Шокир ота аввалига мени танимади. Шунинг учунми, ҳар эҳтимолга қарши, эски милтиғини яқинроғига суриб қўйди.

— Ассалому алайкум, ота. Бу — мен, Аҳадман.  
— Ваалайкум ассалом, ўғлим, қоронғида ким адашиб юрибди, деса, сен экансан-да. Бемаҳалда қабдан келяпсан?— Шокир ота шундай деб, чордана қуриб олди.

— Тошкентда эдим. Охирги автобусга зўрға илиниб қолдим.  
— Ие, шунақами? Зиёратинг қабул, ўғлим. Анча уринганга ўхшайсан, кел, ҳозиргина чой дамладим, нафасингни ростлаб ол.

— Раҳмат, ота, уйга борақолай.  
«Маъқул» дегандай, Шокир ота бош ирғаб қўйди.  
Уйга яқинлашганим сайин йўл азоби забтига ола бошлади. Ҳар ҳолда, оғир юк билан ўн беш чақирим йўлни пиёда босишнинг ўзи бўлмас экан. Эшикни очмай туриб, бувим билан бўладиган савол-жавобни яна бир қарра ўйладим. Кела-келгунча ўйлаб топган режам маъқулга ўхшайди: бувимга бугунча индамай тураман, яна юраклари безовталаниб қолмасин.

Чиндан ҳам, бувим мени кўрибоқ ҳайратга тушдилар, ҳатто ўтирган ерларидан дарров тура олмадилар.

— Аҳаджон, болам, бунча эрта қайтибсан, тинчликми ишқилиб?  
— Тинчлик, бувижон, тинчлик.— Шундай деб қўлимдаги юкни ерга қўйдим-да, озиб, кичкина бўлиб қолган бувимни елкасидан кучдим, оппоқ сочларидан ўпдим.

— Тинчлик билан қайтган бўлсанг, худога шукр, болам. Чарчагандирсан-а, мен ҳозир чой қўйиб юбораман.

— Бувижон, томоғимдан ҳеч нима ўтмайди. Уйқум келяпти.

Бувижон ёлғон гапирдим. Қорним ўлардай оч эди. Лекин овқат устида яна сўраб-суриштириб қолсалар... Оч бўлсам ҳам, тинчгина тонг оттирай, кейин ҳаммасини бафурже айтарман...

Эрталаб турганимда бувим кир ювишга ҳозирланаётган эдилар.

— Аҳаджон, турдингни, болам. Катта тоғорани опчиққин.

Бостирмадан тоғорани олиб чиқиб, ўрик тагига келтириб қўйдим. Бувим кўпинча шу ерда кир ювадилар.

— Нонушта қилиб ол, болам.

— Иштаҳам йўқ...

— Яна эски дардинг кўзгалдимми? Ҳеч бўлмаса ут ич.

Қизиқ... Уйга етгунча «Нечук қайтиб келдинг?», деб сўрасалар қандай жавоб бераман, деб ўйлаб эзилган эдим. Бувим эса... нимагадир индамаяптилар. Сўраш ниятлари ҳам йўқ шекилли, тоғорага сув қўйиб, бемалол ишга киришяптилар.

— Бувижон, нимага қайтиб келганимни биласизми?

— Қаёқдан билай, болам!

— Энди... сиздан бошқа менинг... ҳеч кимим йўқ...

— А?! Вой, гапинг қурмасин-да сенинг.— Бувим қўлларидаги пахмоқ сочиқни тоғорага ташлаб, қад ростладилар.— Бу нима деганинг, болам?

— Аввал... шаҳарга бормай туриб, сиз билан дадамдан бошқа ҳеч кимим йўқ, дердим. Энди билсам... сиздан бошқа...

— Қўй мундай гапларни, қўй! Эсингни еб қўйибсан-а.— Бувимнинг лаблари титраб кетди.

— Бувижон, ёлғон гапиролмаслигимни биласиз-ку...

Бувим нимадир деб пичирлаб, бош ирғаб қўйдилар. Мен ўрик шоҳига осиглиқ саватдан битта нон олиб, кўчага чиқдим. Таниш сўқмоқ билан баландликка кўтарила бошладим. Тепаликка чиқиб, пастга қарадим. Қишлоғимиз энди кўзимга жуда кичик, аммо ям-яшил бўлиб кўринарди. Оқ тунуқали томни дарров топдим. Бу уй синфдошим Гавҳарларники эди. Кўкрагимни тўлдириб нафас олдим-да, бор овозим билан чақирдим:

— Гавҳа-а-ар!

Ҳозир унинг овозимни эшитишига, мени танишига имоним комил эди. Чунки...

\* \* \*

Гавҳар билан биринчи синфдан бошлаб бирга ўқиганман. Утган йилги Май байрамига қадар биз бошқалар қатори оддий синфдош эдик. Биринчи майда эса... Ажиб бир оқшом. Ҳамма хурсанд. Бир-бирига уланиб кетаётган куйларнинг авжи баланд. Мактабнинг катта зали рақсга тушувчилар учун торлик қилиб қолган. Одми пушти кўйлак кийиб олган Гавҳар дугоналари билан лотерея сотилаётган стол ёнида турибди. Синфдошимиз Ҳусан, худди олғир савдогарлардек, ютуққа қўйилган буюмларни мақтаб, лотереяларни тезроқ пуллаш иштиёқида. Унинг гапларига, қилиқларига қизлар кулишади. Гавҳар кулганда унинг қоп-қора кўзлари ёниб кетгандай бўлади. Мен залнинг бу четида, қизлар билан рўпарама-рўпара турардим. Назаримда, Гавҳар менга кулиб қараётгандай туюлаверди. Кўзларимиз бир неча бор тўқнашди. Гавҳарнинг қарашларидаги жоду мени шу қадар сеҳрлаб қўйдикки, уятчанликни ҳам унутиб, уни беихтиёр ўйинга тортдим.

Бошқалар куй мавжига монанд капалакдай сузиб юришарди, биз эса бир нарсага қоқилиб кетишдан қўрққандек аста айланар эдик. Гавҳарнинг чиройли эканини мен худди ўша оқшомда ҳис қилдим. Бу ҳолдан ўзим ҳам лол бўлиб ўртада таёқдай қотиб қолганимни сезмабман. Унга қарайману «Қизиқ, чиройлигини нимага шу пайтгача пайқабман?», деб ўй-

лайман. Қизнинг қўлларида маҳкам ушлаб олганман. У аввалига ажабланиб қараб турди. Кейин бир жилмайиб қўйди-да, дугоналари даврасига қайтди. Шундаги-на ўзимга келдим. Назаримда, барчанинг нигоҳи менга қадалган эди. Худди аланга ичида қолгандек сездим ўзимни. Хайрият, менда бир неча лаҳза давом этган бу ўзгаришга ҳеч ким эътибор бермади. Гавҳарни ўйинга бошқа тортмадим, тўғрроғи, бунга журъат қилолмадим. Мактабдан чиқиб, ҳамма тарқагач, Гавҳар дугоналаридан ортда қола бошлади...

Уша кеча Гавҳар билан қарийб тонг отгунча сайр қилдик.

Тоғ чўққилари бўзариб қолганда уйга қайтдим. Бувимни уйғотиб юбормайин деб, оёқ учида хонамга кирдим. Кирдим у ечинмаёқ ўзимни қаравотга ташладим. Уйқум қочди. Кўзимни юмсам, Гавҳар кўринади. Гавҳар... Кўзлари қоп-қора, жилмайиши ўзига ярашган чиройли қиз... Умримда биринчи марта қиз бола билан сайр қилишим эди. Ажиб ҳолга тушдим; нима деяётганимни билмайман. Куламан. Аммо нимага кулаётганимни билмайман. Гавҳар ҳам кулади. Кўп кулади. Кулишлари ёқимли. Тонг отмаса эди, деймиз. Биров йўқламаса эди, деймиз. Афсус, тонгинг отиши ҳам, бироларнинг қидириб қолиши ҳам бизнинг изминимизда эмас. Аммо, қиз бола билан сайр қилиш яхши бўлар экан...

Уша кеча ётибману хаёлимда шоирона сўзлар тизмаси туғилади. Аввал бир сатр, кейин иккинчиси... Ўзим ҳам ҳайронман. Сатрлар туғилиб, хаёлимга михланиб қолаверади. Уларни такрорлайман. Шеърнинг яхши ёки ёмонлигини билмайман, лекин Гавҳарнинг яхши қиз экани аниқ. Шундай экан, шеър ҳам яхши бўлиши керак... Хуллас, муҳаббатнинг кўнглимга шу йўсин, тўсатдан кириб келиши мени гангитди-қўйди...

Бу ўтган йилги гап.

Икки ой олдин Гавҳар билан яна булоқ бошида учрашдик. Қўзимиз тўда-тўда бўлиб сузаётган балиқчаларда. Нимагадир тилимизга гап келмайди. Биринчи бўлиб ўзим сўз очдим:

— Гавҳар, сенга нима бўлди?

— Кечагина ўқишни тезроқ тугатақолсак эди, деб юрүвдик...— Гавҳар ўрнидан туриб булоқ суви югургилаб кетаётган жилга бўйлаб пастга тушди. Кейин мен томон ўгирилди.— Мактаб билан хайрлашганимга ҳеч ишонгим келмаяпти. Сен ҳам бирдан...— У юзини буриб олди.

Ўрнимдан туриб, Гавҳарга яқинлашдим.

— Хафа бўлясанми?

Гавҳар саволимга савол билан жавоб берди:

— Кетишинг аниқми?

— Менга қолса, ҳеч қаёққа кетмас эдим. Дадам бувимни авраб, кўндириб қўйган-да.

— Тўғри қилибдилар.— Гавҳар қутилмаганда жилмайди.— Сен Тошкентга бориб ўқишинг керак...

Институтда ўқишга-ку ўзимнинг ҳам кўнглим бор-а, лекин Гавҳар ҳам борганида эди, қанот чиқариб учардим. Бироқ, у уйини ташлаб кетолмайди. Утган йили онасидан ажралган. Отаси касалланд. Синглиси, икки кичик укасига қарашли керак. Хуллас, бутун ташвиш унинг елкасида. Бир қадам ҳам силжий олмайди. Эҳтимол... менинг ҳам қолганим маъқулдир?

— Гавҳар...

— Аҳад, ке, бу ҳақда гаплашмайлик. Сен ўқишинг керак. Мен эса... қайтишингни кутаман.— Унинг лаблари титраб, юзини буриб олди. Мен Гавҳарни беихтиёр кучоқладим. Унинг кўзларида ҳадик учқунлари чақнади. Буни кўриб ўзим ҳам чўчидим. Бироқ бу учқун дарҳол сўниб, унинг ўрнини меҳр нури эгаллади. Гавҳар бошини кўкрагимга қўйди. Мен юзимни унинг сочларига босдим. Вужудимда маст қилувчи тўлқин уйғонди. Бошим айланди.

— Аҳад, мени унутиб юбормайсанми?

— Ҳеч қачон.

— Тошкентда чиройли қизлар кўп экан.

— Сенинг тирноғингга ҳам арзймайди улар.

— Ундай дема.

— Гаҳар, мен сени...  
— Ҳозир эмас, кейин айтасан.— Гаҳар илиқ кафти билан лабимни босди.  
— Ҳозир айтсам-чи?  
— Йўқ, йўқ, ҳозир эмас, кейин айтсанг, яхшироқ бўлади.— Гаҳар шундай деб пастга югуриб кетди.  
Шаҳарда Гаҳарсиз, бувимсиз кўп қийналишимни англаб, юрагим сиқилди.

\* \* \*

Дадам... очигини айтганда, қадди-қомати келишган, басавлат одам. Кўрган киши уни фалон ёшда демайди. Бўйи баланд, қадди расо бўлгани учун, замонавий расмдаги энгил-бош ҳам ярашиб тушаверади. У кийиб юрадиган костюм, кўйлак, галстукларга ҳавасим келади. Мен ҳам дадам каби ясаниб юрсам дейман. Бирок...

Ешим ўн еттидан ошибди-ю, дадам билан учрашган дамларимни адашмай бир-бир санасам ҳам бўлади. У бизниқига жуда кам келади. Келганини ҳатто баъзида ўзим ҳам кўрмай қоламан, бувимдан эшитаман.

Бувимнинг гапларига қараганда, дадам Тошкентда каттароқ бир лавозимда ишларкан. Шаҳарда оиласи ҳам бор. Утган йили, ўнинчи синфга ўтганимда кўрганимча дадам билан бошқа учрашмаганмиз. Ҳалигача кўз олдимда турибди: ўшанда дадам орқа ойнаси ҳарир парда билан тўсилган машинада келган эди. Бувим, одатдагидек, ўзларида йўқ қувониб кетдилар. Шу заҳоти хўроз сўйилди. Орадан соат ўтар-ўтмас бир лаган қовурдоқ дастурхон ўстида муҳайё бўлди. Дадам қовурдоқни мақтай-мақтай танаввул қилгач, узун, оппоқ бармоқларини ҳафсала билан сочиққа артди. Кейин, бир чойнак чойни бўшатгач, менга қараб, муддаога кўчди:

— Тошкентга олиб кетсам... нима дейсан?

Мен ўйлаб ўтирмай бош чайқадим: йўқ!

Дадам чўнтагидан сигарет чиқариб, биттасини олди-да, обдон эзгилаб, тутатди. Бувим лагани олиб кўйиб, кулдон ўрнига тақсимча келтириб қўйдилар ва дадамнинг феъли айниганини сезиб, гапни бурмоқчи бўлдилар.

— Болам, Шоҳистахон, Шавкатжон, Шукуржонлар эсон-омон юришибдими, тани-жонлари соғми? Уларни олиб келмаганингни қара, бир яйраб кетишарди.

— Ҳаммалари соғ-саломат юрибди.— Дадам шундай деб, энгил йўталиб кўйди. Кейин сигарет учидаги кулни тақсимчага эмас, негадир қутичага тўкиб, бувимга тикилди.— Илмий иш қиламан, деб Шоҳистанинг бош қашишга ҳам қўли тегмаяпти. Шавкат ўртоқлари билан Қора денгизга кетган. Гурзуф деган жой бор, ўша ерда дам оляпти. Шукур уйда. Ўзини ўзи овутиб юрибди. Мен... Аҳад шаҳарга кўчиб борсин, қанотимда бўлсин, деган эдим. Энди ёш бола эмас. Катта-кичик давраларни кўриши керак. Муомилани ўргансин. Шаҳарда музей, театр деган гаплар бор. Маданиятдан хабар топса, ҳар ҳолда чакки бўлмасди.

— Ажаб гапларни айтяпсан, болам,— дедилар бувим бош чайқаб.

— Нимаси ажабланарли?— Дадам юмшоқ ёстиққа ёнбошлади-да, бир менга, бир бувимга кўз ташлади.

— Бировнинг гапини айтаётганга ўхшайсан, болам. Ахир, ўзинг ҳам қишлоқда катта бўлгансан-а. Маданиятли бўламан деган одамнинг шаҳарга бориши шартмикан?

— Ҳар ҳолда, у ернинг ўлчови бошқа, бу ерники бошқа.

— Ўзинг ҳам яқин-яқингача қишлоқнинг ўлчовига кўникиб юрувдинг-ку, унутдингми?

Бу гап дадамга оғир ботиб, сигаретни тақсимчага ташлади. Қоши чимирилиб, пешонасидаги ажинлар бир тутам бўлиб қолди. Бувим эса, рўмолларини қайта ўраб, гапларини давом эттирдилар.

— Ўша сен айтган маданиятли одамлар ҳам ҳар

хил, болам. Баъзилари қовоққа ўхшайди. Усти сип-силлик, чип-чиройли. Ичи эса бўм-бўш.

Шу гап кифоя қилди. Дадам кетди. Жўнаш олди-дан сир бой бергиси келмай, елкамга қоқиб, жилмайиб ҳам кўйди. Дадам билан хайрлашгач, офтобга ёйилган кўрпаларни ичкарига олиб кириб ётдим. Уй-кум келмади. Хаёлга берилдим. Онам тирик бўлганларида бутунлай бошқача ҳаёт кечирардик. Ҳаммамиз қишлоқда яшардик. Раисниқига ўхшаган гиштин иморатимиз бўларди. Онам бувимга қарашардилар. Бувим бунчалик қийналмасдилар.

Онажоним... Гира-шира биламан, онам вафот қилганларида тўрт ярим ёшда эдим. Лекин кулишлари аниқ кўз ўнгимда. Ҳатто, тушимда ҳам кулгиларини эшитиб уйғониб кетаман...

Онамнинг вафотларидан кейин бир йил ўтмай, дадам Тошкентга ишга чақирилди. Мен бувим билан қолдим. Бувим шаҳарга боришни истамадилар. Бормаганлари жуда-жуда яхши бўлди. Чунки мен ҳеч маҳал дадамдан меҳр-оқибат кутмаганман. Дадам эркалаш, суйиш деган нарсаларни билмас эди. Туғилган кунимда соғга бериш, синфдан синфга кўчганимда табрик-лаб кўйиш умуман хаёлга келмаган. Фақат, баъзи баъзида бувимга пул бериб турарди.

Дадам кетиши билан ҳар сафар бувимнинг кайфиятлари чўкишини, ғамгин, фаромуш бўлиб қолишларини аввалига сезмаган эканман. Буни кейинроқ билиб қолдим. Билдим ажабландим: «Пул ташлаб кетса ҳам хафа бўладиларми? Ахир, ошиб-тошиб кетаётганимиз йўқ-ку!»

Бувим фермада соғувчи эдилар. Оладиган маошлари рўзгорга учма-уч етиб турарди. Ана шу ҳолда, пул олиб ҳам хафа бўлишлари боисини мен кейинроқ англадим. Билсам, бувим пул эмас, озгина эътибор, озгина меҳр илинжида дадамнинг йўлига кўз тикар эканлар. Дадам эса буни фаҳмламай, қуруқкина сўрашиб, гўё ўзини хотамтой фаҳмлаб, бир озгина пул ташлаб, гердайганча кетаверарди. Бувим мунгайиб, чўкиб қолаверардилар. Мен бувимнинг илинжлари рўёбга чиқишини, камроқ изтироб чекишларини, дадамнинг муносабатларида кескин ўзгариш содир бўлишини жуда-жуда орзу қилардим. Ийилар ўтаверди, орзуим эса юрагимга оғир тош бўлиб ботаверди...

Кейинги йилларда бувим ҳам ўзгариб қолдилар. Меҳр-оқибат кутавериб тоқатлари тоқ бўлгач, муомалалари ҳам бошқача тус олди. Дадам келганида аввалгидай олиб-югурмайдилар. Ширин гаплари ҳам камайган. Гап келса, узиб-узиб олишдан қайтмайдилар. Лекин дадам бу ўзгаришларни пайқамайди. Уша-ўша — гердайиб келиб, гердайиб кетиб юрaverади.

Ўгай онам истараси иссиқ, кўзлари қоп-қора кўркам аёл эди. Узининг гапига қараганда, шаҳар марказидаги илмий-тадқиқот институтида катта илмий ходим бўлиб ишларкан. Унинг гапиришлари ҳам, кулишлари ҳам оҳиста, эҳтиёткорона. Мен бу кулгини кўпроқ муслиқанинг ку-кулашига ўхшатаман. Ўгай онам ҳаммани, ҳатто ўғилларини ҳам «сиз»лайди. Индамай юрсанда, барча ишни бир ўзи уддалайди.

Уларниқида мен сўнги марта ўтган йили бўлган эдим. Ўгай онамнинг биринчи эридан Шавкат деган ўғли бор. Юриш-туриши, ўзини тутишига қараб, бу бола ўн саккиз эмас, йигирма саккиз ёшдами, дейсиз. Баланд бўйли, чайир Шавкатнинг бир қилиғи менга сира ҳазм бўлмади. Гаплашаётганда, сен одаммансан, демайди, пешонасини тирштириб, энсаси қотгандай қараб тураверади. Бахтимга, у билан кўп ҳамсуҳбат бўлмадим. Фақат эрталаб университетга шошиб турганида бир кўришиб қоламиз.

Дадам ишдан машинада қайтарди. Машина қарийб йўлакка қадар кириб келади. Дадам келмасидан ярим соат бурун ўгай онам деворлари нимжўк қошин билан қопланган ваннахонани шамоллатиб кўяди. Дадамнинг одати — ишдан сўнг чўмилиб олар экан.

Ювенил чиққанидан кейин кайфияти анча кўтарилади. У-буни сўраган бўлиб, ҳазиллашиб ҳам кўяди. Овқатланишга ўтириши билан бу кайфияти йўқолади.

Худди шу онда муҳим бир муаммони ҳал қилиши зарурдек қошларини чимириб олади.

Кечқурунлари дадамни кўп безовта қилишарди. Дадам юмшоқ ўриндиққа ястаниб олиб, эринибгина трубкага кўл чўзарди. Унинг юз ифодасига қараб ким билан гаплашаётганини англаш қийин эмасди: баъзан хотиржам, ҳатто лоқайд, баъзан такаббуруна, баъзан эса таъзим қилар даражада майин гапирарди. Ана шу алфоздаги бир суҳбат ҳамон эсимда. Дадам, одатдагидай, трубкани эринибгина кўтарди, аммо овозни эшитдию ўрнидан туриб кетай деди. Уйга бирдан сукунат чўкди. Ҳатто кенжа ўғай укам Шукур ҳам хархашасини бас қилди. Шавкат эса телефондан кўз узмайди — унинг бу ўтиришини кўриб, нима бало, телефон сеҳрлаб қўйганими, дейсиз. Уғай онам кўл қовуштирганча сал нарида турибди, кўзи дадамда, суҳбат маромига қараб, ҳар замон-ҳар замон бош ирғаб кўяди. Дадам трубкани синдириб қўйишдан кўрққандек, уни авайлабгина ўрнига қўйди. Кейин ўриндиққа ястаниб роҳатланди. Уғай онам билан дадам мен тушунмайдиган, пала-партиш бир оҳангда қисқагина савол-жавоб қилиб олишди:

— Уларими?

— Йўқ, биринчилари.

— Нима бўпти?

— Айтибди. Эътироз билдирмабдилар.

— Энди нима қиламиз?

— Сен Раҳимовнинг омборига бориб, тузукрок, бир нарса топиб кел.

— Уларигами?

— Шарт эмас. Аёлига атаб олсанг ҳам бўлаверади.

Шу билан суҳбатга яқун ясашиб, дастурхон атрофига ўтирдик. Оила камдан-кам ҳолларда ҳамжиҳат бўларди. Шавкат кўпинча овқат маҳали йўқ бўлиб қоларди. Бирга овқатлангудай бўлса ҳам, жамият, инсоннинг ҳаётдаги ўрни ёки ҳаёт мазмуни ҳақида узундан-узун эшитиш бошлайди. Мен бундай пайтларда кўпроқ маъруза, камроқ гапирман. Отам эса бу кексақари «ўғли»га йўл-йўриқ кўрсатмоқчи бўлади:

— Шавкатжон, сен ҳозир кўпроқ дўст орттиришни ўйла. Дуч келган билан ошначилик қилаверма. Вақти келганда бу дўстларинг ўзини четга олмай, кўлтирингга кирадиган бўлсин. Шунинг учун танлаб-танлаб дўстлаш. Ош-қатиқ бўлишга шошилма. Керак бўлса, яхши дўстнинг ўзи сени топиб олади. Сенинг ишинг уларни саралаш, бўладигани билан дўстлашиш, қолганини четга суриб қўйиш. Жамият қатлам-қатламдан иборат. Ақлли ҳам, аҳмоқ ҳам, бахтли, бахтсиз ҳам шу ерда, шу осмон тагида бирга яшайди. Шу гапларим доим миянгда турсин, кам бўлмайсан.— Дадам Шавкатга шу тарз насихат қиларкан, вақти-вақти билан ўғай онамга қараб-қараб кўяди.

Мен эса, бу гапларни эшитиб, бувимнинг ўғитларини эслайман: «Бу еруғ дунёда ёмондан яхши кўп, болам. Агар одам бўламан, десанг, яхшига ёндаш, ҳалол, меҳр-шафқатли бўл. Ўзингни ақлли, билимдон қилиб кўрсатишга тиришма, сира ҳам...»

Дадамнинг уйда кун ўтган сайин юрагим сиқилади. Қишлоққа, бувимга, Гавҳарга интиламан. Бунақа кайфиятда юрганимни сезган пайтлари дадам рўпарамга ўтириб олиб насихат қилишга тушади: катталарни ҳурмат қилиш керак, ундай, мундай... Бир ҳисобда-ку, ношукр бўлиш инсофдан эмас, бу ерда ҳамма менга илтифот қилади. Қишлоқда нима қилардим — бекорчиликдан дайирдим, ит уриштирардим, эшакпоёга қилардим, холос. Шаҳарда эса...

Дадамнинг гапларини эшита туриб хаёлга ботаман. Мен унинг Гавҳарнинг дадасидек бўлишини истайман. Гавҳарнинг дадаси очиккўнгли, меҳрибон. Бировнинг гапини бўлмай эшитади, ҳуда-беҳуда ақл ўргатавермайди. Дадам эса... йўқ, уни ёмонлай олмайман — дадамнинг оилада обрўси баланд. Кўрс эмас, силтаб гапирмайди. Лекин жилмайиши менга сохта туюлади, мулоим гаплари ҳам кўнглини йдира олмайди. Шунча кун бирга турибману «Ўғлим, ким бўлмоқчисан?», деб сўрамабди ҳам. Ўзимча «Дадам нимага шунақай-

кин!», деб кўп ўйладим, лекин саволимга жавоб топишга улгурмай, қутилмаганда қишлоққа қайтишимга тўғри келди.

Уша куни Шавкатнинг ўртоқлари келадиган эди. Эрталабданоқ меҳмон қутишга тайёргарлик бошланди. Оёқлари ўймакор катта столнинг тепа тахтаси сурилиб, кенгайтирилди. Уғай онам меҳмонларнинг кўнглини олиш учун бор ҳунарини ишга солди. Мен унга қарашдим. Иш орасида, у келаятган меҳмонлар мўътабар оилаларнинг фарзандлари эканини айтиб, «Жуда яхши болалар, маданиятли, одобли... Сиз улардан... баъзи нарсаларни ўргансангиз ҳам бўлади», деб таъкидлаб қўйди. Унинг бу гапидан, очиги, ғашим келди. «Майли, маданиятли болаларни ҳам бир кўрайлик», дедим ичимда.

Меҳмонлар оқшомга яқин келишди. Саломлашишди.

— Хуш келибсизлар, хуш...— деди ўғай онам астойдил қувониб.

Авал ялтироқ қўйлакли уч киз кирди. Шавкат уларни онасига таништирди: Зуля, Шоҳида, Нодира. Мен беихтиёр қизларга қараб, жилмайиб қўйдим. Уғай онам менинг бу қилигимдан ўнғайсизланиб, қизларни ўтиришга таклиф қилишни ҳам унутди. Кейин болалар киришди. Ташқи кўринишларидан ўғай онам таърифлангандек фавақулда бир нарса сезмадим. Фақат, уришиб қолган шимларини кўриб ажабландим.

Меҳмонлар дастурхонни четлаб ўтиб, ким диванга, ким креслога ястаниб олди. Дам ўтмай, хона тунтунга тўлди. Шавкат одатдагидек «ўткир» ақлини намойиш қилишга киришган: хорижий бир фильмни авра-астарини ағдариб танқид қилди. Улфатлари унинг гапларини лоқайдлик билан тасдиқлаб туришди. Кейин магнитофон қўйишди. Хонанинг икки бурчагига ўрнатилган карнайлардан саксофоннинг ҳазин нағмалари тарала бошлади. Болалар ўтирган ерларида кўзларини юмиб, узун сочларини силкиганча куй оҳангига монанд бош чайқай кетишди. Айниқса, шу қилиқлари ўтиб тушди! Қишлоғимиздаги чойхонага йиғиладиган оқсоқоллар қадимий қуйларни эшитганда мана шундай бош чайқаб ўтиришади. Бизга ўхшаган ёш-яланг бир ерга йиғилса, ҳеч ким жим ўтиролмаган бўларди. Дарров доира, рубоб топиб, базми бошлаб юборишарди. Юрагида ўти бор йигит тортиниби ўтирарканми!

Шавкатнинг улфатларига қараб одамнинг кулгиси қистайди. Соғлом, айни кучга тўлган йигитлар-у, қимирлашга эринишади-я, карнайдан таралаётган куй ёмон эмас, қўшиқчининг овози ҳам жозибали экан... Ниҳоят, ўринларидан туришди: ракс бошланди. Ё тавба, мунча имиллашмаса, худди олтмишни қоралаган чоллардек. Магнитофонни шартта ўчириб: «Ҳой, оғайнилар, йигит-мисизлар ё... Жон борми сизларда!», дегим келади. Ёки, «Э, бор-э, менга нима, бунақа жилпанглаш ўзига чиққандан кейин...», деб, тезроқ бу ердан чиқиб кетишни ўйлайман.

Шавкат Зуля билан ракс тушаётиб негадир мен томон имо қилди. Мен бунда бир макр сезиб, сергак тортидим. Кутганимдек, киз менга яқинлашди ва беҳаё бир назар билан бошдан-оёқ қараб чиқди.

— Исминми унутмадингми?

— Йўқ, исмингиз Зуля.

— Русчани унча билмас экансан.

— Фақат мактабда ўрганганимча...

— Шавкат, қариндошчангда гап кўпга ўхшайди.— Зуля шундай деб истеҳзо билан кулимсиради. Гўё мунча сирни фош қилгандек мамнун қиёфада рўпарамдаги креслога ўтирди.

— Ростданми? Мен сезмаган эканман,— деди Шавкат менга кўз ташламай.

Буларга қараб туриб, иккита масхарабоз артист саҳнада гаплашяптими, деб ўйлайсиз; кулгим қистаб, ўзимни тўхтата олмадим. Зуля аччиқланиб, Шавкатга юзланди:

— Шавкат, бунинг сал анақароқ эмасми?— деди чийллаб.

Кимдир магнитофонни ўчирди, хонага жимлик чўкди. Шавкат менга яқинлашиб, тишларини ғижирлатди:

— Обрўли жамоатда ўзингни тутишни ўргатишмаганми?

— Обрўли жамоат сенмисан?— Шундай деб яна кулдим.

Шавкат бирданига қулочкашлаб, уришга чоғланди. Узимни орқага олдим, мушти шундоқ бурнимнинг ёнидан ўтиб кетди. Нима қилай? Пачакилашиб ўтирмасдан чиқиб кетайми ё бундан кейин олифтахарчилик қилмаслиги учун адабини бериб қўяйми? Тагин ўртоқлари мени кўрқоқ экан, деб ўйлаб қолмасин.

Шу заҳоти қарорим қатъийлашди: Шавкат уришга чоғланганида тумшугига бошлаб туширдим. У дод деганча полга йиқилди. Қилган ишимдан пушаймон бўлиб, унга энди ёрдам бермоқчи бўлиб турган эдим, остонада ўгай онам кўринди: кўзлари ғазабдан ёнди. Кўрқиб кетдим. Кун бўйи мушшлашган одамдек бирдан ҳолсизландим. Узимга ўзим: «Энди бу хонадонда қилдиган ишинг қолмади», дедиму югуриб чиқиб кетдим. Бир соатдан сўнг Самарқандга қатнайдиغان автобусда Қорақишлоққа жўнадим.

Бўлган воқеани бувимдан яширдим. Айтсам, хафа бўлишлари тайин. Гавҳарга эса бор гапни сўзлаб бердим. У, ердан юлиб олган майсанинг баргини тишлаганча ўйга ботиб, анчагача миқ этмади. Жавобини кутиб юрагим қон бўлиб кетди. Ён-атрофдаги тошлардан кафтимга йиғиб олдим, кейин битта-биттадан булоқ кўзига ташлай бошладим.

— Бўлди қил, булоқни булғам,— деди у қўлимдан ушлаб.— Паст келмаганинг яхши бўлибди-ю, лекин мингта мушдан битта ақлли гап кучлироқ эканини унутибсан-да.

— Ахир, унинг ўзи биринчи бўлиб ҳақорат қилди. Жоним ҳиқилдоғимга келган эди-да. Қўлимдан келса, бу Шавкатчаларни...

— Ўзингни бос. Оламни Шавкатчаларинг босиб кетмаган-ку.

— Буларнинг биттаси ҳам кўп. Юрган йўлингга оёқ остида изирсиб, жигинга тегади. Уша уйдан чиқдиму кўнглим ёришди, Гавҳар...

— Нимага?

— Биз табиат қўйида яшаймиз. Аҳмоқона нарсаларнинг таъсирига берилмаймиз.

— Қанақа аҳмоқона нарсалар?

— Қанақа бўларди... Ҳар хил латта-путталар-да...

— Аҳад, ахир шунақа кийим ҳозир ҳамма ерда расм бўлган-ку?

— Расм бўлса бўлгандир. Лекин мен бари бир одамни одамликдан чиқарадиган нарсаларга қаршиман!

\* \* \*

Бувимни жонимдан ҳам яхши кўраман. Отам ўрнида отам, онам ўрнида онам — ширинсўз, меҳрибон бувим. Қариб қолганларига қарамай сира тиниб-тинчимайдилар. Бувимнинг бекор ўтирганларини кўргудек бўлсам, ҳайратдан ёқа ушласам керак. Саҳардан то қора шомга қадар жим ўтирмайдилар: дам юнг савайдилар, дам нон ёпадилар, дам ҳовли супурадилар, дам уй йиғиштирадилар, дам кир ювадилар. «Кийимни титиб, расвосини чиқаради», деб кир машинани ишлатишга кўнмайдилар. Бувимнинг оғирларини енгил қилишга тиршаман: сув ташийман, тандирнинг кулини тозалайман, ўтин ёраман, хуллас, бувим бугунга етар энди, демагунларича мен ҳам тинмайман.

Қош қорайганда овқатлангани ўтираман. Бувим секин овқатланадилар. Қўлларини артиб, то фотиҳа ўқимагунларича сабр қиламан. Уйқуга ётганимда бувим бош томонимда ўтириб, ғалати-ғалати воқеаларни айтиб берадилар.

Ота-онам ҳақида деярли гаплашмаймиз. Агар сўз очилиб қолгудай бўлса ҳам, отамдан нарига ўтмаймиз. Айтмоқчи, бувим онам ҳақида бир марта гапирганлар. Келин бўлиб тушганларидан бир йил ўтиб,

онам бувимларга: «Ўғлингизни ўзингиз ҳам билмасдан мақтайвераркансиз, Акмалжонингиз иккиюзламачи, амалпараст экан», дебди. Бувим хафа бўлиб, уйимизга келмай қўйибдилар. Дадам бу воқеадан хабар топса ҳам, бувим билан онамни яраштиришга ҳаракат қилмабди.

Онам дадамни нима учун «иккиюзламачи, амалпараст» деган экан? Она-болани уриштириб қўйиш учун атай шундай қилганимкан? Е янглишдимикан? Унда дадам нимага ўзини оқламайди? Нима учун бувим «Онам тўғри айтган экан», деб қўядилар?..

Хуллас, ечишим лозим бўлган жумбоқлар кўп. Мана, бувим меҳрибон кўзларини менга қадаб, сўт ичишимни кузатиб ўтирибдилар.

— Ростдан мактабга кетяпсанми? Куёвболаларга ўхшаб ясаниб олибсан-ку?

— Бувижон, бугун ясаниб оладиган кун-да ўзи.

— Нимага энди?

— Бугун аттестат берилади.

— Эсгинам кўрсин-а, қаригандан кейин шунақа бўларкан, кечир болам, табриклашни ҳам унутиман.— Бувим шундай деб пешонамдан ўпиб қўйдилар.

\* \* \*

Мактаб билан хайрлашув маросимидан кеч қайтдим. Дўкон олдида ўтаётиб қоровул Шокир отага — дуч келдим. Шокир ота, одатича, жумраги учган чойнакни олдига қўйиб олган, милтиғи устунда илиғлиқ.

— Ваалайкум ассалом, э, Аҳадбой, мактабдан энди қайтяпсанми?

— Хайрлашув маросими бўлди.

— Уқишни ҳам тугатдим, дегин? Баракалла. Уйингга борақол, отанг кутиб ўтирибди. Намозшомдан олдинроқ келган эди, кўзи тўрт бўлаётгандир.

Бувим билан дадам ўрик дарахтига тиркаб қурилган тахта сўрида ўтиришган экан, салом бердим. Дадам, кутилмаганда, деб мени бағрига босди.

— Ўғлим, ўқишни тугатганинг билан табриклайман! Ҳаётдаги биринчи доводдан ошиб ўтдинг, қутлуғ бўлсин!

Дадамга ажабланиб қарадим. Узини сипо олиб юрадиган, кўп нарсаларга бефарқ қарайдиган одамнинг бундай ҳаяжонга тушиши гайри табиий туюлди менга.

— Энди, ўғлим, белни маҳкам боғлаб навбатдаги, баланд доводни мўлжаллаш керак!— дея дадам сигарет тутатди-да, кўлини ҳаволатиб, оловни ўчирди.— Шу доводдан ўтгандан кейин одам қаторига қўшилсан, олий маълумотли мутахассис бўласан, тушундингми? Ана ундан кейин... Ундан кейинги гапларни қўятурайлик. Аввал институтни тугатиб ол-чи...

Дадам аттестатини қўлга олиб, унга кўз ташлади.

— Ёмон эмас, ёмон эмас, ўғлим,— деди у тутун бурқситиб.— Очиғини айтсам, мактабни бунақа яхши битирасан, деб ўйламаган эдим. Шавкатдан анча дуруст экансан, хурсандман. Шавкат ҳам ёмон бола эмас, эс-ҳуши жойида-ю, фақат ўқишга тоқати йўқроқ-да... Ҳўш, энди нима қиламиз?

Елка қисдим.

— Институтда ўқийсанми?


— Акмалжон, неварам қишлоқда қолиб, тракторчиликка ўқимоқчи.

— Механизатор бўлмоқчимми? Эсингни еб қўйибсан! Ўғлим қора мойга беланиб юрса, таниш-билишлар орасида мен нима деган одам бўламан!— Дадам ўрнидан туриб кетди.

— Бу гапинг чакки, ўғлим,— дедилар бувим.— Ишнинг яхши-ёмони бўлмайди. Астойдил, жон куйдириб меҳнат қилса, обрўини сеникидан кам бўлмайди.

— Биламан, ойи, биламан,— деди дадам бувимнинг гапларини чўрт кесиб,— механизатор бўлишига қарши эмасман, лекин дипломли механизатор бўлсин, дейман. Фақат терим машинасини ҳайдашни билмай,





бутун техникани ичак-чавоғигача билсин, дейман. Шундай мутахассис бўлишни ўзинг хохламайсанми?

— Ҳоҳлайман...

— Ана, тил топишиб олдик. Сенинг бошқалардан кам еринг йўқ. Аттестатингга қараганда калланг жойида. Табиат сенга шундай иқтидор бериб қўйса-ю, сен оддий тракторчи бўлиб юрсанг — бу, ахир, жиноят эмасми?— Дадам бурнимни чимчилаб, кулиб юборди.

Бувимга қараб, ҳайрон бўлиб қолдим: кўзлари қувончдан ёниб, ажинлари текисланиб кетибди. Худди бир онда яшариб қолганга ўхшайдилар. Бувимнинг ҳайфийатлари нима учун чоғ бўлиб кетганини сездим: ўғилларининг бирдан ўзгариб қолганидан хурсанд эдилар. Неча йиллар бадалида ўғлига нисбатан бефарқ, безъетибор юрган отанинг ҳаётдаги энг муҳим муаммо ҳал қилинадиган пайтда келиб, бу қадар жонкуярлик қилиши бувимнинг кўнглини кўтариб юборган эди. «Бувижоним, меҳрибоним, шунинг учун ҳам сизни яхши кўраман. Мени деб кўп йиллик гиналарни ҳам унутиб юборасиз...»

— Ўғлим, нарсаларингни йиғиштир, мен билан кетасан.

— Ҳозирми?

— Бу ерда қиладиган ишинг йўқдир?

— Бувим-чи?

— Мендан кўнглинг тўқ бўлсин, болам, мени бўри ермиди,— дедилар бувим бошимни кўксиларига босиб.— Сен инженер бўлишинг керак. Кейин машинада Самарқанду Тошкентга олиб борасан мени. Эски уйни бузиб, ёишти, тунука томлисидан қурамыз.

Бувимнинг гапларини эшитиб бош ирғаб қўйдим, лекин ёлғиз қолаётганларини ўйлаб эзилдим: энди ким сув ташиб беради, ким ўтин ёради... Гавҳар-чи? У ҳам ёлғиз қоляпти-ку? Иложим қанча. Йигит ёшига етган бўлсам ҳам, изимим ўзимда эмас.

Ҳайрлашаётиб, бувимни маҳкам қучоқлаб олдим. Кейин китоб-дафтарим солинган оғир сумкани кўтариб машинага чиқдим. Дадамнинг Анатолий деган шофёри елкамга қоқиб қўйди:

— Институтга кирар экансан-да, а?

— Ҳали ўзим ҳам билмайман.

— Ол-а,— Анатолий кулиб юборди.— Бошқалар ота-онасини ҳоли-жонига қўймайди-ю, сен бўлсанг...

Унга жавоб бергим келмай, елка қисиб кўя қолдим. Машинадан қайтиб тушгим, китоб-дафтар тўла сумкамни улоқтириб юборгим келди. Лекин бундай қила олмадим.

\* \* \*

Эртасига кечки овқатдан сўнг маслаҳатлашиб олиш учун йиғилдик — дадам, ўғай онам ва мен.

— Бир нарсани келишиб олишимиз керак,— деб сўз бошлади дадам.— Имтиҳон бошланишига ҳали бир ой бор. Хўш, унганча Аҳад нима билан шуғулланиди?

Ўғай онам бу жумбоқни оддийгина ҳал қилди-қўйди:

— Ҳамма қатори имтиҳонга тайёрланиди!

— Рост,— дедим уни қувватлаб,— айниқса, физика билан математикадан кўпроқ тайёрланишим керак.

— Рус тилидан ҳам,— деб таъкидлади ўғай онам.

Мен унга қараб, эслатгани учун миннатдорлик белгиси сифатида жилмаймоқчи эдим, чиқмади. Назаримда, жилмайиш ўрнига афтимни буриштириб юбордим шекилли.

Ўғай онамининг кечаги қаҳрли нигоҳини ҳалигача унутганим йўқ. Уйга тунда етиб келган бўлсак ҳам, у ухламаган экан, мени кўриб жилмайишга ҳаракат қилди, лекин келганимдан норози бўлганини кўзлари фош қилиб турарди. Дадам бу нигоҳни пайқамасди, креслога чўкиб, минерал сув сўради. Менинг эса, юрагим орқага тортиб кетди: «Ахир, мен бу уйда беғонаман-ку! Кимман буларга?...»

— Қани, ўғлим, ўзинг нима дейсан?— деб сўради дадам.

— Қишлоққа бориб тайёрланаман. Имтиҳонга яқин келаман,— дедим ўйлаб ўтирмай.

Ўғай онам дарров мени қувватлади:

— Жуда тўғри.

— Йўқ, бунақаси кетмайди,— деди дадам ўғай онамга ёвқараш қилиб, кейин пастак хонтахта устидаги сигаретни олиб тутатди.— Кундузи Москвага телефон қилган эдим. Дўстимнинг далаҳовлиси бўш экан. Аҳадни ўша ёққа юборсак... Ун беш кун дам олиб, қувватга тўлиб қайтади. Дарс тайёрлашга қолган ўн беш кун ҳам етади.

Очиғини айтсам, «кенгаш» аҳлидан бунақанги ажабтовур таклиф кутмаган эдим. Хурсанд бўлиб кетганимдан юрагим гупиллаб ура бошлади. Москвага боришни болалигимдан орзу қилар эдим. Бу шаҳарни шу пайтгача фақат киноларда кўрганман. Наҳот, дадамнинг гаплари рост бўлса? Тушимми ё ўнгимми, бу ўзи? Энди розилигимни айтман, деб турганимда, ўғай онам гапириб қолди:

— Калта ўйлабсиз. Бола ҳозир бутун фикру зикрини имтиҳонларга қаратиши керак. Институтга киролмай қолса, менга эмас, сизга уят бўлади.

— Ваҳима қилаверма,— деди дадам пешонасини тириштириб.

— Гапирмаслигим ҳам мумкин... Маслаҳатим ёқмаса, мени нимага чақирдингиз? Ўғилнинг тақдирини мен эмас, ота ҳал қилиши керак,— деди ўғай онам хафа бўлиб.

Дадам хола бўйлаб у ёқдан бу ёққа бетоқат юра бошлади.

— Сендан ақллироқ гап чиқармикан, деб ўйлабман. Шавкат ҳақида гаплашсак, ўзингни бошқачароқ тутган бўлардинг.

— Янглишяпсиз.

— Балки янглишаётгандирман. Лекин сен билан кеча турмуш қурганим йўқ — одатинг менга беш қўлдай аён. Керак бўлганда сендан оқила, сендан меҳрибон хотин йўқ бу дунёда. Ҳа, ўзингга керак бўлганда...

Ўғай онам сир бой бермай, елкасини қисди.

— Ахир, ўзингиз маслаҳат сўрадингиз, мен фикримни айтдим.

— Мен сендан фикр сўраганим йўқ,— деди дадам овозини кўтариб.— Аҳаднинг нима билан шуғулланишини ўзим ҳам яхши биламан.

— Унда мендан нима истайсиз?

Дадам ўғай онамга ўқдек тикилди:

— Нима истайсиз, дейсанми? Аҳадга ола қарама. Эшитдингми, ола қарама! У сенга ёмонлик қилгани йўқ. Оғзингдаги ошни ҳам тортиб олаётгани йўқ!

— Ундай деманг. Мен ҳаммаларини баробар кўраман.

— «Ҳаммалари баробар» эмиш! Менга текканингдан бери нуқул Шавкатни ҳимоя қиласан. Ўғилни айби бўлса ҳам, тил теккизишга қўймайсан. Нима учун? Чунки у юрагининг бир бўлаги. Мен ҳам ҳозир юрагимнинг бир бўлаги ҳақида ўйлаяпман. Бунга ҳаққим борми? Бор! Сен «Аҳад тайёрланиши керак», деяпсан, тўғри, мен бунинкор этмайман, тайёрлансин. Лекин, нега ўтган йили ҳам шунақа демадингиз? Чунки сенга бўлажак имтиҳон эмас, Шавкатнинг денгиз бўйида дам олиши зарурроқ эди! Унинг аттестати эсингдами? Баҳоларини кўриб кишининг кўнгли айнирди. Ҳатто, жисмоний тарбиядан «уч» эди! Йигит киши бўлатуриб жисмоний тарбиядан «уч» баҳо олган-а! «Шавкатнинг ўқиши қандай?», деб сўраганимда, «Ўғлимиз яхши ўқияпти, дадажони, муаллимлари ҳам хурсанд», дер эдинг.

— Мактабдаги баҳолари паст бўлса ҳам, болам ўзини ўзи эплаб кетди. Имтиҳонларни яхши топириб, институтга кирди-ку!— деди ўғай онам ачиқкланиб.

— Шунақа дегин?! Институтга кирди? Ўзингни гўллик соляясанми ё жигимга тегмоқчимсан? Мен

либ-югурмаганимда Шавкатжонинг институт деган койни тушида ҳам кўрмас эди!

— Сиз ёрдам бермадингиз, деяпманми?— Угай онам бирданига шахидан тушди.

— Айтмоқчи, кеча баҳолар дафтарчасига кўзим ушувди. Азбаройи худо, кўрганимга пушаймон бўлдим.

— Дафтарчасига нима бўлибди?— Угай онам хавоирланиб, ўрнидан туриб кетаёзди.

— Ҳовлиқмасдан жим ўтир, дафтарчасига бало ҳам урмаган. Лекин бир қараб кўйсанг, яхши бўларди.— Шундай деб дадам заҳархандалик билан кулимсираб кўйди-да, яна сигаретга қўл чўзди.— Ҳаммаёқни «уч» босиб кетибди.

— Боламга ўқиш оғирлик қиялпти.  
— Оғирлик қиялпти!— Дадам сигаретни тутатиб, ўрнидан турдида, хона бўйлаб юра бошлади.— Ярим кечагача сангиб юриш, аҳмоқона куйларни қўйиб, итдай сакраш оғир эмасмикан? Кўчама-кўча изғиб, хорижий шимларни кидириш оғирлик қилмасмикан?

— Вой, нимага унақа дейсиз! Ахир, у ёш йигит, ҳамма қатори кийиниб, кўнгил очгиси келади.

— Қачонгача кўнгил очади?!— Дадам бирдан бақриб юборди.— Қўйиб берсанг, бир умр шаталоқ отиб юришдан тоймайди, эртанги кунини ўйламайди ҳам.

— Ахир... ўзингиз уни доим мақтар эдингиз. Шавкат менга ёқади, деб ўзингиз айтгансиз. Ҳозир аччиқ устида ҳар балони айтиб юборяпсиз. Уғлим сизни ўз отасидан зиёда қўради. Ҳар бир ишда, юриш-туришда сизга тақлид қилади.

Бунга айтаётганим йўқ. Сенга ҳам, Шавкатга ҳам фақат яхшилиқни раво кўраман, бунга биласизлар. Ҳар биримиз ҳаётдан улушимизни ўз вақтида, ҳам меъёрида ола билишимиз керак. Ҳозир олма пиш — оғзимга туш, деб лалайиб юрадиган замон эмас.— Дадам қандай тез портлаган бўлса, шундай тез совиб, хийла мулойимлашди.

Хуллас, яқшанба кунни тонгда Москвага учадиган бўлдим. Шанба кунни эса дадамнинг туғилган кунни нишонланади...

\* \* \*

Шанба оқшомида юрагимга ханжардай санчиладиган воқеа содир бўлишини олдиндан билганимда, бирор баҳона топиб, албатта уйдан чиқиб кетган бўлардим. Бироқ...

Эрталабдан дадамнинг кайфияти яхши эди. Угай онам дадамга қўлсоат билан қимматбаҳо тошлари ялтираб турган чиройли енг-тугма софга қилди. Шукур иккимиз табрик қоғози билан кифояландик. Дадам совғаларни мамнунлик билан олиб, ҳаммамизни но-нуштага тақлиф қилди.

Пешинга яқин дадамнинг ишхонасидан уч эркак ва бир аёл келди. Дадам улар билан совуққина сўрашди. Кейин диванга ястаниб олди, уларни назар-писанд қилмаётганини ҳатто яшириб ҳам ўтирмади. Меҳмонларнинг табрик сўзларини эринчоқлик билан тийглади. Чорак соат ўтар-ўтмас улар кетишга чоғланишди. Дадам меҳмонларни кузатиб қўйиш туғул, ҳатто ўрнидан қимир этмади. Қоғозга ўроғлиқ совғага эса эътибор бермай, оёғи билан бир четга суриб қўйди. Совға кечгача, то ўгай онам олиб қўймагунга қадар пойгакда қолиб кетди.

Дадамнинг бу қилиғини кўриб, уятдан ер ёрилмадики, кириб кетмадим.

Оқшомага яқин ўгай онам билан биргалашиб катта столни ўртага олиб дастурхон тузаётган маҳалимизда дадамнинг ҳаяжонланаётганини сезиб қолдим. Юзига қизиллик югурган, кўзларига дам ғалати учкун пайдо бўлар, дам сўнар эди. Лабига сигарет кистириб, стол атрофида айланади, кейин бирданига оппоқ сочиқни олиб, тўрга қўйилган қошиқ, пичоқ, санчқиларни қайта-қайта артишга тушади.

Соат етиларга қолмай ҳаммаси тахт бўлди.

Дадам кийимларини алмаштириш учун ўгай онам билан бирга қўшни хонага чиқди. Менга ошхонадаги минерал сувли шишаларни яна бир артиб қўйишни буояришди. Шишаларни артыпман-у, эрталабки меҳмонларнинг қисилиб-қимтиниб ўтиришлари, чой-нонга қарамай чиқиб кетишлари кўз олдимдан кетмайди. Дадамнинг совуқ муомаласию гердайиб ўтиришларидан, ўгай онамнинг эса ҳатто бир қараб қўймаганидан мен изза бўлдим. Уша пайт, бу хонадондан тезроқ чиқиб кетишга интилганидан эшик қулфини очолмай, таратқулданган меҳмоннинг юзидаги ийманиш менга ҳам ўтган, эшикни ийманибгина очиб берган эдим.

Мана шу бир лаҳзалик воқеани ўйлаб хаёлим қочди. Қорақишлоғимни эсладим. Уйимизга ҳафтада бир, баъзан икки марта меҳмон келарди. Меҳмонларнинг аксариси бувим билан бирга фермада ишлаган хотинлар. Улар ўрик соясидаги сўрига ўтириб олиб, у ёқ-бу ёқдан гангир-гунгур қилишарди. Бувимнинг тенгқурлари орасида Зеби хола дегани бор, семизлиги, қаттиқ гапириб, қаттиқ қулишлари билан ажралиб туради. Бу хотинни дастлаб жуда кўрс бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Йўқ, Зеби холам ҳаммадан ҳам меҳрибон, ҳаммадан ҳам қувноқроқ экан. У ҳозиржавоб эди, бирор воқеани ё ҳазилга буриб тушунтириб берарди, ёки ҳикоят келтириб, ўтирганларни лол қолдирарди.

Утган йили май ойида қизик бир воқеа юз берган эди. Гавҳар билан адирда сайр қилиб юриб, иккита лолақизғалдоққа дуч келдик. Негадир уларнинг ранги қизил эмас, пуштига мойил эди. Лолақизғалдоқларни авайлаб узиб, Гавҳарга узатдим. Гавҳар уларга узоқ тикилиб турди-да, кейин бирини менга узатиб, «Гулдонга солиб қўй, мен ҳам шундай қиламан», деди.

Уйга қайтсам, қишлоғимизнинг кампирлари сўрини эгаллаб ўтиришибди. Улар саломимга алик олиб, бувимга имлаб қўйишади. «Неваранг катта бўлиб қолди, битта-яримта қизни кўз остига олиб қўй энди», деган маъно борлиги учун бундай имлашлар менга ҳам хуш ёқадиган бўлиб қолган. Уйга кириб кетмоқчи эдим, Зеби холам тўхтатди:

— Аҳаджон, холам айлансин, болам, шошмай тур. Гулингни бизга бермайсанми, лоқал бировимиз хурсанд бўлиб қолайлик. Қани, кимга берасан, қани?..

Мен уларга бир-бир кўз ташлаб чиқдим... Кўзимга ҳаммалари ҳам ёқимтой кўринди: бошларида оқ рўмол, қошларида ўсманинг изи, кўзларидан меҳр ёғилиб турибди. Лекин... Лолақизғалдоқни бувижонимга узатдим. Шу пайт Зеби холам ҳовлини бошга кўтариб, хахалаб қулиб юборди.

— Меҳринисо, ўлай агар, неварангнинг шундай қилишини билган эдим.— Зеби хола имлаб, менга жой кўрсатди.

Утирдим.

— Аҳаджон, болам, бу ишинг менга бир ривоятни эслатди. Эшит, айтиб бераман. Қадим-қадим замонда бир шоҳ бўлган экан. Бир кун соя-салқин боғида вазир билан олам муаммолари ҳақида бош қотириб ўтирганида боғбони келиб таъзим қилибди. «Шаҳаншоҳим,— дебди у,— узоқ йиллар заҳмат чекиб боғингизда бир гул етиштирган эдим, бугун у кўз очди. Сизнинг марҳаматингизга лойиқ гул етиштирганимдан бошим кўкка етиб, таъзимга келишга журъат эдим. Назарингизни дариг тутмасангиз, хамина қулингизни бир умрга бахтли қилган бўлар эдингиз». Шоҳ қизибди, «Қани, кўрайлик-чи», дебди. Боғбон зум ўтмай гулни келтирибди. Шоҳ табиатнинг бу саховатидан лол қолиб, боғбонга таҳсинлар айтибди. Боғбон кетгач, вазирга қараб дебди: «Мана шундай гулни етиштирган боғбонимизнинг қўли дард кўрмасин. Тангрининг бу инъомини энди ўз эгасига топширайлик. Хўш, бу ёруғ оламда гулдан ҳам яхши, суюмли яна нима бор? Бола! Фақат болагина гулдан чиройли, гулдан бегу-борроқ бўлади. Шундай экан, бу гул энг чиройли, энг оқил бола қўлига тегсин!» Вазир шоҳнинг фикрини маъқуллаб бош эгибди. Шоҳ ҳабаб қулни чақириб

буюрибди: «Саройга киргин-да, у ерда ўйнаётган болаларга яхшилаб разм сол. Энг ақлли, энг чиройли, энг оқилини танлаб, шу гулни бериб чиқ». Кул таъзим билан изига қайтибди. Шоҳ қилган ишидан мамнун бўлиб, қулани кутибди — у шаънига шоирлар газаллар битаётган қизининг гўзалликда тенгсиз эканига амин экан. Кўп ўтмай кул келиб, шоҳ қаршисига тиз чўкибди. «Айтганимни бажардингми?», деб сўрабди шоҳ. «Худо шоҳиди, шаҳаншоҳим, гулни энг чиройли болага бердим». «Хўш, ким экан ўша чиройли бола?» «Менинг ўғлим, шаҳаншоҳим... Бундай разм солсам, энг чиройлиси ўзимнинг ўғлим экан...»

Кампирлар бу ривоятни эшитиб кулиб юборишди.

— Холанг ўргилсан, Аҳаджон болам,— деди Зеби хола,— сен жуда тўғри қилдинг. Бувинг чиндан ҳам орамизда энг чиройли, энг оқила хотин.

Меҳмонлар кетишяётганда бувим уларни ҳар сафар катта кўчага қадар кузатиб борардилар. Мен бундан сира ажабланмасдим, чунки бувимнинг одатлари шунақа: келган меҳмонни хушнуд кутиб оладилар, иззатини жойига қўйиб, ҳурмат билан узатиб қоладилар. Меҳмон танламайдилар— жонажон ўртоқларими, яқин-узоқ қариндошларими ёки шунчаки танишми, фарқи йўқ— остонамизни ҳатлаб ўтдимми, демак, бувим учун у азиз меҳмон.

Болалик қилибми, бунинг сабабини дуруст фаҳламас эканман, ҳатто бир кунни ўзларидан сўраганман ҳам:

— Бувижон, ким келса ҳам худди қариндошдек кутиб олсанг-а?

Бувим дарров жавоб қилмадилар ўшанда. Аввал пиёладаги чойни ичиб бўлдилар. Нонни сочққа ўраб, дастурхонни йиғдилар. Ана ундан кейингина ўйчан бир тарзда гап бошладилар:

— Аҳаджон, болам, ҳали ёшсан, кўп нарсани тусунмайсан. Лекин ҳозир айтадиган гапларимни яхшилаб ўқиб ол. Меҳмон уйимизга яхшилик истаб, яхши ният билан келади. Дили пок бўлса, унинг қадами этган уйга қут-барака, ёруғлик, осойишталик кириб келади. Шунинг учун ҳам «Меҳмон — отангдан улуг», дейдилар-да.

Бувимнинг бу ўгитлари миямга сўзма-сўз муҳрланиб қолган.

...Ошхона деразасидан кўчага қараб, орқама-кейин келиб тўхтаган машиналарни кўрдим. Дадам билан ўғай онам меҳмонларни кутиб олиш учун аллақачон пастга тушиб улгуришибди. Дам ўтмай меҳмонхонадан шодон овозлар эшитилди. Кутилмаганда ўғай онам шошилиб ошхонага кирди, апил-тапил сочини текислаган бўлди-да, менга қаради:

— Стол тортмасида қўл артадиган тоза қоғозлар бор, ўшандан, уч-тўрт шиша минерал сувдан ҳам олиб, телевизор ёнидаги столчага қўйинг. Эҳтиёт бўлинг, майлими, тагин...

Хўп, деб бош ирғаб, унинг амрини бажаришга киришдим. Меҳмонхонага чиқдим. Ҳафсала билан безатилган дастурхон атрофида уч эркак ва ясан-тусанни жойига қўйган уч аёл ўтирарди. Салом бердим. Алик олишмади, назаримда бош ирғаб қўйгандек бўлишди. Уларга қарагим ҳам келмас, кўзим дадамда эди. Худди эртақлардагидек мўъжиза юз бергану боягина даванди гердайиб ўтирган «амалдор» бир юмалаб, мўмин-қобил, одобли, меҳмондўст, мулойим мезбонга айланган. У тўрда ўтирган озгин, юзларини ажин босган кишининг кўнглини олиш билан банд. Ҳамид Асадовичнинг номи тилга олинганда дадамнинг ҳам, ўғай онамининг ҳам оғзидан бол томарди. Дадамнинг икки букилиб хизмат қилишига қараганда шу озгин киши — Ҳамид Асадович. У виқор билан ўтирибди, бошқаларга кўп ҳам эътибор қилмайди, афтидан, бу хонадоннинг доимий азиз меҳмони ҳисобланса керак. Сўз берилганда ҳам коньяк тўлдирилган қадаҳни олиб, беписанд ўрнидан турди.

Мен Ҳамид Асадовичнинг гапларини эшитмадим, ошхонага чиқиб кетдим. Стол устидаги минерал сувли шишага иягини тираб ўйга толдим. Ҳамид Асадович

деганлари кўримсизгина одам экан. Унинг нимасига дадам ятлоқланади? Дастлаб келган меҳмонларни писанд қилмаган дадам қаёқдаю Ҳамид Асадовичнинг оёғини ялашга ҳам тайёр турган дадам қаёқда! Шу ишининг тубанлик эканини ўзи билармикан? Худди мулойим официанткадай елиб-югуради, баъзан қулоғига нимадир деб шивирлайди, Ҳамид Асадович жилмайиб кўяди.

Қадаҳлар бир неча марта кўтарилгач, меҳмонларнинг диллари хушнуд бўлиб, латифа айтишга тушдилар. Дадамнинг бўлар-бўлмасга оғзини кафти билан тўсиб кулишию ҳи-ҳилаётган Ҳамид Асадовичга қараб-қараб қўйишлари ғашимни келтирди.

Соат ўн бирларда катта лаганда палов тортилди. Ҳамид Асадович яна ўрнидан турди. Энди у дам йўталиб, дам тутилиб, дам тўхтаб-тўхтаб гапирар, ҳар тўхтаганида ўғай онамга жон кириб, меҳмонларнинг қадам ранжиди қилгани учун миннатдорчилик билдирар эди.

— Муҳтарам Акмал Рустамович, мен бу қутлуг хонадонга хушхабар билан, зийқица, Шоҳиста Ҳасановани хушнуд қилувчи хабар билан келдим.— Ҳамид Асадович шундай деб, лабини чапиллатди.— Хабарингиз бор, Илҳомов пенсияга чиқяпти. Урнига кимини қўйиш масаласи кўтарилганида, мен сизнинг номзодингизни кўрсатган эдим, таклифим маъқулланибди, буни менга ўтган кун билдиришди. Тез орада сизни тасдиқча чақиришади. Менинг назаримда, Акмал Рустамовичнинг кўтарилиши табиий бир ҳол. Акмал Рустамович ўз ишига пухта, атрофидагиларга меҳрибон, зийрак одам. Келинг, азизлар, қадрдонимиз Акмал Рустамовичнинг янги лавозимдаги ишларига ривож тилаймиз!

Ҳамид Асадович гапиряётганда дадамга ўғринча қарадим: юзи аввал оқарди, кейин қизиллик югурди. Ўғай онам кўзларида ёш билан дадамни табрикляётганида секин хонадан чиқиб кетдим.

Меҳмонлар тарқалиши билан, дадам яна «бир юмалаб» аввалги ҳолга қайтди: меҳмонхона бўйлаб юриб, гоҳ нотайин бир ашулани хиргойи қилади, гоҳ Ҳамид Асадович ўтирган юмшоқ стулга қараб-қараб кўяди. Ўғай онам иккимиз дастурхонни йиғиштириб олганимиздан сўнг креслога ўтириб, оёқларини чалиштирди. Сўнгра:

— Ҳалиги нарса эсингдан чиқмадимми?— деб сўради ўғай онамдан.

— Қизиқсиз-а, эсдан чиқадиган нарсам бу, сумкаларига солиб қўйдим.

— Сен ҳам балосан.— Кейин яйраб керишди.— Яна бир қадам олға босдик, энди кўп нарса ўзгаради.

— Нимани айтяпсиз?

— Кўп нарса ўзгаради, ошна-оғайни кўпаяди. Бу оғайнилар орасида...— Дадам нимагадир тин олди, кейин дадил давом этди:— Ҳамид Асадовични силжитиб, ўрнига мени қўйишга қурби етадиганлар ҳам бўлади. Бир кун эмас, бир кун шундай бўлиши керак-ку, ахир, тўғрими? Мен Ҳамид Асадовичдан тузуқроқ иш юритишим мумкин.

— Айтганингиз келсин,— деди ўғай онам астойдил. Агар шу топда ғойибдан бир сеҳргар келиб унга «Тила тилагингни», деса, ўйламай-нетмай «Эрим ҳозироқ Ҳамид Асадовичнинг ўрнини эгалласин», дейиши тайин эди важоҳатидан.

Энсам қотиб, айвондаги тахта каравотга чўзилдим. Дадамнинг кун бўйи минг хилда турланиши, Ҳамид Асадович атрофида кул каби парвона бўлиши, ўғай онамининг семиз хотинга қилган мулозаматлари, «ҳалиги нарсани сумкага солиб қўйишлар — ҳамма-ҳаммасининг сабаби энди менга аён эди.

Ажаб, Ҳамид Асадович дадамнинг асл қиёфасини, келгуси ниятларини билса, қай ҳолга тушаркан? Юраги ёрилиб кетмасмикан? Мен Ҳамид Асадовичнинг бу ҳақиқатдан огоҳ бўлган дамдаги афти-ангорини кўз олдимга келтирарканман, унга раҳмим келди. Яна бувимнинг гапларини эсладим. Онам дадамнинг сохта қилиқларини айтганда, бувим буни ҳақорат деб тушу-

ниб, астойдил хафа бўлган эканлар. Бувимнинг хафа бўлишлари ўринли, ахир, дадамнинг бундай бўлиб кетишини туш кўрибдиларми? Дадам мактабда, институтда ўқиб юрган пайтида балки бу қусурлардан холи бўлгандир. Лаганбардорлик, кеккайиш, амалга интилиш кейинроқ — уйланиб, ишлай бошлаганидан кейин куртак ёзгандир?..

Шу каби хаёллар оғушида ётганимда дадам ёнимга яқинлашдилар.

- Нималарни ўйлаясан?
- Ҳеч нима... ўзим шунчаки ётувдим...
- Мени табрикламадинг ҳам...

Дадамнинг нима демоқчи эканини сезиб турган бўлсам ҳам ўзимни гўлликка солдим:

- Эрталаб табрикладим-ку?
- Эрталаб туғилган куним билан табриклардинг. Янги ишга тайинланганим билан-чи?
- Янги ишга... Сизни тайинлашмагач-ку? Ҳамид Асадович ёрдамида кўтаришган-ку?

Бу гапни эшитиб дадам титраб кетди. Бақириб берармикан, деб чўчидим ҳам. Лекин кўтилмаганда ёнимга ўтириб, сочимни аста кафтига олди.

— Уйламай гапиришни одат қилма, ўғлим. Ҳали ёшсан, ҳаёт нималигини билмайсан. Мен ҳам илгари тўғриси эдим, йиллар ўтиши билан ошна-оғайнисиз иш битириб бўлмаслигини англадим. Одам замонга қараб мослашиб, ўзгариб бораверар экан. Улғайсанг, бу ҳақиқат заҳрини татиб кўриб, дадам тўғри айтган эканлар, дерсан. Ҳозир тушунтирганим билан тананга сингдира олмайсан.— Дадам шундай деб, ичкери уйга кириб кетди.

«Дадам ҳақ гапни айтдимми?», деб сўрадим ўзимдан ўзим. Саволимга бувимнинг ўгитлари жавоб бўлди: «Аҳаджон, болажоним, ҳозир ўқиш билан оворасан, бундан бўлак ташвишинг йўқ. Эрта-индин бошқалар қатори бирор ишнинг бошини тутасан. Агар бувимни рози қиламан десанг, ҳалол ишла, биров ёрдаминга муҳтож бўлса, ёрдам экан-ку, жонингни ҳам аяма. Амалпараст бўлмагин, шундагина обрў топасан. Обрўнинг баланд бўлса, одамларнинг ўзи сени бошларигиз кўтаришади. Тушундингми?» Бу гапларни эслаб енгил тортидим. Бувимдек доно одамнинг чизган чизғидан бораётганимдан хурсанд бўлдим...

Саҳарда машина келди.

- Қишлоққа қайтасанми?— деб сўради Анатолий машинага яқинлашим билан.
- Йўқ, Москвага кетяпман.

Эшик оғзида оч кулранг костюм кийиб олган дадам кўринди. Шойи галстугини шошиброқ боғлаган шекилли, тугунчаси қийшайиброқ турарди. Кўлида «дипломат». Анатолийнинг саломига бош ирғаб элик олиб, орқа ўриндиққа ўтирди.

Аэропортнинг кутиш залига кирганимиздан сўнг «дипломат»ни очиб, қоғозга ўроғлиқ кутичага ўхшаш бир нима олди.

— Буни Викториа Александровнага ёки Николай Борисовичга берасан.— Дадам шундай деб, ташқарига, учишга шайланиб турган самолётларга қараганча уйга толди. Кейин менга ўгирилиб, сочимни тузатиб, эркалаган бўлди-да, самолётга чиқишимни ҳам кутмай, хайрлашиб чиқиб кетди.

Бирдан кўнглим ўқсида, самолётга чиқмай қишлоққа жўнаб юборгим келди. Лекин, ўзим билмаган қандайдир куч мени ушлаб турди. Москвага бориш, бу улкан шаҳарни кўриш иштиёқи қишлоққа қайтиш истагидан устун келди шекилли...

Самолётда кетяпман-у, кўз олдимда дадам: ўйга онамга бақиряпти... Шавкатнинг ўзига тақлид қилишини билиб ҳовурдан тушди... Эрталабки меҳмонлар, уларнинг тортиниб-қимтиниб ўтиришлари... Дадамнинг хайрлашишга турмаганлари... совғани оёқ учи билан суриб қўйишлари... Ҳамид Асадович, унинг хотини... Зиёфат... Ҳаёт ҳақиқати ҳақидаги гаплари ва ниҳоят аэропортда ғалати тарзда хайрлашишлари... Шуларни ўйлайману ўзимга ўзим савол бераман: «Менинг да-

дам, оқила бувимнинг ўғли нима учун онасига тортмаган?»

Лекин саволимга жавоб топа олмадим.

\* \* \*

Самолёт Домодедово аэропортига қўнди-ю, мени «Викториа Александровна қандай топаман?» деган ташвиш чулғади. Хайрият, бу муаммо ҳам осон ҳал бўлди. Одамлар оқимига кўшилиб, кенг залга ўтишим билан бўғма ёқали, баданга ёпишиб турувчи яшил кўйлақ, шим кийиб олган мовий кўз, истараси иссиқ бир жувон менга пешвоз чиқди:

— Сиз Раҳмоновнинг ўғли бўлсангиз керак, а?— деди у майин жилмайиб.

— Ҳа, менман. Қандай танидингиз?

— Кўзингиздан. Умуман, дадангизга жуда ўхшар экансиз.— Викториа Александровна мени кўлтиқлаб ташқарига бошлади.

Кўчага чиқишимиз билан йўлимизни тўрт йигит тўсди. Сариқ кўйлакли, баланд бўйли йигит Викториа Александровнага бақрайиб қараганча:

— Ойимқиз, шу шаҳарда қол десангиз — қоламан, ўл десангиз — ўламан, бир оғиз сўзингиз!— деди дағал бир оҳангда.

Агар ҳозир ўзимни худди китобларда ёзиладигандек тутай десам, буни ҳақорат ўрнида қабул қилиб, ёнимдаги аёлнинг шаънини ҳимоя қилишим керак. Лекин... тўрт барзангига бас кела олармиканман? Унинг устига бегона шаҳар... Е Викториа Александровна яхши билмаганим учун журъат қилолмаяманми? Агар ёнимда Гавҳар бўлса, Гавҳарга шундай дейишса... Худо ҳаққи, улар тўртта экан-ку, ўнта бўлганида ҳам қараб ўтирмасдим... Шу алфоз довдираб турганимда Викториа Александровнанинг ўзи жонимга ора кирди:

— Йигитлар, сизлар ёш бола эмассизлар, ҳазилнинг ҳам чеки бўлади. Тўғрими? Ана энди йўлни бўшатинг, шошилиб турибман.— У шундай деб йигитларни икки ёнга суриб, ораларидан ўтиб кетди.

Масаланинг бу қадар осон ҳал бўлганидан ҳайратланиб, унга эргашдим. Викториа Александровна «кўк «Жигули»нинг эшигини очди.

— Москвада илакишиб қолишди, шундан шунга эринмай орқамдан келишибди,— деди у рўлга бошини кўйиб кулар экан.— Анави найнов мени бир кўришда яхши кўриб қолганмиш.

— Ишонмадингизми?

Викториа Александровна кулгидан тўхтаб бошини кўтарди-да, юзимга тикилди. Аҳмоқона савол берганим учун ўзимни ўзим сўка бошладим. Викториа Александровна эса ҳўрсиниб бош чайқади.

— Севилиш — ҳали бахт дегани эмас. Келинг, бу гапларни қўяйлик. Кетдикми?

Анчагача жим бордик. Кейин Викториа Александровна дадамнинг соғлиғини сўради. «Яхши», деб гапни калта қилдим. Яна бир оз юргач, бир нарса сўрашга жазм этдим:

- Сиз дадамни яхши биласизми?
- Нима десам экан... Умуман ёмон эмас. Сиз бувингиз билан турар эдингизми?

- Ҳа.
- Энди дадангиз билан яшайсизми?
- Йўқ.
- Нимага?
- Қишлоғимни ташлаб кетгим келмаяпти.
- Бу ҳам тўғри...

Викториа Александровнага зимдан қарайман. Кўзлари йўлда. Лаблари қимтилган. Назаримда, ҳали ҳам аэропортдаги воқеани ўйлаётганга ўхшайди.

— Москвага илгари ҳам келганмисиз?— деб сўраб қолди у жимликни бўзиб.

- Биринчи келишим.
- Ҳаяжонланаётгандирсиз?
- Қувоняпман.

— Кўпга келдингизми?  
— Ун беш кунга.  
— Жуда яхши.— Виктория Александровна менга мулойим боқди.— Николай Борисович кеча команди-ровкага кетди. Зерикмайдиган бўлдим. Айтмоқчи, Аҳад, ёшингиз нечада?

— Ун саккизда.  
— У-хў! Катта йигит экансиз-ку! Аҳад, хўп десангиз, бир-биримиз билан сенлашсак. Майлими?

— Сиз сенлайверинг, Виктория Александровна, мен сизлайман. Бизда катталарни сенлаш айб сана-лади, сизлашга кўникканман.

— Бўпти, келишдики.

Катта йўлда учиб бораётган машина секинлаб, аста уннга бурилди. Дарахтлар оралаб бир оз юргач, икки қаватли, чоғроқина уй олдида тўхтади. Уйнинг пан-жаралар билан безатилган зинасига қадар чўзилган йўлакка пишиқ гишт терилган. Виктория Александров-на мени ичкарига бошлади. Жиҳозлар дид билан кў-йилгани учунми, хона кенг, шинам кўринди. Хонага бир кўз ташлашнинг ўзидаёқ уй соҳибларининг топар-тутарлари яхши экани сезилади.

Виктория Александровна менга юмшоқ креслодан жой кўрсатиб, пастак столга бир даста рангли жур-нал кўйди.

— Сен томоша қилиб тургин, мен чой кўйиб юбо-раман. Котлет қилсам еяверасанми?

Виктория Александровна жавобимни кутмасдан ош-хонага кириб кетди. Кўп ўтмай мени чақирди. Ошхо-нада овақтландик. Чоғроқ стол устида ликопчада уч-тўрт тўграм нон, яна икки ликопчада икки донадан котлет, санчки, пичок, ўзбекча пиёла, узунчоқроқ чой-нак. Виктория Александровнанинг бу саришталиги менга ёқди. Атлас халат кийиб олгани учун янада чи-ройли бўлиб кетибди. Котлетни иштаха билан едим, чой ичиб бўлгач, меҳмонхонага чиқдик. Боя кирга-нимда Виктория Александровнанинг девордаги рангли суратига эътибор бермаган эканман, тикилиб қол-дим.

— Еқдимми?— деб сўради мезбон.

— Жуда чиройли экансиз.

— Суратдами?

— Йўқ, атлас кийганингизда.

Виктория Александровна кулимсиради.

— Атлас кўйлакда чиройли кўринаётгандирман, ле-кин ўзим қариб қолдим. Қирққа борган аёлда хуси қоладими? Сендайлигимда менга йигитлар сажда қи-лишарди, тенги йўқ гўзалсан, дейишарди.

— Ҳали ҳам чиройлисиз. Ахир, ҳали ҳам бир кўр-ганда ошиқ бўлишяпти-ку?

Бу гапни эшитиб, Виктория Александровна менга ти-килиб қолди. Мен ҳам кўзимни узмай туравердим. Кенг пешонаси, елкасида тўлқин урган олтинранг май-ин сочлари, тип-тиниқ кўзлари... Ие, кўзлари ёшла-нибдими? Мен ҳам тўпориман-да. Гап деб айтаверам-ман. Ҳалиги сўхтали совуқларни эслатишим шартми-ди? Қилғилиқни қилиб, энди овутишим керак.

— Виктория Александровна, сизга нима бўлди?

— Ҳеч, фақат бир нарса эсимга тушиб кетди.— У ҳазин жилмайди.

— Хафа қилиб кўйдим шекилли?

— Йўқ, йўқ, Аҳад. Мен ўзимдан, тақдиримдан ха-фа бўлиб кетаман баъзан. Ҳамма чиройимга маҳлиё бўлади. «Бахтли хотин», дейди. Лекин, бахт чиройда эмас-да. Табиат мендан бу чиройни олса-ю, биттаги-на фарзанд ато этса... Ке кўй, бу гапларнинг фойдаси йўқ.— Виктория Александровна ўрнидан туриб, қар-шидаги деворни бошдан-охир эгзллаб турган жавон-нинг битта эшикчасини очди-да, ихчам магнитофоннинг мурватини буради. Икки бурчагидаги карнайлардан хонага майин кўй таралди.

— Аҳад, рақс тушишни биласанми?

— Бунақасини яхши билмайман.

— Нимага, шундоқ ёш йигит-а?

— Қишлоғимизда бунақалари расм бўлмаган.

— Унда қандай хурсандчилик қиласизлар?

— Ўзбекчага ўйнаймиз. Баэмларимиз роса /қизийди, баъзан тонг отганини билмай қоламиз.

— Аҳад, гашинг келмаса, яна бир нарсани сўра-моқчиман.

— Сўрайверинг.

— Кийим-бош ҳам олиб келганмисан?

— Ҳа.

— Қани, кўрсат-чи.

Чамадонни очиб, кўйлак-шимларни олиб кўрсатдим. Шундагина дадам бериб юборган совға эсимга туш-ди.

— Буни дадам бериб юбордилар. Ҳали бериб кў-йиш эсимдан чиқибди.

— Ҳечқиси йўқ. Хўш, хўш... Кийим-бошларингни сал ўзгартирамиз. Хўпми? Қани, кетдик.

— Қаёққа?

— Шаҳарга. Замонавий кийимлардан оламиз. Ро-зиммисан?

Москвага бора-боргунча кўп нарсани билиб олдим: Виктория Александровна моделчи конструктор бўлиб ишларкан. Хорижда бўлган экан. Эри, Николай Бори-сович эса, аллақандай институтда бир кафедрага му-дирлик қиларкан. Дадам бир вақтлар шу институтда ўқиганида булар билан танишиб, иноқлашиб кетган экан.

— Даданг Москвага келса, албатта бизни йўқлай-ди. Ўзбекча таомлар билан меҳмон қилади. Шунанга-ги ширин таомлар пиширадики... Дарвоқе, буни ўзинг мендан яхшироқ биласан-ку?

Мен «йўқ» деган маънода бош чайқадим.

— Ростданми? Қизиқ... Сен нимани биласан ўзи?

— Дадам бошқа уйланган, турмушлари тинч, яхши жойда ишлайди. Яқинда каттароқ ишга кўтарилди... Бошқа нарсдан хабарим йўқ.

— Мен буни билмас эканман. Назаримда...— Викто-рия Александровна гапини чала қолдирди. Машинани секинлатди. Кейин йўл четига буриб, тўхтатди.— Ке, бир чекиб олайлик.

— Мен чекмайман.

— Ақлли йигит экансан. Мен бу лаънатидан ҳеч қутула олмаяман. Ташлайман, деб минг марта қасд қилдим. Иродам бўш экан. Аҳад, шу пайтгача сира Ўзбекистонда бўлмаганман, бунинг учун сўксанг ҳам розиман. Чекиб олгунимча қишлоғинг ҳақида, одам-лар, яқинларинг ҳақида гапириб бергин, майлими? Кўнгул кўйган қизинг бўлса, уни ҳам айт.

Мен бир бошдан ҳикоя қилдим. Виктория Алек-сандровна чекиб бўлгандан кейин ҳам гапларимни бўлмайд эшитди.

— Гавҳарни яхши кўрасанми?— деб сўради у ҳи-коям тугагач.

Бош ирғадим.

— Бувингни-чи?

— Бувимни жонимдан ҳам яхши кўраман.

— Дадангни-чи?

— Виктория Александровна, бу саволингизга аниқ жавоб бера олмаيمان.

— Демак, дадангнинг қайси бир одати сенга ёқ-майди, тўғрими?

Индамадим. У мени бошқа саволга тутмади. Ма-шинага ўтирдик. «Жигули» аста юриб, машиналар оқимига кўшилди-да, шаҳар сари олиб кетди. «Мос-ква» универмаги қаршисида тўхтади. Виктория Алек-сандровна машина эшигини қулфлади-да, мени қўл-тиқлаб олди.

— Қани, менинг ботир дўстим, олға!— деди у ҳа-зиллашиб.

\* \* \*

Кечқурун Виктория Александровна эшикни тақилла-тиб хонамга кириб келди.

— Қоматдан худо берган экан сенга,— деди у мен-га тикилиб.

— Мен бир оз хижолат ичида елкамни қисиб, Вик-тория Александровнага қарадим. Чироқ нурларида унинг кўзлари кўм-кўк бўлиб ёнарди. Киприклари эса

таниш бир қушнинг қанотини эслатарди. Қайси қуш эди? Ҳа, эсладим! Гавҳар билан бирга дўнгликда ўтирганимизда қандайдир бир қушнинг қичқириғидан чўчиб тушган эдик. «Бу қанақа қуш?», деган эди ўшанда Гавҳар саросима билан. «Ҳумо», деган эдим мен ҳазиллашиб. «Ҳумо? Эртақлардаги қушми?» «Ҳа, эртақдан учиб чиқди. Бизга бахт бериш учун атай учиб чиқди...» Ғалати овоз чиқарган қуш дам ўтмай патирлаб учди — у кўм-кўк эди...

— Аҳад, сенга нима бўлди?

Виктория Александровнага қаттиқ тикилиб қолган эканман, уялиб кулимсирадим.

— Кечиринг...

— Нимага куляпсиз?

— Айтсам, хафа бўлмайсизми?

— Олдин айт-чи, хафа бўлмасликка ҳаракат қиламан.

Ҳумо ҳақидаги гапни айтиб бердим. Виктория Александровнанинг кўзидан нур қочди.

— Виктория Александровна, хафа бўлмайман, деган эдингиз-ку?

— Хафа бўлганим йўқ. Билмасдан, ярамни янгилаб қўйдинг, холос. Сендайлигимда мен чиндан ҳам бир одам учун Ҳумо қуши бўлишим мумкин эди. Лекин у буни истамди. Ушанда қалбимни бир умр тирнаб ўтадиган бир иш қилдим.

— Қанақа иш?

— Мен ҳеч қачон оналик бахтига эришолмайман. Менга бундай қарама, Аҳад, нима демоқчилигингни билиб турибман. У одам Николай Борисович эмас. — Виктория Александровна оғир тин олиб, ўйга толди. Мен унинг хаёлини бузишга журъат қилолмадим. — Сендай ўғлим бўлишини жуда-жуда истар эдим, — деди у хаёлчан бир тарзда сочларимни силаб.

— Мен — сиздай онам бўлишини...

— Ростданми? — Виктория Александровнанинг овози титраб кетди.

— Рост!

Виктория Александровна стулга беҳол ўтирди. Кейин қўлида боядан бери ушлаб турган қўйлагимни юзига босди-да, ҳўнграб юборди. Мен унинг елкаларидан қучиб, овутомқич бўлдим.

\* \* \*

Ун беш куннинг қандай ўтиб кетганини сезмай ҳам қолдим. Соф ўрмон ҳавоси, Виктория Александровнанинг маънос қиёфаси... Булар умр бўйи ёдимдан чиқмас керак.

Уйга қайтиб, ўғай онамнинг қариндоши Наимза холага дуч келдим. Дадам шифохонада экан. Уғай онам эса иш билан Фарғонага кетган экан. Шундай бўлганидан қувондим ҳам. Ҳар ҳолда, мингфир-мингфир гаплардан ҳоли бўламан-ку...

Институтда консультациялар бошланиб кетди. Яқинда аскарликдан қайтган Нодир деган йигит билан танишдим.

— Иккинчи марта келишим, — деди у. — Биринчисидэ балим етмай қолувди.

— Бу сафар албатта ўтасиз, — дедим унга дэлда бериб.

— Қани эди... — деди у кулиб.

Уч-тўрт кундан кейин Жуманиёз деган хоразмлик шўх, ҳазилкаш йигит билан ошна бўлиб қолди. Нодирнинг онаси Қўқонга кетган экан, учаламиз униқда дарс тайёрлайдиган бўлдик. Жуманиёзнинг дарс тайёрлаши қизиқ: кундузи консультацияда бўлади, оқшомда концертга жўнаб қолади, кечки пайт қайтгач, ачиқ чой дамлаб, ёнига қўяди-да, китобга мук тушади.

Нодир меҳнаткаш, оғир йигит экан. Берилиб дарс тайёрлашини кўриб, мен ҳам китобдан бош кўтармайман. Дам олиш лаҳзаларида, хизматда кўрган-билганларидан ҳикоя қилади. Жуманиёз эса дарвор қўлига рубоб олади-да, «Саннинг ўзинг бир ёна, маним ўзим бир ёна...» дея хоразмча шўх ашулаларни айта бошлайди. Шундай пайтлар мен Гавҳарни эслайман.

Шу залда биринчи имтиҳон кунини етиб келди. Кенгина аудиторияга кирдик; мен ўртароқдан, Нодир билан Жуманиёз олдинги қатордан жой олишди. Масалалар тарқатилди. Аудитория жимжит бўлиб қолди.

Уч кун ўтиб, математикадан оғзаки имтиҳон топшириш учун яна институтга бордик. Ичкари киришдан олдин ёзма имтиҳондан олган баҳоларимиз билан танишдик. Менга «уч» чиқибди. Ҳайрон бўлдим. Дам ўтмай ҳайронлигим хафалика айланди. Авзойим ўзгарганини ўртоқларим ҳам сезишди.

— Узингни тут, ошна, — деди Нодир елкамга уриб қўйиб. — Бу ёғини тўғрилаб юборсанг бўлади.

— Бўлишга-ку бўлади-я...

— Ҳой, йигитмисан ўзинг? — Жуманиёз мени туртди. — Анави болаларга қара, «икки» олишсэ ҳам тушкунликка тушишмаган.

— Нимага менга осилиб олдиларинг, ҳечам хафамасман. Оғайнилари тўрт олганда хафа бўлган одам — одаммас!

— Мана, бу ўғил боланинг гапи! — деди Нодир кулиб. — Бурнингни тортиб, шалпайиб қолганингни бошқа кўрмайин, хўпми? Бунақа одам билан оғайнигарчиликни йғиштириб қўя қоламан.

— Бўпти, иккинчи қайтарилмайди.

Оқшом пайти учовимиз хуш кайфият билан ошхонага кирдик. Бу сафар, ҳаммамиз тўрт баҳо олганимиз учун яйраб овақтланишга ҳаққимиз бор, деган қарорга келган эдик.

— Гап бундай, дўстлар, — деди Жуманиёз чўнтагидан ҳамён чиқариб. — Бугун сизларни мен меҳмон қиламан. Биринчисига шўрва, иккинчисига қовурма ләғғон. Бўладими?

— Бунақаси кетмайди, — деди Нодир. — Пулингни жойига солиб қўй.

— Нимага?

— Биринчидан, биз қиз бола эмасмиз, меҳмон қиладиган. Иккинчидан, сен Хева хонининг ўғли эмассан.

— Нодир, ошнам бўлмаганимда шу ҳамённи юзинга отар эдим. Мен бу пулни ҳалол пешоча теримга топганман.

— Бўпти-бўпти, қизишма. Пулинг ҳали кўп керак бўлади. Бугунча халфана қиламиз.

— Менга бари бир. — Жуманиёз ҳафсаласи пир бўлиб қўл силтади.

Учинчи имтиҳонда Нодир «тўрт», Жуманиёз икковимиз «уч» олдик. Рус тилини эса, бир хилда билар эканмиз — ҳаммамизга «уч».

Кейин ғалати воқеа юз берди: ичимизда энг кам балл тўплаган бўлсам ҳам, институтга мен қабул қилинибман, Нодир ҳам, Жуманиёз ҳам ўтмабди. Мен гангиб қолдим, дўстларимнинг кўзига қарай олмадим.

— Нодир, Нодир... Булар янглишганга ўхшайди. Мен эмас, сен ўтичинг керак эди. Ҳозир ҳаммасини билиб чиқаман.

— Аҳад, тўхта, кириб овора бўлма. — Нодир шундай деб қўлтиғимдан олди-да, четга тортди. — Сени адашиб қабул қилишмаган.

— Нимага?

— Айтсам хафа бўлмайсанми?

— Йўқ, айтавер.

— Даданг гаплашиб қўйган.

— Елғон!

— Билмасам айтмас эдим. Бир оғайнимнинг синглиси шу ерда котиба, ўша айтиди. Даданг имтиҳон бошланмай туриб гаплашиб кетган экан...

Нодирнинг гаплари қўлоғимга кирмай қолди. Силтаниб қўлидан чиқдим у юқори қаватга югуриб кетдим. Котибанинг ҳай-ҳайлашига қарамай, деканнинг хонасига отилиб кирдим. Кенг стол ортида ўтирган оқсоч, мулойим кишини кўриб, аввалги шэштим бир оз сусайди.

— Хўш, йигитча, нима гап, тинчликми? — деди у мулойимлик билан.

Бор гапни айтдим. У текшириб кўришга ваъда берди.

Икки кун кутдик. Котиба рўйхатга ўзгартиш киритилмаслигини айтгач, қишлоққа қайтишга аҳд қилдим.

...Оқшомда Нодир билан Жуманиёз мени автостанцияга кузатиб чиқишди. Автобусга билет олаётиб, кўчада таниш машинани кўрдим. Ундан дадам тушиб, атрофга аланглай бошлади. Мен дадамнинг ёнига бориб, салом бердим.

— Бу нима қилиқ?— деди дадам ғазаб билан.— Нима учун ҳужжатларингни қайтириб олдинг?

Жавоб беролмадим, тушунтиришим қийин эди.

— Гапир, мен сендан сўраяпман! Ё қулоғинг қарми?

— Эшитиб турибман...

— Бўлмаса айт, ахир. Нимага ҳужжатингни қайтариб олдинг?

— ...

Дадамнинг юзи ғазабдан бўзариб кетди:

— Хўш, тайёр ошни ташлаб кетмоқчимисан?

— Менга тайёр ош эмас, ҳалол ош керак!

— Аҳмоқ экансан!

Дадам шундай деб машинага ўтирди-да, эшикни қарсиллатиб ёлди.

\* \* \*

...Уримдан турдим. Пастга қаредим. Дўнгликка олиб чиқувчи сўқмоқда Гавҳар кўринди; кўлидаги ҳа-

воранг рўмолни силкиганча юқорига кўтариларди. Севинчдан юрагим гурс-гурс уриб кетди. Бор кучим билан ҳайқирдим:

— Гавҳа-а-а-ар!.. Тезроқ!

...Пешинга яқин уйга қайтдим. Уриқка суяниб, хафа бўлиб ўтирган бувимни кўриб ажабландим. Бувим кир кийимларимни тўплаб кўйиб, ёнида нималарнидир хаёл қилиб турган эканлар, мени кўриб, йиғлаб юбордилар.

— Нимага қайтиб келганингни тушуниб турибман, болам.

— Бувижон, хафа бўлманг. Онәм тўғри айтган эканлар.

— Ахир, отанг... Энди нима қиламиз?

— Бувижон, кўнглинги тўқ бўлсин, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади, янги уйлар қурамыз...

— Томи тунукали бўладими?— деб кулдилар бувим йиғи аралаш.

— Ҳа, тунукали!

— Илоё ниятингга ет, болам. Лекин, ҳар ҳолда...

— Йўқ, бувижон, шу ерда қолганим мазъкул. Энди юринг уйга. Кири қўйинг, ўзим ювман.

Бувим менга суяниб қаддини рослади. Икковимиз уйга қараб юрдик. Назаримда биз беш-ун қадам наридаги уйни эмас, балки узоқ, машаққатли йўлни мўлжаллаб борар эдик. Мен эса ёнимда бувижонининг борликларидан беҳад мамнун эдим.



Келгуси сонда ЗОҲИР АЪЛАМнинг «БИРИНЧИ МАОШ» ва «БУЛОҚ БОШИДА» деган ҳикоялари билан танишасиз.





## Шоир дўстларимга

Арзимас гиналар, майда гапларни  
тош қилиб отмайлик бир-биримизга.  
Айниқса, ғаразни олиб кирмайлик,  
дўстларим, самимий шеърларимизга.

Яхшими, биз сўзлар ичига агар  
итларни қамасак — ғингшиб турсалар,  
газета бетидан бизга ириллаб,  
китоблар ичида туриб ҳурсалар!!

Гинали, таънали шеърлар ёзмайлик!  
Омади юришган нокасдай бир кун  
омади юришиб худди шу шеърлар  
келажакка бориб қолиши мумкин.

Яхшими, бу шеърлар номаълум авлод  
қалбини мушукдай тирнаб турсалар,  
эзгулик бобида эмас, уларга  
адоват бобида ибрат бўлсалар!

Яхшими, фош этса муносабатда  
омонат, ҳавойи, пучлигимизни!  
Нафсимиз жуда ҳам бузуқлигню  
шўхратга ўлгудек ўчлигимизни!!

Бугунги гинамиз эртага қолса,  
ортади эртанинг бир қабоҳати.  
Бугундан қолдирмай тарк этмоқ лозим  
юрақда кин асраб юрмоқ одатин.

Эртанинг бағрини ғараздан, киндан  
холи кўрмоқ учун, покламоқ учун,  
кўнглимизни турфа чиркинликлардан  
фориг этмоғимиз лозимдир бугун.

Арзимас гиналар, майда гапларни  
ўқ қилиб отмайлик бир-биримизга.  
Айниқса, ғаразни олиб кирмайлик,  
дўстларим, самимий шеърларимизга!

## АҲМАД ҚУРБОННАФАСОВ

## Ҳайкал

Еш эдинг,  
қайнонанг, қайнотанг сенга  
раҳм этиб, бир кунни ғаминг едилар:  
хаётда мевасиз дарахтдай ўтиб,  
дунёдан ўчмасин номинг дедилар.

Ковушларинг тошдай зил-замбил эди,  
зўрға кўтардилар, сен-чи, туймадинг.  
Минг бир андишада уни ўнгариб,  
тўғрилаб қўйдилар, бироқ... киймадинг!..

Ҳали селгимаган уруш қабрини  
атайин унутган кўзлари билан  
тикилиб, кетказмоқ бўлдилар сени  
гоҳ ширин, гоҳ аччиқ сўзлари билан...

Кетмадинг, ҳафталар, ойлар кетдилар  
мозийнинг қаърига сингиб бирма-бир.  
Сен эса толиқмай ёлғизлик билан  
олишиб яшадинг собит, бирга — бир.

Ғамлар сочларингнинг қорасин олди,  
ҳижрон олди юзинг латофатини.  
Кетмадинг, келинлик уйингда қолдинг,  
сен ҳамоч, сен ҳамон унинг хотини...

Бир кун кечки пайт супада адл  
турар эдинг ойга боқиб, ўй суриб.  
Кўчадан ўтганлар қалбида ногоҳ  
бир фахр уйғонди ҳолатинг кўриб.

Хаёлан вафога қўйилган юксак  
ҳайкал андозасин сендан олдилар.  
Чунки бир жангчидек сенинг ҳам гўзал  
ҳайкал эканингни билиб қолдилар.

Туркманчадан  
Сулаймон РАҲМОН таржимаси



ЁҚУТ  
АКРАМОВА

## Ажиб оҳанглар

ҲИКОЯ



у воқеага йигирма беш йилдан кўп бўлди.

Унда жуда кичкина эдим.

Аям жингалак сочларимни тараб, биринчи бор лента тақиб кўйдилар, бундан ўзимда йўқ қувониб, чопқиллаганим-чопқиллаган.

— Аяжон, бугун туғиламан, а? Бугун, а, аяжон?— дея аямнинг атрофида гирдикапалак бўламан.

— Бугун туғилмайсан,— дейди кулиб аям, — бугун туғилганингга олти йил тўлади, билдингми?

— Аяжон, яна олти йилдан кейин нечага кираман?

— Ун иккига.

— Ушанда сочим узун бўладими?

— Ҳа.

— Кейин майда қилиб ўриб кўясиз, а?

— Ҳа.

— Ҳозир ҳам ўриб кўяқолинг?

— Йўқ, ҳозир сочинг калта. Униккига киргунингча ўсади. Ушанда қирқкокил қилиб ўриб кўяман,— дейди аям овақатга масаллиқ тайёрлаётиб.

— Ҳозир сочим калта,— дея такрорлайман ошхонадан чиқа-чиқа,— ўн иккига кирсам, сочим узун бўлади. Кейин аям қирқкокил қилиб ўриб кўяди.

«Менинг аям ҳаммадан яхши,— деб ўйлайман.— Шунақа яхшики, шунақа яхши бўлсаям... ия, нега менинг аяжоним лента тақмайди? Ахир аям жуда яхши-ку. Боқча опамиз Наима Аҳмедовна ким яхши бўлса, ўша лента тақади, деган-ку».

Яна ошхонага кираман.

— Аяжон, боқча олам яхши қизлар лента тақади, деган-ку? Нега сиз тақмайсиз?

Аям кулди:

— Вой қизгинам-эй, мен яхшиманми?

— Ҳа, сиз жудаям-жудаям яхшисиз! Сиз албатта лента тақшингиз керак,— дейман.

Аям қулиб, индамайди. Ҳаёлимга бир фикр келади. Югуриб уйга кираман. Аяжонимга лента керак! Атрофта олазарак қарайман. Аяжонимга лента керак! Лента... Қайда бор? Лента! Кўзим тикув машинаси ёнида турган тўрпардага тушади...

Зум ўтмай, қўлимда тўрпардадан қирқилган «лента»лар билан оғзим қўлоғимда, ошхонада пайдо бўламан.

— Мана, аяжон! Сизга! Сиз ҳам...

Аямнинг қўлидаги чўмич тарақлаб полга тушди. Кўзлари пирпиреди. Нима бўлганини англамай дудуқландим:

— Сиз ҳам... Яхши... қиз... яхши қизсиз-ку...

Аям қўлимдагиларни олиб, ичкари уйга югурди. Орқасида мен ҳам чолиб кирдим. Иккаламиз ҳам остонада туриб қолдик. Уйнинг ўртасида қийма-қийма қилиб қирқилган тўрпарда ётибди.

— Йўқ, аяжон, буларни ташлаворамиз... Буларни қийшиқ қирққанман. Сизга берганларим — текис! — дедим гўё аям буларни ҳам тақиб оладигандек. Аямларнинг кўзларидан ёш томчилари думалади.

— Йиғламанг, аяжон,— дея тиззаларини қаттиқ қучоқлаб шайрладим.— Йиғламанг, майли, ташламаймиз. Ташласак, улар йиғлашади. Майли, уларни ҳам тақамиз, иккаламиз тақаверамиз. Иккаламиз ҳам яхши қизмиз-ку.— Шундай деб энди мен йиғлай бошладим...

— Замира, хув Замира! — деб ҳовлидан Лоланинг ойсис овоз берди. Лола боғчага мен билан бирга боради. Жудаям қизганчиқ қиз. «Аям нега керак бўлиб қопти, у бақироқ хотинга», деб ўйладим аямнинг тиззаларини қўйиб юбормай.

— Ҳой, Замира, келинпошшо... Вой, шўтда экансиз-ку, нега индамайсиз? — дея қириб келди Лоланинг ойсис.— Ҳа, пардани тикиб бўлдингизми? — деди у аям билан кўриша туриб. Сўнг бирдан кўзи олайди.— Вой, шўрми! Вой, шўрми курсин! Бу ўша парда-ку! Войдод, тикишга бермай ман ўлай!

— Келинойижон, қўйинг, хафа бўлманг,— деди аям хомуш тортиб,— бир амаллармиз.

— Вой, бир амалламай жувонмарг бўл! Энди нима-сини амаллайсан? Ямлаб бўпсан-ку!

— Қизим болалик қилиб қўйибди. Олиб бераман.

— Вой, қизинг билан қўшмозор бўл! Эртага биттаю битта қизимни узатишимни билатуриб, атай қилгансан сен ярамас. Вой, тиккани бермай, ман ўлай! Вой, ўзим шундоққина этганин босиб қўйсам бўларди-ку.

— Келинойижон, қўйинг. Эртага магазиндан топиб бераман.

— Топиб бўпсан! Бунақаси йўқ, ҳеч қатта йўқ. Атай қилгансан, кўролмайсан!

Аямларга қарадим. Нега индамайди? Нега бу ёмон хотин доим аямга бақиради? Мен ҳам бирдан бақириб юбордим:

— Сизга лента йўқ, бизникидан чиқиб кетинг, ёмон хотин!

Юзимга шарақлаб шапалоқ тушди. Бир зум ҳаммаёқ қоронғилашди. Сўнг қўлоғимга ажиб бир оҳанг эшитилди. Гўё яқингинамда капалак пирпираб учаётгандек. Ўзимга келсам, бақироқ хотин ҳамма «лента»ларини даст кўтариб, бақириб-чақириб чиқиб кетаётган, аям эса деворга юзини қилиб, хўнграб-хўнграб йиғлаётган эди.

— Йиғламанг, аяжон,— дея гапирмоқчи бўлдим ўзимни йиғидан тўтатиб. Лекин томоғимга бир нарса қадалиб, хўнграб юбордим.

Наҳотки... наҳотки ёмон қизлар ҳам лента тақса?

— Йиғламанг, аяжон,— дедим зўрға йиғимни босиб.— Мен сизга, мен сизга яна лента қилиб бераман.

— Яна лента қилиб бераман? — деб қайтариб сўради аям, сўнг тасдиқ жавобимни эшитиб, кўзларида ёш, қотиб-қотиб қулди. Қулғи аралаш бир-икки бор:— Вой, лентанг ҳам бор бўлсин-эй,— деб қўйди.

Мен бўлсам, аямнинг қулганини кўриб, ўзимча ғу-

рурландим. «Мен лента қилиб берсам, аям хурсанд бўлар экан».

Яна қўлоғимга ҳалиги ажиб оҳанг чалиниб кетди.

\* \* \*

Бу ажиб оҳанг кейин кеч кузда келди. Боқчамизнинг каттақон боғида барг териб юрар эдим... Баланд-баланд қайрағочлар, кузнинг совуқ изғиринига жўр бўлиб, япроқларини ҳазин шитирлатар эди. Қайрағоч шохлари қанча кучли шовулласа, шунча кўп барг — сап-сарғайиб кетган япроқлар тўкилар эди. Дарахтлар шу алпозда назаримда худди опоқдадам ўлганида азда гапириб-гапириб, айтиб-айтиб йиғлаган аямга ўхшаб кетди. Балки, дарахтлар ҳам ҳозир бир нималарни гапириб-гапириб йиғлаётгандир? Дарахтларнинг ҳам опоқдадаси бормикан? Э, йўқ. Дарахтда опоқдада бўлмайди... Боғдаги қовжираб қолган, устига қиров тушган ўт-ўланларни топтаб у ёқдан бу ёққа чолиб Наима Аҳмедовнага бир даста барг тердим. Терган чиройли баргларимни Наима Аҳмедовнага тақдим этдим.

— Наима Аҳмедовна,— дедим кейин ҳансираб,— дарахтларнинг ҳам опоқдадаси бўладими? Бўлмаса, нега улар ҳам азадагидек гапириб-гапириб йиғлашапти?

— Нима деб тушунтирсам экан-а, сенга? — дея лабларини тишлади Наима Аҳмедовна, сўнг томоқ кирди. Гапни нимадан бошлашни билмай қолса, доим шунақа қилади.— Биласанми, уларнинг опоқдадаси бўлмайди ҳам, ўлмайди ҳам...

— Нега бўлмаса йиғлашапти?

— Ҳа, улар йиғлашапти. Қадрларига йиғлашапти, ўтган умрларига йиғлашапти, баҳорларини эслаб йиғлашапти...

— Нега бизлар баҳоримизни эслаб йиғламаймиз?

— Йиғлаймиз,— деди Наима Аҳмедовна чуқур хўрсиниб.— Биз ҳам йиғлаймиз, баҳоримизни эслаб. Сен ҳозир буни тушунмайсан. Чунки ўзинг ҳали баҳорсан. Катта бўлиб, сочларингга оқ оралаганда, болагининг — баҳорингга эслаб йиғлайсан.— Наима Аҳмедовна қўлидаги чўп билан ерга чиза бошлайди. Мен эса кўзларимни пирпиратиб, бир баҳорини эслаб йиғлаётган қайрағочларга, бир ерга кичкинагина шўх болакай расмини чизаётган боқча опамга қараб бидирладим:

— Йўқ, мен катта бўлсам, ҳеч ҳам йиғламайман. Фақат кичкинalar йиғлашади...

Наима Аҳмедовна бошини кўтариб менга қаради. Кўзларида жиққа ёш.

— Бундан чиқди...— унинг овози титраб кетди.— Бундан чиқди, мен ҳам кичкина эканман-да?

Шундай деб, у мени бағрига олди. «Нега йиғлаётган экан-а!» Ахир унинг йиғлаганини ҳеч қачон кўрмаган эдим-ку. Доим «Наима Аҳмедовнага ўхшаб ҳеч ҳам йиғламайдиган бўламан», дер эдим. Балки у, ҳали ўзи айтгандек, баҳорини эслаётгандир... Наима Аҳмедовнанинг чиройли қилиб турмакланган сочларидан аллақандай гул исси келади. Боқча опамнинг юзидан аста, ўпаётганимда, кўнглимдан: «Баҳорини эслаб йиғлаш учун сочида оқи бўлиши керак экан-да?» деган хаёл лип этиб ўтди.

— Наима Аҳмедовна,— дедим унинг бўйнидан маҳкам ачомлаб.— Нима, сиз ҳам баҳорингизни эслаб йиғлаясизми?

— Шундай, қизалоғим...

— Нега энди! Ахир сочингизда оқ йўқ-ку?

Наима Аҳмедовнанинг юзида табассум пайдо бўлди.— Оқ йўқ!.. Ҳа, ҳа, оқ йўқ. Унда мен, мана, мана,— у шундай деб ёшларини арта бошлади.— Мана, энди бошқа йиғламайман. Тўғри, айтасан, мен ҳали ёшман.

Кўнглим жойига тушиб, яна қиров кўнган майсалар устидан жажжи этикчамини дўпиллатганча чопқиллаб кетдим. Гўё дарахтлар ҳам худди Наима Аҳмедовнага ўхшаб «Мана, мана» дея кўз ёшларини артаётгандек, бошқа ҳеч ҳам йиғламасликка аҳд қилаётгандек бўлиб

туюлди менга. Бошимни кўтариб, дарахтларга бақирдим:

— Йигламанглар... Йигламанглар, дарахтлар! Сизларнинг барглариңизга ҳам ҳали оқ тушмаган. Фақат озгина сарғайган... Ҳали сизлар ҳам ёшсиз, Наима Аҳмедовна ҳам...

Шу пайт ёнимда худди осмондан тушгандай Лола пайдо бўлиб қолди. У оппоқ тишларини кўрсатиб, тиржайиб турарди.

— А, мен битта нарса била-ма-ан! — деди у тантиланиб, турган жойида лекиллаб. Дарахтлар билан гаплашганимда Лола келиб, бузди. Жуда хафа бўлиб кетдим ундан. Лекин индамадим. Лола бўлса тиржайганча бижиллар эди:

— Ойим айтдики, Наима Аҳмедовна-чи, ўзини ёш қилар экан, ҳамма сочи оқариб кетган бўлсаям, қопқора қилиб бўяб юрар экан. Яна-чи, ойим айтдики...

Лоланинг юзини тирнаб олдим. Бу ҳам етмагандек, ҳамма ёғини юмдалаб ташладим, роса дўппосладим, сочларини юлдим... Лола чинқираб йиғлади, додлаб боқчани бошига кўтарди. Ҳамма югуриб келди. Наима Аҳмедовна чопиб келиб бизни ажратиб қўйди. Лоланинг эса афтига қараб бўлмасди, юз-кўзи лой, хас-хашак, кийимлари ифлос, ёғим бўлиб кетган эди. Наима Аҳмедовна қошларини чимирди:

— Афтангорларингга қаранглар. Чўқилашиб қолган жўжаҳўрозларга ўхшайсанлар. Қани, уст-бошларингни қоқиб, юз-кўзларингни ювинглар-чи! Кейин икковларинг ҳам бориб бурчакка туринглар... Ҳозирок, тез!

Мен югуриб бориб ювиндим. Лола кечирим сўраб келди. Ётоғимизга кириб бурчакка турдим. Бурчакда турибман-у, Наима Аҳмедовнадан ҳеч ҳам хафа эмасман. Қайтага, нимадандир хурсандман. Ана шунда қулоғимга яна ўша ажиб оҳанг эшитилади. Унда боғдаги қайрағочларнинг шовуллаши ҳам, Наима Аҳмедовнанинг униси йиғиси ҳам, ҳатто Лола айбдорларча додлаб йиғлаган пайтдаги аллақандай товушлар ҳам бор эди.

\* \* \*

Боқча билан хайрлашув эрталигимиз бўладиган кун эди. Азондан туриб олган икки яшар укам кетимдан ҳали у хонага, ҳали бу хонага югуради, хурсанд бўлиб қийқиради, худди эрталикка мен эмас, у кетаётгандек...

— Аяжон, айтинг унга, у ҳали кичкина-ку эрталикка боришга, — дедим.

— Узинг тичина, — деб бижирлайди укам. — Тохилли опаси матабга боради. Шан бўшанг...

— Мен ҳам бу йил мактабга бораман, — дедим дедил, сўнг аямнинг индамаганидан хавотирланиб, кўшиб қўйдим. — А, ая?

— А, нима дединг? — Аям эшитмаган эканлар.

— Бу йил мактабга бораман, а?

— Ҳа. Энди сен катта қизсан. Лента қирқишларни, болалар билан юлишишларни ташлаш керак энди.

— Лента қирқишни-ку ташлаш мумкин-а... Лекин, юлишишни...

— Нега энди? Юлишишни ҳам ташлаш мумкин. Агар одам бир нарсани чин дилдан хоҳласа, албатта, урдасидан чиқади.

— Тўғри-ку... Лекин, ёлгончиларни юлмася, улар баттар алдоқчи бўп кетади-ку?

— Ёлгончилар тарбиясини сен зиммангга олмай қўяқол. — деди аям.

— Нега энди, ўзингиз айтардингиз-ку, ёлгон гапирганни жазолаш керак, деб?

— Тўғри, айтганман. Лекин жазолашга фақат катталарнинг ҳаққи бор.

— Агар у катталарни алдамася-чи?

— Унда катталарга айтиб бериш керак.

— Узингиз айтган эдингиз-ку, чақмачақарлик ёмон, деб?!

— Менга қара, — аямнинг қоши чимирилди, қўлларини бир-бирига ишқай бошлади. Одатда аямнинг жаҳли чиқса, шундай қилади. — Менга қара, юмдалашиш сенга нима учун керак бўлиб қолди?

— Лолани урмоқчиман.

— Лолани? Янами? Яна бақириб чиқсинми аяси?

— Чикса чиқаверсин! Аясини ҳам ураман.

— Жуда тарбиясиз бўлиб кетдинг шу кунларда. Дадангнинг командировкаси кўпайиб, сени тарбиялашга вақти бўлмапти-да...

— Ахир рост гапни айтяпман-ку? Нега бўлмася, Лола ҳадеб Наима Аҳмедовна сочини бўяб юради, деб гашимга тегавереди? Айтадики, боқча опам қари эмиш...

— Тўғри. Наима Аҳмедовна ёш эмас-ку. Соchlари оқариб кетгани ҳам, бўяб юриши ҳам рост...

— Ёлгон! Ундай деманг. Жон аяжон! Наима Аҳмедовна ҳали ёш, соchlари қоп-қора...

— Йўқ, қизим. Сочининг оқлиги рост. Сенга қандай тушунтирсам экан... Яккаю яғона ўғли урушдан қайтмаган. Ундан қора хат олган кунни бир кечада ҳамма сочи оқариб кетган.

— Қаримася ҳам сочи оқариши мумкинми?

— Мумкин экан-да, Бошига ҳам тушганда.

— Бошига ҳам тушса, одам баҳорини эслайдими?!

Аям индамай кийимларимни дөзмоллагани нариги хонага чиқиб кетди.

Эрталик жуда қизиқарли ўтди. Унда мен шеър айтдим, ўйнадим. Уйнамаган бола қолмади. Фақат Лола даврага чиқмади. Ойиси қизимнинг оёғи оғрияпти, деб чиқармади. Эрталик тугаб, ҳамма хайрлашаётганда, аям мени имлаб чақирди.

— Мана буни Наима Аҳмедовнага тақдим эт!

Қарасам, икки донга тугма. Дадангнинг урушдан кийиб қайтган қўйлагиники. Сап-сарик, ўртасида юлдузи бор. Тугмаларни олганимдан кейин, аям:

— Дадангнинг ўзи айтди, беринглар, деб.

Наима Аҳмедовна ўртоқларим даврасида ўтирарди. Даврага яқинлашдим.

— Наима Аҳмедовна, Сизга гул опкелдим! — дея қўлимдаги гулдастани узатдим.

Боқча опам мени қучиб ўпди.

— Буларни ҳам... — дедим кафтимни очиб. Унда иккита юлдузли тугма ялтираб турарди. Наима Аҳмедовна бирпас ҳайрон бўлиб, тараддулланиб қолди.

— Олаверинг, Наима Аҳмедовна! — деди аям ҳам яқин келиб. — Дадаси атай сизга бериб юборди. Фронтдан келган, жанг кўрган тугмалар, деб.

Наима Аҳмедовна бармоқлари титраб, кафтимдаги тугмани олди. Олиб лабларига босди. Кўзларида ёш филтилади. Ҳа, Наима Аҳмедовна тугмаларни ўпди!

— Раҳмат, қизалоғим, — деди ҳаяжонланиб. Овози зўрға чиқди.

Яна ўша оҳанг янгради. Унда тугмаларнинг бир-бирига урилиб, қулоқ илғар-илғамас жаранглаши, биз ҳозиргина рақс тушган куй садолари бордай эди. Назаримда, бу ажиб оҳанг фақат менгагина эмас, ҳатто Наима Аҳмедовнага ҳам эшитилаётгандек бўлди. Беихтиёр боқча опамнинг кўзларига қарадим, бу ажиб оҳанг унинг қулиб турган қувноқ нигоҳларида ҳам сассиз, садосиз янграётган эди.



## АДОЛАТЛИ ҚОЗИ

ЭРТАК

Товуқларнинг арз-додин  
 Қози — Сиртлон тинглади.  
 — Топинглар,— деб Тулкини  
 Саркотибга имлади.  
 Ясовуллар отланиб,  
 Кетишди қир томонга.  
 Қози калон буйруғин  
 Бажармаслик ёмон-да.  
 Пайдо бўлди қув Тулки,  
 Етмиш-етти букилиб.  
 Қўлтиғида пар ёстиқ.  
 Таъзим қилар юкиниб;  
 — Давлатингиз бир умр  
 Бўлсин, бекам, зиёда,  
 Ялпиз териб юрибмиз  
 Зоғ учмаган қиёда.  
 — Қўл солибсан, тўғрими,  
 Хўрозларга, товуққа!  
 Олий жазо лозимдир  
 Сендай турқи совуққа.  
 — Тўғри, тақсир, булардан  
 Кўп ташвишга тушдик-а,  
 Қирон келсин бу зотнинг  
 Авлод-аждод — пуштига.  
 Шодмиз Сиздек тақсирнинг  
 Ярасак хизматига.  
 Бизлар ўчмиз товуқнинг —  
 Гўштигамас, патига.  
 Ушбу совға ҳазратим  
 Сизга атаб тикилган.  
 Белга мадор, фанда ҳам  
 Исботланиб чиқилган.  
 Пар ёстиқни қозининг  
 Ёнбошига суяди.  
 Сиртлон эса Хўрозга  
 Қош-қовоғин уяди.  
 Тушунтирар Хўрозбой;  
 — Тулки ноҳақ мутлақо.



ТУРСУНБОЙ  
АДАШБОВ

Қози сўзлар хотиржам,  
 Бўлмагандек ҳеч вақо:  
 — Ҳал қиламиз бу ишни  
 Беш-олти кун ораси.  
 Кўрилади айбига  
 Лойиқ жазо чораси.  
 Инобатга олинмай  
 Она Товуқ фарёди  
 Тинчиб кетди шу тахлит  
 Шўр тумшуклар арз-доди.  
 Тулки ўпка қўлтиқлаб  
 Билган ишин қиларди.  
 Жўжаларни пайт пойлаб  
 Қақшатарди, шиларди.  
 Кун ортидан тун ўтиб,  
 Фалак чархи айланди.  
 Бу орада Қашқирвой  
 Қози қилиб сайланди.  
 Бошга тушган қайғудан  
 Яширмай кўз ёшларин,  
 Нажот истаб товуқлар  
 Келди эгиб бошларин.  
 Баён этди бирма-бир:  
 — Тингланг, тўрам, арзимиз,  
 Шум Тулкининг дастидан  
 Мушкул ҳаёт тарзимиз.  
 Асло чўзиш мумкинмас  
 Чидолмаймиз биз ортиқ.  
 Тулқивой келди тезда,  
 Қўлтиғида пар ёстик:  
 — Давлатингиз бир умр  
 Бўлсин бекам зиёда.  
 Ялпиз териб юрибмиз,  
 Зоғ учмаган қиёда.  
 — Олиб икки ўғлингини  
 Тўнов кўни шатакка  
 Уғриликка тушибсан  
 Ярим тунда катакка.  
 — Ҳа, рост! Фақат Сиз учун  
 Шу ишга бордим нетай!  
 — Мен учун!! Хўш! Хўш! Нера!

— Яхшиси баён этай.  
 Бу бадкирдор товуқлар  
 Айтган чоғи ошириб.  
 Ёстиқ тикиш касбимиз,  
 Утирмайман яшириб.  
 Ноии гурбат, майда иш,  
 Ҳар бир болиш, ҳар ёстиқ.  
 Намтарин қўлингиздан  
 Сизга ушбу пар ёстиқ.  
 Қашқирвой ҳам Тулкини  
 На сўқди, сўроқлади.  
 Бечора товуқларни  
 Айёр яна доғлади.  
 Бўри уни қўллағач,  
 Элни ҳангу-манг этиб.  
 Тухумларни ўғирлар  
 Макиёни гангитиб.  
 Кун ортидан тун ўтиб,  
 Фалак чархи айланди.  
 Вақти келиб Айиқвой  
 Қозиликка сайланди.  
 — Таванкал,— деб товуқлар  
 Яна арзга келишди.  
 Бўлган гапни Айиққа,  
 Қўймай айтиб беришди.  
 Дарғазаб бўлиб қози,  
 Бошқа ишни қолдирди.  
 Қаранг, ҳаш-паш дегунча  
 У тулкини олдирди.

— Давлатингиз бир умр  
 Бўлсин, бекам, зиёда.  
 Сизга атаб пар ёстиқ  
 Тикдим кезиб қиёда.  
 — Менга қара, шум-шайтон,  
 Қулоқ солмади Қози.  
 Арқонинг узуниню  
 Гапининг қисқаси — сози.  
 Този, Бургут, Лочинни  
 Айиқ тоға шайлади.  
 Пар ёстиқни Хўрозга  
 Сийлов — тортиқ айлади.  
 — Бу маккорни ҳозироқ  
 Қирга қувлаб чиқинглар,  
 Тулки зоти учраса  
 Тўтиб гўрга тикинглар.  
 Тозиларга бир умр  
 Шудир менинг фармоним.  
 Тулки сифат озайса  
 Ушалғуси армоним.  
 Тилёглама, айёрлик,  
 Охир завол асоси.  
 Ит қавмининг шў бонс  
 Тулкида кўп қасоси.  
 Адолат учун кураш  
 Бу дунёда тинмайди.  
 Дейдиларки, ҳақиқат  
 Эгилди — синмайди.

## КОНКУРС ДАВОМ ЭТАДИ

Журналимиз эмблемаси учун  
 эълон қилинган конкурсга  
 кўплаб асарлар келмоқда.  
 Қуйида ёш рассомларнинг  
 редакциямизга юборган айрим  
 расмлари билан танишасиз.



О. БОБОЖОНОВ



М. ҲАМИДОВ



А. БАҲРОМОВ



Иброҳим  
СОДИҚОВ

# Яқдиллик йўқолганда

*Йил бошида КПСС Марказий Комитети  
«Янка Купала номидаги Белоруссия Давлат  
академик театри партия ташкилотининг  
фаолияти ҳақида» ҳамда  
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети  
«Театр санъатининг аҳволи ва уни янада  
ривожлантириш тўғрисида» чиқарган  
қарорларида ижодий коллективни  
тўғри ташкил этиш,  
юксак репертуар яратиш,  
шунингдек, «ёш авлодни гоёвий  
ва бадний эстетик  
жиҳатдан тарбиялашни  
янада яхшилаш» масалаларига  
алоҳида урғу берган эдилар.  
Театршунослар Н. Зоҳидова ҳамда  
И. Содиқов қуйида, «Еш гвардия» театри  
мисолида, бу масалалар нақадар  
ҳаётий эканлигини таҳлил этадилар.  
Ҳар иккала мақола  
мунозара тариқасида  
эълон қилинмоқда.*



унгги даврда Ўзбек давлат «Еш гвардия» драма театрида тўхтовсиз ҳал қилинмиш лозим бўлган талай муаммолар юзага келди. Театр труппаси фаолиятидаги тарқоқлик, масъулиятсизликни бартараф этиш, ташкилий ва ижодий изчил тадбир-воситаларни ишлаб чиқиш зарур бўлиб қолди. Бу ёш саҳна санъати масканидаги ижодий муҳит: спектакллар савияси, режиссура, ижро маҳорати, репертуар сиёсати масалаларини жиддий таҳлил қилиш кўлдан бўён республикамиз театр жамоатчилиги, драматурглар ва мунаққидлар эътиборидан четда қолмоқда. Бу навқирон театр эндиликда руҳий мадад, маънавий ғам-хўрликка, амалий ёрдам ва жиддий эътиборга ҳар қачонгидан кўра ҳам муҳтожроқдир.

Аксарият саҳна санъати мутахассислари қалбида «Еш гвардия» театри муаммоларига оид мулоҳазалар аллақачон етилган ва бу фикрларни ўртага ташлаш фурсати келди, деб ўйлаймиз.

Бу театр ташкил этилганига ўн беш йил тўлди. Зотан, ҳар бир театрда мавжуд ижодий муҳитни таҳлил этиш, муайян хулоса чиқаришдан аввал, унинг ўтмиши, дастлабки ижодий йўналишини назардан ўтказмоқ мақсадга мувофиқдир. «Еш гвардия» драма театри фаолиятининг дастлабки даврларида репертуар масаласи бир қадар тўғри ҳал қилинган эди. Ёшларни ҳалоллик ва фаолликка чақирувчи бу спектаклларни асосан театр ташаббускори ва ташкилотчиларидан Эргаш Масафоев саҳналаштирган. А. Островскийнинг «Қачонгача мой ейсан», Петр Вайснинг «Освенцим жаллодлари», Мар Байжиевнинг «Баҳс», А. Сидкийнинг «Нон, қон, инсон», Ян Соловичининг «Мудҳиш вазият ёки кўчага чиққан гап», А. Иброҳимовнинг «Биринчи бўса» пьесалари асосида яратилган саҳна асарларини мунаққидлар шакл, жанр, услуб жиҳатдан шартли гротеск, қаҳрамонлик драмаси, лирик комедия, психологик драмага ажратар эканлар, театр ҳамиша изланишда бўлганлигини қайд этганлар. Янги театр фаолиятини Максис Каримовнинг «Дийдор» аасрини саҳналаштиришдан бошлаган режиссёр ёшларнинг чин муҳаббати, садоқат, бурч каби юксак инсоний хислатларни куйламоқни марказий мавзулардан деб билди. Чунончи, муҳаббат темаси бор спектаклда маиший мавзу орқа планга ўтади, у кучли тўғёнларга, чуқур руҳий ҳолатларга, тоғ маънодаги лиризмга йўл очиб беради. Мар Байжиевнинг «Баҳс», А. Иброҳимовнинг «Биринчи бўса», У. Ҳошимовнинг «Ҳазон бўлган баҳор» асарлари асосидаги спектакллар ана шу йўлдаги изланиш самараларидир. Аммо бу спектаклларни биргина муҳаббат мадҳи деб қарамоқ, масалани гоёат жўн тушуниш бўлур эди. Режиссёр Э. Масафоев уларда муҳаббат орқали замонамизнинг энг актуал муаммоларини кўтариб чиқишга интилади. Масалан, «Баҳс» спектаклида у, асар руҳидан келиб чиқиб, образлар йўналишини ҳаётий психик кечинмалар синтезидан ўтказиб, уларни характер даражасига кўтаради. Асар ижтимоий-психологик драма сифатида ўқилганлигидан, спектаклдаги руҳий кечинмаларда аниқлик, ишонтирувчанлик, жиддий барқ уриб туради. Тубанликка қадам қўйган Нози — Ш. Азизова фавақулдада жасорат кўрсатиб, жисмоний емририлиб бораётган Азиз — И. Эргашевни севиб қолади. Бу муҳаббат нафақат Нози ва Азизни, балки ўзи билан бирга Нозини тубанликка тортиб кетаётган Искандар — Т. Режаматовни ҳам қайта оёққа турғизади. Дарҳақиқат, қаҳрамонлик, ватанпарварлик руҳи ёшликка ҳамиша эширди. Бош режиссёр Э. Масафоев ушбу мавзуда А. Салинскийнинг «Фидойи», Петр Вайснинг «Освенцим жаллодлари», А. Макаиёновнинг «Трибунал» асарларини саҳналаштирди. Жанр жиҳатдан мазкур уч спектакль — қаҳрамонлик драмаси, трагикомедия ва публицистик драма. Мана шу фактнинг ўзиёқ, режиссёр палитрасининг ранг-баранглигидан далолатдир. Жумладан, «Трибунал» спектакли таъкинда Э. Масафоев мажозий тавсифларни музика орқали

бедади. Ватанпарварлик, қаҳрамонлик гоялари образлар руҳига музика орқали сингдирилади. Натижада, Улуғ Ватан уруши даврида оккупация қилинган районлардаги халқнинг мардонавор, буқилмас иродасини кўрсатишга муваффақ бўлинади. Петр Вайснинг «Освенцим жаллодлари» асари асосида яратилган спектакль юксак публицистик оҳангда жаранглайди. Режиссёр спектаклни ҳикоячилик асосига қурган. У фашизмнинг муҳдис қилмишларини томошабин ҳукмига ҳавола этади. Спектаклда ҳоин ва фашистлар устидан бошланган суд бирвааракайига ҳам сахна, ҳам томоша залидан олиб борилади.

Бежиз эмаски, мазкур спектакль кўригига барча қардош республикалардан келган мутахассислар, жумладан, чувашистонлик санъатшунос Романова бу театрни «фикр ва туйғуни мудроқликдан чиқазиб, тинимсиз ҳаракатга келтирувчи, замон билан баҳсга чорловчи» санъат маскани сифатида табриклаган эдилар.

Эргаш Масафоев — ўзбек театр санъатининг ўзига хос миллий колоритини чуқур ҳис этувчи ижодкор. У актёрнинг реал ижро маҳоратига таянган ҳолда, эҳтиросли, теран ҳаётий сахна асарларида аниқ, бадиий қабарик образлар яратди. У яратган спектакллар мусиқавий, турфа бўёқларга бой. Уларда сахна хатти-ҳаракатлари мазмун билан узвий, ҳамоҳанг равишда юзага чиқади. Э. Масафоевнинг режиссёрлик даврида Малика Иброҳимова, Мурод Ражабов, Ширин Азизова сингари том маънодаги театр санъати артистлари кашф этилди. Малика Иброҳимованинг матбуотда эълон қилинган бир мақоласида, «мен Э. Масафоев туйфайли актриса бўлганман», деган эътирофи театрининг илк даврида ижод этган жуда кўп актёр ва актрисаларга ҳам тааллуқлидир. Бош режиссёр Эргаш Масафоев ҳар қандай театр ядроси бўлмиш унинг ансамблини эндигина қаттиққўллик билан тузишга киришган, халқпарварлик, ватанпарварлик каби ҳамиша долзарб мавзулар учун томошабин тез ва зерикмасдан қабул қила оладиган ифода усулларини шитоб билан қидираётган бир пайтда театрдан кетди!

Тўғрироғи, уни кетказишди... «Биз кечикдик,— деб ёздилар бу театр ишини тафтиш қилган комиссия номидан «Комсомольская правда» газетасига йўлланган ҳисобот мақолада В. Ниёзматов ва В. Муровский. — Биз кечикдик. Тартибни қаттиқ туриб талаб қилган ижодкор раҳбар интизомсизлик кўрсатган гуруҳ қаршида мағлуб келди!» Кўп ўтмай, «Вечерний Душанбе» газетаси 1977 йил, 3 декабрь сонида қуйидагиларни ёзади: «Бу ерга режиссёр Эргаш Масафоев келиши билан, Тожикистон ёшлар театрининг мақсад аниқлиги ва изланиш томон кескин бурилиши сезилиб турибди... У ўзи билан театр турмушига темир интизом олиб келди. Ўз мавзуси ва эзгу мақсадига содиқ қолган Эргаш Масафоев тез орада Тожикистон ёшлар театрида А. Сидқийнинг шоира Дилшод Барно ҳаётидан олиб ёзилган «Дилшод» ҳамда К. Яшиннинг «Йўлчи Юлдуз» асарлари бетакроп сахна талқинини яратди.

Хўш, шундан сўнг «Ёш гвардия» театрининг аҳволи нима кечди! Бирин-кетин театрда бош режиссёрларни алмаштириш «ўйини» бошланди. Аввал Муқимий номидаги республика Давлат музикали драма ва комедия театридан Бахтиёр Ихтиёров, сўнг Садриддин Айний номидаги Бухоро область музикали драма ва комедия театридан Убайдулла Бақоев бош режиссёрлик лавозимига келиб кетдилар. Ҳозирда К. Ёрматов номидаги «Ўзбекфильм» киностудияси хизматчиси Ҳабибулла Файзиев бу театрда «бир оёқлаб туриб» [чунки, унинг асосий иш жойи киностудияда!] бош режиссёрлик қилмоқда!

Янги режиссёрлар келиши билан, Э. Масафоев сахналаштирган спектакллар театр репертуаридан чиқариб ташланди. Бу спектаклларнинг умумколлектив ижодий кучи билан яратилди, сақиз йил давомида яшаб келган маънавий мерос, балки фарзанд эканлиги ҳеч кимнинг эсига келмади. Собик бош режиссёрнинг маслакдоши, театрининг етакчи актрисаларидан бўлган Малика Иброҳимова «ижодий таъбиқ»га учради — унга шу йиллар давомида актёрлик маҳоратига хос катта роллар ёки умуман роль берилмади [чунки, фақат угина Э. Масафоевнинг театрдаги тартиб-қондаларини қўллаган эди!] Биз

эса унинг ана шу «ижодий тушқунлик» даврида ёшларнинг «Йлҳом» клубида сахналаштирилган «Жамоат фикри» спектаклида яқка ўзи қандай қилиб, тўртта [!] мураккаб ва хилма-хил ролларни гражданик лафоси даражасига кўтариб, қойилмақом ижро этганлигини жуда яхши биламиз. Жаҳон театр тарихида камдан-кам учрайдиган бу ижодий ҳодиса ҳақида қатор журналларда махсус мақолалар эълон қилинди.

Эндиликда «Ёш гвардия» театрининг порграмм — йўналиши маълум эмас. Коллективнинг ижодий қиёфасини кўрсатувчи бирорта спектаклни кўрсатишга ййманасан киши.

Бугунги кунда «Ёш гвардия» театри репертуаридаги аксарият спектакллар таржима асарлардир. Тўғри, улар халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга, ўзаро маданий алоқалар ривожига катта таъсир кўрсатади. Бироқ, шу билан бирга, ҳар бир театр маҳаллий драматурглар билан ижодий ҳамкорликни самарали йўлга солиши, бу масалага жиддий аҳамият бериши лозим. «Ёш гвардия» театри бугунги кунда томошабинларини йўқотиб, майда, манший мавзулар доирасида қолиб кетганлигининг туб боси ҳам ўзбек драматурглари билан ижодий алоқанинг дярли йўқлигидир. Шунинг ҳам айтиш керакки, кейинги икки-уч йил давомида бу театрда сахналаштирилаётган таржима асарлари номи асоссиз равишда асар мазмуни ва гоёвий йўналишига мутлақо эид атамалар билан ўзгартрилмоқда. Чунончи, А. Вампиловнинг «Тўнғич ўғил» асари — «Омадсиз эмасман», С. Стратиевнинг «Рим ҳаммоми» асари — «Ҳаммомга бало борми!», Мар Байжиевнинг «Кувё ва келин» асари — «Тўй муборак, қари қиз», В. Железниковнинг «Капалаклар ўйини» асари — «Бола азиз» тарзида ўзгартрилди ва ҳоказо. Ҳатто Г. Фигейредонинг машҳур «Эзоп» асари асосида яратилган спектакль ҳам бу ерда «Бадбашара ёхуд Эзоп» деб юритиладиган бўлди. Бизнингча, бундан кўзланган мақсад сахна асарларини гайриоддий номлаб, томошабин диққат-эътиборини тортиш, шу билан уларни театрга жалб этишдир. Аммо бу ҳол кўпинча театр санъати мутахассисларининг эътирозларига, жойлардаги театр афиша ва рекламалари эса томошабинларнинг ўзаро истеҳзоли кулгиларига сабаб бўлмоқда.

Тўғри, бу асарлар асосида сахналаштирилган спектакллар орасида ҳам баъзан режиссура талқини, баъзида эса актёрлар ижроси билан эътиборга лойиқлари бор. Бироқ айрим объектив ва субъектив сабабларга кўра, бу спектаклларнинг сахнадаги умри калта бўлди. Баъзи асарларга мурожаат этишда эса театрдаги мавжуд имконият ва ижодий тажрибани назарга олмаслик ҳоллари юз бермоқда. А. Пушкиннинг «Кичик фожиялари» [«Тош меҳмон», «Моцарт ва Сальери»], Ж. Мольернинг «Скапеннинг ҳийласи», Г. Фигейредонинг «Эзоп» асарлари асосидаги спектакллар ана шундай шошма-шошарлик қурбон бўлди. Бу сахна асарлари қутилган натижаларини бермади. Чунончи, «Тош меҳмон», «Моцарт ва Сальери» спектакли атиги уч марта кўрсатилди. Бинобарин, сирдан осон кўринган бу асарлар нозик ва теран сахнавий талқинни талаб қилиши, катта тайёргарликсиз қўйилганда, иттифоқдаги энг катта театрлар ҳам куйиб қолганликларини театршунос Тошпўлат Турсунов матбуотдаги чиқишларидан бирида таъкидлаган эди. «Бадбашара ёхуд Эзоп» спектаклига режиссура талқинининг саёзлиги салбий таъсир кўрсатган. Асосий ургу ҳодиса-воқеаларга берилганидан, образлар примитив, сояга айланиб қолган. Оқибатда, асар замиридаги фалсафий фикр тугал очилмаган.

Умуман, кейинги пайтда бу театрда яратилаётган спектаклларнинг режиссура савияси паст. Театр ҳамон ўзининг бош йўналишини белгилаб ололгани, томошабинлари қалбига қўл солиб кўролгани йўқ. Шу кунларда театрда бирвааракайига учта режиссёр ишлаб турибди. Театр бош режиссёри Ҳабибулла Файзиев ўтган мавсумда «Хур қизлар» [«Сокин тонглар»], бу мавсумда эса «Интилганга толе ёр» спектаклларини сахнага қўйди. Мавриди келганда, айтиш керакки, А. Гельманнинг «Мукофот» асари асосида фильм суратга олингандан сўнг театрда худди шу номдаги спектакль сахналаштирилган эди. Б. Васильевнинг повести асосида «Хур қизлар» фильми экранга чиққач эса бу ерда «Сокин тонглар» номи билан сахна асари яратилди. Албатта, режиссёрнинг халқ эътиборига



сазovor асарларни саҳналаштиришга киришгани яхши ҳол. Бироқ бу ҳар икки спектаклда ҳам режиссёрлар янги талқин йўлидан бормаганлар. Жуда кўп ҳолларда фильмдаги характерлар айнан такрорланиб қолган. Шунинг учун ҳам томошабин спектаклдан фильмни минг чандон афзал кўради. У театрга тушмай кўяди!

Республикамизнинг кўпгина театрларида ижодкор ёшлар анъанасига айланган пландан ташқари спектакль яратиш ташаббуси ҳам бу даргоҳда юзага келмади. Бундай ташаббуснинг самараси ўлароқ, биринчидан, актёрларда томошабин қалбига йўл топиш имкони яралса, иккинчидан, ўзларини қизиқтирган, бугунги кун талабларини, замонавий томошабин диди ва эҳтиёжини назарда тутган ҳолда, асар танлаш эркинлиги, ролларни тақсимлаш, ниҳоят, ўзлари ҳамкорлик қилишни истаган режиссёрга мурожаат этиш мустақиллигини таъминлайди. Биз театр ва томошабинлар учун улкан наф келтирувчи бундай ташаббусни «Ёш гвардия» театри коллективи ҳам келгусида кўллаб-қувватлайди, деган ниятдамыз.

Иккинчи режиссёр Рустам Бобохонов театрдa қатор йиллардан буён ишлаб келмоқда. Бу режиссёр ижоди хусусида муайян фикр айтишга тўла имкон бор. Зеро, у аллақачон беш-олти спектаклни саҳнага қўйиб улгурди ва ана шу жараёнда унга профессионал режиссёрга хос чинакам билим ва малака етишмаслиги яққол сезилиб қолди. У саҳнага қўйган спектаклларнинг режиссура жиҳатидан оқсаятганлигини англаш учун театр мутахассиси бўлиш ҳам шарт эмас. Рустам Бобохонов адабий материал ва у қамраган воқеликни, образларни ҳақиқий саҳна санъаткорига хос идрок этолмайди. У саҳнага қўйган «Зада бўлган пайгамбар» [А. Макаёнок], «Баланд дорга осилма» [У. Ҳошимов], «Дод, хотинлар дастидан» [Ғ. Абдулло, Ш. Қиёмов], «Муқаддима» [Д. Валеев], «Ер томири» [М. Бобоев] каби спектакллар фикримизни тўла тасдиқлаши мумкин.

Театрнинг энг кенжа режиссёри Наби Абдурахмонов ҳисобида икки мустақил иш — «Гуноҳкор авлиё» ҳамда «Ёш гвардия» спектакллари бор. Ҳар икки спектакль ҳам томошабинлар эътиборини тортди. Ҳар икки асар ҳам ўзига хос қизиқарли режиссура ечимига эга, оригинал саҳнавий ифода воситалари, жиддий, эътиборталаб деталлар, фикрлар бойлиги, актёрлар ижроси билан диққатга сазовордир. Айниқса, иккинчи спектаклда режиссёр машҳур роман воқеаларини, ундаги ҳар бир персонажни янги талқин қилишга интилган. Режиссёр мақсадидан рўҳланган актёрлар ҳам ўз роллари устида самимий ва иштиёқ билан иزلаниш олиб борганлар. Спектаклда «Ёш гвардия»чиларнинг қаҳрамонлиги нимада, деган саволга театр «тили»да жавоб изланади. Сценографиядаги мажозий образлар — вагонеткалар, осма кўприк, қоронғилик қаъридан кўзга ташланувчи байроқлар ҳам шу ягона мақсад сари йўналтирилган. Натижада, спектаклда «Ёш гвардия»чиларнинг жасоратга тўла фаолияти чинакам қаҳрамонлик даражасигача кўтарилиши тадрижий суратда рўй беради. Ёш режиссёрнинг бу жиддий ишида қусурлар ҳам бор, албатта. Жумладан, «Ёш гвардия»чилар характерларини индивидуаллаштирувчи аниқ чизгилар етишмайди, монолог ва диалогларда Ватан учун ўч олиш ишқиде ёнган интиқом оҳанглари бир қадар паст тонларда жаранглайди ва ҳоказо. Шунга қарамаздан, бу спектакль сўнгги йиллардаги энг биринчи ва катта ютуқ-

дир. Аммо биргина «Ёш гвардия» спектакли билан театрни аросатдан олиб чиқиб бўлмайди. Бунинг учун яқдил ижодий коллектив, катта йўлбошчи керак! Бош режиссёр Ҳ. Файзиев эса театр ишларига астойдил фидойилик кўрсатмаяпти. Юқорида айтганимиздек, унинг асосий иш жойи киностудия бўлиб, театрдa у ўриндош ходим вази-фасини бажаради, холос. Масаланинг тушунарсиз, гоёт ажабланарли томони ҳам ана шунда. Ахир, бош режиссёрнинг театрдaги мавқеи барчага беш қўлдай маълумку. Театрнинг бош режиссёри зиммасидаги бурч ва масъу-лиятни чуқур англаши, ҳис қилиши, режиссура дастхати, конкрет ижодий услубни намоеи этиш учун ўз устида тинимсиз ишлаши, қолаверса, коллективни чексиз иزلаниш жараёнига сафарбар этиши позим эмасми! Мутасадди ташиклотларнинг бу ҳолга йўл қўйиб берганлари ва шу пайтгача чидаб келаётганлари яна ҳам танг қолдиради кишини! Бу ҳол мутлақо ножонз, нотабиий эканлигини, унинг профессионал театр талаблари билан сифишмасли-гини тушуниш наҳотки шу қадар мушкул бўлса!

Режиссёрларимиз пойтахт — Москва, Ленинград шаҳ-ридаги театрлар бош режиссёрлари фаолиятидан ибрат олсалар, даставвал театр иши учун чинакам фидойиликни ўзлаштирсалар ёмон бўлмас эди. Тонг саҳардан тун яр-мигача уларни фақат театр қучоғидан топишингиз мумкин!

Бизнинг «Ёш гвардия» театримизда ҳам ҳар қандай ҳайрли ташаббусга бажонидил бош қўшадиган кенг мушо-ҳадали, истеъдодли, фидойи ёшлар йўқ эмас. Бу фидойи актёрлар истеъдод ва маҳоратларининг янги жиҳатлари юз очиши учун ижодий шароит, имконият яратилишини кутмоқдалар. Албатта, актёрларнинг ўзлари ҳам бунга эришиш учун астойдил киришишлари, бор шижоат ва би-лимларини ишга солиб кураша билишлари керак!

Ваҳоланки, театрнинг икки-уч йил ичидаги фаолиятига жиддий назар ташласангиз, кўллаб кадрлар ишга олиниб, кўплари ишдан бўшатилганининг гувоҳи бўласиз.

Партия ва ҳукуматимиз театр санъатини янада ривож-лантириш тўғрисида қарор қабул қилган ва қарор амалий ҳаётини бошлаган шу кунларда «Ёш гвардия» театрида кадрлар [айниқса, режиссёрлар] масаласини қайта кўриб чиқиш, бу санъат масканида чинакам ижодий муҳитни юзага келтириш энг долзарб муаммолардан, деб ҳисоб-лаймиз.

Ҳозирги кун илғор замонавий театр жараёнини яқин-дан кузатиш, совет театр санъати анъаналарини ижодий ўзлаштириш, ижодкорларимизга фақат ёрдам бе-ради. Бинобарин, буюк театр арбоби К. Станиславский ижодий меросини комплекс ўзлаштириш саҳна санъати-нинг доимий талаби бўлиб қолмоқда. Улуғ устоз система-си ҳар бир театр ижодкорининг иш столи устидаги муҳим қўлланма бўлиб қолмоғи зарур. «Санъатимизнинг тарақ-қиёти бизни олға чорлайди, олдинда эса бизни Станис-лавский кутмоқда», деб ёзганида давримизнинг атоқли ре-жиссёри Г. Товстоногов батамом ҳақлидир.

«Ёш гвардия» театри муаммоларининг ижодий чора-тадбирлар асосида ҳал этилишига ишонамиз. Уйлаймизки, театр санъати мутахассислари бу борадаги ўз фикр-муло-ҳазалари билан ўртоқлашадилар. Зотан, республикамиз-нинг энг кенжа театри фаолияти бизни бефарқ қолдир-маслиги, у қалбимиз тебранишларига ҳамоҳанг ижод қил-моғи, балки олға чорламоғи керак!



НАФИСА  
ЗОҲИДОВА

# Ёшлар театри қандай бўлиши керак?



ш гвардия» театрининг тарихи кўз ўнгимизда: ўша кезларда нодир истеъдод эгаси сифатида танилган ёш режиссёр Эргаш Масафоев етакчилигидаги бир гуруҳ театр ёшларининг дадил ва шижоатли ташаббусларида романтик руҳ барқ уриб турарди. Улар бошлаган ташаббус умидбахш, унинг келажаги порлоқ эди. Шу тариқа Ленин комсомолининг 50 йиллиги арафасида Ўзбекистонда ёшлар театри барпо бўлди.

Янги театр коллективининг бунёд этилишида ташаббус кўрсатган Э. Масафоев, Т. Режаматов, Ш. Азизова, А. Бегматова ва бошқаларнинг ижодга мислсиз меҳр-муҳаббат, санъаткорона юксак иштиёқ руҳи билан кўрсатган ғайрат-шижоати ҳақида кўплаб ҳаққоний фикрлар ёзилган, айтилган эди. Улар ўзига хос услуби, ўз драматургиясига эга бўлган, минглаб студентлар ва ишчи ёшлардан иборат томошабинлар ёпирилиб келадиган, баҳслар, мунозаралар ўтиб турадиган ўз театрларини барпо этишни орзу қилар эдилар. Театр ана шундай ниятлар асосида юзага келди.

Театрнинг «Дийдор», «Ун саккиз ёшлигим», «Биринчи бўса» каби дастлабки спектаклларида унинг замондошларимиз билан, уларни ҳаяжонлантирадиган масалалар юза-сидан, дунёни ўзига хос идрок этиши, ўз услуби воситасида сўзлашга интилиши яққол зухур этди. Театр ўз олдига алоҳида тематик доирадагина эмас, муайян бадий сифатга эга бўлган ўз драматургиясини яратиш вазифасини қўйган эди. Шу тариқа ташаббускорларнинг ижодий лабораториясида М. Каримов, А. Иброҳимов, Ф. Мусажонов, У. Ҳошимов, У. Умарбековнинг илк пьесалари майдонга келди.

Э. Масафоев раҳбарлигидаги ёш коллектив ўз ижодида, юксак гражданлик принципларини барқарор этишга киришди, замонавий долзарб муаммоларни ўртага қўйишга интилди. Миллий драматургиямиз билан биргаликда, қардош совет ва чет эл драматургиясидан ҳам авторлар донрасини қидирди. Ўз томошабинини вояга етказаркан, уларни баҳс-мунозараларга тортиб, бирга-бирга ҳаяжонли туйғулар билан ҳамдамлашишгагина эмас, балки фикрлашишга ҳам даъват этди. Замонавий совет театри анъаналари ва режиссурасини ўзлаштириш йўлига чоғланган театр шартли усулларни иштиёқ билан қўллаб, актёрлик санъатида штампларни инкор этди, маиший икир-чикирларни рад этди. Театрнинг бадий программаси А. Саллинскийнинг «Фидойи», М. Байжиевнинг «Баҳс», Б. Брехтнинг «У одам нимаю бу одам нима!», А. Сидқининг «Нон, қон, инсон», У. Ҳошимовнинг «Ҳазон бўлган баҳор» пьесалари асосида қўйилган спектаклларида изчиллик билан ёритилди. Бу спектаклларда ўша вақтларда анчагина ёш М. Ражабов, М. Иброҳимова, М. Маҳмудова, Т. Содиқов, Н. Тошкентбоева ва бошқа актёрларнинг ўзига хос истеъдоди юзага чиқди.

Театрнинг саҳнада режиссёр шартли усулларини жонли одам аён ҳақиқати билан бирлаштириш, айрим миллий анъаналарни ўзлаштириш йўлидаги изланишлари силлиқ кечмади. Аммо бу ҳаракат тўхтовсиз давом этди. Театрнинг кўпгина спектакллари баҳслар, мунозаралар тугдирди. Спектаклларнинг бадий хусусиятлари, шунингдек, актёрнинг саҳнадаги кечиниш йўлини, коллектив танлаган бадий усуллар, ифодали воситаларнинг нечоғли самара бериши каби эстетик масалалар ҳам кўп мартаба муҳокамаларга сабаб бўлди. Театрнинг ижодий изланишлари ҳақидаги турли-туман фикрлар, баҳслар — умуман, танқидчилар, театр арбоблари ва раҳбарларнинг коллектив тақдирдан фаол манфаатдор эканликларидан дарак берса-да, баъзан бу тортишувлар театр ўз олдига қўйган эстетик ва гражданлик мақсадлари мавқеига мос келмас, «Ёш гвардия» дастлаб ўзи учун белгиланган кредо — ақиданинг тўғрилигига шак келтирар эди. Энг муҳими, бундай баҳслар, мунозаралар коллективга ёқарди. Бунда

улар ҳақиқатини аниқлаб олар, ифода воситаларини табдил этишдек изчил программаларини амалга оширишда давом этар, янгича театр бадияти борасидаги изланишларида натижаларга эришишга интилар эдилар.

Бу жиҳатдан «Ёш гвардия» театрининг ижодий заминидан Россия Федерацияси ҳамда Урта Осиё театрлари режиссёрларининг семинари ўтказилиши коллектив учун алоҳида аҳамият касб этди. Бир неча кун давомида театрининг спектакллари, унинг ижодий кредосини турли миллий театрлар режиссёрлари, мутахассислари муҳокама қилдилар, коллектив ўз интилишларининг тўғри эканлигини исботлаб, шараф билан синовдан ўтди.

Дунёга келиши ҳамона катта театрлар қаторидан ўринини эгаллаб билган бу театр олдида улғайиш ва қарор топиш машаққатлари билан боғлиқ кўплаб муаммолар турарди. Ташкилий, шунингдек, ижодий изланишлар борасида ҳам кўпгина нарсалар барчани қаноатлантирмаслиги мумкин, chunki коллектив истеъдод ва иштиёқ даражаси турлича бўлган янги актёрлар ҳисобига тўлиб бормоқда, коллективни руҳан бир студия тарзида бирлаштириш жараёни дастлабки босқичларининг бошдан кечирмоқда эди. Шундай масъул бир пайтда унинг олдида хўжалик жиҳатидан ҳам, ижодий жиҳатдан ҳам жиддий талаблар қўйилмоқда эдики, ҳали суяғи қотмаган бир вужуддек бўлган театр уларни амалга оширишга унча қодир эмас, бу эса ундаги ижодий ва руҳий кайфиятга таъсир қилмай қолмасди. Эътирофнинг илк қувончларини татиб кўришга улгурган ҳамфикрлар коллективни учун муваффақиятсизликлар содир бўлиб турадиган оддий кунлар бошланди. Энди озчиликни ташкил этадиган бир гуруҳ актёрлар ва ижодий вазифалар қўядиган, гурупадан қатъий фидойиликни талаб қиладиган режиссёрнинг ташаббуси ҳамда иштиёқ коллектив аъзоларидан айримларининг норозилигига сабаб бўла бошлади. Қийинчиликлар ҳам озмунча эмас: кунига камида ўн икки соатлаб ишлаш, кино ва телевидениеда иштирок этишдек жозибали ҳавасдан воз кечиш керак бўлар, сафарга чиқиб туришга тўғри келар эди. Экспериментлар учун ҳам жуда оз вақт қолар, бошқа барча театрлар қатори бу коллектив ҳам йилга беш спектакль чиқариши зарур эди. Эсанкираш, мағлубият даврлари бошланди. Театр улғайиш машаққатларини кечираётган худди ўша пайтларда коллектив ва бадий раҳбарлик маъмурий эмас, ижодий ёрдамга муҳтож, уларнинг ишларига эҳтиёт билан, нозик профессионал дид билан, манфаатдорлик билан араляшиш керак бўлар эди. Афсуски, баъзи вакилларининг иштироки билан ўтган касаба союз мажлисларидан бирида, бадий раҳбар Э. Масафоевнинг бутун программаси, эстетик кредосига гумон билан қаралган, улар ғоятда юзаки таҳлил қилинган, театр касаба союз ташкилоти юзакиларининг қарори билан бош режиссёр вазифасидан четлатилган эди.

Вақт ҳамма нарса устидан холис ҳукм чиқаради. Шундан сўнг театр ҳаёти ўз-ўзича давом этди. Дастлабки ниятлар, вазифаларининг ҳаққонийлиги фурсат ўтиши билан аён бўлди-қолди.

Авторнинг театр ўтмишига бундай назар ташлашдан мақсади, ўшанда ишлар қандай яхши эди, дейишдан иборат эмас, унинг бугун қандай аҳволга тушиб қолганидан ташвишланиётган тўғайлидир. Э. Масафоевнинг ишдан кетиши салбий таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас, chunki театрдан на фақат бош режиссёр, балки унинг ташкилотчиси, биринчи кишиси кетган эди. Аммо Э. Масафоев асосий ғоя ва бутун бир эстетик программа билан руҳлантирган, актёрлар коллективига бошчилик қиларди. Улар театр бунёд этилаётганида яхши ният билан бошланган барча ишларни авайлаб асрашлари, давом эттиришлари керак эди-ку! Борди-ю, тасодифнинг амри билан режиссёр кетган тақдирда ҳам, у қўйган спектаклларнинг бунга нима дахли бор, нега энди улар репертуардан олиб ташланиши керак эди!! Ахир спектакль режиссёрнинг ғояси, меҳнатидангина иборат бўлиб қолмай, бу бутун бир ижодий коллективнинг меҳнати, унга даялатнинг қанчадан-қанча маблағи сарф бўлган-ку!!

«Ёш гвардия» театри ҳозир муқаррар машаққатлар даврини бошидан кечирмоқда. Бу машаққатлар асосан унда

етақчи ғоя ва эстетик программанинг йўқлиги тўғайлидир. Борди-ю, шу асосий ғоя мавжуд бўлган тақдирда у нимада зўжур этиши мумкин эди. Бизнинг фикримизча, биринчи навбатда, репертуарда. Театрнинг қиёфаси ва ижодий программасини репертуар белгилайди, у театрининг бутун ички ҳаётини уюштиради. Унинг замирида, театр ўзининг томоша залига одамларни нима мақсадда тўплайди, бундай мулоқотларнинг сабаби нимада, томошабинлар залдан қандай фикрлар билан чиқадилар, деган саволларга жавоб ётади. Шунинг учун ҳам театрни қандай пьесаларни танилаши, унинг ўз темаси, ижодий принципларига мумкин қадар жавоб берадиган драма-турғлари бўлиши ғоят муҳимдир.

Шу муносабат билан иккинчи муҳим муаммо — театрининг бадий раҳбарлиги тўғрисидаги масала тўғилади. Кўпгина ишлар унинг қандай ҳал қилинишига боғлиқдир. Айниқса, ёшлар театри — кундалик диққат-эътиборга муҳтож, билимдонлик билан пухта, аниқ чора-тадбирларни талаб қиладиган мураккаб ижодий организмдир. Шунинг учун ҳам бундай театрда — санъаткор, мураббий, ташкилотчи, устоз кимса бўлган бош режиссёр фигураси муҳим ўрин тутди. «Ёш гвардия» театрига ким бошчилик қилиши кераклигини ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўладими ахир! Ҳа, театрга штатдаги бўш ўринни тўлдирши учун эмас, асосий мақсадни амалга ошириш йўлида коллективни олдинга бошлайдиган чинакам етакчи бош режиссёр керак эди. Сўнгги олти йил мобайнида театрга режиссёрлардан Б. Ихтиёров ва У. Бақоев бошчилик қилдилар. Улар иқовлари ҳам театр соҳасида бир қанча йиллар ишлаб, кўп тажриба орттирганлар. Уларнинг ўз театрларига, яъни Б. Ихтиёровнинг Муқимий номидаги Давлат музикали театрига, У. Бақоевнинг Айний номидаги Бухоро область театрига қайтарилишлари ўзлари учун ҳам айимуддао, оқилона тадбир бўлдики, улар бу театрларда ўз ижодий ишларини давом эттириш ва қарор топтириш билан шугулланмоқдалар. Эҳтимолки, улар энди ижодда муросасозлик, тасодифнинг етовига тушиб кетмаслигини, мабодо, ана шу тасодифни енгиб бўлмаса, лоақол шунга яраша хулосалар чиқариш лозимлигини пайқаган бўлсалар керак!

Эндиликда «Ёш гвардия» театрига Ҳабибулла Файзиев бошчилик қилмоқда. Ниҳоят, театрда Н. Абдурахмонов каби навқирон, умидли режиссёр ҳам ишламоқда. У дастлабки муваффақиятлари биланоқ кўпчиликнинг диққатини тортиди. Н. Абдурахмонов саҳнага қўйган «Гуноқкор авлиё», «Ёш гвардия» спектакллари ғоятда индвидуал, постановкачининг ўзига хос режа-фикрлари борлиги, дунёни ўзича идрок этишидан, гувоҳлик бериб турибди. У ўз ижодий ниятларини намоён этиши учун коллективнинг мададига муҳтождир.

Театрда репертуарни кенгайтириш борасида муайян иш олиб борилмоқда. Унинг афишасидан Ш. Бошбеков, М. Бобоев, М. Каримовнинг янги пьесалари, таржима асарлар ўрин олди. Аммо театрининг фаол репертуарида нима учундир ҳар қандай аудиторияга, театрининг ўз биносидан ва четда ҳам алоҳида бир иштиёқ билан намойиш этиладиган спектакллар бор. Булар театрининг чинакам ижодий кредосидан йироқ бўлган У. Ҳошимовнинг «Тўй», Исфаҳандиёрнинг «Отасининг қизи» пьесаларидир. Зотан, статистикага кўра, театр томошабинлари асосан ўн тўрт билан ўн етти ёш ўртасида ҳисобланса-да, театр спектаклларидан биронтасида уларга бевосита қаратилган мурожаат кўринмайди. Улардан кўпларини кўрган ўқувчилар мактабларига, билим юртларига қайтгач, ўз ҳаётларини саҳнада кўрганлари билан қиёслаб, бу қаҳрамонлар ҳақида қизғин баҳслашадилар, деб ўйлаш қийин. Ҳўш, ишчи ёшлар, студентлар, ёш инженерлар, ўқитувчилар, врачлар ва бошқа зиёли ёшлар-чи! Бу спектакллардан қайси бири уларнинг қалбларида чуқур из қолдириши мумкин! Улар театрдан қандай туйғулар билан чиқадилар! Умуман, «Ёш гвардия»ни ўз театрларидек яқин кўриб, унга мунтазам бориб турадиларми! Театрнинг ўз томошабинини билиши нечоғли муҳим! Токи ҳар бир спектакль унинг қалбига, шуурига чуқур кириб борсин, руҳини алғов-далғов қилсин, вужудда яшириниб ётган яхши фазилатларни рўёбга чиқарсин!



ОЛИМЖОН  
БЎРИЕВ

## Аёлга муҳаббат

Ҳеч ким сева олмас бу қадар,  
Ҳеч ким боқа олмас бундай пол.  
Сенсиз юраклардан кетмагай қадар,  
Ширин орзулардан яралган аёл.  
Сенинг муҳаббатинг қозонмоқ асли,  
Жўшқин йигитликда телба жасорат.  
На-да ўн саккиз ёш, ёмғирлар фасли,  
На ёлгон ваъдалар қилган башорат.  
Сенинг муҳаббатинг бор экан дилда,  
Мен-да мажнунона топаман камол.  
Агар орзуларинг чиқмаса тилга,  
Уни юрагингдан излайман аёл.  
Сенинг-да сочларинг ипақдай майин,  
Сенинг-да қўлларинг ёлгон сўзламас.  
Сени-да қаритиб қўйганим сайин  
Ўзимни кечира олмагайман, бас!

ХАЙРУЛЛА  
ҚОСИМОВ

## Илтижо

Боқ, ўзгача бу йил қишининг зийнати,  
Қор бағрида мудрар саҳий далалар.  
Бирга кезмоқликнинг айнаи фурсати,  
Киприкка илашсин оппоқ толалар.  
Азизим, келақол, кутаётирман,  
Қордай тиниқ қўшиқ битаётирман.  
Қор бўлиб учақол, кўзи сузугим,  
Эй, қордай покиза кўнгил гавҳари —  
Учиб келиб қучсин нуқра узугинг —  
Кўзини қамаштирган қор зарралари.  
Узукка кўз каби муносибимиз биз,  
Наҳот, қор сайлидан бенасибимиз биз.  
Майли, қорбўрон қил, муз ҳайкал бўлиб,  
Сезмай ҳам қолайин севгинг сеҳридан.  
Ё ўзингни ташла бағримга қўлиб,  
Эриб кетай оташ кўзинг меҳридан.  
Сенинг йўлларингга поёндоз бу қор,  
Куттирма келақол, эй қалби баҳор.  
Баҳор туғилмасдан қор йўрғида  
Висол нашидасин сўрайлик, жонон.  
Қор эмас, бошимиз узра, аслида —  
Оппоқ чечакларни сочар қаҳратон.  
Ташлаб кетаётир ойналарга гул,  
Кел, гул юз, қувонсин интизор кўнгил,  
Қордай тиниқ қўшиқ битаётирман.

Юқорида эслатилган пьесаларнинг бадий жиҳатдан ишонarli эмаслиги, уларнинг драматургик асосидаги мантиқсизлик, заифликка режиссёрлар диққат қилмаганлар, шунинг учун ҳам қўйилган масаланинг чуқурлиги билан ҳаяжонлантирадиган тўлақонли эстетик спектакль юзага келмаган. Тўғри, ёшлар театри учун ҳам томоша-бинлар ёпирилиб кирадиган маънавий мавзудаги шу тариха спектакллар керакдир, албатта. Аммо бугунги кунда мавзу долзарблиги ва ниятнинг холислигини баҳона қилиб, муваффақиятга умид боғлаш бачканалик бўларди. Шунинг учун ҳам театрда сўнгги олти йил мобайнида қўйилган ўттизта спектаклдан ярми турли сабаблар билан саҳнадан тушиб кетди. Бунга асосий сабаб — асар ташлашнинг тасодифийлиги, спектаклларнинг ғоявий-бадий туссизлигиндир.

Шундай қилиб, театрнинг репертуар афишасида юксак драматик савиядаги ва бадий қийматга эга бўлган асарлар, режиссуранинг саҳнавий изланишлари етишмаётганлиги кўзга ташланмоқда. Бугунги кунда «Ёш гвардия» театрнинг бирдан-бир фазилати — унинг ижодкор актёрларидир. Театр спектакллари томошабинларни аввало актёрлари билан жалб этади. Улар эса навқиронликлари, жозибалари, самимиятлари, ижодий иштиёқлари билан баъзи ўринларда драматургия ва режиссуранинг заифлигини ўнглаб кетгандек бўладилар.

Агар репертуар театрнинг аҳволини аён этадиган, раҳбарлари бадий намолотидан шохидлик берадиган биринчи кўрсаткич бўлса, унда бош режиссёр, театр коллективи янги мавзу ва мундарижалар излашлари, ўз томошабинларига эстетик сабоқ беришлари керак. Қандай мавзуга мурожаат этилмасин, диққатни юксак эстетик масалаларга қаратмоқ даркор. Театрнинг ҳозирги постановкаларида кўрганамиздек, замонавийликини шу долзарб оннинг ўзигина деб тушунилмаслиги, кечяги кун бугунги кун билан ўзвий боғлангани, даврни зиддиятли, бир бутун мураккаб замири сифатида идрок этилиши зарур. Ана шундагина «Ёш гвардия» актёрларининг республикамиздаги ҳар бир театр ҳавас билан орзу қиладиган навқирон ғайрати ва истеъдоди чинакамига намён бўлиши мумкин. Театр уларнинг тақдири учун жавобгардир. Уларга тематика ва ёшлари тақозасига кўра эмас, балки баланд руҳлари, ижодий иштиёқларига муносиб роллар керак, чунки уларнинг чинакам профессионал камолот даврига қадам қўйиш пайтлари етди.

Хуллас калом, «Ёш гвардия» театри бугун кўплаб масалаларни ҳал қилиш, янги ижодий қиёфа касб этиш, ўлғайиш машаққатларини енгиб, дадилланиш остонасида турибди. Дунёни мушоҳада этишда ўз қарашига, ўз эстетик эътиқодига эга бўлган режиссёр, бақувват ижодий шахсина театрға янги ҳаёт бахш этиши, коллективни қатъият билан замона талаблари томон олға бошлаши мумкин. Изланувчан, тинимсиз синаб кўрувчи, сержурят, истеъдоди театрнинг қиёфасини белгилайдиган кишигина унга бошчилик қила олади.

Мулоҳазаларимизни театрнинг бахтли тақдири ҳақидаги фикрлардан бошлаган эдик. Ҳа, ҳар қандай жонли вужуднинг тақдири каби бу театрнинг тақдири ҳам ўз пояларига эга, у одатдагидек драматизм билан тўладир. Театр диққат-этиборга, меҳр билан авайлаб асрашга, ардоқлашга муҳтож. Ана шундагина у бизга чинакам ижодий шукӯҳлар, ажойиб кашфлар бахш этади.



## Дарахтнинг ўйлари

Уздим умидимни томирларимдан.

Бўронлар буколмас қаддимни ахир.  
Кузатгандай бўлар бошқалар зимдан,  
Баҳор ўтиб борар, яшамоқ оғир.  
Боғбонни алдайди ўтган кунларим,  
Шу сабаб болтага сиғмайди ҳадди.  
Қайтмаскан бағримга қайта гулларим,  
Чақмоқдан оламан энди мададни...

## Миртемирга

Тиззаларни титратиб бўкиб,  
Эзмаганди тобут елкани.  
Жудоликни англадик букун,  
Мунгли кўриб шеърхон ўлкани.  
Табиат ҳам мотам тутарди,  
Оппоқ қорга буркаб ерларни.  
Оғир эди, йиғлаб кўтардик —  
Ёзилмасдан қолган шеърларни...

## Масхарабоз

Минг хил рангни юзимга чаплаб,  
Мен кечаман ҳар кеч ўзимдан.  
Қарсак чалиб,  
Шодон олқишлаб,  
Куласизлар доим устимдан.  
Овсарлигим хуш ёқар кимга.  
Кулдиради кимни қувлигим.  
Айтсам дейман тамошабинга,  
Билиб қўйса ўзин кимлигин...  
Кулгингиздан кетаман тўлиб,  
Масхаралик мен учун оғир.  
Гоҳо овсар,  
Гоҳо қув бўлиб,  
Ролингизни ўйнайман ахир.  
Билмаганга билдирайин мен,  
Очинг, энди кўзларингизни!  
Қачонгача кулдирайин мен,  
Узингиздан-ўзларингизни...



ҚАДАМ  
САИДМУРОДОВ

## Эшик

Уёғидан бу,  
Буёғидан у —  
Итарди,  
Эшик эса,  
Очилмади ҳеч...  
Буёғидан у,  
Уёғидан бу —  
Тортди,  
Эшик яна


Очилмади ҳеч...  
Сўнг улар  
Кетдилар  
Икки томонга,  
Бошларин эгиб.  
Иккови ҳам  
Бир-бирин қаргаб,  
Иккови ҳам  
Эшикни сўкиб...

\* \* \*

Қашқир кирди даврага шитоб,  
Ўз кучини синамоқ истаб.  
Йўлбарс, айиқ ўлтирар кулиб,  
Қашқир турди бир оз ўй суриб...  
Айтолмасдан мақсадин қашқир,  
Аста қайтди кетига оғир.  
Бошқаларни кетди сўнг излаб,  
Ўз кучини синамоқ истаб...

\* \* \*

Осмонларга кўтардим ўзим,  
Узлигингдан қўйдим мен устун.  
Қуёш дедим, дедим юлдузим,  
Қулингман деб бош эгдим бутун.  
Висолингни шодон кўтардим...  
Бугун ночор, кунларим ўтмас.  
Ўзим сени кўкка кўтардим,  
Энди эса қўлларим етмас!



аствавал Нурали Қобул «Ойқор» деган қисса-сани эълон қилганида, уни топиб ўқишга шошилмадим. Эҳтимол, шошилмаганим ҳам тўзук бўлгандир. Чунки, бу қисса тақдири ҳақида адабнинг ўзи шундай деганини эшитиб қолдим: «...Битта мутлақо бўш асар эълон қилдим. Бу илк ёзилган «Ойқор» ҳужжатли қиссамдир. Бугунги кунда, ундан воз кечишни ҳам ўйлаяпман. Яқинда асарни қайта ёзиб чиқиб, жанрини қисса эмас, «Инқилобий ўтмишдан лавҳалар», деб қўйдим. Эълон қилиш-қилмаслигим гумон». Шундан сўнг бири-кетин Нурали Қобулнинг бошқа қиссалари чоп этила бошланди, баъзилари русчага ўғирилиб, Москвада эълон қилинди. Натижада, унинг асарларига менда қизиқиш кучайди, қисса ва ҳикояларини топиб, бир сидра ўқиб чиқдим.

Одатда, адаблар болалик таассуротлари ҳақида кексайганларидан кейингина ёзадилар. Бунда ҳам бир маъно бор, албатта. Ёшлиқда кўрган-кечирганлари йиллар ўтиши билан маълум даражада қуюқлашади, умумлашади, замонлар галериидан ўтиб сараланади. Бироқ адабиёт тарихида шундай ҳоллар ҳам борки, адаблар ўз ижодларини болалик таассуротларини қогозга туширишдан бошлайдилар. Нурали Қобул ҳам шундай. Унинг «Тубсиз осмон» қиссаси шу хилдаги ижод тажрибаларидандир. Бу асарнинг фазилати шундаки, у орқали биз бола кўзи билан она ермизининг бир қисминини кўрамыз, унинг ҳар бир гиёҳи, ўт-ўлани, дов-дарахти, тоғ ва тоши, қум ва тупроғи, сокин чашма ва нотинч сойларини янгидан англагандек бўламыз... Бола — бегараз, унинг тиниқ назари эса яна ҳам тозароқдир. Боланинг бегараз нигоҳи тўфайли, кўпроқ ўз манфаатини ўйлаб, баъзан ҳийлаю найранглар ишлатиб, ўз мансабидан фойдаланиб жамоат мулкига кўз тиккан, бу йўлда одамларни таҳдирлашдан ҳам тоймайдиган раҳбарларни; табиат оламига ваҳшийларча муносабатда бўлиб, борлиқ мувозанатини бузётган кимсалар, уларнинг қинғир қилмишларини кўрамыз. Тўғилмасиданоқ инсон эҳтиёжи учун жонсизлантрилади-ган жониворлар, улар атрофида одамларро рўй бераётган эиддиятларни кузатамыз. Энг муҳими, оламни ўз би-лимишча, бевосита, тоза қалб билан ҳис қиладиган, ҳаёт-нинг икки-чакирларига эидигина тушуна бошлаган ёш қалб эгаси Норбўта образи билан танишамиз. Норбўта ҳаё-лан тубсиз осмонда парвоз қилади, адирлардаги кўна-ламзорларни кўриб, кўзи тўймайди. Чалқанчасига ётиб, тубсиз осмонга тикилиб, чексиз ҳаёл оғушига берилиш-ни ёқтиради. Табиат оламини у бир яхлитликда тушунади. Отаси боқиб юрган қўй ва қўзилар унинг учун аввалам-бор табиат яратган мўъжиза — жонивор жонзотлар. Улар бошқа жонзотлар сингари яшашга — ўт еб, сув ичишга; қўзиларини боқишга, ёруе дунёда дйраб юришга ҳуқуқ-лидирлар. Шу сабабдан қўй ва қўзилар тўфайли, инсон-лар орасида рўй берадиган эиддиятларни у ҳазм қила олмайди:

«Айт, Бўйноқ: Ҳали онасини бир марта ҳам эмолма-ган қўзичоқларнинг айби нима! Нега уларни сўйишгади! Териси чиройли бўлгани учун сўйиш керакми! Қўзичоқ-ларнинг йиғисини эшитдинг-ку! Уларнинг маърашидан май-салар тебраниб кетади-ку! Наҳотки, одамлар биргина пальтосининг ёқаси учун шундай қилкшса! Айт, Бўйноқ! Бунга чидаб бўладими-а!».

Норбўтага таъсир қилган бу манзарани биринчи бор кўрган ҳар бир инсон боласи ҳам унинг бу гапларини такрор-такрор айтиши мумкин! Тўғри, инсон — улуғ; та-биат саховатидан унинг тўла фойдаланишга ҳаққи бор. Бу — шубҳа уйғотмайдиган оддий ҳақиқат. Бироқ инсон ҳам табиатнинг бир қисми-ку! Нега бир қисм учун ик-кинчи қисм қурбон бўлиши керак! Бу ҳақда кўп мушоҳа-да юришиб ўтиришнинг ҳожати йўқдек. Бироқ бу мушо-ҳаданинг зарари ҳам йўқ. Шу хилда мушоҳада юрита ол-ган инсонлар, эҳтимол, жониворларни аямаса ҳам бир-бирларини аяшар — бири-бирига нисбатан дағал муноса-батдан, ур-йиқит ва қирғинлардан сақланиш ҳисси уйғо-нар...

МАТЁҚУБ  
ҚЎШЖОНОВ

## ЭЪТИҚОД

*Нурали Қобул СССР Ёзувчилар  
союзининг 1981-82 йилги энг  
яхши биринчи китоблари учун  
эълон қилинган  
бутуниттифоқ конкурси  
мукофотига сазовор бўлди.*

*Атоқли адабиётшунос*

*Матёқуб Қўшжонов қуйида адабнинг  
курашчан позицияси — чинакам  
коммунистик эътиқодидан баҳс юритади.*

Тўғри, Норбўтада қандайдир ожизлик ҳисси ҳам бор эди. У ажабланиб, баъзан нафратланарди ҳам. Бироқ ўзи ажабланган баъзи воқеаларни у тушуниб ета бермасди. Унинг ажабланиши, тушуниб етабермаслигининг ўзи атрофда бўлаётган воқеаларга муносабат билдиришдан иборат эди.

«Биз,— дейди Норбўта Бўйноқни ҳам ўзига қўшиб,— атрофимизни ўраб турган кўп нарсалардан ожиз эдик. Турқи совуқ Қодирқул ҳам, мусобақалашиб кўзи сўядиганлар ҳам, чўпонлар билан савдолашиб тери оладиган оғзи тўла тилла тишли шаҳарликлар ҳам, тоғбегиға пул бериб, арча кесиб кетадиганлар ҳам, кўм-кўк ўтлоқни бузиб, чим ўйиб кетадиган кишилар ҳам — ҳуллас, юрагимизга сиғмайдиган гуноҳ, қиладиган брача кишилар бизни енгарди».

Ҳа, у ожиз эди. Мана шу ожизликнинг ўзи барча зўравонликларга «йўқ, йўқ!», деб бор овоз билан қаршилик кўрсатарди.

Норбўта орқали биз, улугъ табиатнинг бир парчаси эканлигини яна бир бор англагандек бўламиз. У ҳар бир гиёҳни, ҳар бир жониворни, осмонга бўй чўзган ҳар бир дарахтни аяйди, ўзи билан баробар, яшашга тенг ҳуқуқли деб билади.

Қисса фақат мушоҳадалардангина иборат эмас, унда асар воқелигини ақуллайдиган маънодор ситуациялар, воқеалар тизмаси ҳам мавжуд. Қиссанинг ечимлида драматизм янада юқори нуқтага кўтарилади. Шафқатсизлик оқибатида ити — Бўйноқ кувғин қилинади. Норбўтанинг отаси уни, болалари билан қўшиб, тўқайга обориб ташлайди. Вақтлар ўтади. Бўйноқнинг ўзида инсонларга ишонч сақлашиб қолса ҳам, тўқайда ўсган унинг болалари ёввойилашиб кетади. Норбўта эса на Бўйноқдан, на унинг болаларидан кеча олади. Улардан хабар олиб туради, баъзан вақтини улар билан ўтказиши. Тўқайда ўсган кучуклар ёввойиларча тирикчиликка ўрганадилар. Асар катта фожиа билан тугалланади. Ёввойи кучуққа отилган ўқ Норбўтага тегади. Норбўта фақат ота учун эмас, китобхон учун ҳам катта йўқоткишдир.

Бу хилдаги ечимнинг рамзий маъноси бор: инсон табиатнинг бир қисми, аммо у онгли қисми. Онгли қисми сифатида у, ўз хоҳишини сунистеъмом қилмаслиги керак. Бунинг устига, у ҳам табиат туфайли тирик. Шундай экан, у борлиқ билан ҳисоблашиб, унинг бир қисми эканлигини унутмасдан яшаш керак. Табиатга берилган ҳар бир зарба айланга келиб, инсоннинг ўзига тегади: «Тубсиз осмон»нинг туб маъноси ана шундай!

Асарни ўқиган ҳар бир инсон боласи шунга ўхшаган воқеани қачонлардир, ўзи бошидан ўтказгандай бўлаверади ва бу воқеанинг бирор ҳаётий негизи йўқмикин, деб қолади. Мана, бунга ёзувчи жавоби:

«Тубсиз осмон» воқеалари кишлоғимиздаги саккиз йиллик мактабга пионервожатий штати берилишини кутиб, бир неча йил чамаси чўпон бўлиб ишлаганимдаги даврдир. Бош чўпон, аммамнинг ўғли Раббим Отабеков ёввойилашиб кетган ўнча итни, тўқайни бирма-бир кезиб, отиб чиққани ҳамон кўз олдимда. Бу асарда оиламиз бошига тушган фожиа ҳам акс этган».

Эҳтимол, Раббим Отабеков ҳақдир, унинг ишлари ҳаёт талабидир. Бироқ бу воқеани кузатган бола ҳаётни бевосита қабул қилади, унинг сир-асорини кўпам суриштириб ўтирабормайди. Нурали Қобул изоҳланмаган воқеадан бевосита маъно чиқаради ва айтиш керакки, мўлжалга тўғри уради.

Жазога — жазо. Бу — Нурали Қобул асарларининг асл маъноси. Унинг асарларидаги жазо охир-оқибатда ахлоқ масалаларига бориб тақалади. Бу принцип адибнинг иккинчи — «Янги қор тушган кун...» қиссасида яна ҳам яққолроқ кўзга тушланади.

Бунда ҳам ҳаёт ёш бола тасаввурни орқали берилади. «Тубсиз осмон»даги бола образида қандайдир романтик мотивлар мавжуд эди. «Янги қор тушган кун...»да ҳатто бола образи, бутун қисса тасвирида ҳам шафқатсиз реаллик ҳукмрон.

Қиссада образлар сони кўп эмас: «Ёш Донавой, унинг бувиси, уларга узокроқ қариндош Суюн супрақулоқ». Асарда китобхонни ҳайратга соладиган мураккаб воқеа-

лар тизмаси ҳам йўқ. Суюн келиб Донавойнинг энасига ўз қилмиши ва қидирмишларини гапирди. Унинг ишлари эса кампир тили билан айтганда, «тирик жонга озор бериш». Суюннинг ўз сўзига кўра, ундан «Бутун тоғ, ўсимликлар ва мавжудот озор чеккан». Бу даҳшатли гапларни эшитган Донавой тасаввурни орқали биз Суюнбойнинг ким эканини англаймиз.

Ёш адиб яратган бу образ — жаҳолатда тенги йўқ бир кимса. Асоси бўлмаган ҳолда, у бирозларнинг ҳаётига сунқасд қилишдан ҳам қайтмайди; унга озор беришни ихтиёр этмаган жониворларга-ку, қасд қилишдан ўзини тия олмайди. Суюннинг ҳаёт тарзи ҳам шунга мувофиқ. Элдан чиқиб тоғ-дарада истикомат қилади; эл бошига Улуғ Ватан уруши сингари иш тушганда, ундан ўзини олиб қочади. На ошна бор унда, на ёру дўст. Илоҳи борича, инсон боласи билан мулоқотда бўлмас! Борлиққа бераф — инсонми, ҳайвонми, дов-дарахтми, ўт-ўланми — ҳамма-ҳаммаси билан истаганича ваҳшиёна муомала қилаверади: тепкилайди, уради, янчади, ўлдиради... Булар унинг табиатиға хос хусусиятлардир. Нега адиб образни бу тарзда ўйлади экан! Мулоҳаза қилсангиз, айни саволга жавоб бериш қийин эмас. Гап шундаки, адиб бу қиссада ҳам «Тубсиз осмон»даги концепцияни давом эттиряпти, фақат бироз бошқа пиланда, холос. Бу ерда ҳам асосий ғоя табиат ва инсонлар аро муносабат — бе-шафқатлиқни қоралаш, уни таг-томири билан қуритиш учун кураш. Тўғри, инсон ҳаётидаги бешафқатлиқларни тугатиш амри-маҳол. Бироқ адабиёт ўша шафқатсизликларнинг камайиши йўлида нималардир қилиши мумкин-ку!

Ёзувчи ҳаёт диалектикасини қўлдан бермайди. Суюн ҳаётининг охирги кунларида ўз қилмишиға яраша жазо кутади. «...Чўққидан учибми, бошқа бўлибми, ўлсам керак. Чунки мен нима номаъқулчилик қилсам, тоғларда қилганман. Бутун тоғ, ўсимликлар ва мавжудот мендан озор чеккан», — мана у тан олган ҳақиқат! Мавжудотларга озор берганда, у ҳеч иккиланган эмас, энди эса бироз иккилангандек. Йилт этган битта истаги бор: «...одамлардай, тинчгина ўз ажални билан ўлсам!» Бироқ орзусиға эришишиға унинг ўзи ҳам ишонмайди. Биладики, дунё қасосли! Дарҳақиқат, унинг ўлими ўз қилмишларига лойиқ: уни ўлдириб эшак устиға ўтказиб кетишади. Бир неча кун шу тарзда, боқиб юрган қўйлари кетида юради. Дафн маросими ҳам қандайдир ўта совуқ, ўта қуруқ — беҳис, беҳаяжон...

Бу образ кишида турли-туман ҳиссиётлар уйғотади, ҳаётга чуқурроқ назар ташлашга ундайди. Шахсан мен Суюн образини ўз тасаввуримдан ўтказганда, бир пуд тарққ учун бир одамнинг заволиға қолган, ҳасадгўйлик билан қанча одамлар қонининг тўкилишиға сабаб бўлган, укаларини ўйнатиб юрган болага уларни қудуққа ташлаб юборишни маслаҳат берган бешафқат ҳамқишлоғимиз эсимга тушади. Ҳа, бу қиссада адиб, одамларда шафқат ҳиссини уйғотиш учун ҳам бешафқат кимса образини яратади!

Ҳаётда Суюнлар кўплай учрайди. Бироқ уларнинг қиёфалари ҳар хил — асримизнинг биринчи ярмида пайдо бўлиб миллион-миллион инсону жонотларни қириб юборган қўнғиз мўйлов фашистлар саркардасидан тортиб, бугунги террористлару кўчада папирос сўраб, арзимаган нарса учун қўлини қонга белейдиган бераҳм ваҳшиларғача! Моддий ва маънавий устунлик йўлида «жонбозлик» кўрсатадиган кажрафторлардан тортиб, оддий ивбогару тўхматчиларғача!

Кўрмаясизки, «Янги қор тушган кун» қиссаси — инсон қиёфасиға қириб олган ваҳшилар ҳақидаги асар. Одатда, адабиёт инсонга хос улғворлиқни, олижаноблиқни мадҳ этади. Бироқ у улғворлиқ ва олижаноблиқни оёқ ости қилувчи қиёфалар ҳақида ҳам баҳс юритади. Нурали Қобул қиссалари бу фикрнинг далилидир. Нурали Қобул ҳали нисбатан ёш адибларимиздан. Бироқ ёмонликка қарши унда пайдо бўлган бунча нафрат, бунча ғазабнинг асоси ҳақида ўйлаб, унинг ёзувчилик руҳий оламида ҳаётни бор кўркамлиғича кўришга ҳалақит берадиган сабаблар йўқмикин, деган шубҳаға борасиз. Нурали Қобул билан ижод ҳақида сўхбат курсангиз, шубҳангиз унча асоссиз эмаслиғиға кўзингиз этади. Мана, унинг сўзлари:

«Мендан, нега асарларингизда фоживий якуи кўпроқ, деб сўрашадим. Буни ижодкор биографияси, тақдирини ҳал этади. Бошингга мусибат тушиб турган бир дақиқада, қандай қилиб бахт ҳақида қўшиқ айтиш мумкин! Бундан ташқари, бадий асар қиммати унинг трагик ёхуд нотрагиклиги билан белгиланмайди-ку! Бизда юмшоқ, сохта гуманистик асарлар кўпайиб кетяпти. Бундай асарлар билан кишиларни тарбиялаб бўлмайди».

Балки бу ерда баъзи фикрлар бироз муболағалидир, аммо мантиқан улар тўғри. Дарҳақиқат, баъзи бир асарларда ҳаёт зиддиятлари хамирдан қил суғургандек, сип-силлиқ ечимга боради, оқибатда, у китобхонга етарли таъсир ўтказмайди, ҳаёт ҳақида ўйлаб кўришга ундамайди. Баъзи ўринларда ёзувчи ўз қаҳрамонларига нисбатан «рахмдиллик» қилади, уни аяб, ҳаётнинг қийин, аммо реал вазиятларидан омон-эсон олиб ўтиш ғамини ейди. Бундай ҳоллар, юзаки қараганда, яхшидек кўринади, бироқ охири-оқибатда, жамиятга фойдаси камлиги ҳақида ёзувчи ўйлаб ҳам ўтирмайди.

Нурали Қобул бошқа бир қиссаси «Салом, тоғлар»да ўзгача йўл тутди. Тўғри, бу қиссада ҳам ҳаёт шафқатсизликлари таъсири йўқ эмас: асар марказида иккита, ҳар хил сабаблар билан эрларидан барвақт ажралиб, оила тебратиб болаларини катта қилаётган аёл образи туради (шунинг ўзида қандайдир шафқатсизлик оқибати кўзга ташланади). Уларнинг ҳар бирида биттадан фарзанд бор. Бирида ўғил, иккинчисида қиз. Уларни тарбиялаб волага етказгунча, бу меҳнаткаш аёллар бошига нималар тушмаган дейсиз! Ҳаёт қийинчиликлари натижасида, бошга тушган очликлар, кийимга зор бўлишлар, баъзи бир кимсалар томонидан ёғдирилган таъна ва таққирлар, ўзларини етим ва есир ҳис қилиб хўрланишлар, ҳоказо ва ҳоказолар. Бунинг устига, икки ёшнинг муҳаббат ришталари бир-бирларига энди боғланган кунларда Улуғ Ватан уруши бошланиши, жабрдийда бу икки аёлнинг армонда қолиб, икки ёшнинг ҳижрон ўтида ёнишлари... Бу манзараларда битта-иккита одам эмас, балки вазиятнинг ўзи бешафқат! Шунга кўра, бу манзараларни гавдалантирувчи қалам ҳам бешафқат.

Бироқ асарда адиб руҳининг бойлигини кўрсатувчи бошқа йўналишлар ҳам бор. Булардан бири — икки есир фарзандлари Ғойибназар ва Зулайхо (Қоракўз) ўртасидаги муҳаббат тасвири. Бу икки ёш ўртасидаги муҳаббат ҳали улар мазкур сўз маъносига тушунабермаган пайтлардан бошланган. Ораларндаги муносибат шу даражада беғаразки, уни сўз билан таърифлаш қийин. Янги ҳаёт учун кураш пайтларида севгилисини қўлдан бериб, унинг ҳажрида узоқ умрининг сўнгги кунларини кечираётган Нурмон бобо ҳаётига тегишли манзаралар-чи! Булар айрим асарларда тасвирланган сийқа муҳаббат саргузаштлари эмас. Баъзи бир шартлиликлари билан ҳам, улар айнан ҳаётнинг ўзидир.

Қиссада иккинчи бир йўналиш ва образ ҳам бор. Бу — ҳамма асарларида ҳам табиат оламини сабаб ва бешаб пайҳон қилишга қарши исён кўтараётган адиб образи! Кимки табиатни пайҳон қилса, «янги қор тушган кун»даги Ғаффор овчига ўхшаб, Суюнга ўхшаб, «Тубсиз осмон»даги Қодирқул сингари одамлар нафратига дуч келади.

«Салом, тоғлар»да энди Нурали Қобул табиатга ҳар томонлама зиён етказётганларга қарши исён кўтарган Нурмон бобо; унинг курашини давом эттирган Урис ўрмончи образларини ҳам яратади. Урис ўрмончи ўзи бу ўлка одами эмаслигига қарамасдан, «тоғларда арча ўссин, сойларда шарқираб сувлар оқсин», дейди. Оқ подшо эса уни Сибирга сургун қилади. «Урис қир» деб номланган обод тепалик ундан эсдалик қолган. Қиссадаги Нурмон ботир ва Урис ўрмончига тегишли эпизодлар адиб истеъдодининг қай даражада нурли ҳис-туйғуларга бой эканидан дарак беради.

Тўғри, Нурали Қобул асарларида баъзан ишонил қийин бўлган лавҳалар, эпизодлар ҳам учраб туради. Бундай пайтларда адиб асарнинг таъсир кучини ошириш нуқтаси назардан қалам тебратлади. Масалан, Суюннинг ўлик жасади икки-уч кунлаб, боғланган ҳолда, эшак устида тирик одамдек ўтиришига ишонил қийин. «Салом, тоғлар»даги Покизага отилган ёй ўқи Нурмон бобонинг экани ҳам тўла далилланмаган. Булардан ташқари, адиб қиссаларида, хусусан, «Салом, тоғлар»да Ғойибназарнинг хирмон туйишда қатнашганига ўхшаган, меъёридан ортиқ чўзи тасвирланган ўринлар ҳам йўқ эмас. Ҳикояларда эса дебочалар асл маъно берадиган эпизодларга нисбатан кўп ўрин эгаллайди. Баъзи ўринларда жумлалар тушуниш қийин даражада чўзиқ, сўзлар изчил танланмаган бўлади. Булар ҳаммаси машқ ва тажриба билан йўқотиладиган, ҳозирча эса юқорида айтганимиздек, эффе́кт йўлда юзага келган камчиликлардир.

Одатда, бироз ёш адиб ё шоир кўзга ташланиб қолгудек бўлса, унинг ҳаёти, ёзувчиликка ундаган сабаблар ҳақида суриштириб қоламиз. Бу борада биз яна адибнинг ўзига сўз бермоқчимиз:

«Адабиётга кириб келиш ҳақида гап кетар экан, болалиқдан мени тарбиялаган, юрагимга эзгулик уруғларини сочган энам Шаҳзода Иброҳим қизининг порлоқ хотираси олдида абадул-абад қарздорман ва бош эгаман. Энам Шаҳзода бобом Қобул Иброҳим ўғлининг биринчи хотини бўлиб, ўн йилча фарзанд кўришмаганидан сўнг, бобомизга ўзи бош туриб иккинчи хотин олиб беради. Ундан уч ўғил ва бир қиз туғилади. Фарзандларнинг деярли ҳаммасини катта энам — Шаҳзода тарбиялайди.

Бобом жуда эрта вафот этгач, болалар тарбияси икки она зиммасида қолади. Мен туғилиб, тетапоя юра бошлаганимданок, ана шу катта энамнинг алоҳида меҳрида ўсдим. Биз иккимиз яқка деразали кичкинагина, алоҳида ҳужрада яшардик. У киши жуда кўп эртақ ва афсоналар билар, Мухаммад пайғамбар ҳамда унинг чориёрлари ҳақидаги ривоятларини такрор-такрор эшитардим. Энам буларни, энди англасам, худди бадий асардек қилиб айтиб берадилар. Ҳар айтганларида эртақ ё афсонанинг янги бир қирраси очиларди.

Мени ҳамон ҳайратга соладиган бир нарса шуки, энам кўп ҳодисаларни олдиндан пайқар, кечалари ўзларича шу ҳақда гапириб чиқардилар. Қўрқинчли бу ҳолатга кейинчалик ўрганиб кетдим. «Янги қор тушган кун...» воқеаларининг кўпи ана шу ҳужрада бўлиб ўтган. Шунинг учун ҳам ишонч билан айтиш керакки, қаҳрамонлари кексалар ва болалар бўлган адабиёт соф адабиётдир. Биз ниманики номаъқулчилик қилсак, қўлимиздан иш келадиган пайтда қиламиз».

Ким бувисидан ё бобосидан эртақлар эшитмаган дейсиз! Гап ўша эртақ ва афсоналардан таъсирланишда, улардан керагини териб олиб юракка жойлай билишда! Бўлажак ёзувчи учун эса ўша юракка жойланган маънони ҳаёт фактларига йўғириб қайта яратишда! Менимча, ёзувчилик шундан бошланади. Кўрпсизки, Нурали Қобул ҳам шундан бошлаган.

Кўпичча, ёшлар ҳақида гапирадиган бўлсак, ошириб юбормасдан, фикрларимизни бироз эҳтиёткорлик билан айтишга уринамиз. Аммо бу гал биз кўп ҳам эҳтиёт бўлишга уринганимиз йўқ. Чунки Нурали Қобул ўз-ўзини эҳтиёт қиладиган ёшлардан. Унинг қуйидаги сўзлари бунинг далилидир:

«Ҳали асосий гапларимни айтганим йўқ. Эълон қилинган асарларим энг муҳим гапларини айтишга тайёргарлик ва ўшанда авторни таъна-маломатлардан асровчи омиллар бўлиб хизмат қилиши керак».

Ишонамизки, масъулият билан шу сўзларни айта олган адиб келгусида янада мукамал, бадий бақувват асарлар ярата олади.





**АЛИНАЗАР  
ЭГАМНАЗАРОВ**

# Она юртинг омон бўлса

**ҲУЖЖАТЛИ ҚИССА**

*Тошкентдаги Халқлар Дўстлиги саройи олдидаги кенг майдондан жанубга қарасангиз, олисда адл ўсган оқ тераклар кўзга чалинади. Бу Байналминал кўчасидаги Комсомол номидаги 22-болалар уйи ҳовлисида ўсган тераклардир. Ҳозир минглаб кишилар учун азиз даргоҳ бўлиб қолган бу болалар уйи 1942 йилда Сталинград бўсағасида мудофаа иншоотлари қурилишида меҳнат қилган комсомол-ёшлар ташаббуси билан ташкил этилган. Журналист Алиназар Эгамназаровнинг ушбу ҳужжатли қиссаси мана шу болалар уйи тарбиячилари ва тарбияланувчилари ҳақидадир.*



Энинг иссиқ кунларидан бири. Тошкентнинг муюлишларга бой Сағбон кўчаси бўйлаб қирра бурун, жингалак соч, қора қош, қора кўзойнакли киши шошилмай, оҳиста қадам ташлаб борарди. У кўчанинг икки ёнида дамбадам лоп этиб чиқиб қоладиган тор кўчалар бошида туриб қолар, азим теракларга ўйчан тикиларди. Мана у болóхонали бир уй ёнига келди-да, таққа тўхтади.. Чуқур нафас олди. Ғўё узоқ юртлардан Тошкентнинг ҳавосини соғиниб келгану, шу ҳаводан кўкракларини тўлдириб олмоқчидай.

У яна оҳиста қадам ташлашда давом этди.  
«Мана бу ерда катта бир ёнғоқ бўларди — кесиб ташлашибди, — ўй сурарди нотаниш киши, — хойнахой ёшини яшаган бўлса керак. Анови ерда эса катта ҳовуз бўларди. Суви кўм-кўк эди. Кўпинча қочиб келиб чўмилардик... Едингиздами, Антонина Павловна, меҳрибонгинам, неча марта уришгансиз бизни! Сизни қаттиққўл деб ўйлардик. Энди билсам — бу меҳрибончилигингиздан, жонимиз учун жонингиз ҳалак бўлганлигидан экан». Шундай-а, Соня опа!»

У кўзойнагини қўлига олди-да, рўмолчаси билан артиб, қўйин чўнтагига солиб қўйди. Ахир болалигинг ўтган азиз жойларга қора кўзойнак билан қараш гумроҳлик-ку!  
«Ҳа, ҳаммаёқ ўзгариб кетибди, ҳаммаёқ. Фақат бош устидаги зангори осмон, оппоқ булутлар ўша. Фақат соф, мусаффо ҳаво ўша, фақат тошкентликларнинг меҳрибонлиги — ўша-ўша..»

Нотаниш киши ярим соатлар чамаси яна ўйчан кезди. Бир тўп болалар бир-бирини қувишганча ўтиб кетишди.

— Дилшод, қувиб ет мени!

— Бахтиёр, чўмилгани кетдик, юр, анҳорга!

«Ҳа, ўйнаб-кул, кичкинтойларим, сенлар ҳақиқатан ҳам дилшодларсан, бахтиёрларсан. Менинг сенларга, бошинг устидаги мана шу тиниқ-осмонга, чеҳраларингдаги беозор табассумга, шодон қий-чув ўйинларингга ҳавасим келади. Бизлар эса, оҳ, бизлар...»

Кўча бошида оқ «Волга» кўринди-да, нотаниш киши ёнига келиб тўхтади.

— Кечирасиз, сиз ўртоқ Хилменд Элкинд эмасмисиз! — сўради ҳайдовчи кабинадан бошини чиқариб.

— Менман.

Сизни киностудияда кутиб туришибди.

— Мен аввало болалигим билан бир учрашиб қўйгани келган эдим бу ерларга...

Бир минутлардан сўнг оқ «Волга» эски Сағбоннинг эгри-бугри кўчалари бўйлаб физиллаганча жўнаб кетди.

Минск телевизор заводининг инженери Хилменд Элкинд Тошкентда «Ленинградликлар — менинг жигаргўшаларим» фильми суратга олинаётганини эшитиб, холис хизмат кўрсатгани бу ерга етиб келган эди. Чунки уруш ва етимлик азоби ҳақида фильм яратилаётганда, унга урушни ҳам, етимликни ҳам ўз бошидан кечирган кишидан яхшироқ консультант топиб бўладими?

\* \* \*

Хилменд Верхнедвинскда ўтган болалик йилларини худди ширин тушдай эслайди. Уларнинг ўз уйлари, чиройли, сердароҳт ҳовлилари бўларди. Уруш бошланган йили баҳорда ҳовлидаги олма ва олчалар чунонам гуллади-ки, ғўё феруза осмондаги парку булутлар дарахтлар устига қўнгандай эди.

Отаси шаҳардаги тикувчилик артелида мастер бўлиб ишлар, онаси эса болалар уйида тарбиячи эди. Иккиси ҳам Инесса ва Хилмендни жонларидан ортиқ кўришарди. Яхши эслайди: отаси новча, Барваста одам эди. Бўш вақтларида боғда ишлашни яхши кўрарди. Уни ишхонасида патефон билан мукофотлашган эди. Ҳовлида ишлаганда

ана шу патефонни айвонга олиб чиқиб айлантиргани-айлантирган эди...

Кунларнинг бирида буларнинг ҳаммаси остин-устун бўлиб кетди. Отаси отпусқа олиб, Одессадаги опасини кўргани кетган, Инесса ва Хилменд эрта-индин пионер лагерига жўнашлари керак эди. Улар тонг саҳарда қаттиқ шовқин ва портлаш товушидан уйғониб кетишди. Онаси худди бирор дахшатли нарсага сезгандек уларни тортқилаб ташқарига чопди. Осмондан беҳисоб самолётларнинг гуриллаган овози келар, ҳар томонда портлаш устига портлаш эшитилар эди. Самолётлар атайин қишлоқ устига келиб бомба ёғдирадди. Мана, ҳозир уларнинг уйига ҳам бомба тушадигандек туюлди.

Онаси ўқдай учиб, ичкари кириб кетди-ю, шу заҳоти шувиллаб келиб катта бир снаряд уйга тушди. Кучли портлаш болаларнинг қулоқларини битириб, ўзларини итқитиб юборди. Опа-ука дахшатдан қичқирганча кўчага қочишди. Ташқари таниш-нотаниш одамларга тўла эди. Уларнинг баъзилари уйдан у-бу нарсаларини олишга улгуришган, баъзилари улгурмаган. Ҳамма шоша-пиша шарқаб қараб бораркан, Хилменд уруш бошланганлигини, бундан буёнги қисматлари энгил бўлмаслигини ўйлар, синглиси билан олов ва ўлим чангалидан иложи борича нарироқ кетишга интилар эди.

Шаҳардан чиққанда опа-ука онаси ишлаган болалар уйи тарбияланувчиларини учратиб қолишди. Улар йўлга егулик озиқ-овқат ортилган арава ортидан икки саф бўлиб боришар, директор Лидия Алексеевна Охотникова, яна уч тарбиячи улар билан бирга эди. Тарбиячилар уларни танишлари билан опа-ука хўнграб йиғлаб юборишди. Лидия Алексеевна бўлган воқеани эшитиб уларни ўпиб, овутишга тушди: «Ташвишланманглар, биз сизларни ёлғиз қолдирмаймиз», деди. Кейин уларни болалар уйи тарбияланувчилари билан бирга олиб кетишди. Тушга яқин йўлни душман қўшинлари қирқиб қўйганлиги ҳақида шум хабар тарқади. Аммо негадир, бу хабарга хўпчилигини ишонгиси келмасди. Ҳамма олға бораверди. Ниҳоят, бир қишлоқда немисларга дуч келишган, хафсалалари пир бўлиб тўхтаб қолишди. Йўл ўртасида оёқларини кериб турган эсэсчилардан бири русча сўзларни бузди: «Ҳамма орқага қайтсин. Акс ҳолда отиб ташлаймиз», деди. Аравани кўздан кечиришди. Унинг ичига озиқ-овқатни кўриб, йўл чеккасига чиқариб қўйишди. Лидия Алексеевна немислар ёнига югургилаб борди-да, болалар шаҳардаги ягона болалар уйининг тарбияланувчилари эканлигини, уларнинг ота-онаси йўқлигини, арава ҳам болалар уйига қарашли эканлигини тушунтирди. «Ота-онасиз бўлишса жуда соз,— деди эсэсчи офицер.— Немис баронлари учун яхши малай бўлишди. Арава эса шу ерда қолади...»

Ноилж орқага қайтишди. 120 га яқин бола ярим кечада оч-наҳор Верхнедвинскка кириб келишди. Шаҳар кўчалари зим-зиё, сув қуйгандай жимжит эди. Ҳатто итлар ҳам ҳуримасди. Тунги бомбардимон ўз ишини қилган, атрофни куйинди ва тутун ҳиди тўтиб кетган эди.

Болалар уйи худди ўғри ургандай бўлиб қолибди. Ётоқхоналардаги кўрпа-ёстиқларни қаёққадир олиб кетишибди. Бунга кўриб тарбиячилар ҳовли эстагидаги омбор томонга югуришди. Ҳайрият, озиқ-овқатлар ўз ўрнида экан. Афтидан, немислар бу ерга яқинда келишган, омбор борлигига эътибор беришмаган кўринарди. Зудликда картошка, сабзиларни ерга кўмишди, ёғ, гўшт, ун том остига яширилди. Лидия Алексеевна болаларга бериладиган озиқ-овқат бугундан эътиборан кескин камайтиради, деб айтди.

Икки-уч кун ўтгач, шаҳарда немисларнинг тўла ҳукмронлиги бошланди-ю биринчи навбатда уйма-уй юриб, ҳамма ҳовлилардаги итларни отиб ташлашди. Кейин кўчаларга коммунистлар, яхудий миллатига мансуб кишилар шаҳар комендатурасига бориб рўйхатдан ўтиши зарурлиги ҳақида буйруқ ёпиштириб ташланди.

Болалар уйи тарбияланувчилари орасида яхудийлари анчагина бўлиб, фашистлар бу ерда ҳам текшириш ўтказишлари мумкин эди. Шунинг учун ҳам тарбиячилар ҳамма болаларнинг шахсий делоларини яширишди. Яхудий болаларга, биронта киши келиб миллатининг суриштирса украин ёки молдаванман, дегин деб тайинлашди. Аммо

бола бола-да! Лидия Алексеевна астойдил хавотирга туша бошлади. Болаларнинг кўчада сайр қилиши у ёқда турсин, ҳатто дарвозадан ташқарига мўралашини ҳам таъқиқлаб қўйди.

Орадан бир ҳафта, ўн кун, ҳатто бир ой ҳам ўтдики, кутилган мўъжиза рўй бермади. Қизил Армия қайтиб келадиганга, фашистларни шаҳардан қувиб чиқарадиганга ўхшамасди. Бунинг ўрнига армиямиз яна қанчадан-қанча шаҳарларни ташлаб чиққани ҳақида юракни увиштиручи хабарлар тарқаб борарди. Бу гапларга кишининг ишонгиси ҳам, ишонмагиси ҳам келарди. Болалар уйидаги озиқ-овқат запаси эса тугаб бораётганди.

Лидия Алексеевна табиатан болажонли, кўнгли бўш аёл эди. У ҳамма азоб-уқубатларга, хўрликларга чидаши мумкин эди-ку, лекин боланинг нон, нон беринглар, деб зорланиб йиғлашига чидай олмасди. Ҳозирча везият бу даражага бориб етмади, аммо шундай аҳвол юз берса нима бўлади? У шунга ўйлаб ваҳимага туша бошлади.

Раҳматли онаси ҳам шунақа эди. 1918 йилдаги қаҳатчилик пайтида Лида саккиз-тўққиз ёшлардаги қизалоқ эди, Волга бўйида яшашарди. Отаси денкинчиларга қарши урушга кетди. Рўзғор ташвиши онасининг елкасига тушди. Бозорда бир буханка ноннинг нархи катта момиқ рўмолнинг баҳосига тенглашди. Оила асосан балиқ еб кун кечирарди. Бир куни Лида Света деган дугонаси билан дарё бўйида ўйнаб, қорни очди. Дугонаси иккиси уйга келиб, онасидан егулик сўрашди. Шу куни уйда балиқ ҳам йўқ экан. Аммо она бунга билдирмади. «Бироз сабр қилинглар, пирожки пишириб бераман», деди. Қаҳатчан ҳам у кўп ўтмай столга иккита пирожки келтириб қўйди. Кейинроқ билса, онаси хамиртуруши сувда эзиб, шўрини чиқариб, супрадаги ун юқини қоқиб қўшиб, хамир тайёрлабди. Уйда озгина ер ёнгоқ мағзи бор экан. Уни ховончада туйибди. Эзилган мағзини товага суркаб, пирожки пиширибди.

Шундан бери чорак асрга яқин вақт ўтди. Лида ўқиб ўрта мактабни, Ленинград педагогика институтини битирди. Турмуш кўрди, иккита болали бўлди. Илгари Верхнедвинск шаҳар халқ маорифи бўлимида ишларди. Ўзи мана, беш йилдики, болалар уйига директорлик қиляпти. Эри шу ерлик, темир йўлда машинист бўлиб ишлайди. У уруш бошланишидан бир кун аввал ишга кетганди, домдарага йўқ. Ишқилиб, поезди фашистлар авиацияси хужумига дуч келмаган бўлсин...

Лидия эса душман ортида икки фарзанди, давлат ишониб топирган 120 бола билан нима қиларини билмай ўтирибди. Уларнинг кичиги етти-саккизда; каттаси ўн бешда. Буларни боқиб ўзи бўлмайди. Лидия Алексеевна ўйлаб-ўйлаб, ходимлар билан маслаҳатлашиб, охири шаҳар комендатурасига борди.

Командант майор Герберт Лунс уни илтифотсиз кутиб олиб: «Гапни қисқа қилинг, нима демоқчисиз?», деди. Лидия Алексеевна шаҳардаги болалар уйининг директори эканлигини, болалар очлигини, шу аҳвол давом этса, ҳаммаси қирилиб кетиши мумкинлигини айтди. Майор ўйлаб туриб, ҳозирча ҳеч нарса дея олмаслигини, эртага хабар олишини буюрди.

Лидия Алексеевна эртаси куни борганида комендант болалар учун шаҳардаги ҳарбий госпиталдан овқат қолдиқларини олишга рухсат берилганлигини, фақат бунинг эвазига госпиталдаги ярадорлар учун болалар қонидан олиб турилишини айтди. Лидия Алексеевнанинг юраги увишиб кетди. Лекин эътироз билдиришнинг ҳам иложи йўқ эди.

— Шартингизга розиман. Фақат ўн-ўн беш кун сабр қилсангиз. Очлик болаларнинг силласини қуриб қўйди.

Майор рози бўлгандай бош силкиди. Кейин Лидия Алексеевнага илонникидай совуқ кўзларини қадаб, деди:

— Болаларингиз орасида яхудий миллатига мансублари борми, ростини айтинг!

Лидия Алексеевна йўқ деса фош бўлиши мумкинлигини, бор деса болаларнинг умрига завола бўлишини ўйлаб, мужмал жавоб қилди:

— Биздагилар, кўпчилиги онаси кўчага ташлаб кетган болалар. Шу боисдан миллатини билмаймиз.

— У ҳолда ўзимиз текшириш ўтказамиз.

Лидия Алексеевна комендатурадан хомуш қайтди. Эртаси куни болалар уйига бир немис офицери, икки солдат ва таржимон кириб келиб болаларга ҳовлида саф тортишни буюришди. Кейин полициячилардан бири яхудийга ўхшайдиган болалардан ўн бештачасини ажратиб уч қадам олдинга чиқарди. Таржимон улар ёнига бориб, ҳар бирига русча «кукурузу» сўзини такрорлатди. Уша соткин яхудийлар бу сўзни руслардай талаффуз қилолмаслигини биларкан...

Саф олдида чиққанлар орасида Инесса ва Хилменд ҳам бор эди. Тасодифни қарангки, даҳшатли имтиҳондан Хилмен ўтди-ю, опаси ўтолмади... Кейин уни, опажониси Инессани яхудий деб топилган етти бола билан бирга ўрмонда отиб ташлашибди.

Немис фашистларининг госпитали шаҳар шифохонаси ўрнида ташкил этилганди. Болалар уйи ходимлари бу ерда ҳар куни икки марта боришар, қон топириб мидорлари қуриб қайтишар эди. Бунинг эвазига эса тарбиячилар кечкурун госпиталь ошхонасидан овқат қолдиқларини олиб келишарди. Немис врачлари бола танасида 2,5—3 килограмм қон бўлади, улардан ўн беш-йигирма кунда 100—120 грамм қон олиш соғлиқларига зиён етказмайди деб тасалли беришар эди. Лекин аслида эса кўпчилик болаларнинг тобора мадори қуриб, юришга ҳам ҳоли келмай қола бошлаган эди.

Қон олишдан ҳам боланинг вена томирини топиш азоб эди. Фельдшер биллака шприцини беш-олти марта лаб санчиб қон оларди.

Қишда госпиталга келтирилаётган ярадорлар яна ҳам кўпайиб кетди. Охири шундай бўлдики, ҳатто коридорларга ҳам ярадорлар жойлашиб, медицина ходимлари ҳовлига қурилган брезент палаткаларга кўчирилди. Ярадор фашистларнинг оҳ-воҳини бу ердан баралла эшитиш мумкин эди.

Госпиталь ходимлари бир дақиқа тиним билишмас, кун сайин қовоқларидан қор ёғиб, камгап, кўрс бўлиб боришаётганди. Бу, албатта, Қизил Армиянинг қаршилиги кучаяётганлиги, фашистлар қилмишларига яраша жазоларини ола бошлаганлиги белгиси эди. Болалар уйи ходимлари буни ҳис этганда ичдан суюнишарди. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор эди. Ярадорларнинг кўпайиши қонга бўлган эҳтиёжни ошириб, болаларни янада оғирроқ азобга солиши мумкин эди.

Шу зайлда болалар уйи шаҳарда 1942 йилнинг эзигача турди.

Бир куни Лидия Алексеевна кўчада бораётиб, урушгача шаҳар халқ маорифи бўлими жойлашган бино яқинидаги газета-журнал киоскисидан сотувчилик қилган қизни учратиб қолди. Лидия Алексеевна бу қизни яхши танирди-ю, қаерда туришини билмасди. Қиз у билан қуюқ саломлашди, атрофда ҳеч ким эътибор бермаётганлигига ишонч ҳосил қилгач, секин Лидия Алексеевнанинг қўлига буклоглиқ қоғоз тутқазди. Пичирлаб: «Ҳеч ким йўқ жойда ўкинг», деди-да, бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Лидия Алексеевна овлоқроқ жойга келгач, хатга кўз ташлади. Унда шундай дейилганди: «Лидия Алексеевна, шаҳарда иш кўраётган яширин группа болалар уйи тарбияланувчиларининг оғир аҳволи ҳақида партизан отрядига хабар берди. Агар бу ишга хайрихоҳ бўлсангиз, якшанба куни шаҳар бозори дарвозаси олдида ўтирадиган ямоқчи чолга пойафзал яматгани келинг».

Лидия Алексеевна болалар уйини поёнсиз денгизда адашган кемага ўхшатарди. Киоскчи қиз берган хатни ўқиганида наҳот чироғи порлаб кетгандай бўлди. Ҳа, улар ёлғиз эмас экан. Улар ҳақида бошқалар ҳам ўйлаётган, фақат ҳозирча иложини тополмай туришган экан. Аммо иложи топилармикан? Шаҳарда ҳар қадамда душман офицерларини учратиш мумкин, ҳар бурчакда айғоқчи кишига гумонсираб разм солади. Иложи топилса қанийди-я! Лидия Алексеевна ҳаётини ҳам қурбон қилишга тайёр эди. Фақат болалар қонхўрлар чангалидан қутулса бўт.

Якшанба куни у тумшуги кўчган туфлини кўтариб, бозордаги ямоқчининг олдида борди. Эртаси куни кечкурун Лидия Алексеевнанинг уйига киоскчи қизнинг ўзи келди.

Шу йўсинда партизанлар билан алоқа боғланди. Тез вақтда болаларни қутқариш режаси ишлаб чиқилди.

Партизанлар отряди сафида жанг қилаётганлар орасида Верхнедвинск ва унинг атрофидаги қишлоқларда яшаганлари кўп эди. Улар душман зуғумидан қочиб, халқ қоскорлари сафига қўшилган, ҳар бирининг қалбида фашистларга нисбатан нафрат туғён урган кишилар эди. Партизанлар тузган режага мувофиқ мана шу кишиларнинг кексароқ, партизанлик қилишига немисларнинг ишонгиси келмайдиганларидан ўн беш нафари «дарбадарлик»ни ташлаб, жонажон қишлоқлари Кунцево ва Воробьевкага келиб яшай бошлашди. Бу қишлоқ шаҳардан олис, ўрмонга яқин, полиция маҳкамалари эса бу ерда унча кучли эмасди.

Орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтди. Қишлоқ полициячилари ва оқсоқоллари собиқ «дарбадар»ларга ортиқча эътибор бермай қўйишди. Шунда улар партизанлар штабидан берилган буйруқ билан операциянинг биринчи босқичини амалга оширишга киришдилар: болаларни битта-икки-талаб яширинча қишлоққа олиб кела бошлашди. Бу иш учун уч кун муҳлат берилганди. Тарбиячилар болаларни оқшом қоронғусида ўз уйларига, яқин танишларининг уйларига олиб бориб, қишлоқча кийинтириб туришди. Партизанлар уларни шу ердан олиб кета бошладилар, чунки битта-икки-талаб бола билан шаҳардан қайтаётган деҳқон камдан-кам одамни шубҳалантирарди. Фақат қишлоққа етганда таниш кишилар учрамаса бўлгани.

Учинчи куни тунда — ҳамма болалар ва тарбиячилар шаҳарни батамом тарк этган пайтдагина Кунцево ва Воробьевка қишлоқлари атрофидаги соқчи постлари ва полиция маҳкамаларига партизанлар ҳужум қилишди. Ҳар бири 7—8 тадан болани яшириб, тиқ эса қулоғи динг бўлиб турган партизанлар отишма тўхташи билан болаларни олиб, ўрмон ичига кириб кетишди. Шаҳардан душманнинг ёрдамчи кучлари етиб келганида ҳамма болалар ва партизанлар ўрмондаги биринчи заствага етиб олишганди.

Эрталаб болалар поёнсиз ўрмон ичкарисидан жойлашган партизанлар «посёлкаси» билан танишдилар. У чайла ва ертўлалардан иборат эди. Уттиз-қирқ кишилик ертўланинг ўртаси йўлак бўлиб, икки тарафига тахта каравотлар қурилган, айрим каравотларга тиззадан қуруқ пичан тўшалган.

Учинчи куни болаларнинг ўн тўрт-ўн беш ёшларидан ўн нафардан ортиги отрядда қолиб, алоқачи бўлиб хизмат қилишлари, қолганлар Катта ерга жўнатилиши маълум бўлди. Тун ярмида кетадиганларни лагердан олис бўлмаган жойдаги аэродромга олиб боришди.

Москвага етиб келгач, кўпчилик болалар шифохонага ётқизилди. Кузда эса уларнинг бир қисми Олмаотага, қолганлари Тошкентга, болалар уйларига жўнатилды.

Хилменд у пайтларни яхши эслайди:

Тошкентга етиб келишганда болалар тушган вагонга оқ халат кийган, истараси иссиқ рус аёл чиқди: «Болалар, вагондан тартиб билан тушинглар, вокзалдаги ошхонада сизлар учун ширгуруч тайёрлаб қўйибмиз», деди. Бу сўзлар болаларга худди ўз онасининг меҳрибончилигини эслатарди. Кимларнингдир кўзиде ёш қалқиб кўринди. Хилменд ва унинг ўртоқлари Сағбондаги 22-болалар уйига жойлашдилар.

\* \* \*

...Тошкентдаги Комсомол 22-болалар уйи билан биринчи марта 1977 йилда танишгандим. Ушанда мен директор А. П. Хлебушкина билан илк бор учрашган ва суҳбатлашган эдим. Ана шунда бу болалар уйи тарбияланувчилари уруш йиллари, то 1946 йилга қадар, комсомоллар тўплаган маблағ билан яшаганликларини, бу ишнинг ташаббускори сталинградлик ҳарбий қурувчи ёшлар бўлганлигини билиб олгандим. Болалар уйи бутун уруш давомида СССР Халқ Комиссарлар Совети қошидаги «Главвоенпромстрой» Бош бошқармаси ва Тошкент шаҳри комсомол-ёшлари оталиғида бўлган. Лекин сталинградлик ёшлар бу ташаббусни қачон бошлаган, уларнинг бундай қилишларига нималар туртки берган? Икки юзга яқин тарбияланувчиси бўлган болалар уйини тўрт йил сақлашга етадиган маблағ қандай

тўпланган? Сталинградлик ёшлар ташаббусини кимлар қўлаб-қувватлаган? Бу саволга ҳеч ким аниқ жавоб беролмасди.

22-болалар уйда фронтдан келган хатлар сақланадиган альбом бор. Шу альбомдаги бир мактуб бизга архив материалларини ўрганиб, масалани оидинлаштиришимизга ёрдам берди. Уни 1943 йилга қадар Урта Осиё қурилиш ишлари бошқармаси сиёсий бўлими бошлигининг комсомол ишлари бўйича ёрдамчиси бўлиб ишлаб, сўнг фронтга кетган М. Бихлейзер ёзган. Мана ўша мактуб:

«Салом, қадрли дўстлар Антонина Павловна ва Ольга Григорьевна! 16 майда Сталинградга келдим ва шу кунгача 307-участкада бўлиб, 22-болалар уйини ташкил этиш ва унга мабала йиғишнинг ташаббускори бўлган комсомол ёшлар билан учрашдим. Бугун округ газетасига болалар уйи ҳақида мақола ёздим. Сталинградликлар олдида доклад қилдим. Ҳамма, айниқса комсомол-ёшлар ўз оталиғидаги болаларнинг аҳоли, улар яхши яшаётганликлари ҳақидаги сўзларини қизиқиш билан тинглашди.

Сталинградда кўрганларимни тасвирлаш қийин. Шу шаҳарда туғилиб ўсган Оля уни кўриб таний олмади. Мен сиёсий бўлимда ишляпман, сизлар билан алоқа қилиб тураман. Кўришгунча хайр. Бутун коллективга, болаларга салом айтинг.

Қўлларингизни қисиб, М. Я. Бихлейзер,  
1943 йил 18 май. Сталинград шаҳри».

Сталинградлик ҳарбий қурувчи ёшларнинг ташаббуси қурилиш бошқармаси томонидан маъқулланган эди. Шу масала бўйича қабул қилинган қарорда бу ташаббусни Бош бошқарма қурилиш ташкилотлари ва санатор корхоналари коллективлари ўртасида кенг ёйиш кўрсатиб ўтилди. Тошкентда 150 ўринга мўлжалланган Комсомол болалар уйи очилди.

\* \* \*

Тошкент метрополитенининг Ҳамид Олимжон бекати яқинидаги кўп қаватли уйлاردан бирида ёши саксондан ошган, аммо қарашлари ҳамон тийрак, ўзи анча тетик кампир яшайди. У 1918 йилдан партия аъзоси, Урта Осиёда босмачиларга қарши кураш иштирокчиси Елена Георгиевна Самойленкодир. Елена Георгиевна ўзини ўзбек халқининг қизи деб ҳисоблайди. У республикамиздаги биринчи «женотдел» бошлиқларидан. Йигирманчи йилларнинг охирида ўзбек аёллари орасидан чиққан, дугоналарини қора чимматни ёндириб, янги ҳаёт учун курашга даъват этган Жаҳон Обидова, Тожихон Шодиева, Нуржон Абдусаломова, Саодат Шамсиеваларнинг номлари сингари, унинг номи ҳам республика газеталари саҳифаларидан тушмас эди.

Улуғ Ватан уруши бошланиб, ота-онасиз қолган минглаб болалар Ўзбекистонга эвакуация қилина бошлаганда шахсан Усмон Юсуповнинг таклифи билан Елена Георгиевна Самойленко республика маориф халқ комиссарлиги болалар уйлари бошқармасига бошлиқ этиб тайинланди.

Уруш йиллари Пушкин кўчасидаги 17-уйнинг орқа ҳовлисидаги тўрт хонали бинода кечаси-ю кундузи ҳаёт қайнарди. Елена Георгиевна Самойленко бошлиқ ўн чоғли аёл уруш болаларини жойлаштириш, уларни боқиш ва тарбиялаш масалалари билан шуғулланардилар. Урушнинг дастлабки йиллари Ўзбекистон юз мингдан ортиқ болани қабул қилиб олди. Уларнинг ҳаммаси бошпана, озиқ-овқат, уст-бош билан таъминланди. Энг муҳими эса меҳрга зор болалар меҳрибон кишиларнинг қўлига тушдилар.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг ходими Тоня Хлебущкинанинг ҳаёти эса урушга қадар миллионлаб совет кишилариники сингари осуда давом этаётган эди. У оила қурди, ўғил қурди. Кўп ўтмай Куйбишев яқинидаги қишлоқдан онаси кўчиб келди.

Уруш бошланиши арафасида Тоняни Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети оталиғидаги болалар туристик базасига бошлиқ қилиб тайинлашганди. Лекин 1941 йилнинг охиридан А. Хлебущкина Ўзбекистон комсомоли йўлланмаси билан республика халқ маориф комиссарлигининг болалар уйлари бошқармасида ишлаб бошлади. У устози ва бир умрлик қадрдони Елена Георгиевна Самойленко билан шу ерда танишди.

— Вагонларда ота-онасидан айрилган, мажолсиз, қаримсиқ болаларни кетма-кет олиб келишарди,— деб эслайди ўша кунларни Антонина Павловна.— Уларга қарашнинг ўзи бир даҳшат эди. Болалар овқат ейиш мумкинлигини билганларидан сўнггина бир амаллаб ўринларидан туришарди. Биз уларни чўмилтириб, юзиб-тараб, қоринларини тўйгазардик.

Кунлардан бирида Елена Георгиевна Тоняга 22-болалар уйига мудир бўлишни таклиф этди.

— Юз эллик болани бошқаришга қурбим етармикан, ҳали ёшман-ку? — иккиланди ёш жувон.

— Ақл ёшида эмас, бошда,— деди Елена Георгиевна гапни чўрт кесиб.— Ҳечқиси йўқ, Комсомол номидаги болалар уйининг комсомол директори бўласан, Аркадий Гайдар 16 ёшида полкка командирлик қилган. Сен йигирмадан ошган, турмуш кўрган жувонсан-ку!

Эртаси кун А. Хлебущкина Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Раҳимов қабулида бўлди. Яна бир кундан кейин эса 22-болалар уйига бориб, ишни қабул қилиб олди.

Ёш мудир аввалига хўп қийналди. Болалар уйида қўли эгри ходимлар учраб турарди. Болалар ўртасида эса қимморбозлик авжига чиққан... Ҳали кўп иш қилиш лозим эди. Қимморбозларнинг бир қисми, катта ёшдагилари Марғилонга, ипак комбинатига жўнатилди. Комбинатнинг метиндек мустақам коллективи уларни тарбиялаб олишларига ишонч билдирилди.

Кунлардан бирида болалар боқчасига телеграмма келди. Унда сталинградлик 20 бола Тошкентга жўнатилганлиги хабар қилинган эди. Яна болалар... 160 болага мўлжалланган уйда 200 нафар бола тарбияланмоқда эди.

Антонина Павловна кеча вокзалда бўлганида эвакуация пунктида янги келган бир гуруҳ болаларни қабул қилишгаётган экан. Улардан бирини гапга солди. Ун икки-ўн уч ёшлардаги кўзлари мовий, малла соч боланинг узук-юлук ҳикояси кишининг танасини жунжиқтириб юборарди.

— Ойим билан эшелонда Днепрпетровскка келдик,— деди у.— Тунда фашист поездинизни бомбардимон қилди. Ҳамма ҳар томонга қочди, мен ойижонимни йўқотиб қўйдим... Шаҳарга онамни қидиргани бордим. У ерда бир хотин мени уйига олиб кетди. Кечаси унинг уйида ётиб, кундузи онамни қидира бошладим. Бир кунги шаҳарга немислар кириб келишди. Бир томонда завод ёнмоқда, атрофда немислар қўлларида автомат билан югургилаб юришибди. Биттаси йўлакда сайр этиб юрарди. Унинг офицерлигини ҳам, солдатлигини ҳам билмадим.

У бир болага тикилиб қаради-да, русчалаб сўради:

— Сен Сталинни яхши кўрасанми?

Ботинка кийган, устида курткеси бор, чиройли бола экан у:

— Яхши кўраман,— деди.

Немис наганини суғуриб, у қўлидан бу қўлига олиб деди:

— Эҳтимол, яхши кўрмасан?

Бола яна:

— Йўқ, яхши кўраман,— деди.

Жуда чиройли бола эди. Немис уни отиб ташлади, мен эса қочиб кетдим...

Поездда келаётган болаларнинг деярли ҳар бири мана шундай фожиаларнинг гувоҳи эди. Уларнинг ҳаммаси руҳан сўниқ, атрофга ҳадиксираб қарашар, «бу ерда немислар йўқми, бомбардимон қилишмайди?» — деб сўрашарди. Болалар уйига аста-секин жон кира бошлади. Оталиқ ташкилот вакиллари келганида болалар уйида байрам бўлиб кетарди.

Ҳали урушнинг охири кўринмасди. Бозорда бир буханка ноннинг нархи 200 сўмга чиқди. Бундай шароитда комсомоллар тўплаган маблағгагина қараб ўтириш тўғри бўлмасди. Шунинг учун ҳам болалар уйи коллективи дастлабки кунлариданоқ юксак тежамкорлик билан рўзғор юриштига, маҳаллий имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилди. Болалар уйида ўн уч ёшли полк ўғли Виктор Глебский бошлиқ болалар Совети ишлаб бошлади. Виктор Глебский Ленинград яқинидаги бир қишлоқда туғилиб ўсганди. Фашистлар унинг ота-онасини отиб ташлашди, бола ўрмонга қочди. У йўлидан адашиб қолган бир гуруҳ қизил аскарларга дуч келди. Уларга фронт чизигидан ўтиб олиш-

ларига ёрдам берди. Бу хизмати эвазига «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланди. Полк командири Глебский Викторни ўйиб қилиб, ўз фамилиясига ўтказди. У Тошкентга ҳарбий академияга ўқишга келаётганда ўғлини ўзи билан олиб келиб, 22-болалар уйига жойлаганди.

Яхши кунлар ҳам өтиб келди. Болалар томорқа участкасида деҳқончилик қила бошладилар. Ёзда, экинлар пишгач, болалар уйдаги турмуш анча яхшиланди. Ёрдамчи хўжалик кичкинтойларни меҳнатга ўргатишда ҳам муҳим аҳамият касб этганди.

«...Ленинградликлар — жигаргўшаларим менинг» фильмини кўргандирсиз. У мамлакатимиз экранларига чиққанига бир йилдан ортиб қолди. Фильмнинг бош қаҳрамони Хадича образининг прототиплари жонкуяр тарбиячилар Антонина Павловна ва Саодат Набиевалардир. Фильмнинг асосий кадрлари 22-болалар уйининг Сағбондеги эски биносида суратга олинган. Сценарий автори ва постановкачи Дамир Салимовдан бу фильмни яратишга сизни нима илҳомлантирди, деб сўрадик. У шундай жавоб берди: «Москвадаги кинематография институтида ўқиб юрганимда Ленинградда — «Ленфильм»да практикада бўлганим. Ушанда уруш йиллари Ўзбекистондаги болалар уйларида яшаган собиқ тарбияланувчиларнинг кўпи билан учрашдим. Уларнинг ҳаммаси ўша оғир йилларда Ўзбекистон бир меҳрибон она каби уларнинг бошини силаганлигини, қуёшли ўлка кишиларининг муҳаббатини улар бир умр юракларига сақлаб қолганини айтдилар».

22-болалар уйининг собиқ тарбияланувчилари учун Антонина Павловна қандай азиз бўлса, Саодат Набиева, ёки уларнинг «София опа»лари ҳам шунчалик азиздир.

Ёши олтишлардан ошиб қолган бу аёл болалар уйида қирқ йилдан бери ишляпти. Ҳозир ўзлари дада ва ҳаттоки бобо бўлиб қолган собиқ тарбияланувчилардан кўпларининг томирида унинг қони жўш урмоқда.

«Ушанда Саодат ёшгина жувон эди. Куёви Абдумутал Мажидов фронтда жанг қилар, ёш жувон қўлидаги кичкина ўғилчаси Абдуазим билан қолганди. Кўп ўтмай эрининг қурбон бўлганлиги ҳақида қора хат келди. Нима қилсин, бошини қаерга урсин?»

— Сен болалар уйига ишга кир, — маслаҳат беришди таниш-билишлар, — овунасан, кўнлинг бироз таскин топади.

Ушанда қаттиқ қиш эди. Саодат иш бошлаган биринчи кунлардан оқ ота-онасиз қолган болалар тимсолида урушнинг бутун даҳшатини ўз кўзи билан кўргандай бўлди. Оч-юпун норасидалар... Кўзлари киртайиб, қуруқ суяги қолган, «Ҳали Гитлери мана шу болаларнинг уволи кўр қилади!» — ҳаёлидан ўтказди ёш жувон.

Болалар уйининг медицина ҳамшираси кунлардан бириди безиллаб қолди.

— Витя билан Толикнинг аҳволи оғирлашиб кетяпти...

— Қанақа дори керак экан? — сўради Антонина Павловна.

— Дори эмас, қон керак, қон!

Саодат бир зум ҳаёлга толди.

— Менинг қоним тўғри келмасмикан?

Ҳамширанинг кўзларида қувонч учқунлари чақнади.

— Бўлаверади, айланай, қандай бўлса ҳам бўлаверади.

Шу-шу ёш жувон болалар учун қон берадиган бўлиб қолди. «Ахир шуларнинг ота-оналари юртимиз учун курашиб, жон берганлар-ку!» деган ўй тасалли бағишларди унга.

Болалар, оҳ болажонлар! Эвакуация пунктидан олиб келингандан сўнг ювилгач, таралгач, нақадар ширин, нақадар ёқимтой бўлиб кетарди улар? Тиллари ҳам бийрон-бийрон...

— София опа, — сўрашарди улар нариги уйдаги сандални кўриб, — нима бу?

— Сандал, яъни печка.

— Ўзбекнинг печкаси шу бўладими?

— Ҳа, болам, шу...

— Жуда иссиқ экан. Чиқмай ётаверсанг...

Ёш тарбиячи жилмайиб қўйди.

— София опа, София опа?

— Хўш?

— Бугун кечаси самолётлар бомбардимон қилмайдими? Аёлининг кўзларида ёш кўринади.

— Йўқ, ўғлим, кўрқма, бу ерга самолётлар ҳеч қачон бомба ташламайди, Бемалол ўқлайвер.

Замона жуда оғир эди. Ҳар куни Саодат ва Антонина Павловна озик-овқатнинг ҳисоб-китобини қилишар, тежамкорликка кўпроқ эътибор беришарди. Икки юзга яқин болани уддалаш осон ишми?

— Уша пайтда, — деб хотирлайди Сталин район комсомол комитетининг собиқ секретари Қамара Маҳкамова, — фронт ортидаги ташвишнинг асосий қисми хотин-қизларимиз бошига тушган эди. Суткалик ҳаётимиз яхлит икки қисмдан: меҳнатдан ва уйқудангина иборат эди. Уйку фақат меҳнат қобилиятини тиклаш учунгина зарур эди, холос... Госпиталларда, болалар уйларида асосий куч фақатгина хотин-қизлардан иборат эди.

Саодат Набиева ўша жонкуярлардан бири эди. Кечасию-кундузи болалар уйида овора бўлгани етмагандай, у Виктор исмли болани уйига олиб кетди. «Ўғлим Абдуазим билан бирга катта бўлсин» деб яхши ният қилди.

— Болалар уйидаги ҳаёт аста-секин изга тушабошлади, — эслайди Саодат опа. — Кўпчилиكنинг кучи билан уйимиз оқланди, ремонт қилинди. Илгари болаларнинг бир қисми полда ётарди. Улар учун кроватлар олиб келинди. Кутубхона ташкил этдик. Уй стол-стул, шахмат-шашка, патефонлар билан таъминланди. Одамларга раҳмат, одамларга. Мунтазам равишда ҳолимиздан хабар олиб туришди улар.

Яхшилик унутилмайди. Саодат опа ўша пайтда болалар уйига жонкуярлик қилганларнинг номларини ҳурмат билан эслайди. Мана улардан фақат бир нечаси: Октябрь райони ижроия комитетининг раиси Абдуллажон Аҳмедов, район фахрли мўсафидлари раиси Ҳасан ота Исмоилов ва бошқалар.

Кунлар бирин-кетин ўтар, урушнинг охири кўринмасди; Саодат турмуш ўртоғини кўп кутди. «Қора хат»га ишонмади. Ахир қора хат ҳам ёлгон хабар олиб келган вақтлар кўп бўлган-ку! Балки тирикдир, балки келиб қолар умр йўлдоши.

У бошқа турмуш қурмади. Ўғли Абдуазимни эрдан қолган ёлғиз ёдгорлик дея тарбиялади.

«...Болалар уйидаги юзлаб, минглаб оддий, бир зайлдаги, лекин шунинг билан бирга ташвишли тунлардан бири эди. Саодат ўша кунни тунги навбатчиликка келди. Унга сменани топшираётган тарбиячи ҳаммаёқ тинч эканлиги, беморлар йўқлигини айтди.

Эртаклардаги каби осуда, ойдин кеча эди. Чор атроф уйкуга чўмган. Фақат энгил шабада дарахтларнинг япроқларини аста шивирлатиб ўйнайди. Қўшни ҳовли томондан ариқдаги сувнинг чулдираши қулоққа чалинади.

Саодат бирма-бир хоналарга кириб чиқди. Мана, ўқлаб ётибди улар. Бирининг юзи тушида ҳам жиддий, бири эса секингина жилмайяпти. Е тушида йўқотган ойисини, ҳалок бўлган дадасини, фашистлар отган, осган ака-опаларини кўрдимикан? Ким билсин?

Тарбиячи иккинчи қаватдан зиналар бўйлаб аста-секин пастга тушди. Тўли ой юзини қора булутлар тўса бошлаган, ҳавода ёлғирнинг ҳиди кезарди.

Аввал ҳаво бир-икки томчилади.

Кейин бош устида кимдир гугурт чаққандай бўлди! Чақмоқ! Зум ўтмай яна такрорланди. Бирдан чақмоқ эрни шундай кучли ёритиб юбордики худди кундузгидай бўлиб кетди. «Ҳозир момақалдироқ гумбирлайди» таҳмин қилди. Саодат. Чақмоқни таҳмин қилдию, аммо унинг оқибатини кўз олдига келтирмаган экан...

«Қарс! Қарс!» Гўё осмон икки бўлиниб, ярми ерга узилиб тушгандай бўлди. Еру-кўк титраб кетди. «Қаергадир яшин тушди», ҳаёлидан ўтказди тарбиячи. Ана шундан кейин бошланди чақмоқ, карс-курс. Роса бошланди...

Энг аввал яқинда олиб келинган болалардан кичкина Витя кўзини очди. Қараса, осмон юзи ёришиб кетган. Нимадир устма-уст гумбирляпти. Бола яқиндагина Россия шаҳарларидан бирида ўз бошидан кечирганларини, тунги бомбардимон, еру-кўкнинг ларзага келиши, дод-фарёдни эслади. Наҳотки яна бошланган бўлса? Наҳотки...

— Ойи! — дея жони борича қичқириб юборди бола. Кейин Владик уйғонди, сўнгра Толик, Серёжа...

Уларнинг ҳаммалари бир йил-ярим йил аввал ҳақиқий

уруш манзараларини ўз кўзлари билан кўргандилар. Болаларнинг кўз ўнгиде даҳшатли бомбалар портлаган, ерухўк ларзага келган эди. Мана шу нарсаларнинг ҳаммаси ўша чақмоқли, момақалдиқли тунда уларнинг хотирасида яна бир бор жонланди чамаси. Улар тўйлар сурони, снаряд айхоҳаннослари бегона бўлган, тинч, осуда Тошкентда, беғубор осмон остиде ётганликларини унутган эдилар шу дам.

— Ойи!

— Ойижон!

— Вой кўрқялман!

Бирдан тапир-тупир бошланди. Икки юз нафарга яқин болалар чекка-чеккалардаги хоналардан, болаҳоналардан тапирлаб тушиб кела бошладилар. Ҳаммаси ички кийимде, ҳаммасининг ёш гўла кўзларида даҳшат қотиб қолган. Дам бадам чарақлаётган чақмоқ бу даҳшатни янаде бўрттириб кўрсатарди.

Саодат аввалига гонгиб қолди. Нима қилсин!

— Тинчлан, Вова, Шурик, кўрқма! Бу момақалдиқроқ, чақмоқ! Кўрқма, жонгинам, кўрқманлар!

У болаларни бирма-бир бағрига босар, кимнидир юпатар, кимнидир сочини силар, бошқаларнинг юзидеги ёшини артарди. Ўзининг ҳам сочлари тўзиб, бир аҳвол бўлиб қолгани билан иши йўқ эди унинг.

Қий-чув бир неча ўн минут давом этди. Болалар ниҳоят ўзларига келдилар. Момақалдиқроқ тинса-да, болалар илиқ баҳор ёмғири остиде туравердилар...

Орадан ярим соатлар ўтиб, болалар яна жой-жойига кириб ухлай бошлаганда кўзда бир парча ҳам булут қолмаганди. Осмонда тўлин ой ҳоқими танҳо сузиб юрарди. Гўё ҳозиргина даҳшатли қий-чув юз бермагандай...

Бу — ўша оғир йиллардан бир тафсилот, холос. Саодат опа бошидан кечирган ўнлаб, юзлаб кунларнинг бири...

Она қалби ҳаминша фарзандига интилади. Фарзанд бешта бўлса ҳам она учун оз, ўнта бўлса ҳам. Саодат опа, ўғли Абдуазимга, ҳали айтганимиздек, аввало болалар уйдан Виктор исмли болани олиб, ўртоқ қилиб берганди. Уруш тугаши олдидан эса Нелли исмли қизни уйига олиб келди.

Ҳозир, орадан бир неча ўн йиллар ўтгач, Саодат опа бувилик гаштини сураттир. Угли Абдуазим Тошкент текстиль комбинатиде смена мастери бўлиб ишлайди. Болачақали, бахтиёр ҳаёт кечирмоқда. Виктор эса инженер-қурувчи. Қизи Нелли «Таштекстильмаш» заводиде ишлайди. Ҳар байрам куни уларнинг барчаси Саодат опанинг мўъжазгина хонасига, «ўз уйларинга тўпланадилар...

\* \* \*

...1978 йилнинг ёзиде Тошкентда мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ спартакиадаси ўтаётганда 22-болалар уйи дарвозаси ёнига оқ «Волга» келиб тўхтади. Ундан Тошкент шаҳар Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари Турғун Эргашев тушиб келди-де, ҳамма болалар билан саломлашган, Антонина Павловна ва Саодат Набиевадан дарҳол оланишни илтимос қилди. Уларни ленинградлик меҳмонлар кутаётган экан.

Аёлларни енгил машинада Туркистон ҳарбий округи музейи ёнидаги майдонга, спартакиада қатнашчиларининг дўстликка бағишланган тантанали линейкасига олиб боришди. Бу ерда тантаналар авжида эди. РСФСР маориф министрининг ўринбосари Л. Ф. Белясная ҳам шу ерда экан. У қалби қуёш ўзбек халқига ленинградликлардан қизгин саломлар айтди. Сўзининг сўнгиде ўша оғир йилларда ленинградлик болаларни оқ ювиб, оқ тараган Антонина Хлебушкина ва Саодат Набиевага Нева бўйидаги шаҳар аёллар ўжорган совға — иккита оқ тивит рўмонни ўратиб қўйди...

...Ҳозир икки миллион аҳоли яшайдиган Тошкентда атиги тўрттагина унча катта бўлмаган болалар уйи бор. Улардан бири Антонина Павловна мудирлик қилаётган ўша 22-болалар уйидир.

«Шу кунларда болалар уйига эҳтиёж борми?» деган савол тугилади. Ҳа, афсуски, бор. Бу ерга ота-онасидан етим қолган ёки ота-онасининг ўзлари тарбияга муҳтож

бўлган болалар олиб келинади. Баъзан мана бунақалари ҳам учраб туради.

Яқинда бир аёл 22-болалар уйи дарвозасидан беш яшар дўмбоққина ўғил болани ичкарига киргизиб юборди-да, ўзи кўз очиб юмгунча ғойиб бўлди. Ҳовлида юрган тарбиячилардан бири болани етаклаб, директорнинг олдида олиб кирди. Боланинг бўйинига кичкина халтача илиғлик эди. Халтачадан боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси, онанинг ўзини оқлаб ёзган қисқача мактубини топишди. У ёлғизлиги, тирикчилик ташвишлари билан овора бўлиб, бола тарбиясига вақти қолмаётганлигини ёзганди.

Аёл сергелилик экан. Антонина Павловна икки-уч кун уни излади, лекин тополмади. Қўшилари билан суҳбатлашган эди, улар аёл ҳақида ёмон фикр айтишди, маънавий нопокликда айблашди.

Албатта, бундайларга бола тарбиясини ишониб топшириш нотўғри бўлур эди. Кичкинтойни болалар уйида қолдиришга қарор қилишди.

— Ҳозир бизга келаётган болаларнинг кўпчилиги уруш йилларидаги тенгқурларидан ҳам бахтсизроқдир, — дейди Антонина Павловна, — улар аксарият ота-онаси маънавий юз тубан кетганлиги оқибатиде бу ерга келиб қолишади. Аммо Ватанимизнинг, одамларимизнинг бағри кенг. Бола сенга керак эмас эканми, давлатга керак, бизга керак, — деймиз.

Ҳозир 22-болалар уйида 160 бола тарбияланмоқда. Уларга 7 тарбиячи бош-қош. Улар болаларга ҳам ота, ҳам она. Еттовидан уч киши: Бахтиёр Тожиёв, Татьяна Пустовалова, Николай Седов шу ерда тарбия топишган. Бу ер улар учун муқаддас даргоҳ. Тарбиячилар эски, яхши аъналарни ёш авлодга сингдириш, уларни Ватанинг муносиб ўғил ва қизлари қилиб тарбиялашни ўзларининг бош вазифалари деб биладилар.

Яхшиликнинг умри боқий дейишади. Мана бир мисол:

...1950 йил эди. Бир кун Антонина Павловна Бешёғочдаги 20-болалар уйига қандайдир иш билан борди. Директор хонаси эшигини очганида, ҳамкасби қора кўз, жингалак сочли чиройли бир болани койиб турганининг устидан чикди. Бола чиқиб кетгач, Антонина Павловна ҳамкасбидан нима гаплигини суриштирди. Маълум бўлишича, бола ҳамма фанлардан аъло баҳога ўқирган экану лекин музыкага унча хуши йўқ эмиш. Мазкур болалар уйидаги таълим-тарбия эса болаларни музыка санъатига тайёрлашга йўналтирилганди.

Антонина Павловна ҳамкасбига эътироз билдирди. «Бола кўпчилик фанлардан яхши ўқиб, бир-икки фандан дурст бўлмаса, коймаслик керак», деди.

— Ҳўш, менинг ўрнимда бўлганингизда сиз нима қилардингиз?

— Мен уни коймаган бўлардим. Уни музыка асосий предмет ҳисобланмайдиган бошқа болалар уйига ўтказиб, қолган фанлар билан янаде яхшироқ шуғулланиши учун шароит яратиб берардим.

— Майли, ундай бўлса, шу болани сиз олиб кетақоллинг.

— Жудаям яхши.

Шундай қилиб, тарбияланувчи Пўлат Нуъмоновни 22-болалар уйига ўтказишмоқчи бўлишди. Пўлатни чақириб сўрашганди: «Майли, ўтаман, фақат ўртоғим Миша Ким ҳам ўтсин», — деб жавоб қилди. Миша ҳам музыкага унча қизиқавермасди. Икки ўртоқ шу тарзда 22-болалар уйи тарбияланувчилари сафига қўшилишди. Ўқишлари илгаригидан яхши бўлиб кетди. Бири 1955 йили, иккинчиси эса ундан бир йил кейин ўрта мактабни олтин медал билан тамомлаб, Москва қурилиш инженерлари институтига ўқишга кирдилар. Антонина Павловна беш йил давомида уларнинг аҳолидан хабар олди. Керак бўлганда ойлик маошининг бир қисмини жўнатиб турди уларга.

Пўлат Нуъмонов болалар уйидаги альбомга олтишинчи йилларда қуйидагиларни ёзганди: Мени Москвадаги дўстим Миша Ким ўқитган Куйбишев номли қурувчи инженерлар институтига юборишди. Пойтахтда биз билан тарбияланган бошқа болалар — Еся Кононов, Лена Пеймшлаг, Люда Грибовская, Эмма ва Нина Филиппова, Лю-

да Пушкаревалар ҳам ўқишарди. Болалар уйи бизни унутмасди. Посилкалар: иссиқ пальто, қулоқчин, қўлқоп, ме-валар юборишарди. Биз ёш болалардай севинардик.

Мен институтни муваффақиятли тамомладим, ҳозир «Союзбекгазпром» трестида бошқарувчи бўлиб ишляпман. Менинг турмуш ўртоғим ҳам қурувчи-инженер. Иккита боламиз бор. Биз болалар уйида тез-тез бўлиб тураемиз. Бу ерда бизга ҳамма нарса қадрдон ва азиз. Шу боисдан ҳам бу ер бизни оҳанрабодай ўзига чорлайди.

Пўлат студентлик пайтидаёқ ўз олдига муқаддас бир ахдни қўйганди. «Мустақил ишлай бошласам, биринчи маошимни Антонина Павловнага олиб бориб бераман, нимани ёқтирсангиз, сотиб олинг, мана шу пул сизга, онажон, деб айтман». Ниҳоят, орузи ушаладиган кун ҳам етиб келди. Биринчи маошини олган кун ишхонадан барвақт чиқди-да, онажони ёнига ошиқди. Антонина Павловна хонасида бир ўзи ўтирарди. Пўлат пулни тўғридан тўғри берса, онаси олмаслигини биларди. Шунинг учун ҳам гапни анча узоқдан бошлади, анча йиллардан бери қалбида ётган орузини изҳор этди. Антонина Павловнанинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Кейин деразага қараб, бироз хаёл суриб турди-да, ўғлига юзланди:

— Шу пул энди меникими, болам, буни сидқидилдан ҳадя қиляпсанми?

Пўлатнинг томоғига бир нарса тиқилгандай бўлди.

— Албатта-да, албатта, онажон!

— Ундай бўлса,— деди Антонина Павловна пўлат сандиқнинг эшигини очаркан,— бу пул мана бу ерда туради. Мен уни сенинг тўйингга ишлатаман. Ахир, ўзбекнинг тўйи арзонга тушмайди-ку!

1965 йил 2 январда болалар уйининг собиқ тарбиячиси Пўлат Нуъмонов билан Клара Отажонованинг никоҳ тўйлари бўлиб ўтди. Тўй болалар уйида бўлди. Тантана айни қизиган чоғи Чилонзор район партия комитетининг ўша пайтдаги биринчи секретари С. Соқиев табрик нутқи сўзлаб, ёш онага икки хонали квартиранинг ордерини ва қалитини топширди. Антонина Павловна эса ўз совғасини ҳадя қилди уларга. Болалар уйининг собиқ тарбиячиси Пўлат Нуъмонов Ватанисизнинг ишонган фарзандларидан бири бўлиб етишди. У икки йил Афғонистонда бўлиб, совет мутахассислари амалга оширган газпровод қурилишига раҳбарлик қилди. Ҳозир республика Махсус қурилиш ва монтаж ишлари министри. Шу даражага етишида ўз онасидан ҳам аъло бўлиб қолган Антонина Павловнанинг беминнат хизматларини мамнуният билан тилга олади.

Пўлат Нуъмонов ҳозир яшаётган беш хонали квартирасининг бир хонаси меҳрибон онасига атаб жиҳозлаб

қўйилган. Антонина Павловна бу хонадонга тез-тез келиб туради. Ўғил ва набираларини ҳам тез-тез соғиниб туради у.

Антонина Павловна Хлебушкинани Тошкентдаги энг кўп хат оладиган киши деб, ҳисоблаш мумкин. Унинг иш столи устида ҳаммиша даста-даста мактублар, телеграммалар, откриткалар уюлиб ётади. Буларни унинг болажонлари, қўлида тарбия олиб ҳозир Узоқ Шарқ портларида, Қозоғистоннинг кўриқ совхозларида, Ленинграднинг кемасозлик корхоналарида, БАМ қурилишларида меҳнат қилаётганлар ёзишади. Бу «болалар»нинг ёши элликдан ошиб, соч-соқолига қиров қўна бошлаган бўлса ҳам, улар Тошкентдаги қадрдон кишилари билан ўз қувонч ва ташвишларини баҳам кўришни истайдилар, маслаҳатлар сўрашдан тортинмайдилар.

Фақат уруш йилларининг ўзидаёқ болалар уйи 500 нафарга яқин ота-онасиз қолган норасидаларни тарбиялади. Уларнинг кўпчилиги ҳозир жамиятимизни тебратиб турганлар сафида. Собиқ полк ўғли Борис Глебский ҳозир полковник, Куйбишев область ДОСААФ ташкилотининг раиси. Тамара Юнусова — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Иван Тиртичний — қурилиш трестининг бош инженери. Игорь Матвеев — архитектор, Михаил Михайлов — ҳарбий хизматда...

\* \* \*

«Ленинградликлар — жигаргўшаларим менинг» фильми суратга олинаётганда Хилменд Элкинд йигирма кун давомида Тошкентда бўлиб, кўҳна Сағбон кўчаларида суратга олувчи гурпуга ўз ихтиёри билан ёрдам бериб юрди. Уша даҳшатли йилларни яна бир бор бошдан кечиргандай бўлди.

Уни уруш тугагач, 1946 йили отаси топиб, олиб кетган эди. Хилменд Минскда ўрта мактабда ўқиди, сўнгра политехника институтини тугаллади. Ҳозир, юқорида айтганимиздек, телевизор заводида инженер. Антонина Павловнанинг иш столида, ойна остида унинг хотини ва иккита фарзанди билан тушган сурати туради.

Ҳар бир кишининг ҳаётида йилда бир келадиган муқаддас, қўтлуғ кунлар бўлади. 22-болалар уйининг собиқ тарбияланувчилари учун бундай кун 3 январдир. Шу кун уларнинг ҳаммаси қаерда бўлмасин, албатта Тошкентга йўл олишади. Ўзларининг ҳозир Байналминал кўчасига кўчган собиқ болалар уйига кириб келадилар-да, етимликларини билдирмаган, оғир кунларда бошини силаган нуруний аёлларга таъзим қиладилар.

— Салом, ойижонлар!

Шу сўз билан бағри кенг Ватанга бўлган чексиз муҳаббатларини ҳам изҳор этадилар.

Бир сиқим тупроққа юракни бериб,  
Уқдим зиёсидан тенгсиз маънилар.  
Шу қора тупроқ деб жон фидо қилди,  
Неча юз сўғд ўғли спитаменлар.

Бир сиқим тупроқни кўксимга босиб  
Сигиндим ардоқлаб бокира нурдек.  
Тупроқ шивирлади: «Кетдилар сотиб,  
Қадримни, меҳримни шуҳратга қулдек».

— Уқсима,— ҳайқириб юбордим, дилгир  
Бағирга тошаркан номсиз яралар,  
Сени сотганларнинг кўзлари кўрдир,  
Сени сотганлар у — кўнгли қоралар.

Эътиқод чин бўлса кетмагай сўниб,  
Эзгулик қудрати неларга қодир.  
Асрлар ўтса ҳам қабрда туриб,  
Сен учун ашъорлар битади Бобур.

Тупроқ, юрагимга айландинг тамом,  
Ўзга муҳаббатни ололмайман тан.  
Икки осмончалик берсалар ҳам шон,  
Сенсиз мен ҳеч ерга сизмасман, Ватан!

\* \* \*

Кўкда ёнган юлдузлар эмас,  
Афсонавий фаришталардир.  
Сен инонма уларга, асло,  
Кўзинг олиб, бир кун алдайдир.

Имласалар бағрингни ёқиб,  
Кетмоқликни қилма ихтиёр.  
Атрофга боқ, атрофга ёниб,  
Гуллатмоқда заминни баҳор.

Мен алмашмам бутун самога,  
Олча гулин донасин, бироқ.  
Юлдузлар минг куйдирсалар ҳам,  
Юрагимга замин яқинроқ...

\* \* \*

Самога термулиб қолар кўзларим,  
Юлдузга осилиб толар кўзларим,  
Шу осмон, шу юлдуз — туйғу бўлмаса,  
Яшаш, гўзалликдан тонар кўзларим.

\* \* \*

Энди кетолмайман бепарво ва жим,  
Кетсам санчилади ханжар ўзимга.  
Мен айтмоқчи бўлган мушкул ҳам  
муҳим —  
Сўз, қон каби тизиб тўлар кўксимга.

Мен ишқнинг муҳиби, назм муҳиби,  
Кўйламасам бўлмас, адо қилар ғам.  
Чидаб бергин юрак — жоним соҳиби,  
Битгунча бошлаган қасрим, серҳашам.



**МАТЛУБА  
ХАМРОЕВА**

Ногоҳ тўхтаб қолма бўғзимда тўлқин,  
Кўз очиқ кетмайин аро йўлда ман.  
Бу соҳир дунёга қонмасдан бағрим,  
Дод солиб кетмайин қаро тунда ман.

Йиллар қўним билмас, учқур чавандоз,  
Йилларда чидам йўқ, шафқат билмайди,  
Яшамоғим гумон бенаво, бегоз,  
Қалб сени ёқаман, бусиз бўлмайди.

Энди кетолмайман бепарво ва жим,  
Кетсам санчилади ханжар ўзимга...

\* \* \*

Рассом Исфандиёр Ҳайдаровга

Сенинг кўзларингда ранглар жилваси,  
Юрагингда сенинг йиғлайди ранглар.  
Аста тушиб келар шомнинг пардаси,  
Дилда тўғилади рангин оҳанглар.

Ёлворасан унсиз тунги сукутга,  
Ҳайқиргинг келади ойга термулиб.  
Уртанган кўксингни тутасан ўтга  
Дунёга сизмаган ҳаяжон бўлиб

Сўнг уйга кирасан ойни ўғирлаб,  
Яшил дарахтларни олиб кирасан.  
Сутдек оппоқ ойнинг лутфига қараб,  
Сархуш хаёллар-ла ёниб турасан.

Хазин қўшиқларни куйлаб турналар,  
Кўзинг осмонда қолади қотиб.  
Тун бўйи сен билан дардлашар ранглар,  
Юрагинг тун бўйи борар йўқолиб.

Ва лекин тонггача етасан омон,  
Аста деразангдан мўлтирар саҳар.  
Бир зум ташвишларни үнүтиб тамом,  
Сен куйлай бошлайсан Машрабдан ғазал.





# Биз —

## Ўзбекистонданмиз

РАФИҚ  
ТУРСУНОВ



«Звестия» газетасининг шу йил 13 март сониде «Тюмень нефти Урта Осиёга етиб келди» сарлавҳали мақола босилди. Унда шундай сатрлар бор: «Жаҳонда энг узун — 3100 километрга чўзилган Сургут — Омск — Павло-

дар — Чимкент нефтепровода ишга тушди...»

...Газетанинг бу номери чиққан куни нефть юкланган оғир состав Ўзбекистоннинг область маркази Фарғонага яқинлашиб қолади. Тепловознинг олд-томонида эса «Урта Осиё, Тюмень нефтини қабул қилиб ол!» сўзлари ёзилган алвон лента ҳилпираб боради.

Сибирь нефти Ўзбекистонга етиб келди. Бу сўзларда рамзий маъно ётибди. Биз, совет кишиларининг турмуш тарзимиз ўзи шундай: ўзаро қардошлик, қондошлик, жондошликсиз тасаввур қилиш қийин уни. Ёдингизда-ми, Тошкентимизнинг бошига иш тушганида, кучли зилзила шахримизнинг қалбини пора қилганида бутун мамлакат ёрдамга келганди. Россиянинг ноқоратупроқ зонасини ўзлаштириш керак бўлганида эса ўзбек мелиораторлари белни маҳкам боғлаб ишга отландилар.

Сибирь нефти Ўзбекистонда. Ер бағридан «қора олтин» ундириб олишнинг машаққатини бу ишни ўз кўзи билан кўрганлар яхши билади, холос. Айниқса, Сибирь шаронтида...

Мана, бир неча йилдирки, интернационал бурчига содиқ ўзбек ишчилар синфининг вакилларидан катта бир группаси Сибирь тайгаларидаги чангалзорларни очиб, йўл қураётирлар. У ерда махсус «Узтюменьдорстрой» трести ташкил этилган. Ўзбекистон ишчилари қураётган замонавий автомобиль йўли Обь дарёси бўйида инсон оёғи тегмаган, бориш ниҳоятда қийин жойда топилган нефть, газ конларини келгусида «Катта ер» билан боғлаш имконини беради.

Яқинда журналист Рафиқ Турсунов ўзбекистонлик йўл қурувчилар ҳузурида бўлиб, уларнинг ишлари ва кундалик ҳаёти билан танишиб қайтдим. «Йўлсозларнинг бу ерда босган ҳар бир қадамини жасорат сифатида баҳолаш керак» — деган хулосага келди муаллиф.

### Тайга камари

Ҳозир бепоён тайгада баҳор айнаи кучга тўлган, ўрмонлар қишининг оппоқ пўстинидан қутулганига қувонган-дек, яна кўртак ёзиб, эгнига яшил либос кийган пайт. Қор ва музликлар эриб, жилға ва дарёлар тўлиб-тошиб оқяпти. Ҳаммаёқ сув... Йилнинг энг оғир ва машаққатли даври бу.

Лекин инсон қатъияти олдиде табиат инжиқликлари ҳеч нарса эмаслигига мен мана шу ерда яна бир марта амин бўлдим. Бутун трасса бўйлаб меҳнат тобора авжига чиқяпти. Ишчилар «ол-ҳа-ол!» сўронлари билан дарахтларни йиқитишяпти, йўл очишяпти. Қарабсизки, эрта бўлмаса индинга қадимий тайга ўрнида қатор-қатор ёғоч уйларидан иборат шинамгина посёлкалар пайдо бўлиб қолади.

Йўл эса тобора ичкарига кириб бормоқда.

\* \* \*

Овлоқ тайгада, ўтиб бўлмас ботқоқликлар орасида Нях деган посёлка бор. Бу туб аҳоли — хантлар тилида «Борса келмас» деган маънони билдиради. Яқин йилларгача бу ерининг исми жисмига монанд эди. 1980 йил ёзининг ўрталарида Няхдан уч километр нарига ўзбекистонлик йўл қурувчиларнинг бир гуруҳи етиб борди. Орадан аттиги икки ярим йилча вақт ўтди, холос. Шу қисқа давр ичида бу ерлар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Илгари йўл қурувчиларнинг асосий базасигача — уч километрдан сал ошиқ масофага вездеход машиналар ботқоқлик орқали беш соатда аранг ўтарди. Энди бу ерда равон-текис йўлларда қатнаётган машиналарнинг ҳамма турларини учратиш мумкин.

Трассани айланиб юриб, бир зумгина ҳордиқ чиқариш учун йўл четига суриб қўйилган кедр ғўласида ҳар қай-

смиз ўз хаёлимиз билан банд бўлиб ўтиргандик. Зимдан ҳамроҳимга назар ташлайман. Нигоҳида аллақандай ўйчанлик ва ҳорғинлик. Юзлари баҳор шабадасида бироз қорайган. У қиров кўнгандай оқиш, қуюқ қошларини чимирганча калтак билан кирза этиги кўнжигга илашган лойни сидириб ўтирарди.

Кеча трест бошлигининг ўринбосари Руслан Исломович билан сўхбатлашганимизда у Виктор Фёдорович тўғрисида мароқ билан сўзлаб берганди. Ботқоқлик воқеаси учини чиқариб, гапни қизиқ жойига келганда бўлиб қўйган эди давомини Доброноснинг ўзидан эшитганимиз маъқул, лосга қандай дуч келганини гапириб беради деганди. Ҳозир ўша ҳикоянинг охирини эшитиш мавриди келди:

— Узи нима бўлган эди, Виктор Фёдорович!

Ҳамсўхбатим қўлидаги калтак билан намхуш тупроқ бетига нималарнидир чизаркан, кўзларини бир нуқтага тикиб, ўйлашиб қолди. Сўнг аста ҳикоя қила бошлади:

— Уша пайтларда 13-километрга десант бўлиб тушган 1-йўл қурилиши бошқармаси бир вақтнинг ўзига икки томонга трасса очиб, Няхдан беш чақирим беридаги ботқоқлик устидан чиқиб қолган эди. Қиш қаҳри-забига олган, туф десанг тупуғинг қотиб тушадиган кунлар. Юзини қалин қор қоплаган ботқоқ устидан йўл қурмай туриб, трассани бирлаштириб бўлмасди. Бунинг устига вақт эди, ҳар бир кун гаймат, мана шу совуқ кунлардан фойдаланиб қолмасак, ютқазимиз тайин. Хўш, нима қилиш керак! Шу ҳақда трестда бўлиб ўтган кенгашда ҳар ким ўз фикрини айтди.

— Ҳозир ботқоқлик музлаган. Агар ҳамма машиналарини сафарбар этиб, муз устига ўттиз метр кенгликда тупроқ уйсак қалай бўларкин! — Боядан бери бошқаларнинг фикрини эшитиб ўтирган Руслан Исломович ўз мулоҳазасини ўртага ташлади. — Муз эригач, тупроқ ва шағал сув остига чўкиб, ботқоқ белига камар бўлади. Сўнг уни босиб-зичлаб, яна шағал билан мустаҳкамлашимиз мумкин. Бу ҳар ҳолда икки томондан тупроқ суриб борилганга нисбатан анча тез ва арзонга тушади.

— Муз ҳали мўрт эмасмикан! — луқма ташлади кимдир.

— Буни ботқоқ дейишади, ҳадеганда музлайвермайди, яна бирор фалокат рўй бериб ўтирмасин...

Руслан Раимқуловнинг фикри кўпчиликка маъқул бўлиб турган эди, бу гап яна ўйлантириб қўйди. Мен эса ўйлардим: «Муз устидан ҳозиргина яёв ўтиб келдим. Бирор оғирроқ машина, масалан, бульдозер билан ўтиб кўрсак, қалай бўларкин! Ҳар ҳолда бульдозернинг оғирлиги юк ортилган самосвалнинг оғирлиги билан деярли барабарку. Муз чидаш берса — марра бизники, эртагаёқ ботқоқ устига тупроқ тўкишни бошлаб юбораверсак ҳам бўлади...»

Хаёлимга келган бу фикрни ёнма-ён ўтирган бульдозерчи Анатолий Лептяевга шипшиб айтдим. Унга гапим маъқул тушди. Ниҳоят, янгилиш иштирокчиларига режаларимни тушунтириб бердим. Уйлаб-уйлаб охири шу ишга қўл уришга қарор қилишди.

Пешин пайтида шабада майда қор элаётган булутларини ўрмон чеккасига суриб кетди. Қишнинг хира офтоби нурида теварак-атроф гўё қақнаб кетгандай бўлди.

— Синовини бошлаш пайти келди, — дедим Руслан Исломовичга. — Табиат ҳам ишимизга ривож тилаяпти, булутларини тарқатиб юборди.

Ҳамма ботқоқлик қирғоғига «кўчиб» чиқди. Лептяев бульдозерини ўт олдириб, эшикларини «ланг» очиб қўйдиди, ўзи дастақка қўлини маҳкам босди.

— Эшикларини очиб кетганимиз маъқул, муз «қарс» этиб ёрилиши билан сен у ёқдан, мен бу ёқдан сакраймиз, — дедим унга.

Машина қирғоқни тутиб кетган буталарининг сумалак осилган шохларини эзиб-ячиб муз устига тушиб борди. «Чидаш берармикан!», деган ўй хаёлимдан кечди, сўнг машина занжирларини оғир шалдиратиб ботқоқлик устидан юриб кетганини кўриб, бироз енгил тин олдим.

Бульдозер юриб борар, унинг «оёқлари» остида ҳали батамом қотиб улгурмаган муз лопиллар, атрофга тарам-тарам излар жуда тез тарқаларди. Бир маҳал олдинда узундан-узоқ эгри-бугри дарз югуриб, қоп-қора ботқоқ

суви шовуллаб отилиб чиқди. Лекин муз ёрилмади.

Ботқоқликнинг ярми орқада қолиб кетди. Қарши қирғоқдаги қор босган буталарининг ингичка шохлари ҳам энди аниқроқ кўрина бошлади. Вақт жуда имиллаб ўтаётгандай, машина ҳам ғоят секин судралиб бораётгандай туюларди. Лептяев бутун вужуди билан машинага сингиб кетгандай бульдозерини усталик билан бошқариб борарди. Мана, ниҳоят, машина занжирлари ботқоқликнинг ясси қирғоғига келиб тегди. У юқорига тирмашиб кўтарилаётганда, қандай ҳолга тушганимизни бир кўрсангиз эди. Икковимизда ҳам гапиришга ҳол йўқ, унсиз-садосиз, ўриндиқда узоқ вақт ўтириб қолдик. Анатолий машина моторини ўчириб қўйгач, атрофга оғир сукунат чўкди.

— Виктор Фёдорович, ановин ёққа қаранг, — бир маҳал Лептяев кедр ва арча дарахтлари уйкалашиб кетган томонга ишора қиларкан, шивирлаб деди. — Узиям жуда антиқаси эканми, бунақасини сира кўрмгандим.

У ёқда кучоққа сиймайди деган қарағайнинг силлиқ ва бақувват танасига ёнбоши билан суянгандай бўлиб мугуз тарвақайлаб кетган ниҳоятда улкан лось — ўрмон бугуси биздан кўзларини узмай қараб турарди. Балки у нисон зотини биринчи кўриб тургани бўлса керак.

Ушандан кейин орадан икки кун ўтгач, трестдаги барча самосвал машиналар ботқоқлик устига тупроқ ташшиқ сафарбар қилинди. Қиш бўйи муз устига тоғ қилиб уюлган тупроқ ва шағал «йилт» этиб баҳор қуёшни кўриши билан сув остига чўкиб, тайёр йўл бўлди. Уни оғир бульдозер ва грейдерлар ёрдамда зичлаштириб, қум билан шағал тўкиш ҳамда бетон плиталар ётқизиш эса узоқ вақт олмади. Нях посёлкаси билан «13-километр» посёлкаси бир-бирига тутшиб кетди.

\* \* \*

Виктор Фёдорович Добронос бошлиқ бошқарма ўз ишини бажариб бўлгач, 24-километрга — келажакда трасса тушадиган қуюқ ўрмон орасида ишлашга кўчди. Ёзнинг иссиқ, чивини булут бўлиб ёпириладиган қайноқ кунларда ҳам, кўзнинг серёмғир, теварак-атроф ботқоқ бўлиб кетадиган узундан-узоқ салқин кезларида ҳам, қишнинг қаҳратон аёзиди ҳам чидам билан қилинган меҳнат беҳуда кетмади. Тайга оралаб тушган равои йўлнинг узунлиги ҳозирдаёқ қирқ километрга етди. Доброносчилар яна ўрмон орасида дарахт йиқитишяпти, ер ковлашяпти, трассага қум ва шағал бостириб, бетон плиталарни жойлаштириб боришяпти. Йўл эса кун сайин узайиб, тайга бағрига тобора ичкарилаб кириб бормоқда.

Виктор Фёдорович йўл-йўлакай биз билан саломлашиб йўлаётган кишиларнинг кўпчилигини «бошқарманиннинг илғорларидан» деб таништириб борди. Самарқандлик автогрейдерчи Мансур Каримов, хўжакентлик бульдозерчилар Николай Паршин ва Узбек Шокиров, шофёрлардан туябўғизлик Муқим Собиров, чорвоқлик Виктор Дарьин... Трассада жуда кўп ўзбекистонлик йўл қурувчилар билан танишдик. «Булар кўриқ очувчилар, тайга кўриқларини очувчилар» дерди бошқарма бошлиғи фахр билан.

Дарҳақиқат, шу пайтгача кимсасиз бўлган тайгада йўл қуриб, бу ерларга ҳаёт олиб келаётган азаматларнинг жасоратини дастлабки кўриқ очувчиларнинг қаҳрамонлигига қиёс қилса арзийди.

...Агар юқоридан тайгага назар ташлар экансиз, қуюқ ўрмон бағрини кесиб ўтган тик чизикни кўрасиз. Бу — йўл. Юқоридан у худди камарга ўхшайди. Тайга камари...

## Кўприклар

Ғарбий Сибирь — дарёлар ўлкаси. Айниқса, «Узтюменьдорстрой» трести коллективини йўл қураётган районда ботқоқликлар, жилғалар, серсув Обь дарёсига бориб қуйиладиган дарё ва дарёчалар кўп. Нягань, Югань, Ху-

гот, Потимец, Ручей ва бошқа ўнлаб дарёлар ана шулар жумласидандир. Ҳаммаси учун кўприк қуриш зарур.

Ҳозир Ўзбекистон кўприксоzларни трассанинг 59-километрида тайгадаги Потимец дарёси устида яна бир кўприк қурилишини бошлаб юборишга тайёргарлик кўришяпти. Учасика аъзоларининг бир қисми ана шу ерга десант қилиб ташланган. Улар қурилиш майдонини тайёрламоқдалар. Шулар орасида кўринишдан содда ва камгап, аммо меҳнати тўғайли гоят ҳурмат қозонган Пўлат Ризоев ҳам бор. Иккинчи ҳикоямиз ўша ҳақида.

\* \* \*

...Сўхбатдошим оҳиста сўз бошлади:

— Шу ёқларга келиб ишлайман деб ҳеч ўйламагандим. Ўйдагилар билан хайрлашиб, тонг саҳарда чөмөданимни кўтарганимча район маркази чөккасидаги автобус беҳатига кетаётгандим. Ёнимга битта енгил машина келиб тўхтаб, аллакимнинг бироз дағалроқ овози эшитилди. Угирилиб қарасам, шофёри кўл силтаб чақиряпти:

— Ҳў, йигитча, келинг бу ёққа, юкингиз оғир экан...

Машинага чиқдим.

— Меннинг отим Содиқ,— давом этди шофёр — сен чўлга бориб ишлашни ҳавас қиларкансан. Ҳайрон бўлма, дадангдан эшитувдим. Ҳозир ўша ёққа отланган кўринсан, топдимми!

Содиқ аканинг дилкашлигиданми ё бўлмаса ўзи кўзимга меҳрибон кўриниб кетдим, ишқилиб дилимда нимаки орзуларим бўлса, ҳаммасини бир бошдан унга гапқриб бердим.

— Енгил ўйлабсан, ука, қўлингда тайинли бирор ҳунаринг йўқ экан. Нима, чўлда касбининг кераги йўқ деб ўйлаганидинг! Ҳозир биринчи галда бирорта ҳунарли бўлиб қолишга ҳаракат қил. Ҳозир Муғлонга борамиз. Битта бригадамиз ўша ерда кўприк қуряпти. Агар қоламан десанг, ихтиёринг, айтаман, олиб қолишад, аммо энг аввал ҳунар ўрганасан. Шарти шу ука, маъқулми!

Содиқ ака мени кўприк қурилаётган жойга олиб келди.

— Танишинглар, йигитчанинг исми-шарифи Пўлат Ризоев, сизларда ишламоқчи. Узинг оталик қилиб, кўприксоzларга қандай ҳунар керак бўлса, ҳаммасини ўргатасан,— ишчилардан кимгадир шундай дея тайинлаб кейин қўлини менга узатди. — Майли, мен кетдим...

Машина чанг-тўзон ичида кўринмай кетаркан, ёнимдаги йигитдан сўрадим:

— У киши ким! Ким бўлиб ишлайдилар.

— Ия, ҳали таниш эмасмисизлар! — йигит кўзларини катта-катта очиб, ҳайрон бўлди. Кейин тушунтирди: у киши Китобдаги автомобиль йўллари қурилиши бошқармасининг бошлиғи Содиқжон ака Холиқов бўлар экан. Шу учасика ҳам ўша бошқармага қараркан.

Бир-икки йил шу бригадада ишладим. Ҳунар ўргандим. Охири мени бригадир қилиб кўтаришди. Кейин кўнлардан бирода бизни бошқармага чақиршди. Фарбий Сибирга бориб ишлашни таклиф қилишди:

— Тайга икки қадам наридаги Қашқадарё ёки Қарши канали эмаски, эрта билан бориб, кечқурун қайтиладиган бўлса. Камида уч-тўрт йил ўша ерда муқим яшаб, ишлашга тўғри келади. Шунинг учун ҳамма паст-баланд томонларни тарозига солиб, пухта ўйлаб кўринглар.

Шу кўни бригада аъзоларининг йиғилишини ўтказдик. Сибирга боришга ҳамма тенг рози бўлди. Орадан кўп ўтмай бутун техника, асбоб-анжомларни, кўчма вагон-уйчаларни платформаларга юклаб Тюменга жўнаб кетдик.

— Мана, ўшандан бери шу ердамиз. Сибир дарёларига кўприк қуриб ётибмиз йўллари-йўлларга улаб. Трестдагилар ҳам ишимиздан хурсанд. Энг муҳими керакли иш билан бандлигимиздан, катта ишга ўз улушимизни қўшаётганимиздан мамнунмиз. Тюмень нефтига йўл очиш ҳазилакамми, арзийдиган иш! Кейин мен сизга айтсам, техник нормаларга кўра, бизиникидақа кўприк қурилишига

одатда ўн тўрт ой ажратилади. Лекин биз бу муддатни ярим йил қисқартиршига муваффақ бўлаямиз.

Биздаги ишлар қийину аммо жуда қизиқарли. Гарчи биз қурган учала кўприкни катта кўприклар қаторига қўшиб бўлмаса ҳам, лекин ҳар бири жуда мураккаб ишшоот. Уни қуриш учун биргана маҳорат ёки астойдил меҳнат қилиш кам, ишга ақл-идроқ билан ижодий ёндошиш керак бўлади. Мана қаранг, бу ернинг тупроғини қўллингизга олсангиз, уваланиб, бармоқларингиз орасидан тўкилиб кетади, ернинг ости эса бир метр чўқурликда мангу музликдан иборат, устунларни ана шу қаттиқ ерга маҳкам қилиб ўрнатиш лозим. Тюмендаги кўприкларининг шакли ҳам бошқача бўлади. Жанубий ўлкаларда бундай махсус устунлар қўйилмайди. Бу устунлар темир бетон қанотни маҳкам ушлашдан ташқари кўкламда, дарё музи эрий бошлаганида яхши кесиб, кўприкни ҳимоя қилмоғи ҳам лозим.

...Смена алмашинадиган вақт бўлганди. Коржомали йигитлар ишга боришаркан, бригада бошлиғи йўл-йўлакай уларга йўл-йўриқ ва топшириқлар бера бошлади. Уларнинг кўпчилигини танидим. Коллективнинг энг тажрибали кўприксоzлари: Валн Довудов, Салоҳиддин Сулаймонов, Ҳайрулла Норқобилов, Сайидали Аметов...

Зум ўтмай, кўприк томондан яна гулплатиб бетон устун қоқаётган машина овози янграй бошлади. Пайвандчининг кавшаридан чақнаган ўткир нур ёлқини кўзларни қамаштириб, ялт-юлт ёна кетди. Пўлат Ризоевнинг йигитлари тайга бағрида кўприк қуришни давом эттирмоқда эдилар.

## Олов

Йўл қурувчиларининг Няҳдан сал наридаги база посёлкасида «Узтюменьдорстрой» трестида ишлайтган кишиларнинг асосий қисми яшайди. Улар ҳар кўни эрталаб шу ердан трасса бўйлаб иш жойларига жўнаб кетишад. Бу ерда турли ишлаб чиқариш ва манший хизмат корхоналари ҳам жойлашган. Посёлканинг ҳали аниқ номи йўқ.

Ҳозир асосий посёлкада юзга яқин уй-жой вагонлари, ўнтага яқин икки квартирала ёғоч уйлар бор. Ошхона, магазин, клуб, ҳаммом ишлаб турибди. Бу ерга самолёт ва вагонларда Ўзбекистондан янги сабзавот: ҳўл мева, узум келтириб турилади. Бу ғамхўрликларга жавобан ўзбекистонлик йўл қурувчилар мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатиб ишламоқдалар. Оғир синовларга бардос бермоқдалар. Учинчи ҳикоямиз ана ўша синовлардан бири ҳақида.

\* \* \*

Ёмғирсиз июль ойи эди. Увада булутлар ўт-ўлани қуриб қовжираб ётган ерга олачалпан соя ташлаган. Иссиқ нафасни қайтарадиган пайт.

Кутилмаганда Октябрьскдан радиограмма олинди: «Базаларингиздан 24 километр нарида, шарқ томондаги ўрмоида ёнғин чиққан. Тезлик билан ўтти ўчириш чорасини кўришингизни илтимос қиламиз. Радикүльцев В. Ф., райком секретари».

Трест бошқарувчиси Руслан Исломовичнинг хонасида шошилиш мажлиси бўлиб, ўт чиққан квадратга вертолётдан десант ташлашга қарор қилинди. Орадан кўп ўтмай, посёлка чөккасидаги майдонга рақия орқали Урай шаҳридан чақирилган вертолёт етиб келди.

— Уттиз кишилик группага сиз бошчилик қиласиз,— деб тайинлади Р. Раимқулов кесаба союз ташкилотининг раиси Гофуржон Валиевга.— Бир неча кўнга етадиган озиқ-овқат, сув, асбоб-анжомларни олволдинглар.

Бироздан сўнг вертолёт ўттиз нафар йигитни олиб шарқ томонга учиб кетди. Ҳадемай, қол-қора тутун ортида ловуллаб ёнаётган олов ҳам кўринди.

— Етиб келдик! — деди учувчи бор овози билан қичқириб. Шамол узун тасма сингари ялтираб ётган жилға то-

мондан эсмоқда эди. У ёқларда ўрмон куйиб жинганани чиқиб кетган, ёнғин илондек буралиб янги-янги дарахларни домига тортар, чеки-чегараси йўқдек кўринган икки ботқоқлик орасидаги торгина бўйинга тобора яқинлашиб келмоқда эди.

— Биз шу бўйиндан траншея қазиб оловнинг йўлини тўсамиз, сен бизларни олиб кетгани эртага келарсан,— дейишди учувчига.

Бир зумда белкурак, арра, озиқ-овқат ва сув тўла канистрларни вертолётдан олиб тушишди. Гофуржон ўттиз йигитни ботқоқлик орасида тор жойга занжир қилиб тизди-да, ўн метр кенликда саёзгина траншея қазиб, тупроғини ёнғин домига олиши мумкин бўлган ўт-ўланлар устига ташлашни буюрди.

Вақт ўтгани сари нафас олиш ҳам қийинлашиб борарди. Ўрмонни қоплаб олган тутун томоқни ачиштирар, ёзининг иссиғига ёнғин ҳарорати қўшилиб, атроф тандирдай қизиб кетган эди. Оловнинг дами яқинлашгани сари чидаш ҳам қийинлашиб қолди.

— Дўзах-а, дўзах,— сочи пешонасига ёпишиб, мангладан оқиб тушаётган тер кўзларини ачиштирса ҳам жаҳл билан тупроқ отишда давом этаётган Андрей Губер ёнидаги Михаил Исаевга тўнғиллади.— Ўрмонга ўт тушса хўлқуруқ баравар ёнади, деганларни рост экан. Бу ерларнинг дарахти худди мой сепилган ўтинга ўхшайди-я, чарсиллашини кўр...

— Гофирнинг калласи ишлайди, ёнғиннинг йўлини тўсиб, ўчириш усулини топганини қара.— Михаил Исаев белкуракни ерга чуқур ботираркан, каскасини орқага суриб қўйиб, нарироқда ишлаётган Валеевга ишора қилиб деди.

Гофиржон ҳам юз-кўзини тер босиб, атрофига тиним билмай тупроқ отар, кураги жиққа хўл бўлиб қорайиб кетган эди. Ундан нарида Станислав Мороховский ака-ука Ғамир ва Фонил Ибрагимовлар билан ишларди. Руслан Исмолович радио орқали сўзлаб, ёнғинни ўчириш учун ўттиз нафар киши кераклигини эълон қилганда вертолёт майдонига энг аввал мана шулар етиб келишганди.

— Андрей, канистрларни олиб келгин, бир қултумдан сув ичмасак, нақ ёниб кетамиз-а.— Мороховский траншеяни биринчи бўлиб қазиб улгурган Андрей Губердан илтимос қилди. Бирин-кетин бошқалар ҳам ишдан бош кўтара бошлашди. Ўн метр кенликдаги қоп-қора камар энди икки ботқоқлик ўртасида чўзилиб кетганди. Бир зумлик хордиқдан кейин Гофуржон йигитларни яна оёққа тургазди. Ёнғин дақиқа сайин яқинлашиб келмоқда эди. Иссиққа энди дош бериш мумкин бўлиб қолган бўлса ҳам ўттиз нафар кишининг кўзи буралиб-буралиб ёнаётган оловга қадалганди. Мана, ниҳоят қора камар нарёғидаги дарахлар лов этиб ўт оладигандай, аланга тили осмонга ўрмалади. Ўрмалади-ю, лекин домига торта олмади. Дами аста ўчиб, таноби тортила бошлади. Йигитларнинг шу тобдаги қувончини кўрсангиз эди. Ҳамма ёнғини қурум босган, юз-кўзи қорайиб, фақат кўзи билан тишлари ялтираб, оёқда зўрга тик турган бўлсалар ҳам, ёш боладай дам кулиб, дам қичқириб осмонга сакрашар, ўмбалоқ ошишарди. Чунки бу ғалаба эди. Ғалаба!

\* \* \*

«Узтюменьдорстрой» трести ишчилари Ғарбий Сибирда қураётган автомобиль йўлини «ҳаёт йўли» дейишарди. Чунки у темир йўлини шу ердаги қадимий сув йўли билан боғлаб, яқин йилларда бу район учун энг муқобил транспорт схемасини вужудга келтиради.

Бир вақтлар, чор Россияси даврида одамлар орасида «Сибирь даҳшати» деган ибора юрарди. Энди эса бу ерларнинг шу бугунини, келажагини қайноқ ҳаёт суронисиз тасаввур қилиш қийин. Тюмень ўлкасини обод этишдек хайрли ишга юртдошларимиз, Ўзбекистон йўл қурувчилари ҳам катта ҳисса қўшишяпти.

Бу иш Сибирни ўзлаштириш саҳифаларига ўчмас, олтин харфлар билан ёзилиб қолади.



Завқ.

У. АҲМЕДОВА фотозтуди



# Виждон енгилди

ВОСИТ  
АХМАД

ҲАЖВИЯ



втокомбинат директори вазифасида ишлайдиган тоғам ёрдамида бир азгобазага бошлиқ этиб тайинландим. Мен ўзим аслида бунақа таниш-билишликка мурасасиз эдим. Анча вақт виждон азобида эзиллиб юрдим. Бора-бора кўникдим. «Ҳа, энди қўймай тайинлашди. Бўёғини ҳалол олиб борсам бўлди-да», деб ўзимга тасалли бердим.

Бир кун кутилмаган ҳодиса юз берди. Эскироқ машина минадиган Ҳаким деган йигит ёнимга кирди.

— Шу кечагина янги автобуслар келибди, биттасини тўғрилаб беринг, акам,— деб ёнимга конверт қўйди. Конвертни секин очсам, пул. Қўпол қилиб айтганда— пора. Рангли телевизор олмакчи эдик. Бироз етмай турганди. Кўнглим суст кетди. Конверт қўлимда. Олгим ҳам келмайди, бергим ҳам.

Бирдан юрагимнинг сал юқориюғи санчиб оғрий бошлади. Пулни Ҳакимнинг ёнига суриб қўйдим.

— Бу нима, а? Бу нима, деялман! Сен мени ким деб ўйлаясан? Иккинчи бунақасини кўрмай. Йўқол!— дедим. Ҳаким кўрдими, шув этиб чиқиб кетди. Хонада бироз губор қолди, холос.

Шу вақт юрагимнинг пастроғи, ошқозонга яқинроқ ерим (балки ошқозондир) шу қадар оғрий бошладики... «Тайёр пулни олмадим-а. Йўқ, у пора эди. Қандай оламан!» дея минг хаёлда уйга қайтдим.

Қоронғи уйда, шипга қараб ётиб, сигарета тутатялман. Хона тутунга лиқ тўлди. Ҳамон чироқни ёқмай ётибман.

Шу маҳал юрагим бир санчди. Шу қадар ёмон санчдики, ихраб, кўзларимни юмиб олдим. Ўзимга келиб, кўзимни очсам, қаршимда иккита махлуқ турибди. Икковининг бўйи тенг. Бирининг боши кичик, қорни катта. Иккинчисининг боши катта, қорни кичик.

Қорни катта дарғазаб бўлиб бақирди:

— Ув, лаънати виждон, ўзинг бунга бир тийин топиб беролмайсану, яна уни тайёр нондан қолдирдинг-а, эҳ нодон! Калланг ошқовоқ экан ўзи!

— Тилингни тий, жиғилдон. Одам дунёда ҳалол яшаб ўтиши керак. Ҳаром нарса инсонга ёқмайди. Мен биламан.

— Вой оппоғ-ей. Сен бўлмаганингда ҳозир манави йигит рангли телевизор кўриб ўтирарди.

— Оқ-қорада кўраверсин, ҳар қалай ҳалол-ку,— деди виждон.

Улар аввал роса сўкинишди. Кейин муштлашишга тушишди. Анчадан кейин иккаласи ҳам ҳориб-толиб оёғим остига йиқилишди.

Сигарета тутуни тарқалганда улар ҳам ғойиб бўлишди. Шунда ўзимни оғирлашгандек ҳис қилдим.

Эртасига Ҳаким яна ёнимга кирди.

— Жоним, акам, шуни олинг. Автобуслардан бирини беринг,— деди ва кечаги конвертни столим устига авайлаб қўйди. Конверт назаримда кечагидан семизроқ эди. Уйланиб қолдим. Автобусларни машинаси бузуқ шофёрларга бермоқчи эдим. Аксига олиб, улар бир учрашмади ҳам. Кўзим яна пулга тушди. Бир ёқдан хотиннинг мингиллагани эсимга тушди. У «қачон рангли телевизор ола-миз?» деб бошимни қотиряпти.

Қўлим сезилар-сезилмас титраб конвертни олдим. Пулни ушлаб кўрдим. Хўш, шуни олсам нима бўлади? Осмон узилиб ерга тушадими? Автобаза ёниб кетадими? Бир марта олсам олибман-да. Шу охиргиси.

«Бор-е!» дедиму, битта автобусни ёзиб бердим. Ҳаким-жон зув этиб чиқиб кетиши билан юрагимнинг юқориси санчиб оғрий бошлади.

Уша кун оқшом ҳалиги «махлуқлар» тағин танамдан чиқишиб томоша кўрсатишди. Виждон бўшашиб, маънос бўлиб қолибди. Жиғилдон эса кечагидан ўсибди. Салобатлироқ бўлиб қолгандай. Қўлини виждонга ниқтаб қотиб-қотиб кулар, онда-сонда елкамга гурсиллатиб уриб кўярди.

— Асл йигит сендай бўлади, мард экансан!— дейди иржайиб.

Виждоннинг кўзларидан дув-дув ёш оқа бошлади.

Порани охирги марта олишим, деб янглишган эканман. Бу ҳам ароққа ўшаркан, бир марта олгунча экан, қолганига қўлинг чўзилавераркан.

Пуллар келаверди, уйнинг кам-кўсти битаверди. Ҳовлини шохона қилиб бегадим, керакли-кераксиз буюмлар билан тўлдириб ташладим.

Шундай қилиб, олимсоқ бўлиб қолдим. Биров «Ассалому алейкум», деб қўл узатса ҳам қўлига қарайман. Го-ҳо бетим қизаради. Бунақа пайтда қадрдоним жиғилдон жонимга ора киради. «Ҳамма пора олади, хотиржам бўл. Оқимдасан» дейди менга далда бериб.

Бир кун тунда вужудимдан яна жиғилдон чиқиб келди. Энди ҳар галгидек ёнида виждон йўқ эди. Ҳайрон бўлдим. Наҳотки бечора бевақт оламдан...

Жиғилдонга бундай разм солсам, антиқа кўйлак кийиб келибди. Кўкрагига футболчилардай «ғолиб» деб ёзиб олибди. У белини ушлаб хандон ташлаб кулди.

— Йигитларнинг гули, қалайсиз энди? Биздан хурсанд-мисиз? Ана, ишонган тоғингга қара!

Ёнимга боқдим. Бечора виждон угада латадай бўлиб ерда чўзилиб ётар, қимирлашга ҳоли йўқ эди. Мен энди виждоннинг чангалидан қутулолмаслигимни ўйлаб хўрлигим келди.

Жиғилдон эса яна қотиб-қотиб кула бошлади.

АБДУҒАНИ  
АБДУВАЛИЕВ

# КЛАССИК БЎЛОЛМАДИМ

ҲАЖВИЯ



Янги келган адабий журнални арақлаб ўтириб «Ноёб топилма» деган хабарга кўзим тушиб қолди. Хабар бундай эди: «Ўзбек адабиёти ноёб бир асар ҳисобига бойиди. Шу пайтгача фанга номэълум бўлган XIV асрнинг классик ҳажачиси Мулла Ғайрат бинни Азиз ибн Муҳаммад Соҳилийнинг ҳажвий мажмуаси топилди. Мажмуеда тўпланган ҳажвий асарлар соф ўзбек тилида ёзилган бўлиб, бадий жиҳатдан ниҳоятда мукамалдир. Бу асарлар ҳажм жиҳатидан кичик бўлса-да, улкан ижтимоий аҳамиятга эгадир. Соҳилийнинг ҳажвларида замон иллатларининг дедиллик билан фош этилиши шундан далолат берадики, муаллиф ўз халқининг манфаати учун жонини фидо қилишга тайёр турган жасур шахсдир. Ҳозир Соҳилийнинг бу нодир қўлёзмаси адабиётшуносларимиз томонидан ўрганилиб нашрга тайёрланмоқда...»

Очик гап, хабарни ўқигач, ҳангу-манг бўлиб қолмадим. Юрагим хавотирли гупиллашдан қувончли дукиллашга ўтди. Ниятим, режам амалга ошганидан хурсанд эдим. Эртаси кунни журнал редакторининг олдига кирдим.

— «Ноёб топилма»нинг автори, Соҳилий мейман, — дедим.

Редактор ҳайрат ва ажабланиш ўртасидаги муаллақ, тасвирлаб бўлмайдиган ҳолатда анқайиб қолди.

— Э-э, сиз ўйлаб гапиряписизми, жи-ин-нимисиз?

— Соппа-соғман, мана паспортим.

— Паспорт ҳаммадаям бор. Соҳилий XIV асрда яшган. Ҳозир каттагина олим Шошқалоқий унинг ижоди ҳақида илмий иш бошлаб юборган. Классик ёзувчига сизнинг нима алоқангиз бор?

— Алоқам эмас, мен унинг ўзиман.

Редактор бармоқларини асабий сиқиб қандайдир тугмачани босмоқчи бўлди, афтидан секретарни чақирмоқчи эди, лекин шаштидан қайтди. Кўзларини пирпиратиб менга разм солиб чиқди. Башанг кийинганим, ўзимни жиддий тутишим, кўксимдаги «СССР журналистлар Союзининг аъзоси» деган значок ҳар ҳолда таъсир қилганим, бироз юмшаганима бўлди.

— Хўш, ўтиринг-чи, Соҳилий эканингизни нима билан исботлайсиз?

— Ҳозир исботлайман, — дедим хотиржам жойлашиб олгач. — Ҳажвий асарларимни тўплаб нашрга топширдим. Орадан икки ой ўтгач хабар олгани бордим. Кампирдаҳан бир йигит ўтирган экан.

— Тўплам билан танишиб чиқдим, оғайни, асарларни аввал матбуотда эълон қилдириш керак, жамоатчилик фикрини олиш лозим, — деди.

Унинг шу гапидан билдимки, бу йигит матбуотни умуман ўқимас экан. Чунки ҳажвияларнинг ҳаммаси матбуотда эълон қилиниб, мукофотлар ҳам олган эди.

— Ну-у, — дедим мен ҳам унга киноюмуз, — афсуски бир асар матбуотда икки марта эълон қилинмас экан-да.



Расми А. ОРИПОВ чизган.

— Биласизми, ҳажвияларнингиз ҳали унча эмас-да,— деб минғирлай бошлади йигит.— Жиддий нарсалардан ёзинг, жиддий.

— Қизиқ, ҳажв жиддий эмасми?

— Биласизми, оғайни, сиз порахўрлар, чайқовчилар, юлғичлар қандайдир аптекачиларни фош қилибсиз, холос. Мана, масалан, шаллақи хотин, дебсиз мана бу ерда. Ахир бизнинг ҳур замонамизда шаллақи ёёл борми? Тамагир бошлиқ ҳақида экан манави ҳажвияларнингиз. Бошлиқларни тамагир деб бўладими? Чайқовчилар онда-сонда учрайди. Порахўр жамиятимиз учун типик эмас. Умуман ҳажвияларнингиздаги мақсадни тушуниб олиш қийин.

— Гоголь «Ревизор»ни нима мақсадда ёзган?!— дедим жаҳл билан.

— О, у Гоголь. У давр бошқа,— деди кампирдаҳан йигит.

Редактор энди гапларимга астойдил қизиқиб қолди.

...— Ҳа, мен бир найранг ўйлаб топдим. Ҳамма ҳажвияларимни энг охириги сорт қоғозга араб ёзувида кўчирдим. Варақларнинг қадимийлиги билиниб турсин деб шам алангасига тутиб сарғайтириб чиқдим, бир-икки сув пуркаб, тупроққа белаб ҳам кўйдим. Асарлардаги персонажларни бироз ўзгартиришга тўғри келди. Магазинчини дўкондор, чайқовчини савдогар, арақхўрни майхўр деб ёздим, порахўр ўша пайтда ҳам бор экан, порахўрлигича қолди. Шаллақи хотин Маяхонни Мاستон деб кўяқолдим. Бир ҳажвиямда «Машинанинг орқа фарасини уриб олди» деган жумла бор эди, уни «Араванинг гупчагини уриб олди» деб ўзгартирдим. Тўпламни «Мажмуаи ҳажвиёт» деб атагач, муқовалашга киришдим. Уйдаги кичкинтойнинг сарғайиб кетган тагликларини қийқим-қийқим қилиб, чатиштириб ямадим, бобомдан қолган эски китобнинг муқовасидан юпқа кесиб олиб, устидан ёпиштирдим. Энди имзо масаласи турарди. Мана, менинг паспортимда исми-шарифим Ғайрат Азизович Муҳамедов. Уни Мулла Ғайрат бинни Азиз ибн Муҳаммадга айлантириб, уйимиз соҳил бўйида жойлашгани учун Соҳилий деб имзо чекдим. Албатта, «Ҳижрий 742 нчи йил, моҳи муҳаррам» дейишни унутмадим. Аҳолини янги, замонавий кварталга кўчириш муносабати билан биздан сал нарироқдаги эски маҳалла бузилаётган эди. Одамлар: «Қадимда бу ер у бўлган, мана бу ер бу бўлган» деб кўярди. Менда китобни ана шу ерга кўмиш керак, деган фикр туғилди. Кечаси бориб, чуқур қавлаб ўз китобимни ўзим кўмдим. Қачонлардир унинг тирилиб кетишига ишонардим. Эртасига адабиёт музейида ишлайдиган оғайнимга бундай дедим: «Ҳозир бузилаётган эски маҳалланинг ўрнида қадимда бир кутубхона бўлган экан, дадам раҳматлик айтгандилар. Экскаваторчиларга айтиб қўйиш керак, эҳтиёт бўлишсин. Мабодо китоб чиқиб қолса адабиётимиз тарихи бойирди». Мана, менинг режам ўйлаганимдан ҳам зиёда бўлиб чиқди.

— Да-а, қизиқ,— деди редактор иягини ишқалаб.— Барибир гапингизга ҳеч ким ишонмайди. Далил йўқ.

— Далил бор.

— Хўш, қани?

— Ўша тўплам муқовасини чатиштириб тикаётиб орасига кичкина этикетка солиб кўйганман.

— Қанақа этикетка?

— «Ўзбеквино. Чашма. Висший сорт», деган. XIV асрда Ўзбекистонда вино ишлаб чиқадиغان завод бўлмаган. Гапим шу, текшириб кўринглар, хайр...

Янги келган адабий журнални варақлаб ўтириб кичкина «Тузатиш»га кўзим тушиб қолди. Унда бундай дейилган эди: «Журналимизнинг ўтган сониде босилган «Ноб топилма» хабарининг 3-абзацидаги «XIV асрнинг классик ҳажвчиси» деган жумла «XX асрнинг классик ҳажвчиси» деб тузатиб ўқилсин».

Хўш, кейин-чи? Ишқилиб, китобингиз чиқадиغان бўлдими, дерсиз. Билмадим. Ҳозир яна нашриётга қатнаб юрибман. Менинг тақдирим ўша кампирдаҳан йигитнинг ҳимматига боғлиқ бўлиб қолди. Қизиқ, у журналдаги ахборотни ўқиганмикан? «XX асрнинг классик ҳажвчиси» деган сўзларга кўзи тушиб, зора эриб кетса...

Наманган.



«Муаммо».



«Уришиб қолинди».

У. АҲМЕДОВА фотоэтнодлари.

## АВТОРЛАРИМИЗ

Ашуралӣ ЖУРАЕВ. 1956 йили Бухоро (ҳозирги Навоий) областининг Навоий районидаги Жалойир қишлоғида туғилган. 1978 йили Тошкент Давлат маданият институтини битирган. Бир неча йиллар Тошкент технология билим юртида ўқитувчи бўлиб ишлаган. Ҳозир «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси редакциясида хизмат қилади.

Тўра МИРЗО. 1956 йили Наманган область, Чортоқ районида туғилган. А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини 1979 йилда тамомлаган. Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг репертуар-редакция қоллегиясининг аъзоси. «Майсалар ҳайқирғи» номли илк шеърӣ тўплами нашрга тайёрланмоқда.

Сухроб МУҲАМЕДОВ. 1939 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтгач, Тошкентдаги республика рус тили ва адабиёти педагогика институтини сиртдан тамомлаган. Қисса ва ҳикоялари («Гулистоним менинг», «Илтимос, танаффус эълон қилинг») матбуотда эълон қилинган. «Р. Рисқиев: осмондан чемпион бўлиб тушмайдилар» [1977], «Тепаликка элтувчи таниш сўқмоқ» [1983] китобларининг муаллифи. Рус тилида ижод қилади. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзиде ишлайди.

Учқун НАЗАРОВ. Ёзувчи ва кинорежиссёр. А. Н. Островский номидаги театр ва рассомлик санъати институтини ҳамда Москвадаги Олий кинематография курсини тамомлаган. «Одамлар», «Ғурур», «Гирдоб», «Фидо» каби қисса ва ҳикоялар тўпламларининг муаллифи. Ҳамза номидаги Республика давлат мукофотининг лауреати. «Ўзбекфильм» киностудиясида ишлайди.

Рауф ПАРФИ. 1940 йили Фар-

ғона областиде туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетиде ўқиган. «Карвон йўли», «Акс садо», «Тасвир», «Хотирот», «Кўзлар», «Қайтиш» каби шеърӣ тўпламлар муаллифи. Нозим Ҳикматнинг «Инсон манзаралари» эпопеяси ҳамда Жорж Байроннинг «Манфред» трагедиясининг таржумони. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

Ойдин ҲОЖИЕВА. Бухоро (Ҳозирги Навоий) областининг Қизилтепа районидеги Бўстон қишлоғиде туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини 1965 йили тугатган. «Орзу гули», «Шабнам», «Наво», «Тароват» ҳамда «Мушфиқ онажон» каби шеърӣ тўпламлари чоп этилган. Ўзбекистон Лении комсомоли мукофотининг лауреати. «Саодат» журналии редакциясида ишлайди.

Рафиқ ТУРСУНОВ. 1935 йили Тошкентде туғилган. 1961 йили ТошДУнинг журналистика факультетини тамомлаган. Узоқ вақт «Хоразм ҳақиқати» газетасиде ишлаган. Ҳозир «Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясида бўлим мудири бўлиб хизмат қилади.

Али Назар ЭГАМНАЗАРОВ. 1941 йилда Тошкент областининг Калинин райониде туғилган. 1964 йилда ТошДУнинг филология факультети журналистика бўлимини тамомлаган. «Устозга таъзим» [1980 йил] очерклар китобининг муаллифи. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими. «Тошкент оқшоми» газетасиде бўлим мудири бўлиб ишлайди.

Матлуба ҲАМРОЕВА. 1961 йили Бухоро область, Ғиждувон районидеги Саидкент қишлоғиде туғилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетиде ўқийди. Шеърлари республика вақтли матбуотиде эълон қилинган.

«Ешлик» («Молодость») — ежемесячный литературно-художественный и общественно-политический журнал

На узбекском языке

Орган Союза писателей  
Узбекской ССР

Рассом: Ҳ. СОЛИХОВ  
Техник редактор: В. УРУСОВА  
Корректор: У. ҲОШИМОВ

Адресимиз: 700000. Тошкент — П.  
Лении кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Вош редактор ўринбосари — 32-54-73.  
Масъул секретарь — 32-56-27  
Проза бўлими — 32-57-34  
Шеърӣят, адабий танқид ва санъат бўлими — 32-56-41  
Ижтимоий-сиёсий бўлим — 32-54-73  
Редакция ҳажми 12 босма листдан ортик роман ва 8 босма листдан зиёд қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди. Вир босма листгача бўлган асарлар авторларига қайтарилмайди. Редакция ўз тавсия сига кўра амалга оширилган таржима асарлар қўлёзмаларинигина қабул қилади.  
Журналдан кўчириб босилганда «Ешлик»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

Босмахолага туширилди 22.04.83 й.  
Босишга рухсат берилди 25.05.83 й.  
Офсет босма усулида чоп этилди.  
Р—07221. Қоғоз формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>  
Қоғоз ҳажми — 5,25. лист.  
Шартли босма листи — 8,82.  
Нашриёт ҳисоб листи — 12,3.

Тиражи 88783 нуска.  
Бузуртма № 668. Ваҳоси 50 тийин.  
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент, 700029, «Правда Востока» кўчаси, 26.

© «Ешлик» № 6, 1983.  
© «Еш гвардия» нашриёти.

## АВТОРЛАРИМИЗ